ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ОЛИЙ ТАЪЛИМ, ФАН ВА ИННОВАЦИЯЛАР ВАЗИРЛИГИ

САМАРҚАНД ИҚТИСОДИЁТ ВА СЕРВИС ИНСТИТУТИ

Ж.Р. Зайналов, Н.А. Ибрагимов, З.О. Ахроров

КОРХОНАЛАР МОЛИЯСИ

Ўқув қўлланма

Самарқанд 2023

УЎК 005.915:336(075.8)
З – 22
КБК 65.26-93я73

Зайналов Ж.Р., Ибрагимов Н.А., Ахроров З.О. ***Корхоналар молияси****. Ўқув қўлланма / Самарқанд иқтисодиёт ва сервис институти – Самарқанд.: "STEP-SEL" МЧЖ. Нашриёт-матбаа бўлими, 2023 - 268 бет.*

Мазкур ўқув қўлланмада молия тизимининг шаклланишида корхоналар молиясининг тутган ўрни, корхоналарнинг молия-кредит ташкилотлари билан муносабатлари, корхона фойдасини шакллантириш ва тақсимлаш тартиби, корхоналарда маҳсулот ишлаб чиқариш ва сотиш ҳаражатлари ва пул тушумини режалаштириш, корхоналарда ўз капитали ва баҳони шакллантириш хусусиятлари, корхоналарда молиявий режалаштиришнинг моҳияти келтирилган. Ўқув қўлланмада корхоналар молиявий муносабатларининг назарий асослари ёритилган бўлиб, у 60410400 – "Молия ва молиявий технологиялар" бакалавриат таълим йўналиши талабаларига "Корхоналар молияси" фанидан дарслик сифатида тавсия этилади.

Тақризчилар:

Абдуллаев З.А. – Ўзбекистон Республикаси Жамоат хавфсизлиги университети "Иқтисодий фанлар" кафедраси профессори, иқтисодиёт фанлари доктори (DSc).

Қиёсов Ш.У. – Тошкент молия институти "Солиқлар ва солиққа тортиш" кафедраси профессори в.б., иқтисодиёт фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD).

Ўқув қўлланма СамИСИ Кенгашининг 2023 йил 28 апрелдаги 9 - сон мажлисида муҳокама қилинган, чоп этишга ва ўқув жараёнида фойдаланишга тавсия этган.

ISBN: 978-9943-9457-7-7

© Ж. Зайналов, Н. Ибрагимов, З. Ахроров, 2023 й.
© "STEP-SEL" МЧЖ. Нашриёт-матбаа бўлими, 2023 й.

КИРИШ

Корхоналар иқтисодиётнинг муҳим бўғини бўлиб, уларсиз ишлаб чиқариш, аҳоли бандлиги ҳамда бошқа молиявий муносабатларни тасаввур этиш қийиндир. Янги инновацион маҳсулотлар ишлаб чиқариш ва хизматларни кўрсатиш масалаларида корхоналарнинг роли каттадир.

Ўзбекистон Республикаси мустақиллигининг дастлабки кунларидан мамлакатимизда самарали корхоналар фаолияти ва унинг молиявий муносабатларини ривожлантиришга муҳим аҳамият қаратилмоқда.

Бу ўз навбатида Ўзбекистон Республикаси иқтисодиётида рўй бераётган туб ўзгаришлар, молиявий-иқтисодий назария, бюджет-солиқ муносабатларини мамлакатимиз иқтисодиётини ривожлантиришнинг Тараққиёт стратегияси дастури асосида қайта кўриб чиқишни талаб этмоқда.

Чунки Ўзбекистон Республикасида иқтисодиётнинг эркинлашуви ва ислоҳотларнинг чуқурлашуви жараёни молия, бюджет, солиқ, суғурта муносабатларини корхоналар иқтисодий тараққиёти билан ўзаро боғлиқликда такомиллаштириб боришни тақозо қилади. Корхоналардаги молиявий муносабатлар иқтисодий ислоҳотларнинг муҳим йўналиши сифатида иқтисодиётни тартибга солиш ҳамда унинг барқарорлигини таъминлаш жараёнида ҳар қачонгидан ҳам муҳимроқ бўлиб бормоқда.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг “2022-2026 йилларга мўлжалланган янги Ўзбекистоннинг Тараққиёт стратегияси тўғрисида”ги Фармонида келтирилган 29-мақсадда иқтисодиётни ривожлантириш ва либераллаштиришнинг устувор йўналишлари сифатида Тадбиркорлик фаолиятини ташкил қилиш ва доимий даромад манбаларини шакллантириш учун шароитлар яратиш, хусусий секторнинг Ялпи ички маҳсулотдаги улушини 80 фоизга ва экспортдаги улушини 60 фоизга етказишга қаратилган институционал ва таркибий ислоҳотларни давом эттириш мақсадида қуйидагиларни амалга ошириш мақсад қилиб қўйилди:

- ҳар йили Ўзбекистон Республикаси Президентининг тадбиркорлар билан «Очиқ мулоқоти»ни ўтказиш;

- ҳудудларда 200 та янги саноат зоналарини ташкил этиш ва бизнес-инкубаторлар тизимини ривожлантириш. Шароити оғир

бўлган туманларда тадбиркорликни ривожлантириш учун янада қулай шарт-шароитлар яратиш;

- илғор хорижий тажриба асосида факторинг амалиётини ривожлантириш;

- 2026 йилга бориб тадбиркорлик субъектларига солиқ юкламасини ялпи ички маҳсулотнинг 27,5 фоизидан 25 фоизи даражасига камайтириш;

- ҳудудларда тадбиркорликни қўллаб-қувватлаш, ишсизлик ва камбағалликни қисқартириш бўйича мавжуд тузилмалар фаолиятини такомиллаштириш;

- тадбиркорлик субъектлари ўз фаолиятини бошлаши учун зарур маълумотларни эркин фойдаланишга чиқариш, қурилиш фаолиятида қурилиш нуқсонлари ёки муаммоларининг олдини олиш;

- иқтисодиётда давлат иштирокини қисқартириш ва хусусий секторга кенг йўл очиш, иқтисодий муносабатларда эркин бозор тамойилларини жорий этишни кенгайтириш[1].

Маълумки ҳозирги шароитда молиявий муносабатларни ривожлантириш барча молиявий тизимларни барқарор ривожланиши билан боғлиқ бўлиб, иқтисодий ривожланишнинг Тараққиёт стратегиясининг амалга оширилишининг ўзига хос босқичли йўллари танланади. Натижада Ўзбекистон Республикасида замонавий барқарор ривожланувчи корхоналарга оид туб иқтисодий ислоҳотларнинг самарали олиб борилиши давлатнинг молия, бюджет, солиқ, кредит сиёсатларини тубдан қайта қуриш, такрор ишлаб чиқариш жараёнида корхона молиявий муносабатларини ўзгариши, молия, бюджет, солиқ, кредит ва инвестиция сиёсатларини яхлит олиб борилишини таъминловчи аниқ мезон ва омилларнинг тизимлашган услубиётини ишлаб чиқишни тақозо этмоқда.

Ҳозирги шароитда Ўзбекистон Республикаси ҳукумати томонидан турли мулк шаклидаги корхоналарни молиявий барқарорлигини таъминлашда молиявий муносабатларини ўзаро боғлиқликда ўсишини таъминлаш шу орқали уларга турли енгилликларни тақдим этиш назарда тутилган. Бу эса корхоналарни молиявий сиёсати соҳасидаги қарорларини самарали бўлишини, корхона даромад (фойда)ларини ва харажатларини

[1] Ўзбекистон Республикаси Президентининг “2022-2026 йилларга мўлжалланган янги Ўзбекистоннинг Тараққиёт стратегияси тўғрисида”ги 2022 йил 28 январдаги ПФ-60-сонли Фармони. www.lex.uz – Ўзбекистон Қонунчилик портали маълумотлари

тахминлаштириш (режалаштириш)да илмий асосланган ва таҳлил этилган иқтисодиётнинг турли соҳаларини барқарор ривожлантиришга қаратилган меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатларни аниқ мезонлар асосида ишлаб чиқиш ва амалиётга тадбиқ этиш долзарб вазифалар қаторига киритилади.

Шунингдек, корхона молиясини стратегик ўсишини тахминлаштиришда молиявий муносабатларни ва функцияларини мувофиқлигини таъминлаш борасидаги мавжуд муаммоларни бартараф этиш барқарор корхона молиявий сиёсатни амалга ошириш учун хизмат қилади.

Мазкур дарслик “Молия”, “Корпоратив молия”, “Молиявий менежмент”, “Халқаро молия”, “Молиявий назорат”, “Антиинқирозий молиявий бошқарув”, “Корпоратив бошқарув”, “Молия стратегияси” ва бошқа фанлар билан узвий боғлиқ.

Муаллифлар мазкур ўқув қўлланмани тайёрлашда Ўзбекистон амалиётидан келиб чиқиб, ушбу соҳада мавжуд адабиётлардан, матбуотда эълон қилинган мақолалардан фойдаланган ҳолда, уларни тизимлаштиришга ҳаракат қилдилар. Ўқув қўлланманинг ҳар бир боби сўнгида талабанинг билимини мустаҳкамлаш ҳамда мустақил фикрлаш қобилиятини ривожлантириш мақсадида ўзини-ўзи текшириш учун саволлар тузилган.

Шу муносабат билан “Молия ва молиявий технологиялар” таълим йўналиши талабалари учун фанни чуқур ўрганишлари учун мазкур ўқув қўлланма яратишга киришилди. Ўқув қўлланма корхоналар молиявий муносабатларини чуқур ўргатишни ўз олдига мақсад қилиб, унда молия тизимининг шаклланишида корхоналар молиясининг тутган ўрни, иқтисодиётнинг эркинлашуви шароитида корхоналар молиясини ташкил этиш асослари, корхоналарнинг молия-кредит ташкилотлари билан муносабатлари, корхона фойдасини шакллантириш ва тақсимлаш тартиби, корхоналарни солиққа тортиш ва инвестициявий фаолиятини ташкил этиш йўллари, баҳони шакллантириш хусусиятлари, корхона ўз капиталини шакллантириш сиёсатининг асосий вазифалари, корхоналарда молиявий режалаштиришнинг моҳияти келтирилди.

I БОБ. КОРХОНАЛАР ВА ТАШКИЛОТЛАР МОЛИЯСИНИ ДАВЛАТ ТОМОНИДАН ТАРТИБГА СОЛИШ

1.1. Молия тизимининг шаклланишида корхоналар молиясининг моҳияти ва аҳамияти

1.2. Корхоналар молиясининг давлат томонидан тартибга солишнинг мақсади ва вазифалари

1.3. Пул-кредит, солиқ ва валюта ҳамда антимонопол тартибга солиш орқали корхоналар молиясига таъсир кўрсатиш

1.1. Молия тизимининг шаклланишида корхоналар молиясининг моҳияти ва аҳамияти

Республикамизда мустақилликнинг дастлабки йиллариданоқ ҳозирги кунга қадар ва истиқболда корхоналарда иқтисодий ўсишни таъминлаш мақсадида оптимал молиявий муносабатларни шакллантириш ва шу орқали корхоналар молиясини молия тизими таркибидаги мавқеини ошириш мақсадида улар молиявий ресурсларини ташкил этиш ва тақсимлаш, ўз маблағларини инвестицияларга жалб этиш, молиявий хизматлар кўрсатиш орқали иқтисодий инфратузилмаларни ва молиявий институтларни ривожлантириш билан боғлиқ айрим муаммоларни ҳал қилишга эришилди. Аммо, ҳозирги пайтда ҳам иқтисодий тараққиётга эришиш, энг аввало, молиявий ресурсларни ташкил этиш ва тақсимлаш орқали корхона молиявий фаолиятини фаоллаштириш ва ишлаб чиқаришни (хизмат кўрсатишни) ривожлантиришни рағбатлантириш мақсадида самарали фойдаланишни, яъни ноклассик назарияси қоидаларини республикамизда фаолият кўрсатаётган турли мулк шаклидаги корхоналар шароитида мос ҳолда қўлланилишини тақозо этмоқда. Товар ишлаб чиқаришга ва истеъмолчиларга нисбатан молиявий муносабатларни мослаштириш, ишлаб чиқаришнинг ўсишини, товарлар реализациясини кенгайтиришнинг омили бўлиб ҳисобланади. Барқарор ва юқори даражада ишлаб чиқаришни ўсиши таъминланса, юқори истеъмол мавжуд бўлганда эса пулни нафақат жамғариш кўпаяди, балки уни турли соҳаларга жалб этиш орқали корхоналар фаоллигини оширишга эришиш ва шу орқали уларни турли молиявий институтлар билан узвий алоқасини мустаҳкамлашга

эришиш мумкин бўлади. Бундай шароитда юзага келадиган молиявий муносабатлар кутилган самарани бериши мумкин бўлади.

Шунингдек, корхона фаоллигининг ошишиш молиявий ресурслар бозорини кенгайтириш орқали иқтисодиётнинг ривожланишига таъсир кўрсатади. Демак, республикамизда ижтимоий-иқтисодий ривожланишнинг муҳим омили молия тизимидаги субъектлар бўлиб ҳисобланишини ҳисобга олиб, молия тизимини самарали бошқаришга эришиш, аввалambор, пухта ишлаб чиқилган ижтимоий-иқтисодий ва унинг таркибий қисми бўлмиш молия сиёсатини юритиш ва оқилона молия маъмурчиликни турли молия бўғинларида ташкил этишга боғлиқ бўлади.

Республикамизда молия тизимининг бўғинлари молиявий муносабатларни ривожлантиришга асосланган ҳолда ривожланиб, уларнинг ҳар бири пул маблағлари жамғармаларнинг шаклланишида ва ундан фойдаланишда ўзига хос хусусиятларига эга бўлиб, бу хусусиятлар жамғармаларнинг жамиятдаги қайта ишлаб чиқаришда тутган ўрни ва ҳар хил ролига караб белгиланади ва бир бутун молия тизимида шаклланади. Шу боис ҳам муаллифлар фикрича, молия тизимини турли бўғинлар ўртасидаги молиявий муносабатлар йиғиндисини сифатида қараш лозим.

Бундан шундай хулоса чиқадики, ҳозирда иқтисодиётимиз эришаётган ютуқлар қаторида иқтисодий ривожланишнинг Ҳаракатлар стратегияси барқарор иқтисодий ўсиш, аҳоли турмуш фаровонлиги даражасининг муттасил ошиб бориши, ташқи савдо балансининг ижобий салдо билан бажарилиши, ҳеч муболағасиз, молия муносабатларини молия бўғинлари доирасида самарали юритиш ва бошқариш натижасидир.

Ўз ўрнида, ривожланишнинг Тараққиёт стратегияси доирасида амалга оширилаётган молия тизимида ислоҳотларни ўтказишда муҳим ҳисобланган вазифалардан бири мустаҳкам молия муносабатлар асосини шакллантириш ҳисобланади.

Молия тизимини оқилона ташкил этиш орқали молия муносабатларини босқичма-босқич кучайтириб бориш ва уларни оптимал бошқариш тизимини яратиш ҳукуматимиз олдида турган асосий вазифалардан биридир.

Молия тизимида молиявий муносабатларни тўғри шакллантириш жараёнида давлат томонидан молия функцияларини сифатли даражада бажариш, шунингдек, иқтисодий ўсиш

суръатларини таъминловчи асосий омил оқилона молия муносабатларини ташкил этиш ва бошқариш талаб қилинади.

Шу нуқтаи-назардан молия тизими қуйидаги замонавий молиявий муносабатлар шаклларини ўз ичига олади:

- умумдавлат молияси (давлат бюджети: бюджетдан ташқари жамғармалар: давлат кредити ва суғурта жамғармалари:);

- турли мулкчилик шаклларидаги корхоналар акциядорлик жамиятлари молияси, фирма молияси, кичик ва хусусий корхоналар, масъулияти чекланган жамиятлари молияси.

Корхонанинг молиявий фаолияти иқтисодий фаолиятнинг энг муҳим шаклларидан бири ҳисобланади. Иқтисодиётнинг ривожланиш имкониятлари, молиявий ресурсларнинг барқарор ўсиши кўп жиҳатдан мамлакатдаги корхоналарнинг молиявий ҳолати билан белгиланади. Корхоналарнинг молиявий фаолиятини самарали юритиш эса корхона молиявий сиёсати орқали амалга оширилади ва бошқарилади. Корхона молия сиёсати, молиявий салоҳиятни шакллантириш ва ундан фойдаланишга йўналтирилган бўлиб, у молиявий муносабатларнинг натижаси ҳисобланади ва ягона молия сиёсатига асосланади.

Ҳар қандай мамлакатда бўлгани сингари Ўзбекистонда ҳам иқтисодий ўсишга самарали молия сиёсатисиз эришиш имконсиз.

Ҳозирги шароитда микро ва макро иқтисодий барқарорликка эришиш, иқтисодий ва институционал ислоҳотларни чуқурлаштириш ва иқтисодиётни модернизациялаш, молиявий барқарорликни таъминлаш рақобатбардошликка эришиш билан боғлиқ вазифаларнинг ҳеч бирини корхона молиявий муносабатларини кучайтирмасдан тасаввур этиб бўлмайди.

Ана шуни эътиборга олган ҳолда айтиш мумкинки, корхоналар молияси - бу мустақил иқтисодий категория бўлиб, у корхонанинг пул даромадларини шакллантириш ва фойдаланиш билан боғлиқ бўлган пул муносабатлар йиғиндиси сифатида амал қилади. Молия муносабатларини ўзига хослиги шундаки, у доим пул ҳаракатлари шаклида бўлади, тақсимот характерига эга ва моддий ишлаб чиқариш соҳаси қатнашчиларининг турли даромад ва жамғармаларнинг шаклланиши ва ишлатилишини акс эттиради. Корхона молияси давлатнинг ягона молия тизимининг муҳим таркибий қисми бўлиб, иқтисодий-ижтимоий соҳаларнинг турли тармоқларидаги корхоналарда (ташкилотларда) даромадларнинг шаклланишида, тақсимланиши ва ишлатилиши жараёнини акс

эттиради. Корхоналар молияси миллий даромад ва миллий бойлик яратиладиган моддий ишлаб чиқариш соҳасига хизмат кўрсатади. Шу билан бирга корхона молиясига хос пул муносабатларини 5 гуруҳга бўлиш мумкин.

- корхона ичида юзага келадиган молиявий муносабатлар;
- корхона ва бошқа корхоналар ва ташкилотлар билан муносабатлари;
- корхонанинг юқори, яъни ўз бўйсунувчи ташкилот билан муносабати ёки ички молия-саноат гуруҳлари, шунингдек, холдинг компаниялари билан муносабатлари;
- корхонанинг банк тизимлари билан муносабатлари;
- корхонанинг бюджет тизимлари билан муносабатлари.

Муносабатларнинг турли-туман характерга эгалиги ва ўта муҳимлиги уларнинг ечилишини талаб қилиб, улар доирасида юзага келиши мумкин бўлган муаммоларни долзарблигини белгилаб беради.

Шуни алоҳида қайд этиш лозимки, корхонанинг пул фондлари асосан унинг баласини актив ва пассивида ўз аксини топади.

Актив – корхонанинг мол-мулкини ўзида акс эттирса, унда пассивдан мол-мулкни ўзида акс эттирувчи пул манбаларини ташкил этиш манбалари акс эттиради.


Корхона мол-мулки икки қисмдан иборат бўлади:

- айланмадан ташқари активлар – бу номоддий активлар, асосий фондлар, тугалланмаган қурилишлар, узоқ муддатга жалб этилган молиявий маблағлар;

- айланма активлар – бу заҳиралар, дебитор қарздорликлар, қисқа муддатга жалб этилган молиявий маблағлар, пул маблағлари, корхона мол-мулки ташкил этиладиган пулб маблағлари – хусусий маблағлар (ИИИ бўлим), шунингдек қарз ва жалб этиладиган (ИВ ва В бўлим) кўринишида бўлади. Шу ўринда айтиш жоизки, қарз маблағлари узоқ муддатли (ИВ бўлим) ва қисқа муддатли (В бўлим) бўлади.

Айланмадан ташқари активларни ташкил этиш манбалари хусусий маблағлар ва узоқ муддатли мажбуриятлардан ташкил топса, унда айланма активлар – хусусий маблағлар ва қисқа муддатли мажбуриятлардан ташкил топади (1.1-чизма).

Перманентли капитал – бу доимий ва узоқ муддатли капитал бўлиб, унинг таркибига хусусий маблағлар ва узоқ муддатли мажбуриятлар киритилади.



1.1-чизма. **Корхонанинг актив ва пассив балансининг узвий боғлиқлиги**

Айтиш жоизки, корхона молиявий муносабатларини янада такомиллаштирилган кўринишлари айрим иқтисодчи олимлар томонидан кўрсатиб ўтилаётганлигига ҳам дуч келиш мумкин. Аммо уларнинг яхлит мазмунга эга бўлган фикрларида тарқоқлик, кетма-кетлик йўқлиги эътироф этилмоқда. Бундан шундай хулоса келиб чиқадики, иқтисодчи олимлар томонидан молиявий муносабатларни замон талабларидан келиб чиқиб, ягоналигини таъминлашга эришиш лозим. Акс ҳолда, янги молиявий муносабат, уни амал қилишини таъминлаш борасида ҳаракатлар самарасиз бўлган ҳолда катта молиявий харажатларни талаб этади.

Умуман олганда, корхоналар молияси - хўжалик юритувчи субъект ва давлат пул ресурслари фондини ташкил қилиш ва улардан такрор ишлаб чиқариш, рағбатлантириш ва жамиятнинг итимоий эҳтиёжларини кондириш мақсадларида фойдаланишдаги пул муносабатларининг йиғиндисидир.

Ушбу таърифни умумлаштириш орқали қисқа таъриф берадиган бўлсак, унда корхоналар молияси бу молиявий ресурсларни шакллантириш ва улардан фойдаланиш билан боғлиқ пулли муносабатлар йиғиндисидир.

Бозор иқтисодиёти шароитида корхоналар молиясини олдинги маъмурий характердаги бошқариш усулларидан (яъни лимитлар, марказлашган таъминот ва бошқалардан) фарқли равишда

корхоналарда самарали бошқаришнинг ўзига хос усуллари шаклландики, булар воситасида корхонанинг молиявий ресурс потенциали оптималлаштирилди. Улар фаолиятини рағбатлантириш механизмлари янада кучайтирилди. Бунда молиявий ресурсларни самарали бошқариш аҳамияти тезлик билан ўсди ва молиявий ресурслар биринчи даражали аҳамият касб этган ҳолда корхоналарни маълум вақт оралигида тезлик билан бошқа ресурсларга трасформацияланиш имкониятини кучайтирди.

Корхоналар молияси 2 асосий функцияни бажаради:

- корхонанинг ижтимоий такрор ишлаб чиқариш жараёнидаги олинган молиявий натижаларини тақсимлаш;
- молиявий натижаларини тақсимланиши натижасидаги пул фондларини шаклланиши ва тегишли молиявий ресурслардан самарали фойдаланишини назорат қилиш.

Иқтисодий адабиётларда ҳанузгача молиянинг функцияларини 3,4 ёки 5 гуруҳга бўлиш орқали унинг мазмун-моҳиятини ёритишга нисбатан уринишлар мавжуд. Бундай ҳолатни ижобий деб бўлмайди. Чунки у молиявий натижавийликка эришишда ижобий рол ўйнамайди.

Корхоналарни молиявий бошқарув тизими: пул ресурсларининг вақтли қиймати, пул окимлари, тадбиркорлик ва молиявий хатарлар, капиталлар баҳоси, самарали бозор каби қатор концепцияларга асосланади. Молиявий муносабатлар корхоналардан тортиб умумдавлат миқёсигача бўлган босқичдаги пулнинг ҳаракати билан боғлиқ муносабатларни ўз ичига олиши сабабли умумдавлат, махаллий хокимият органлари ҳамда корхоналар молияси фарқланади.

Корхоналар молиявий ресурсларини шакллантириш ва фойдаланиш жараёнида молиявий институтлар билан молиявий муносабатларда бўлади. Уларнинг асосийлари бўлиб қўйидагилар ҳисобланади:

1. Ялпи даромадни шакллантириш ва фойдаланиш жараёнида, хўжалик субъектлари аро молиявий муносабатлар, яъни хом-ашё, ёкилғи, материаллар, бутловчи асбоб ускуналар тайёр маҳсулотни реализация қилиш, жарималар тўлаш ва молиявий жарима олиш ҳамда икки ёклама шартнома ва мажбуриятларни бажаришдаги жараёнлар.

2. Инвестицияга мўлжалланган корхона қимматли қоғозларини муомалага чиқариш ва жойлаштириш ҳамда қўшма корхоналар ташкил этишда ҳиссали маблағлар орқали иштирок этиш.

3. Корхоналар валюта фондини ташкил этишда ва фойдаланишда ташки иқтисодий алоқа компаниялари билан бўлган молиявий муносабатлар.

4. Молия тизими органлари билан корхоналар ўртасида бўладиган ижтимоий-иқтисодий муносабатлар. Жумладан: нобюджет жамғармаларга ажратмалар (пенсия жамғармаси, бандлик жамғармаси, йўл жамғармаси ва ҳ.к. ҳукуматимиз томонидан амалиётга киритилиши мумкин бўлган жамғармалар), республика ва махаллий бюджетларга солиқлар тўлаш, корхона агар давлатга тегишли булса бюджетдан дотация олиш.

5. Тижорат банкларидан қисқа ва узоқ муддатли кредитлар олиш, ссудаларни қайтариш, кредит учун фоизлар тўлаш билан боғлиқ бўлган молиявий муносабатлар.

Бозор иқтисодиёти шароитида корхоналар молиясининг салмоги янада кенгаяди. Бу ҳолат корхоналар молиявий режаларини мустақил ишлаб чиқарувчи субъект бўлганлиги билан боғликдир.

Бозор иқтисодиёти шароитида корхоналар молиясини объектив бўлишига таъсир этган омиллар мавжуд бўлиб, улар таркиби ранг-барангдир. Булардан асосийлари:

- товар пул муносабатларининг мавжудлиги;
- хўжалик субъектларининг турли хил мулк шаклларида фаолият кўрсатиши;
- иқтисодий рағбатлантириш ва кенгайтирилган ишлаб чиқариш молиявий таъминлаш мақсадида пул даромадлари ҳамда жамғармаларини шакллантириш ва бошқалар бўлиб ҳисобланади.

Корхоналар молиясининг ташкилий тамойиллари қуйидагилардан иборат:

- молиявий-хўжалик фаолияти сохасида мустақиллик;
- ўз-ўзини молиялаштириш;
- иш натижасидан манфаатдорлик;
- молиявий ресурсларни ташкил этиш;
- воситаларни ўзиники ва бошқаларникига ажратиш;
- бюджет ва давлат нобюджет жамғармалари олдида ўз мажбуриятларини биринчи навбатда бажариш;
- корхона фаолияти устидан молиявий назоратни ўрнатиш бўлиб ҳисобланади.

Корхоналар молиясини бошқариш корхонанинг молиявий фаолиятини бошқариш сифатида сотишдан тушган тушум ва унинг таксимот объектлари молиявий бошқаришнинг асосий объекти ҳисобланади.

Молиявий бошқарувни маълум бир услуб ва тамойилларга хамда рагбатлантириш хамда санкцияларга таяниб махсус аппарат амалга оширади. У ёки бу йуналишдаги вазифаларни бажаришда турли хил йуналишдаги ечимларга дуч келиш мумкин бўлади. Аммо уларни самарали ечишнинг узига хос булган муаммоларини бор имкониятлардан тез ва самарали фойдаланиш ёхуд, янги давр талабига мос булган услубларни жорий этиш орқали кўзланган максадга эришиш мумкин бўлади.

Хар кандай бошқарув тизимига хос булгани каби, молияни бошқаришда хам объектлар ва субъектлар мавжуд бўлади.

Молияни бошқариш объекти – давлат бюджети, пенсия фонди, субъектларнинг ихтиёридаги марказлашмаган фондлар ва суғурта муносабатлари бўлиб ҳисобланади. Субъект деганда молиявий муносабатларнинг туркумланишидан келиб чикиб, молиявий бошқарув объектларини молияни бошқарув субъектлари мос келиши тушунилади, яъни молия органлари ва солиқ хизматчилари, молия хизмат (бўлим)лари ва суғурта органлари. Улар молиявий объектларни бошқаришда етакчи субъектлар бўлиб ҳисобланадилар. Бу ерда жисмоний ва юридик шахслар, давлат, тадбиркорлик субъектлари ва ҳ.к. Уларнинг қайси соҳада, қаерда ва қандай шаклда фаолият кўрсатишидан қатъий назар, биргина “субъектлар” сўзида мужассамланган.

1.2. Корхоналар молиясининг давлат томонидан тартибга солишнинг мақсади ва вазифалари

Корхоналарни ривожланиши ва уларни барқарор корхона сифатида шаклланиши мураккаб ва кўп қиррали жараён ҳисобланади. Бунга корхонанинг кучли моддий-техника базасини ёритиш билан бир қаторда, илмий-амалий аҳамиятга эга бўлган ва корхона молиявий муносабатларини самарали ҳаракатга келтирувчи механизмларни тўғри бошқариш ҳам киради. Ушбу мақсадга корхона молиявий механизмларини ислоҳ қилмасдан, уни корхона молиявий барқарорлигини юзага чиқаришга йўналтирмасдан, ижтимоий эҳтиёжларни қондирмасдан, корхона мўлжалланган

молиявий маблағлардан самарали фойдаланмасдан туриб эришиб бўлмайди. Шунингдек, мамлакатимиз иқтисодий ҳаётининг таркибий қисми ҳисобланган корхона молия тизимини модернизациялаш жараёни ушбу соҳага йўналтирилган молиявий ресурслардан янада самаралироқ фойдаланишни тақозо этади.

Бу борада корхоналарнинг молиявий ресурсларини ташкил этиш ва фойдаланиш механизмларини ислоҳ қилиш, замон талабларига мос келадиган тартибда бошқаришни йўлга қўйиш молиявий механизмларни бошқаришнинг бош вазифаси бўлиши лозим. Айнан ушбу ёндошув корхона учун мўлжалланган молиявий маблағларни ташкил этиш ва сарфланишига алоҳида муносабат қаратишини талаб этади.


Корхона молиявий механизми кенг тушунча бўлиб, у нафақат молиявий бошқарувни, балки корхона молиявий фаолиятини режалаштириш ва рағбатлантиришни талаб этади. Уларни инобатга олган ҳолда, корхона молиявий механизми тушунчасини қуйидагича эътироф этиш мумкин: “Корхонада молиявий механизм – бу бошқарувчи тизим ва корхона хўжалик фаолиятини оператив режалаштириш ва рағбатлантириш элементлари йиғиндисидир”. Корхона молиявий механизми – бу муайян аниқ харажатни амалга ошириш мақсадида молиявий маблағларни ҳаракатга келтириш билан боғлиқ молиявий муносабатни самарали бошқаришдир.

Фикримизча, бошқарув ўз таркибига қуйидаги бўлимларини: техника, тижорат, ишлаб чиқариш, молия, бухгалтерия ҳисоби ва бошқаларни олиши мумкин. Шундай қилиб, корхонанинг хўжалик фаолияти қуйидаги ишлаб чиқариш бўлимлари элементларидан иборат бўлади (1.1-чизма).

Шу нуқтаи-назардан корхонанинг молиявий механизми – бу корхонани молиявий муносабатларини бошқаришни молиявий ричаг ва усуллар орқали ташкил этишдир.

Молия механизмини ричаг ва усулларига қуйидагилар киради:

- молиявий бошқариш объекти сифатидаги молиявий муносабат;
- молиявий ричаглар (фойда, даромад, молиявий жазолар, баҳо ва бошқ.);
- молиявий усуллар (молиявий ҳисоб, молиявий таҳлил, молиявий режалаштириш, молиявий назорат);
- молиявий бошқаришни қонуний асослари ва ахборот-услубий манбалари.



1.2-чизма. **Корхонанинг хўжалик фаолиятидаги ишлаб чиқариш элементлари**

Агарда молиявий муносабатлар инвестициялаштириш, кредитлаштириш, солиққа тортиш, молиявий ричаглар тизими, суғурталаш ва бошқалар орқали субъектлар ўртасидаги молиявий муносабатларни акс эттирса, унда молиявий ричагларга корхонанинг хўжалик фаолиятига таъсир ўтказувчи фойда, даромад, молиявий жазолар, баҳо, дивидендлар, иш хақи, солиқлар ва бошқалар киради.

Молиявий кўрсаткичлар тизимини бошқаришда молиявий усуллардан фойдаланиш муҳим аҳамият касб этади. Шу боис молиявий усуллар молиявий ҳисоб, молиявий таҳлил, молиявий режалаштириш, молиявий назоратдан кенг фойдаланишда ўз ифодасини топади. Ушбуларга асосланган ҳолда молиявий муносабатларнинг ички ва ташқи алоқаларга таъсирини таҳлил этиш бош мезон қилиб олинган.

Айни дамда ҳар бир корхонанинг хўжалик фаолиятидаги асосий мақсад маҳсулот ишлаб чиқариш (хизматлар кўрсатиш) натижасида фойда олишдан иборатдир.

Корхонанинг хўжалик фаолияти эса уч боскичдан иборатдир, яъни таъминот, ишлаб чиқариш ва сотиш босқичларидан.

Қолаверса, бу жараёнларда бухгалтерия ҳисоби қуйидаги ахборот манбаларига эга бўлади: товар – материал, қийматликларни

йиғиш (заготовка); йиғилган товар-моддий қийматликларни омборларга тахлаш; сотиш учун товар (иш хизматлари) ишлаб чиқариш; тайёр маҳсулотни тахлаш, сақлаш, маҳсулотни сотиш. Шу сабабдан ҳар қандай корхонанинг ҳуқуқий асосини Конституция ташкил этади. Унда корхона молиясини бошқаришга тегишли жиҳатлар акс эттирилади, масалан:

- корхонанинг барча маблағлари махсус ҳисобварақка жамланиши ва уларни фақат қонунчилик доирасида фойдаланилиши;

- бошқарувнинг марказлашган ва марказлашмаган даражалари ўртасидаги молиявий муносабатлар;

- корхона молияси борасида ишчи ва бошқарувчи-тадбиркор ўртасида ваколатларнинг чегараланиши. Бунда корхона молиявий бошқарувини норматив тартибга солиш мақсадида алоҳида соҳаларга тегишли бўлган қонунларга амал қилиши ёки уларни эътиборга олишлари мумкин.

Шиддат билан ривожланиб бораётган корхона иқтисодий фаолиятидаги ислоҳотлари макроиқтисодий тартибга солиш ва бошқариш воситаси сифатида қабул қилинмоқда. Уларни бошқаришга тааллуқли қонунчилик ҳукуматга ялпи харажатлар даражасини, банкротликни келтириб чиқарувчи кўрсаткичлар ҳажмини ва корхона маблағларини, қарзларини назорат қилиш имкониятини беради, яъни макроиқтисодий сиёсатнинг асосий йўналишларини назорат қилиш қуйидагиларни қонуний бириктириш орқали амалга оширилади:

- тадбиркор ва ишчилар ўртасида молиявий бошқарув ваколатларини тақсимланиши;

- ички ва ташқи назоратни чекловчи ва корхона фаолиятини юритиш процедуралари ошкоралигини пасайтирувчи фаолиятини таъқиқлаш;

- қонунчиликдан макроиқтисодий назоратни таъминловчи восита сифатида фойдаланиш мақсадида, корхона камомадини, давлатга бўлган қарз ва уни бартараф этилишини таъминлаш.

Бозор иқтисодиёти шароитида ҳар қандай корхонада бошқариш қуйидагиларни ҳам ўз ичига олади: бошқариш учун ахборот манбаларини тўплаш, уни таҳлил қилиш ва молиявий қарор қабул қилиш, ўз навбатида, қарор кабул қилиш эса қуйидагиларни ўз ичига олади: прогнозлаш (башоратлаш), оператив бошқариш ва назорат (тафтиш ва аудит).

Ҳозирда корхона молиясисиз бирон-бир ишлаб чиқариш, хусусан, тижорат ғоясини амалга ошириб бўлмайди. Буни тараққий этган мамлакатларнинг тадбиркорлари тўғри қабул қилган ҳолда ўз ишларини ташкил этиб келмоқдалар.

Шу боис ҳам корхона молияси тадбиркорликнинг асосини ташкил этади, деб айтилса муболаға бўлмайди. У корхона раҳбарларининг ўз мақсадларига қандай эришишларини, қилинаётган харажатларнинг қанча вақт ичида қопланишини, ишнинг даромадлигини қай даражада бўлишини асослаб беради.

Иқтисодий илм соҳаси олдида турган асосий вазифалардан бири, иқтисодиётнинг эркинлашуви ва глобаллашуви шароитида корхоналар молиясини тўғри ташкил этиш, уларни шакллантириш ва бошқаришни такомиллаштириш иқтисодиётда қанчалик ижобий силжишларни таъминланаётганини тасаввур этиш, улардан тегишли хулосалар чиқариш молиявий муносабатларни ривожланишига тўсиқ бўлувчи омилларни аниқлаш ва уларни бартараф этиш йўлларини қидириш муҳим бўлмоқда. Фақат шундай имкониятларга эришиш орқали корхоналар бюджет даромадларини оширишга, янги иш ўринларини яратишга, иқтисодий ўсишни таъминлашга эришиш мумкин бўлади. Бу эса, ўз навбатида корхона молиясини ривожлантириш борасида чуқур илмий изланишларни олиб боришни ҳам вазифа этиб қўяди.

Кенг қамровли ислоҳотларни амалга ошириш вазифалари ичида корхона молиявий муносабатларини ўрганиш, унинг фаолиятидаги ижобий натижаларни амалий фаолиятга тадбиқ қилиш, корхонанинг молиявий муносабатларини такомиллаштириш, корхонада молиявий ахволни соғломлаштириш асосий муаммоларидан бири ҳисобланади. Бир пайтнинг ўзида корхоналарни ички молиявий имкониятларни излаб топиш, унинг активларини тўғри бошқариш, улардан самарали фойдаланиш, молиявий ресурсларни аниқ йўналишларга сафарбар этиш каби вазифалар ҳам назарда тутилади. Корхона молиясини чуқур ўрганиш натижасидан келиб чиккан ҳолда корхоналарда, тадбиркор шахслар молия (бизнес) режасини тузиш ва унинг бажарилишини таминлашни ўрганиш бўйича кўникмаларга эга бўлиш ҳам асосий вазифа сифатида куйилади, яъни жамоа мулки, давлат мулки ва хорижий ташкилотлар, давлатлар мулкчилиги асосида ташкил қилинган, хусусий корхоналар, ҳиссадорлик жамиятлари, қўшма корхоналар, фермер хўжаликлари ва холдинг конпаниялари, биржалардан ва бошқа

корхона, ташкилот ва бошқа муассасаларнинг жисмоний тадбиркорларнинг молиясини ташкил этиш ва ҳар бирини ўзига хос хусусиятларини таҳлил этган ҳолда кўникмаларга эга бўлиш фан олдига қуйилган устувор вазифалар бўлиб ҳисобланади.

Юқорида таъкидлаб ўтилган ҳолатлар республикамиз иқтисодий ривожланишида корхона молиявий муносабатларини самарали ташкил этишни тақозо қилади.

1.3. Пул-кредит, солиқ ва валюта ҳамда антимонопол тартибга солиш орқали корхоналар молиясига таъсир кўрсатиш

Иқтисодиётни интеграциялашуви ва глобаллашуви тобора кучайиб бораётган шароитда пул-кредит, солиқ ва валюта ҳамда антимонопол тартибга солиш механизми унинг имкониятлари мамлакатнинг ижтимоий-иқтисодий ўсиши ҳамда рақобатбардошлигини таъминлашга қаратилиши муҳим аҳамиятга эга.

Халқаро тажрибалардан кўриш мумкинки банклар фаолиятида қўлланиладиган турли кредит скоринг моделлари мижознинг кредитга лаёқатлилигини аниқ ва кенг кўламда баҳолаш имконини берадиган замонавий усуллардан биридир. Бунинг ёрдамида энг мақбул мижоз танлаб олинади ҳамда кредит рискини сезиларли пасайтиришга эришилади. Демак, кредитнинг қайтмаслиги билан боғлиқ йўқотишларни олди олинади. Кредитга лаёқатлиликни аниқ, тўлиқ ва тезкор баҳолаш нафақат банклар учун кредит рискини пасайтириш балки, корхоналар учун кредитни қайтара олмаслик рискини қисқартиришга тайинланганлиги билан ҳам аҳамият касб этади. Таъкидлаш керакки, банклар амалиётида кредит скоринг моделидан фойдаланиш, ҳам банк учун, ҳам корхона учун кутилган самарани беради. Шунинг учун ривожланган мамлакатлар банк амалиётида энг мақбул мижозларни аниқлашда кредит скоринг модели муҳим восита бўлиб хизмат қилмоқда.

Солиқлар орқали тартибга солиш механизми мамлакат ижтимоий иқтисодиётини ривожлантирувчи шартлардан бири бўлиб қолиши лозим. Бу шароитда солиқлар орқали тартибга солиш механизмини такомиллаштирувчи омил кучли солиқ муносабатларини шакллантириш бўлиб ҳисобланади. Ҳозирда солиқлар орқали тартибга солиш механизмини такомиллаштириш

ижтимоий-иқтисодий жараёнларни дунё андозалари даражасига кўтарилиш мавқеини мустаҳкамлашга хизмат қилмоғи лозим.

Мамлакатдаги инфратузилмаларни рақобатбардошлилигини сифатли инновацион маҳсулотларни ишлаб чиқариш билан таъминлашда, таркибий қайта қуришларни амалга оширишда солиқларни тартибга солиш механизми ўта муҳим восита сифатида хизмат қилади. Маълумки, солиқлар оқрали тартибга солиш кенг маънода ижтимоий-иқтисодий тараққиёт омили сифатида майдонга чиқади.

Бугунги кунда иқтисодиётни модернизация ва диверсификация қилиш, техник-технологик янгилаш, унинг рақобатбардошлилигини кескин ошириш, экспорт салоҳиятини юксалтириш, импортбоп товарлар (маҳсулотлар) ишлаб чиқариш, аҳолининг тўлов қобилиятини ошириш, хўжалик субъектларининг самарадорлигини ошириш, инвестиция оқимларини турли манбалардан кириб келишини, инновацион маҳсулотлар (товарлар, хизматлар) ишлаб чиқаришга қаратилган муҳим устувор лойиҳаларни амалга ошириш каби вазифаларни ҳал этилиши солиқларни тартибга солиш механизмини оқилона бошқарилишига боғлиқ бўлиб қолмоқда.

Солиқ механизми моҳиятини талқин этишда асосан 6 та йўналишдаги назарий қарашлар мавжуд:

- солиқ механизми таркиби ва моҳияти, шунингдек унинг ижтимоий-иқтисодий жараёнларни ривожлантиришдаги вазифалари;
- солиқ механизмлари орқали иқтисодиётни давлат томонидан тартибга солиш ва иқтисодий ўсишни таъминлаш;
- солиқларни тартибга солиш объектлари ва критерияларини аниқлаш;
- бюджетга солиқ ва мажбурий тўловлар;
- солиқ имтиёзларини тақдим этиш тартиби, шунингдек, қўлланиши мумкин бўлган санкциялар, маъмурий жарималар;
- солиқлар миқдорини оптималлаштириш.

Корхоналар молиясида солиқлар орқали тартибга солишнинг қуйидаги вазифалари бажарилиши лозим:

- мамлакат ижтимоий-иқтисодий ривожланиши бош омили сифатида хусусий тадбиркорликни ривожлантириш учун қулай шароитларни яратиш мақсадида солиққа тортиш тизимини оптималлаштириш;

- солиқ юкини пасайтириш орқали кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик фаолиятини ривожланиши учун қулай солиқ муҳитини вужудга келтириш;

- инвестицияларни жалб этилишини ошириш йўли билан инновацион-инвестицион жараёнларни фаоллаштиришга мўлжалланган истиқболли усулларни ишлаб чиқиш ва жорий этиш;

- хўжалик субъектларини инновацион ривожлантиришни рағбатлантирувчи солиқ усулларини ишлаб чиқиш ва амалиётга босқичма-босқич жорий этиш;

- солиқ базасини кенгайтириш ва солиққа тортиш механизми, таркибини такомиллаштириш ҳисобидан мамлакатни ривожлантириш вазифаларини ҳал қилиш мақсадида маҳаллий ўзини-ўзи бошқариш органларига барқарор ва узоқ муддатли молиявий база яратиш.

Маҳаллий саноатни ривожлантириш иқтисодий ривожланишнинг муҳим элементларидан бири ҳисобланади. Маҳаллий корхоналарни ҳимоя қилиш учун давлат протекционизм (импорт ўрнини босиш) сиёсатини қўллайди. Протекционизм тарафдорлари маҳаллий корхоналарни хорижий рақобатдан вақтинчалик ҳимоя қилиш «уларнинг дунё бозорида рақобатбардошлигини ошириш учун зарур чора» эканини таъкидлашади. Уларнинг назарида бу чора «маҳаллий саноатни замонавий технологиялар билан жиҳозлаш-таъминлаш ҳамда янги технологияларни ўрганиш имконини беради».

Бироқ протекционизмни қўллаган кўплаб мамлакатларнинг тажрибасига назар солинса, бундай — маҳаллий корхоналарни ҳимоя қилиш сиёсати иш бермаганига гувоҳ бўламиз. Чунки, бу маҳаллий ишлаб чиқарувчилар учун «беташвиш ҳаёт»ни юзага келтиради, бу эса маҳаллий тадбиркорларда технологик ривожланишга бўлган рағбатни сусайтиради.

Протекционизм сиёсати фойда келтиришининг ягона шарти — маҳаллий корхоналарга хотиржам бўлиб қолиш имконини бермасликдир. Буни эса фақат мамлакатда ички рақобатни ривожлантириш орқалигина амалга ошириш мумкин. Бундай стратегияни Япония ва Жанубий Корея тажрибасида кузатиш мумкин. Ривожланишнинг эрта босқичларида мазкур мамлакатлар ҳукуматлари маҳаллий корхоналарни хорижий рақобатдан ҳимоя қилиш билан бирга ички рақобатни кучайтиришган ва шу орқали

маҳаллий корхоналар орасидан энг рақобатбардошларини етиштириб, халқаро бозорга чиқишга рағбатлантиришган.

Кўпчилигимиз рақобатбардош бозор деганда бозорда кўплаб харидор ва сотувчиларнинг мавжудлигини тушунамиз. Ҳа, бу тўғри, бироқ ушбу тушунча мукаммал эмас. Аслида, ҳақиқий рақобат бу — тадбиркорларнинг бозорга эркин кириб, уни эркин тарк эта олишидир. Айнан бозорга киришдаги тўсиқларнинг мавжудлиги монополия юзага келиши учун асосий омил ҳисобланади. Бозорга киришдаги тўсиқлар, ўз навбатида, қуйидаги ҳолатларда юзага келади:

ягона корхона ишлаб чиқаришнинг асосий ресурсларига эга бўлганда;

ҳукумат айрим маҳсулотларни ишлаб чиқариш ва хизмат кўрсатиш бўйича битта хўжалик субъектига мутлақ ҳуқуқлар тақдим этганда;

ишлаб чиқариш харажатлари шундайки, бозорда ягона ишлаб чиқарувчи бўлгандагина ишлаб чиқариш максимал даражада самарали бўлади (табиий монополиялар).

Аслида, бозорга янги хўжалик субъектларининг кириш имконияти доим мавжуд бўлса, зараркунанда монополия пайдо бўлмайди. Чунки бозорга киришда тўсиқлар бўлмаса ҳамда бизнес даромадли бўлса, унга киришни истайдиган тадбиркорлар албатта топилади, бу эса монополияни ўз ўзидан йўқ қилади.

Тан олиш керакки, мамлакатимизда монополияларнинг пайдо бўлишига давлатнинг ўзи асосий сабабчи ҳисобланади. Шунинг учун Антимонополия қўмитасининг устувор фаолиятидан бири — протекционистик мақсадлар ва рақобатни чеклаш мақсадида давлат органлари ва юридик шахслар бирлашмалари яратадиган бозорга кириш тўсиқларини қисқартириш.

Иккинчидан, Антимонополия қўмитаси рақобатнинг ҳолати ва истеъмолчилар фаровонлигига салбий таъсир кўрсатадиган давлат субсидиялари, имтиёзлари ва протекционизм чораларини синчковлик билан қайта кўриб чиқиши лозим.

Учинчидан, Антимонополия қўмитаси давлат идоралари ва юридик шахслар бирлашмалари (саноат ва савдо ассоциациялари) томонидан нархларни назорат қилишдаги функцияларини ҳам қайта кўриб чиқиши керак. Ижтимоий мақсадларни кўзлаган ҳолда айрим ҳолларда вазирлик, идора ва маҳаллий ҳукумат органлари ижтимоий аҳамиятга эга маҳсулотлар учун нархларни қатъий ёки максимал

миқдорини белгилаш ҳолатлари учраб туради. Бироқ давлат идоралари танганинг фақат бир томонини кўргани учун уларнинг бундай ҳаракатлари рақобатга ҳам, истеъмолчиларга ҳам зарар етказади.

Масалан, давлат идоралари томонидан гўшт, муайян дорилар, бензин каби маҳсулотлар нархининг қатъий белгиланиши охир-оқибат рақобат ҳолати ва умуман истеъмолчилар фаровонлигига салбий таъсир кўрсатиб, бозордаги маҳсулотлар танқислигини ёки сифати бузилишини келтириб чиқаради.

Тўртинчидан, қисман хусусийлаштириш ёки қисмларга бўлиш мумкин бўлган соҳаларни аниқлаш учун табиий монополия тушунчасини торайтиришни таклиф этаман. Бунга аэропортларни «Ўзбекистон ҳаво йўллари» миллий авиакомпания таркибидан ажратиш яхши мисол бўлади. Худди шунга ўхшаб табиий монополиянинг бошқа соҳаларида демонополизацияни амалга ошириш мумкин. Мисол учун, электр узатишнинг юқори вольтли линияларини давлат бошқарувида қолдириб, тизимларни эса ўзаро рақобат қилувчи хусусий етказиб берувчилар учун очиқ қилиб қўйиш мумкин. Бу худди маҳаллий телефон компаниялари ўз линияларига халқаро алоқа компаниялари киришига имкон беришига ўхшайди. Кўмир бўйича ҳам шунга ўхшаш ишларни амалга оширса бўлади. Тўғри, нархлар бироз ошиши мумкин, аммо трансформатор билан боғлиқ баҳоналар, кўмирнинг паст сифати ва электр оқимидаги узилишлар барҳам топади.

Таянч сўз ва иборалар

Молия тизими, молиявий муносабат, корхоналар молияси, давлат томонидан тартибга солиш, пул-кредит, солиқ, антимонопол, ўз- ўзини молиялаштириш, хўжалик фаолияти.

Ўз-ўзини текшириш учун саволлар

1. Молия тизимининг шаклланишида корхоналар молияси қандай аҳамиятга эга?
2. Корхоналар молиясини давлат томонидан тартибга солишнинг асосий мақсади нималардан иборат?
3. Давлат қайси механизмлар орқали корхоналар молиясига таъсир кўрсатади?
4. Корхонанинг хўжалик фаолияти қайси босқичлардан иборат?

5. Корхоналар ва ташкилотлар молиясини давлат томонидан тартибга солишда пул-кредит сиёсати қандай ўрин эгаллайди?

Ўз-ўзини текшириш учун саволлар

1. Молия тизимининг шаклланишида корхоналар молиясининг моҳияти ва аҳамияти айтиб беринг.
2. Корхоналар молиясининг давлат томонидан тартибга солишнинг мақсади ва вазифалари бўйича тегишли мисоллар келтиринг.
3. Пул-кредит ва солиқ сиёсати орқали тартибга солишда корхоналар молиясига таъсир этувчи ижобий ва салбий жиҳатларни келтиринг.
4. Корхоналар молиясининг давлат томонидан тартибга солишнинг ўзига хос хусусиятларини санаб ўтинг.
5. Бирор бир корхона ўйлаб, уни молиявий фаолиятига давлатнинг таъсир этиши мумкин бўлган факторларини келтириб ўтинг.

II БОБ. КОРХОНАЛАР МОЛИЯВИЙ МУНОСАБАТЛАРИНИНГ МАЗМУНИ ВА УЛАРНИ ТАШКИЛИЙ-ҲУҚУҚИЙ ШАКЛЛАРИ

2.1. Корхоналар молиявий муносабатларининг мазмуни ва уларни мустаҳкамлаш

2.2. Қонунчиликда кўзда тутилган корхоналарнинг асосий ташкилий-ҳуқуқий шаклларининг ўзига хос хусусиятлари

2.3. Акционерлик жамиятлари молияси

2.4. Маъсулияти чекланган жамиятлар молияси

2.5. Кичик ва хусусий корхоналар молияси

2.6. Корхоналарнинг бюджет, нобюджет фондлари, тижорат банклари ва бошқа муассасалар билан муносабатлари

2.7. Корхоналардаги молия хизматининг функция ва вазифалари

2.1. Корхоналар молиявий муносабатларининг мазмуни ва уларни мустаҳкамлаш

Хўжалик субъектлари молияси – бу молиявий ресурсларни шакллантириш ва улардан мақсадли йўналишларда фойдаланиш билан боғлиқ пулли муносабатлар йиғиндиси сифатида молиявий муносабатлар майдонига чиқади ва ўзига юклатилган функцияларни мақсад сари бажаришга киришади.

Бозор иқтисодиёти шароитида корхоналар молиясини бошқаришнинг ўзига хос усулларини шакллантириш ва ривожлантириш орқали корхонанинг ресурс потенциали оптималлаштиришга эришиш молиявий ресурсларни самарали бошқариш аҳамиятини тезлик билан оширади. Бунинг учун молиявий ресурсларни биринчи даражали аҳамият касб этишлигини таъминлаш маълум вақт оралиғида тезлик билан корхона капиталини бошқа ресурсларга трасформацияланиш имкониятини кенгайтиради.

Бу эса ўз вақтида корхоналар молиявий ресурсларини шакллантириш ва фойдаланиш жараёнида бир нечта молиявий институтлар билан ранг-баранг молиявий муносабатларни юзага келтиради ва ривожлантиради. Бундай молиявий муносабатларини мазмун-моҳияти қуйидагиларда ўз аксини топа бошлайди. Уларнинг асосийлари бўлиб қуйидагилар ҳисобланади:

– ялпи даромадни шакллантириш ва фойдаланиш жараёнида, хўжалик субъектлари аро молиявий муносабатлар, яъни хом-ашё, ёкилги, материаллар, бугловчи асбоб ускуналар тайёр маҳсулотни реализация қилиш, жарималар тўлаш ва молиявий жарима олиш ҳамда икки ёклама шартнома ва мажбуриятларни бажариш жараёнларини ривожланиб боришида;

– инвестицияга мўлжалланган корхона қимматли қоғозларини муомалага чиқариш ва жойлаштириш ҳамда қўшма корхоналар ташкил этишда ҳиссали маблағлар орқали иштирок этиш кўламини кенгайиб боришида;

– корхоналар валюта фондини ташкил этишда ва фойдаланишда ташки иқтисодий алоқа компаниялари билан бўлган молиявий муносабатлари ўрнатишда ва уларни ривожлантириб боришда;

– молия тизими органлари билан корхоналар ўртасида бўладиган иқтисодий муносабатларни янада кучайишида, шу жумладан нобюджет жамғармаларга ажратмалар, республика ва махаллий бюджетларга солиқлар тўлашда, корхона агар давлатга тегишли булса бюджетдан дотация, субвенция олиш кўламини оқилона ташкил этишда;

– тижорат банкларидан қисқа ва узоқ муддатли кредитлар олишда, ссудаларни қайтаришда, кредит учун фоизлар тўлаш билан боғлиқ бўлган молиявий муносабатларни ривожлантириб боришда.

– корхоналар молиясининг салмоғини босқичма-босқич кенгайиб боришида;

– корхоналар ўз молиявий режаларини мустақил ишлаб чиқиш имкониятига эга бўлишда.

Айтиш жоизки, молиявий муносабатларни мазмун-моҳиятини, уларни намоён бўлиш вақти ва амал қилиш хусусиятларини тушуниб етмаган ҳолда корхона фаолиятини уни капиталини самарали бошқариш имкониятига эга бўлмаслик мумкин. Корхоналарни молиявий муносабатлари улар ихтиёридаги капитални қанчалик самарали бошқариш ҳолати молиявий муносабатларни ўрнатилиши билан боғлиқ бўлиши зарур. Молиявий муносабатларни самарали ва кучли ташкил этиш орқали шунчалик катта ҳажмдаги ижтимоий-иқтисодий эҳтиёжларни қондириш мумкин бўлади.

Оқилона ташкил этилган молиявий муносабатлар корхоналарнинг ўсиб бораётган капиталга эгалик қилишга, ундан ҳар томонлама самарали фойдаланишга имконият яратади. Чунки,

корхоналарнинг молиявий муносабатларини талаб даражасида ташкил этилиши айнан корхона капиталини кўп даражада ташкил этилиши айнан корхона капиталининг кўп даражада бўлишлигини, шу орқали даромад (фойда) даражасини белгилайди.

Молиявий муносабатлар корхона капитали, уни муваффақиятли ривожланиши учун нафақат ўз-ўзидан ўсиш, балки корхона фаолиятини бутун жамият манфаати йўлида ҳаракат қилишга мажбурлайдиган, иқтисодий жиҳатдан оқланган амал қилиш шароитларига имконият яратиб бериш мақсадида иқтисодий ва ижтимоий-иқтисодий жараёнларни тартибга солиш жамият ва давлатнинг вазифаси сифатида намоён бўлади. Бундай вазиятга эришиш воситаси корхонанинг қуйидаги йўналишларидаги сиёсати бўлиб ҳисобланади:

- шаклланаётган ва турли мулк шаклига мослашишга қаратилган корхоналарни молиявий ва ҳуқуқий жиҳатдан қўллаб-қувватлаш;

- молиявий жиҳатдан ёрдам бериш кўламини кенгайтиришга ёрдам кўрсатиш. Бунда вақтинча бўш турган молиявий ресурсларни вақтинча ресурсга муҳтож корхоналар ихтиёрига бериш (қайтариб бериш шарти асосида) бу эса қўшимча харажатларни чеклайди, капиталлар ҳаракатини оширади;

- корхона молиявий муносабатларини ҳуқуқий ва ташкилий жиҳатдан мустаҳкамлаш.

Бу вазифаларни амалга оширилиши қуйидаги натижаларга олиб келади:

- корхоналарда молиявий муносабатларнинг мунтазам мураккаблашиб боришини келтириб чиқаради;

- корхоналар орасида рақобатлашув даражасини оширади;

- товарлар (хизматлар) тақчиллигининг қисқаришига, сўнгра эса тугатилишига, истеъмолчиларга таклиф қилинаётган товарлар (хизматлар) миқдори ва сифатини нафақат ошишига балки, улар ассортиментининг кенгайишига, ассортиментлар кесимида рентабеллик даражасини кенгайишини ҳам олиб келади;

- корхоналар томонидан ишлаб чиқарилган маҳсулотларига қилинадиган харажатларни пасайтириш, шу орқали нархларни тартибга келтириш ва корхоналар даромадларини (фойдасини) ошириш, истеъмолчилар пул даромадларини оширишга эришиш мумкин бўлади.

Янги корхоналарни ташкил қилишда ҳамда қандайдир янги лойиҳа ёки ғояни амалга оширишда капиталнинг асосий ва айланма

капиталга ажратилиши улардан самарали фойдаланиш ҳам молиявий муносабатларни кучайтирилишини кўзда тутади. Бунда дастлабки молиявий муносабатларни шакллантиришнинг мумкин бўлган усулларига алоҳида қаратилиши лозим бўлади:

- корхоналарнинг олдинги молиявий натижаларидан амалдаги яъни жорий натижаларини юқори бўлишлигига эришиш;

- шахсий жамғармалар (нафақат пул кўринишида, балки буюм, товар шаклида бўлганлардан) максимал даражада корхона молиявий натижаларини ошириш йўлида фойдаланиш;

- маълум мажбуриятлар билан (масалан, фоизга) олинган қарз маблағлари капитал айланиши тезлигига таъсири, уни таъсирини пасайтириш (ҳар қандай олинган қарз харажатларни қопланган ҳолда фойда келтириши лозим).

Шундай қилиб, корхона капиталини шакллантиришнинг молиявий жиҳатларини муаммоларини мукаммал тушуниб етишда ҳам иқтисодий, ҳам сиёсий тавсифдаги кўплаб омиллардан келиб чиқиб, молиявий қарор қабул қилиши зарур. Мазкур вазиятда молиявий омиллари ҳақида эмас, балки корхона молиявий муносабатларини ташқи муҳитга боғлиқлиги тўғрисида тасаввурга эга бўлиш муҳимдир. Бунда корхона қуйидаги ташқи муҳит омилларини эътиборга қаратиши талаб этилади:

- корхонада тадбиркорлик фаолиятини амалга оширишнинг молиявий шароитлари;

- корхона фаолияти бизнес соҳасидаги қонунчилик ниманидир ҳал қиладиган ёки таъқиқлайдиган меъёрий ҳужжатлар;

- корхона чиқадиган ёки чиқмоқчи бўлган соҳадаги рақобат даражаси;

- истеъмолчини тугатиб турган молиявий-иқтисодий устуворликлар тизими;

- ишлаб чиқаришни бошлаш ва молиявий муносабатларга йўл очиб беришга зарур бўлган омилларнинг илмий-ишлаб чиқариш даражаси ва уларга эришиш шароитлари (нархлар, сифат, мажбурий тўловлар ва ҳ.к.);

- талаб қилинган молиявий ресурсларни жалб қилиш шартлари.

Молиявий муносабатларнинг хусусияти шундаки, олдиндан ҳисоб-китоблар босқичида корхона ишлаб чиқариш жараёнини меъёрида ташкил қилиш учун капитални ўз ихтиёрига олишнинг тежамли усулларини излаши лозимлиги билан белгиланади.

Молиявий муносабатларнинг мазмун-моҳиятида уларни мустаҳкамлашда бу жараён муҳим аҳамият касб этади.

Молиявий муносабатларни мустаҳкамлаш мақсадида молиявий қарорни амалга ошириш учун зарур бўлган барча молиявий натижалар шаклларининг таққослама таҳлили ўтказилиши, иккинчидан даслабки капитални шакллантириш зарурий инфратузилманинг мавжудлиги, корхонанинг молиявий таъминотига тайёргарлиги билан боғлиқ хусусиятларига эга бўлиши муҳимдир.

Бундай вазиятда корхона капиталини шакллантириш ва мустаҳкамлаш ҳар бир молиявий муносабатни ўзида гавдалантириш лозим, яъни ҳар қандай вазиятда ҳам амалдаги моляивий муносабатлар доирасида маблағлар ҳаракати янги қийматни яратган ҳолда маълум самара ёки фойда (даромад) келтириши лозим.

Корхона молиявий муносабатларини мустаҳкамлаш давлат томонидан ҳам қўллаб-қувватланиши иқтисодиётни ривожлантириш стратегиясида муҳим ўрин эгаллаши лозим бўлади. Бунда:

- молиявий бизнес учун қулай ҳуқуқий шароитларни яратиш ва такомиллаштириш (солиқларни камайтириш, эркинликни кенгайтириш, экспорт потенциалини оширишда молиявий механизмлар ролини ошириш ва ҳ.к.);

- корхоналарнинг пул жамғармаларини унинг муҳим инвестиция ресурсларига айлантиришни рағбатлантиришни давом эттириш (молиявий назоратни кучайтириш, кредит ресурсларига бўлган талабларни оптимал чегараларини аниқлаш, солиқ тўловларини солиқ юкинга таъсир этишини пасайтириш);

- корхона ишчи ва хизматчиларни вақтинча бўш турган маблағларини корхона фаолиятига янги инновацион маҳсулотлар (товарлар, хизматлар) ишлаб чиқаришга жалб этишнинг янги механизмларини ишлаб чиқиш ва ривожлантириб бориш;

- корхонада инновацион маҳсулотлар (товарлар, хизматлар) ишлаб чиқаришни давлат томонидан муҳофаза қилишнинг самарали молиявий тизимини такомиллаштиришга эришиш (суғурталаш механизмлари) орқали ишчи-хизматчиларни ва аҳолини корхоналар фаолиятини қўллаб-қувватлаш зарурлигига бўлган ишончини мустаҳкамлаш;

- корхона молиявий фаолияти устидан жамоатчилик назоратини ўрнатиш.

Шу билан бир қаторда ҳозирги шароитда корхонани инновацион тараққиёт йўлига олиб чиқишдаги аҳамиятидан келиб чиқиб, корхоналарда молиявий муносабатларни янада мустаҳкамлаб боришга эришиш лозим.

2.2. Қонунчиликда кўзда тутилган корхоналарнинг асосий ташкилий-ҳуқуқий шаклларининг ўзига хос хусусиятлари

Ўзбекистонда бутун ижтимоий-иқтисодий ва сиёсий ҳаётда мулкчиликнинг турли шакллари тенг ҳуқуқли эканлиги эътироф этилган. Ўзбекистон Республикасининг Конституциясида: «Мулкдор мулкига ўз хоҳишича эгалик қилади, ундан фойдаланади ва уни тасарруф этади» - деб белгилаб қўйилган[2].

Ўзбекистон Республикасининг қонунчилигига асосан, корхоналар мулк эгаси (эгалари) ёки у (улар) тайинлаган вакиллик органи, меҳнат жамоаси ёки муассислар гуруҳининг қарори бўйича белгиланган қонун-қоидаларга асосан ташкил қилиниши мумкин.

Корхона жорий ва ҳисоб-китоб рақамлари очиш ва улар тўғрисидаги ҳолатларни тасдиқлаш ҳуқуқига эга бўлган, мустақил ҳуқуқий шахс мақомидаги шўба корхоналари, филиаллар, ваколатхоналар, бўлим ва бошқа ташкилий бўлинмаларни ташкил қилиши мумкин.

Бозор иқтисодиёти шароитида корхона-мустақил хўжалик юритувчи субъект бўлиб, уларнинг ишлаб чиқариш воситалари ва бошқа мулклари режали иқтисодиёт шароитларидагидек давлатнинг ўзигагина тегишли бўлмайди. Шу сабабли корхоналар:

мулкчилик шаклига кўра, давлат ва нодавлат (хусусий, масъулияти чекланган жамиятлари, акциядорлик жамиятлари, қўшма корхоналар, чет эл корхоналари, аралаш шаклдаги ва бошқалар);

тармоқ белгиларига кўра, машинасозлик, энергетика, металлургия, нефт ва газ саноати, қурилиш комплекси, озиқ-овқат, енгил саноат, савдо ва бошқалар;

ишлаб чиқариш миқёси ва ходимлар сонига кўра, микрофирмалар, кичик ва йирик корхоналар;

фаолият миқёсига кўра, халқаро (бошқа давлатларда филиалларга эга бўлган), мамлакат миқёсида фаолият юритувчи, локал, яъни бир аҳоли пунктида фаолият юритувчи корхоналар;

[2] Ўзбекистон Республикаси Конституцияси. – Т.: Адолат, 1992. – 54-модда.

фаолият юритиш муддатига кўра узлуксиз, мавсумий ва узлукли; **хўжалик юритиш шаклларига** кўра корхоналар шахсий хамкорликда фаолият олиб борувчи (1 киши ёки оила), масъулияти чекланган, акционерлик жамиятлари ва бошқа шаклдаги;

фаолият мақсадларига кўра фойда олишни мақсад қилиб қўйган ишлаб чиқариш, тижорат ва бошқа корхоналар ҳамда фойда олиш эмас. балки ижтимоий самарани-ҳомийлик, хайрия, беғараз ёрдамни мақсад қилиб қўйган корхоналарга бўлинади.

ихтисослашув даражасига кўра, корхоналар ихтисослашган, универсал ва аралаш корхоналарга бўлинади. Ихтисослашган корхоналар қаторига номенклатураси чекланган маҳсулотлар ишлаб чиқарувчи корхоналар, универсал корхоналар қаторига турли хил маҳсулот ишлаб чиқарувчи корхоналар, аралаш корхоналар таркибига эса ихтисослашган ва универсал корхоналар ўртасидаги оралиқ гуруҳни ташкил қилувчи корхоналар киритилади.

ишлаб чиқариш жараёнини ташкил этиш усулларига кўра, корхоналар ишлаб чиқаришнинг оқим, партияли ва доналаб ишлаб чиқариш усуллари устувор турувчи корхоналарга бўлиниши мумкин.

ишлаб чиқаришни механизациялаштириш ва автоматлаштириш кларажасига кўра, корхоналар тўлиқ ва қисман автоматлаштирилган ёки механизациялаштирилган, қўл-машина ва фақат қўл меҳнатига асосланган корхоналарга бўлинади.

Бироқ ушбу белгилардан қатъий назар, деярли ҳар бир корхона Низом асосида фаолият юритади. Низомда корхонанинг номи, манзилгоҳи, юқори турувчи ташкилот ва бу ташкилотнинг номи, Низом жамғармаси, банк муассасаларидаги реквизитлари. корхона раҳбариятининг лавозимлари, раҳбар шахсларнинг мажбуриятлари. тузилмавий бўлинмалар рўйхати. ҳисобот тартиби ва ҳоказолар кўрсатилган бўлади.

Агар Низомда корхонанинг ташкилий-ҳуқуқий функциялари белгиланган бўлса, унинг ишлаб чиқариш ва иқтисодий фаолияти таркибига асосий ва айланма фондлар. пул маблағлари ва бошқа активлар кирувчи Низом жамғармасига таянади. Низом жамғармаси қонунга асосан корхонани ташкил қилиш жараёнида муассислар-давлат, ҳуқуқий ва жисмоний (резидент ва норезидент) шахслар томонидан шакллантирилади.

Амалдаги қонунчиликка асосан корхона давлат рўйхатидан ўтганидан кейингина ҳуқуқий шахс сифатида тан олинади. Давлат

рўйхатидан ўтиш учун биринчи ўринда қуйидаги ҳифжжатлар аҳамиятга эга бўлади: муассиснинг аризаси; корхонанинг Низоми; корхонани ташкил қилиш ҳақида қарор ёки муассислар шартномаси; давлат божини тўлаганлик ҳақида квитансия ва бошқалар.

Корхона ўзига хос бўлган маълум хусусиятларга эга:

биринчидан, корхона ўзига тегишли ва хўжалик бошқарувидаги хусусий мулкка эга бўлиб. ушбу мулк унинг фаолияти моддий-техникавий имкониятларини, иқтисодий мустақиллиги ва ишончлииигини таъминлайди;

иккинчидан, корхона кредиторлар, жумладан, давлат билан ўзаро муносабатлардаги мажбуриятлар юзасидан ўз мулки билан жавоб бериш хусусиятига эга бўлади;

учинчидан, корхона хўжалик айланмасида ўз номидан ҳаракат қилиши мумкин, яъни қонунга асосан хўжалик фаолияти юритувчи ҳамкорлар, маҳсулот (иш, хизмат) истеъмолчилари, хом ашё ва асбоб- ускуна етказиб берувчилар ҳамда бошқа ҳуқуқий ва жисмоний шахслар билан шартнома тузиш ҳуқуқига эга;

тўртинчидан, корхона қонунчиликка асосан судда даъвогар ва жавобгар сифатида қатнашиш ҳуқуқига эга;

бешинчидан, корхона мустақил баланс ёки сметага эга бўлиб, ишлаб чиқариш ва маҳсулот савдоси харажатларини ҳисобга олиб боради ҳамда давлат органлари томонидан белгиианган тартибда ўз вақтида ҳисоботларни тақдим этади;

олтинчидан, корхона ўз номига эга бўлиб, унда корхонанинг ташкилий-ҳуқуқий шакли ўз аксини топади.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2003 йил 30 августдаги ПФ-3305-сонли Фармонига асосан «ўрта корхоналар» тушунчаси бекор қилинди ва 2004 йил 1 январдан бошлаб қуйидагилар кичик бизнес субектлари ҳисобланади:

- якка тартибдаги тадбиркорлар;

- ишлаб чиқариш тармоқларида банд бўлган ходимларнинг ўртача виллик сони 20 кишидан, хизмат кўрсатиш соҳаси ва бошқа ишлаб чиқаришга алоқадор бўлмаган тармоқларда 10 кишидан, улгуржи. чакана савдо ва умумий овқатланиш соҳасида 5 кишидан ошмаган микрофирмалар.

Қуйидаги тармоқларда банд бўлган ходимларнинг ўртача йиллик сони: энгил ва озиқ-овқат саноати. металлга ишлов бериш ва асбобсозлик, ёғочни қайта ишлаш ва мебел саноати ҳамда қурилиш материаллари саноатида- 100 кишидан;

- машинасозлик. металлургия, ёқилғи-енергетика ва кимё саноати. қишлоқ хўжалик маҳсулотларини ишлаб чиқариш ва қайта ишлаш, қурилиш ва бошқа саноат-ишлаб чиқариш соҳаларида - 50 кишидан;

- фан, илмий хизмат кўрсатиш, транспорт, алоқа. хизмат кўрсатиш соҳалари (суғурта компанияларидан ташқари), савдо ва умумий овқатланниш ҳамда бошқа ноишлаб чиқариш соҳаларида - 25 кишидан ошмаган кичик корхоналар.

Йирик корхоналар таркибига ишловчилар сони 500 ва ундан ортиқ кишини ташкил қилувчи корхоналарни киритиш мумкин.

Хусусийлаштириш ва давлат тасарруфидан чиқариш жараёнларини кенгайтириш ва чуқурлаштириш мамлакатимизда янги ташкилий-ҳуқуқий турдаги – **қўшма, ижара, ҳиссадорлик, хусусий, оилавий, кооператив** ва бошқа корхоналарнинг пайдо бўлишига олиб келди.

Ўзбекистон Республикаси Конституциясида хусусий мулк мулкчилик шаклининг бошқа кўринишлари билан бир қаторда дахлсизлиги ва давлат томонидан. муҳофаза қилиниши белгилаб қўйилган. Янги қонунчилик ҳужжатларига янги иқтисодий тушунча - корхонанинг ташкилий-ҳуқуқий шакли тушунчаси киритилган.

Корхоналарнинг қонун ҳужжатлари ва бошқа хўжалик ҳуқуқи нормаларида кўзда тутилган мулкчилик шакли, ишлаб чиқарилаётган маҳсулот тури ва ҳажми. капиталнинг шаклланиши. турли хил фирмалараро уюшмаларга аъзо бўлиш усуллари ва олиб борувчи рақобатчилик курашлари билан фарқ қилувчи фаолият тавсифи ва мазмунига боғлиқ бўлган структуравий тузилишининг усул ва кўринишлари **хўжалик юритишнинг ташкилий-ҳуқуқий шаклини** ифодалайди. **Ҳозирги вақтда мулкчилик шаклига кўра давлат, муниципиал, жамоа, индивидуал (оилавий, хусусий)** турдаги корхоналар мавжуд бўлиб, улар ўзларига бириктириб қўйилган мулк тавсифи ёки тезкор (оператив) бошқарув ҳуқуқига кўра ҳам таснифланади.

Хўжалик фаолияти юритувчи ҳар бир субект бир қатор ҳуқуқларга эга бўлиб, булар бир томондан. уларнинг ички ташкилотчилигини аниқлаб берса, иккинчи томондан, жисмоний ва ҳуқуқий шахслар ҳамда давлат билан ўзаро муносабатларини амалга оширишда кўзга ташланади.

Корхоналар ҳуқуқий шаклининг ҳар бир кўринишида уларнинг эгалари, яъни хусусий мулк эгалари, корхона билан турли

даражадаги алоқада бўладилар. Масалан. очиқ турдаги ҳиссадорлик жамияти эгалари корхона мулкининг бир қисмигагина эгалик қилиш ҳуқуқига эгалар ҳамда бошқарув функцияларини амалга оширишда ҳам ўз акциялари миқёсида иштирок этадилар.

Хўжалик ўртоқликларида (масалан, масъулияти чекланган жамиятларда) эса мулк эгаси ва мулк яқинлаштирилган бўлиб, корхонани бошқаришда уларга бевосита иштирок этиш имконияти яратиб берилган.

Кенг тарқалган корхона шаклларидан бири хўжалик ўртоқликлари бўлиб, улар ишонч асосидаги тўлиқ ўртоқлик (коммандит ўртоқлиги) кўринишида ташкил қилиниши мумкин.

Қонунга асосан иштирокчилари имзоланган шартномалар бўйича тадбиркорлик фаолияти юритувчи ҳамда уларга тегишли мулк жавобгарлигига эга бўлган ўртоқликлар-тўлиқ ўртоқликлар ҳисобланади.

Коммандит ўртоқлиги бир нечта фуқаролар ёки ҳуқуқий шахсларнинг ўзаро хўжалик фаолияти юритиш мақсадидаги шартномалар асосида бирлашуви натижасида пайдо бўлади.

Жамиятларнинг кўпчилигида капиталлар бирлаштирилган бўлади. Масъулияти чекланган жамият (МЧЖ) бир ёки бир неча шахс томонидантаъсис этилиб, Низом жамғармаси ҳужжатларда (Низом ва таъсис шартномаси) белгилаб қўйилган улушларга бўлинган бўлади.

Бундай жамият муассислари жамиятнинг мажбуриятлари учун жавобгар бўлмайдилар ҳамда жамият фаолиятида ўзлари киритган улушлар доирасида зарар кўришлари мумкин.


2.3. Акционерлик жамиятлари молияси

Акциядорлик жамиятларда молияни ташкил этишда аввало мазкур шаклдаги корхоналарнинг ташкилий-ҳуқуқий жиҳатлари ва улардаги молиявий муносабатларнинг ўзига хос хусусиятларига эътибор қаратиш лозим бўлади.

Акциядорлик жамиятларини тузиш ва фаолиятини ташкил қилиш тартиби Ўзбекистон Республикасининг «Акциядорлик жамиятлари ва акциядорларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш тўғрисида»ги Қонунда ифодаланган. Ушбу қонуннинг 3-моддасига мувофиқ[3]:

[3] Ўзбекистон Республикасининг 2014 йил 6 майдаги ЎРҚ-370-сонли “Акциядорлик жамиятлари ва

Устав фонди (устав капитали) акциядорларнинг акциядорлик жамиятига нисбатан ҳуқуқларини тасдиқловчи муайян миқдордаги акцияларга тақсимланган тижорат ташкилоти акциядорлик жамияти деб эътироф этилади.



Юқоридаги расмда 2020 йилнинг 1 апрель ҳолатига фаолият кўрсатаётган тижорат корхоналари сони келтирилган.

Ўзбекистондаги акциядорлик жамиятлари қимматли қоғозлар эгалари тузилмасидаги ўзгаришлар тўғрисидаги маълумот (04.12.2020 йилдаги ҳолатга кўра):

Қимматли қоғозлар Марказий депозитарийсида 599 акциядорлик жамиятининг қимматли қоғозлари ҳисоби юритилмоқда.

Акциядорлик жамиятларининг жами акция чиқарилишлари ҳажми 149,06 трлн. сўмни ташкил этмоқда.

Сармоядорларнинг умумий портфели:

- давлат улуши - 85,4%ни ёки 127,37 трлн.сўмни ташкил этди;
- хўжалик бошқаруви органларининг улуши - 2,9% ёки 4,38 трлн.сўм;
- бошқа акциядорлар - 6,3% ёки 9,31 трлн.сўм. Ушбу улушдаги акциялар фонд бозорида эркин муомалада бўлиш имкониятига эга;
- жойлаштириш жараёнидаги акциялар улуши - 5,4 фоизни ёки 7,99 трлн.сўмни ташкил этмоқда.

акциядорларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш тўғрисида”ги (янги таҳрири) қонуни. https://lex.uz/docs/2382409



Акциядорлик жамияти мавжуд корхоналарни қайта ташкил этиш ёки янгисини барпо этиш йўли билан таъсис этилиши мумкин. Акциядорлик жамияти ҳуқуқий шахс бўлиб, «Акциядорлик жамиятлари ва акциядорлар ҳуқуқларини ҳимоялаш тўғрисида»ги ва бошқа қонунлар, шунингдек таъсис ҳужжатлари асосида иш олиб боради.

Юридик ва жисмоний шахслар акциядорлик жамиятининг муассислари бўла оладилар. Жамиятнинг устав фонди улар томонидан тузилган таъсис шартномаси асосида шакллантирилади. Шартномада акциядорлик жамиятининг барпо этиш юзасидан биргаликдаги фаолият тартибини, иштирокчиларнинг акцияларга ёзилган шахслар ва учинчи шахслар олдидаги маъсулиятлари белгилаб қўйилади.

Жамият жамланган капиталига қараб махсус қимматли қоғоз - акция чиқаради. Акцияни сотиб олганлар ҳиссадорларга айланишади ва фойдадан ўз ҳиссаси - дивидендни олиб турадилар. Акциядорлик жамияти ўз мажбуриятлари бўйича ўзига тегишли бутун мол-мулк билан жавобгар ҳисобланади. Акциядорлар жамияти мажбуриятлари бўйича жавобгар эмас ва унинг фаолияти билан боғлиқ зарарлар учун фақат ўзларига тегишли акциялар қиймати доирасида жавобгар ҳисобланади.

Акциядорлик жамиятининг устав фонди акциядорлар сотиб олган акцияларнинг номинал қийматларидан ташкил топади. Жамият чиқарадиган барча акцияларнинг номинал қиймати бир хил бўлиши лозим. Акция бўлинмас ҳисобланади.

Акциядорлик жамиятини таъсис этишда унинг жами акциялари таъсисчилар орасида тарқатилиши керак.

Акция фонд биржаларида муомалада бўлади, бир шахсдан бошқасига эркин ўтади ва акциялар учун унинг ҳиссаси тўғрисидаги ҳужжат ҳисобланади.

Акциядорлик жамиятини:

- акциядорнинг умумий мажлиси:
- кузатув кенгаши;
- ижро органи бошқаради.

Акциядорларнинг умумий мажлиси олий бошқарув органи ҳисобланади. Агар қонун ҳужжатларида бошқача тартиб белгиланмаган бўлса, у акциядорлик жамияти фаолияти билан боғлиқ барча масалаларни ҳал қилиш ҳуқуқига эга.

Акциядорлик жамиятида умумий йиғилишлар ўртасидаги муддатда ҳиссадорлар манфаатларини ифодалаш ва уставда кўзда тутилган вазифаларни бажариш учун акциядорлик жамиятининг кенгаши (кузатув кенгаши) тузилади.

Кузатув кенгашининг аъзолари акциядорлик жамияти ижроия органининг аъзолари бўла олмайдилар.

Уставда кўзда тутилган бошқарув органи акциядорлик жамиятининг ишини ташкил этади. умумий йиғилишга йиллик ҳисоботини тақдим этади.

Акциядорлик жамиятининг бошқаруви бевосита умумий йиғилиш ва кенгаши (кузатув кенгаши) ваколатига тааллуқли масалалардан ташқари барча масалаларни ҳал қилади.

Бошқарув ишига унинг раиси раҳбарлик қилади. Раис акциядорлик жамияти Уставига биноан тайинланади ёки сайланади. Раис жамият номи- дан ҳаракатларни ишонч қоғозисиз бажара олади.

Жамият бошқарувининг молия-хўжалик фаолияти устидан назоратни тафтиш комиссияси амалга оширади. Активлар қиймати 1 миллиард сўмдан ортиқ жамиятда ички аудит хизмати ташкил этилади. Молия-хўжалик фаолия-тининг ташқи аудити манфаатлари жамияит ва унинг акциядорлари билан боғланмаган мустақил аудитор томонидан бир йилда камида бир маротаба ўтказилиши керак. Молиявий ҳисобот тафтиш комиссияси ва ташқи аудит томонидан тасдиқлангач, очиқ матбуотда эълон қилиниши лозим.

Акциядорлик шаклидаги тадбиркорликнинг қуйидаги афзалликлари бор:

-акциядорлик жамияти-бу бизнеснинг кўпроқ демократик шаклидир. Унга хоҳлаган киши бевосита ёки обуна бўлиш йўли билан акцияни сотиб олиб, аъзо бўлиши ва мулк эгасига айланиши мумкин;

-вақтинча бекор турган сармоялар марказлашувига эришилади;

-нисбатан самарали соҳаларга капитал оқимини ташкил қилиш имкониятитуғилади;

-давлат мулкини хусусийлаштириш имкониятлари кенгаяди;

-молиявий барқарорликка эришилади;

-тадбиркорликда таваккалчилик хавфи камаяди (ҳиссадор ўз акцияси миқвосида зиён кўрса. корхона эгаси бутун мулкидан ажралади);

-бир вақтнинг ўзида ишлаб чиқарувчи лар, товар етказиб берувчилар. ҳаридорлар ва маҳаллий давлат органлари манфаатларининг ўзаро мувофиқлашувига эришилади.

Дивиденд фойданинг солиқлар ва мажбурий тўловлар тўланганидан, қайта инвестиция амалга оширилганидан сунг акциядорлар жамияти ихтиёридаги акциядорлар ўртасида тақсимланиши керак бўлган қисми.

Жамият акцияларининг хар бир тури бўйича эълон қилинган дивидендларни тўлаши шарт.

Акциядорлар жамиятинint умумий йиғилиши қарорига биноан дивиденд пул маблағлари ёки бошқа қонуний тўлов воситалари билан тўланиши мумкин.

Дивиденд акциядорлар ўртасида уларга тегишли акцияларнинг сони ва турига мутаносиб равишда тақсимланади.

Жамият йилнинг хар чорагида, хар ярим йилда ёки йилига бир марта жойлаштирилган акциялар бўйича дивидендлар тўлаш тўғрисида, агар ушбу қонун ва жамият уставида ўзгача қоида белгиланмаган булса, қарор қабул қилишга хақлидир.

Йиллик дивидендларнинг миқдори жамият кўзатув кенгаши тавсия этган миқдордан кун ва тўланган оралик дивидендлардан кам бўлиши мумкин эмас. Акциядорларнинг умумий йиғилиши акцияларнинг муайян турлари бўйича дивиденд тўламаслик тўғрисида шунингдек имтиёзли акциялар бўйича тўлиқ булмаган миқдорда дивидендлар тўлаш хақида қарор қабул қилишга хакли, бундай акциялар бўйича девиденд миқдори уставда белгилаб қуйилади

Дивидендлар жамиятнинг жорий йилдаги соф фойдасининг бир қисми кўринишида тўланади.

Дивидендлар тўлаш вақтида биринчи навбатда имтиёзли акциялар, сўнгра оддий акциялар бўйича дивидендлар тўланади.

2.4. Маъсулияти чекланган жамиятлар молияси

Масъулияти чекланган жамият деб Бир ёки бир неча шахс томонидан таъсис этилган, устав фонди (устав капитали) таъсис ҳужжатлари билан белгиланган миқдорларда улушларга бўлинган хўжалик жамияти тан олинади[4].

Жамият ўз фаолияти учун устав фонди миқдорида жавобгар ҳисобланади. Ҳар қандай зарар, хавф-хатар ва тадбиркорлик рисклари жамият аъзолари ўртасида уларнинг улушига мутаносиб тарзда тақсимланиши масъулияти чекланган жамият шаклидаги корхона таъсисчиларининг индивидуал зараларлари даражасини ёки банкрот бўлиш эҳтимолини пасайтиради.

Масъулияти чекланган ширкат фирмалар номига «limited» сўзи қўшилади, бу инглизча сўз бўлиб, «чекланган» маъносини билдиради.

Масъулияти чекланган жамиятнинг бир қатор турлари мавжуд. Уларнинг энг кенг тарқалган шакли корпорациялардир. Масъулияти чекланган жамият шаклидаги кичик корхоналар йирик компанияларга нисбатан бозор шароитига тез мослашиш хусусиятига ҳамда ишлаб чиқарган маҳсулотларини бозорда муваффақиятли ўтишини таъминлашда бир қанча устунликларга эга. Чунки кичик корхоналар ўз фаолиятларини ҳар бир ишлаб чиқариш дастурларига, илғор технологияга, кам туркумли илм-фан талаб қиладиган маҳсулотлар чиқаришга тезда мослайдилар ҳамда бозор асосларини тез ўзлаштириб борадилар.

Жамият ўзининг мустақил балансида ҳисобга олинадиган алоҳида мол-мулкка эга бўлади, ўз номидан ҳуқуқларни олиши, мажбуриятларга эга бўлиши, судда даъвогар ва жавобгар бўлиши мумкин.

Жамият қонун ҳужжатларида тақиқланмаган ҳар қандай фаолият турларини амалга ошириши мумкин.

Рўйхати қонунларда белгиланадиган айрим фаолият турлари билан жамият фақат лицензия асосида шуғулланиши мумкин.

[4] Ўзбекистон Республикасининг “Масъулияти чекланган ҳамда қўшимча масъулиятли жамиятлар тўғрисида”ги қонуни. 2001 йил 6 декабрь, 310-II-сон. https://lex.uz/acts/22525

Жамият ўз мажбуриятлари юзасидан ўзига қарашли барча мол-мулк билан жавобгар бўлади.

Жамият ўз иштирокчиларининг мажбуриятлари юзасидан жавоб бермайди.

Жамиятнинг банкротлиги иштирокчи сифатидаги шахснинг айби туфайли вужудга келган бўлса, жамиятнинг мол-мулки етарли бўлмаган тақдирда бундай шахс зиммасига унинг мажбуриятлари бўйича субсидиар жавобгарлик юклатилиши мумкин.

Давлат ва унинг органлари жамиятнинг мажбуриятлари юзасидан жавобгар бўлмайди, худди шунингдек жамият ҳам давлат ва унинг органлари мажбуриятлари юзасидан жавобгар бўлмайди.

Юридик ва жисмоний шахслар жамиятнинг иштирокчилари бўладилар.

Қонунда айрим тоифадаги жисмоний шахсларнинг жамиятда иштирок этиши тақиқланиши ёки чекланиши мумкин.

Давлат ҳокимияти ва бошқарув органлари, агар қонун ҳужжатларида бошқача қоида белгиланган бўлмаса, жамиятнинг иштирокчилари бўлишга ҳақли эмаслар.

Жамият бир шахс томонидан таъсис этилиши мумкин бўлиб, у жамиятнинг ягона иштирокчисига айланади. Жамият кейинчалик бир иштирокчиси бўлган жамиятга айланиши мумкин.

Жамият иштирокчиларининг сони эллик кишидан ошмаслиги лозим.

Жамият иштирокчилари қуйидагиларга ҳақлидирлар:

ушбу Қонунда ва жамиятнинг таъсис ҳужжатларида белгиланган тартибда жамиятнинг ишларини бошқаришда иштирок этиш;

қонун ҳужжатларида ва жамият таъсис ҳужжатларида белгиланган тартибда жамиятнинг фаолияти тўғрисида ахборот олиш ҳамда унинг бухгалтерия дафтарлари ва бошқа ҳужжатлари билан танишиш;

фойдани тақсимлашда иштирок этиш;

жамиятнинг устав фондидаги (устав капиталидаги) ўз улушини ёхуд унинг бир қисмини ушбу Қонунда ва жамиятнинг уставида назарда тутилган тартибда мазкур жамиятнинг бир ёки бир неча иштирокчисига сотиш ёки ўзга тарзда уларнинг фойдасига воз кечиш;

жамият бошқа иштирокчиларининг розилигидан қатъи назар ушбу Қонунда ва жамиятнинг таъсис ҳужжатларида назарда тутилган тартибда исталган вақтда жамиятдан чиқиш;

жамият тугатилган тақдирда, кредиторлар билан ҳисоб-китоб қилинганидан кейин қолган мол-мулкнинг бир қисмини ёки унинг қийматини олиш.

Жами улушлари жамият устав фондининг (устав капиталининг) камида ўн фоизини ташкил этадиган жамият иштирокчилари ўз мажбуриятларини қўпол бузаётган ёхуд ўз ҳаракатлари (ҳаракацизлиги) билан жамиятнинг фаолият кўрсатишига имкон бермаётган ёки уни жиддий тарзда қийинлаштираётган иштирокчини жамиятдан суд тартибида чиқарилишини талаб қилишга ҳақлидирлар.

Жамият уставида қуйидагилар кўрсатилиши керак:

- жамиятнинг тўлиқ ва қисқартирилган фирма номи;
- жамият фаолиятининг предмети;
- жамиятнинг почта манзили тўғрисидаги маълумотлар;
- жамият органларининг таркиби ва ваколатлари тўғрисидаги, шу жумладан жамият иштирокчилари умумий йиғилишининг мутлақ ваколатига кирувчи масалалар тўғрисидаги, жамият органлари томонидан қарорлар қабул қилиш тартиби тўғрисидаги, шу жумладан қарорлар бир овоздан ёки квалификацион кўпчилик овоз билан қабул қилинадиган масалалар тўғрисидаги маълумотлар;
- жамият устав фондининг (устав капиталининг) миқдори тўғрисидаги маълумотлар;
- жамият ҳар бир иштирокчиси улушининг миқдори ва номинал қиймати тўғрисидаги маълумотлар;
- жамият иштирокчиларининг ҳуқуқлари ва мажбуриятлари;
- жамият иштирокчисининг жамиятдан чиқиш тартиби ва унинг оқибатлари тўғрисидаги маълумотлар;
- жамият устав фондидаги (устав капиталидаги) улушнинг (улуш бир қисмининг) бошқа шахсга ўтиши тартиби тўғрисидаги маълумотлар;
- жамиятнинг ҳужжатларини сақлаш тартиби ҳамда жамият томонидан жамият иштирокчиларига ва бошқа шахсларга ахборот тақдим этиш тартиби тўғрисидаги маълумотлар;
- жамиятнинг ваколатхоналари ва филиаллари тўғрисидаги маълумотлар;
- қонун ҳужжатларига зид бўлмаган бошқа маълумотлар.

➢Жамият устав фонди (устав капитали) унинг иштирокчилари улушларининг номинал қийматларидан таркиб топади.

Жамият устав фондининг (устав капиталининг) миқдори жамиятни давлат рўйхатидан ўтказиш учун ҳужжатларни тақдим этиш санасидаги ҳолатга кўра қонун ҳужжатларида белгиланган энг кам ойлик иш ҳақининг қирқ бараваридан кам бўлмаслиги лозим.

Пул, қимматли қоғозлар, ўзга ашёлар ёки мулкий ҳуқуқлар ёхуд пул баҳосига эга бўлган бошқа шахсга ўтказиладиган ўзга ҳуқуқлар жамиятнинг устав фондига (устав капиталига) қўшиладиган ҳиссалар бўлиши мумкин.

Жамиятнинг иштирокчилари ва жамиятга қабул қилинадиган учинчи шахслар томонидан жамиятнинг устав фондига (устав капиталига) қўшиладиган пулсиз ҳиссаларнинг пул баҳоси жамият иштирокчилари умумий йиғилишининг жамиятнинг барча иштирокчилари томонидан бир овоздан қабул қилинадиган қарори билан тасдиқланади.

Жамиятнинг устав фондини (устав капиталини) кўпайтиришга у тўлиқ тўланганидан кейингина йўл қўйилади.

Жамиятнинг устав фондини (устав капиталини) кўпайтириш жамият иштирокчилари умумий йиғилишининг жамият иштирокчилари умумий овозлари сонининг камида учдан икки қисмидан иборат кўпчилик овози билан (агар жамиятнинг уставида бундай қарорни қабул қилиш учун овозларнинг бундан кўпроқ сони зарурлиги назарда тутилган бўлмаса) қабул қилинган қарорига биноан амалга оширилади.

Жамият устав фондининг (устав капиталининг) кўпайтирилиши жамиятнинг мол-мулки ҳисобига ва (ёки) жамият иштирокчиларининг қўшимча ҳиссалари ҳисобига ва (ёки), агар бу жамиятнинг устави билан тақиқланган бўлмаса, жамиятга қабул қилинадиган учинчи шахсларнинг ҳиссалари ҳисобига амалга оширилиши мумкин.

Жамият ўз устав фондини (устав капиталини) камайтиришга ҳақлидир, ушбу Қонунда назарда тутилган ҳолларда эса, жамият ўз иштирокчиларининг жамият устав фондидаги (устав капиталидаги) улушларининг номинал қийматини камайтириши ва (ёки) жамиятга тегишли улушларнинг ҳақини тўлаш орқали устав фондини (устав капиталини) камайтириши шарт.

Жамият йилнинг ҳар чорагида, ярим йилда бир марта ёки бир йилда бир марта ўзининг соф фойдасини жамият иштирокчилари

ўртасида тақсимлаш тўғрисида қарор қабул қилишга ҳақлидир. Жамиятнинг жамият иштирокчилари ўртасида тақсимланадиган фойдаси қисмини аниқлаш тўғрисидаги қарор жамият иштирокчиларининг умумий йиғилиши томонидан қабул қилинади.

Жамият фойдасининг унинг иштирокчилари ўртасида тақсимлаш учун мўлжалланган қисми уларнинг жамият устав фондидаги (устав капиталидаги) улушларига мутаносиб равишда тақсимланади.

Жамият қуйидаги ҳолларда ўз фойдасини жамият иштирокчилари ўртасида тақсимлаш тўғрисида қарор қабул қилишга ҳақли эмас:

жамиятнинг бутун устав фонди (устав капитали) тўлиқ тўлангунга қадар;

ушбу Қонунда назарда тутилган ҳолларда жамият иштирокчиси улушининг (улуши бир қисмининг) ҳақиқий қиймати тўлангунга қадар;

агар бундай қарорни қабул қилиш пайтида жамият қонунга мувофиқ банкротлик белгиларига жавоб берса ёки агар мазкур белгилар жамиятда шундай қарор қабул қилиниши натижасида пайдо бўлса;

агар шундай қарорни қабул қилиш пайтида жамият соф активларининг қиймати унинг устав фондидан (устав капиталидан) ва захира фондидан кам бўлса ёки шундай қарор қабул қилиниши натижасида уларнинг миқдоридан камроқ бўлиб қолса;

қонун ҳужжатларида назарда тутилган бошқа ҳолларда.

Жамият ўзининг уставида назарда тутилган, лекин ўз устав фондининг (устав капиталининг) ўн беш фоизидан кам бўлмаган миқдорда захира фондини вужудга келтириши мумкин. Жамиятнинг захира фонди жамиятнинг уставида белгиланган миқдорга етгунга қадар ҳар йили соф фойдадан ажратмалар қилиш йўли билан шакллантирилади. Ҳар йилги ажратмалар миқдори жамиятнинг уставида назарда тутилади, лекин у жамиятнинг уставида белгиланган миқдорга етгунга қадар соф фойданинг беш фоизидан кам бўлиши мумкин эмас.

Жамият иштирокчиларининг умумий йиғилиши жамият бошқарувининг олий органи ҳисобланади.

Жамиятнинг уставида жамиятнинг кузатув кенгашини тузиш назарда тутилиши мумкин.

Жамиятнинг жорий фаолиятига раҳбарлик қилиш жамиятнинг яккабошчилик асосидаги ижро этувчи органи томонидан ёки жамиятнинг коллегиал ижро этувчи органи томонидан амалга оширилади. Жамиятнинг ижро этувчи органи жамият иштирокчиларининг умумий йиғилишига ва, агар тузилиши жамиятнинг уставида назарда тутилган бўлса, жамиятнинг кузатув кенгашига ҳисобдордир.

Жамият иштирокчилари умумий йиғилишининг ваколатлари жамиятнинг устави билан ушбу Қонунга мувофиқ белгиланади.

Жамият иштирокчилари умумий йиғилишининг мутлақ ваколатлари жумласига қуйидагилар киради:

- жамият фаолиятининг асосий йўналишларини белгилаш, шунингдек тижорат ташкилотларининг бошқа бирлашмаларида иштирок этиш тўғрисида қарор қабул қилиш;
- жамият устав фондининг (устав капиталининг) миқдорини ўзгартириш;
- таъсис ҳужжатларига ўзгартишлар ва қўшимчалар киритиш;
- жамиятнинг ижро этувчи органларини тузиш ва уларнинг ваколатларини муддатидан илгари тугатиш;
- жамиятнинг тафтиш комиссиясини (тафтишчисини) сайлаш ва унинг ваколатларини муддатидан илгари тугатиш;
- агар жамиятнинг уставида кузатув кенгашини тузиш назарда тутилган бўлса, уни сайлаш ва унинг ваколатларини муддатидан илгари тугатиш;
- йиллик ҳисоботларни ва йиллик бухгалтерия балансларини тасдиқлаш;
- жамиятнинг соф фойдасини жамият иштирокчилари ўртасида тақсимлаш тўғрисида қарор қабул қилиш;
- жамият органларининг фаолиятини тартибга солувчи ҳужжатларни тасдиқлаш (қабул қилиш);
- аудиторлик текширувини ўтказиш тўғрисида қарор қабул қилиш, аудиторлик ташкилотлари ҳамда уларнинг хизматларига тўланадиган ҳақнинг энг кўп миқдорини аниқлаш;
- бошқа юридик шахсларни, ваколатхоналар ва филиалларни тузиш тўғрисида қарор қабул қилиш;
- жамиятни қайта ташкил этиш ёки тугатиш тўғрисида қарор қабул қилиш;
- тугатувчини тайинлаш ва тугатиш балансларини тасдиқлаш;

➢ушбу Қонунда назарда тутилган бошқа масалаларни ҳал қилиш.

Масъулияти чекланган жамият шаклидаги кичик корхоналар хусусиятлари (муомала капиталининг кичиклиги, унинг тез айланувчанлиги, ишлаб чиқариш воситаларини тезда алмаштириш имкониятлари ва б. унинг бир қанча афзалликларга эга бўлиши имкониятларини яратади:

- изланиш, янги маҳсулотларни маромига етказиш ва ўзлаштириш, уларни талабнинг тез ўзгариб туриши рискини ҳисобга олган ҳолда кичик уюшмаларда ишлаб чиқариш;

- тезкор техник сервиснинг ишончлилиги ва истеъмолчилар билан мустаҳ- кам алоқалар ўрнатиш;

- ишлаб чиқаришни мослашувчан тарзда ташкил этиш ва маҳсулот сотишни бозор талабларига ҳамда бозор вазиятлари ўзгаришларига мувофиқ олиб бориш;

- ортиқча иш кучини ўзига сингдириш;

- бошқаришнинг оддийлиги, катта маъмурий аппаратнинг йўқлиги, қурилиш ва лойиҳа қувватларини ўзлаштиришда қисқа муддат, капитал сарфларининг тез ўзини оқлаши. капитал айланмасида юқори тезлик.

Масъулияти чекланган жамиятлар молиясини ташкил этишнинг ўзига хослиги қуйидагиларда намоён бўлади:

- корхона активларини шакллантиришни нисбатан соддалиги ва тезкорлиги;

- муомала капиталининг кичиклиги ва тез айланувчанлиги;

- ишлаб чиқариш воситаларини тезда алмаштириш имкониятлари;

- бозор конъюктурасига мос равишда товарларни ишлаб чиқаришга тез мослашувчанлиги;

- ҳар қандай зарар, хавф-хатар ва тадбиркорлик рисклари жамият аъзолари ўртасида уларнинг улушига мутаносиб тарзда тақсимланиши;

- молиявий менежернинг молиявий қарорлар қабул қилишида акционерлик жамиятларига нисбатан мустақиллик ва эркинлик даражасининг юқорилиги.

2.5. Кичик ва хусусий корхоналар молияси

Ҳар қандай мамлакат иқтисодиёти ривожланишининг даражаси бу ерда тадбиркорликнинг қай даражада тараққий этганлигидан далолат бериб туради. Айни пайтда иқтисодиётнинг жадал суръатлар билан ривожланиши унинг таркибидаги кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субектлари улушининг кўпайиб бориши билан белгиланса, шу соҳа улушининг кундан-кунга ортиб бориши эса, ўз навбатида, мамлакатда яратилган ишбилармонлик муҳитига кўп жиҳатдан боғлиқ бўлади.

Кейинги йилларда мамлакатимизда кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик фаолияти учун қулай шарт-шароитлар яратиш, ҳар томонлама қўллаб-қуватлаш натижасида, соҳада айрим ижобий натижаларга эришилмоқда.

Ҳозирда мамлакатимизда кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни янада ривожлантириш вазифаси белгилаб олинди. Бунда кичик бизнес корхоналари фаолиятини молиялаштиришнинг хусусиятли жиҳатларини аниқлаб олиш мақсадга мувофиқ. Маълумки, кичик корхоналар, микрофирмалар ва якка тартибдаги тадбиркорларни ўз ичига олувчи кичик бизнес субъектларининг самарали хўжалик юритиш имкониятлари йирик корхоналарга нисбатан чекланган. Йирик корхона ўзининг иқтисодий ва молиявий қувватидан келиб чиққан ҳолда, кўплаб хўжалик юритиш шарт-шароитларини ўзи мустақил таъминлаш, бу борадаги мавжуд муаммоларни ҳал қила олиш имконига эга. Жумладан:

- хўжалик юритиш фаолияти ҳамда ишлаб чиқаришнинг технологик жараёнларини самарали ташкил этиш ва амалга ошириш учун моддий-техник базасани таъминлаш;
- хом ашё, материаллар, электр энергияси, сув, табиий газ ва бошқа ресурслар билан таъминлаш;
- автомобиль йўллари, темир йўллар, омборлар ва бошқа ишлаб чиқариш инфратузилмаси объектларидан фойдаланиш;
- молиявий ресурсларга бўлган эҳтиёжини қондиришда ички ва ташқи манбалардан фойдаланиш;
- иқтисодий, молиявий, ҳуқуқий ва бошқа масалалар бўйича ўзининг алоҳида маслаҳат хизматларидан фойдаланиш ва ҳ.к.

Кичик бизнес субъектлари бу каби ташкилий-иқтисодий, молиявий, ҳуқуқий ва бошқа хизматлардан фойдаланишида кўплаб тўсиқ ва муаммолар учрайди.

Биринчидан, ушбу соҳа вакиллари ўз фаолиятини ташкил этишда, аксарият ҳолларда, молиявий маблағнинг етишмаслиги муаммосига дуч келади. Кўпинча, бошқа молиявий институтлар уларга қарз беришга доим ҳам хайрихоҳлик билдиравермайдилар.

Иккинчидан, ишлаб чиқариш инфратузилмаси объектлари фаолиятини мустақил йўлга қўйиш катта маблағ талаб этади. Учинчидан, кичик бизнес субъектларида ушбу хизматлардан мунтазам равишда фойдаланиш учун эҳтиёж кам бўлади ва ҳ.к.

Маълумки, кичик бизнес корхоналари фаолиятини молиялаштиришнинг асосий икки – ички ва ташқи манбалари мавжуд. Ички манбалар – бу одатда корхонанинг хусусий маблағлари бўлиб, у асосан соф фойда, амортизация ажратмалари, мулкдан олинадиган даромадлар ва бошқалардан иборат бўлади. Ташқи манбалар – бу корхонанинг қарз маблағлари бўлиб, ўз таркибига қуйидагиларни киритиши мумкин: банк кредити, лизинг, инвестициялар, давлат субсидиялари, қимматли қоғозлар эмиссияси ва бошқалар.

Шу билан бирга, ташқи манбалар қаторида самарали ва энг кенг тарқалган манба тижорат банклари кредити ҳисобланади. Бироқ, ўз ўрнида таъкидлаш лозимки, тижорат банклари йирик корхоналар билан таққослаганда, кичик бизнес субъектларига кредит беришдан у қадар манфаатдор бўлмайдилар. Ҳар қандай, айниқса, кичик корхона учун кредит олмасдан бизнесни ривожлантириш жуда қийин. Бироқ, кичик корхоналарда банк кредитлари олиш имконияти ўта чекланган.

Фикримизча, тижорат банкларининг кичик бизнес субъектларига кредит беришдан манфаатдор бўлмаслигининг асосий сабабларини қуйидагилар орқали изоҳлаш мумкин:

- кичик бизнес субъектлари иқтисодий фаолиятининг беқарорлиги натижасида кредитнинг қайтмаслик хатарининг юқорилиги;
- кўпинча кредитлаш ҳажмининг катта бўлмаслиги сабабли, тижорат банклари томонидан тақдим этилаётган кредит ресурси бирлигига тўғри келувчи харажатларнинг юқори бўлиши;
- кичик бизнес субъектларида аксарият ҳолларда ликвидли гаров мол-мулклари, ижобий кредит тарихининг мавжуд бўлмаслиги ва ҳ.к.

Ўзбекистонда кичик бизнес корхоналари фаолиятини молиялаштиришнинг хусусиятли жиҳатларини тадқиқ этишда,

соҳада самарали инвестиция сиёсатини амалга ошириш муҳим йўналишлардан бири ҳисобланади. Бу борадаги маълумотларни таҳлил қилиш асосида қуйидаги асосий тенденция ва жараёнларни ажратиб кўрсатиш мумкин:

-кейинги йилларда республика бўйича кичик бизнес корхоналарининг асосий капиталга киритилган инвестициялари ҳажми ортиб бормоқда;

-тармоқлар бўйича кичик бизнес корхоналарининг асосий капиталига киритилган инвестициялар борасидаги энг катта улуш саноат тармоғига тўғри келади. Бироқ, бу улуш секин-аста пасайиб бормоқда;

-кичик бизнес корхоналарида асосий капиталга киритилган инвестицияларнинг технологик таркиби таҳлили шуни кўрсатадики, энг катта улуш машина, ускуналар ва хўжалик жиҳозларини сотиб олишга тўғри келиб, айни пайтда мазкур йўналишдаги инвестициялар улуши йилдан-йилга ошиб бормоқда.

Демак, мамлакатимизда кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни ривожлантириш, соҳа фаолиятини молиялаштириш жараёнларини қулайлаштириш, молиялаштиришнинг янги, инновацион шаклларини йўлга қўйишни тақозо этади, кичик бизнес субъектларининг мамлакат ялпи ички маҳсулотидаги улуши билан тижорат банклари томонидан иқтисодиётга ажаратилаётган кредитлар улуши ўртасида сезиларли номутаносиблик мавжуд.

Фикримизча, тижорат банклари томонидан кичик бизнес корхоналари фаолиятини кредитлаш амалиётини қулайлаштириш ҳамда тақдим этилаётган кредит ҳажмини сезиларли даражада ошириш мақсадга мувофиқ. Кичик бизнес субъектларида молиялаштиришнинг турли, айниқса, хорижий мамлакатларда кенг тарқалган манбалардан фойдаланиш кўникмаларини шакллантириш муҳим аҳамият касб этади, кичик бизнес корхоналарининг асосий капиталига киритиладиган инвестициялар ҳажмини ошириш, технологик таркибини такомиллаштириш мақсадга мувофиқ. Кичик бизнес корхоналари фаолиятини молиялаштиришда юқорида баён этилган жиҳатларнинг эътиборга олиниши, мазкур соҳа фаолиятининг янада кенгайиши ҳамда иқтисодиётдаги салмоғи ўсишига имкон яратади.

2.6. Корхоналарнинг бюджет, нобюджет фондлари, тижорат банклари ва бошқа муассасалар билан муносабатлари

Корхона фойдасининг бир қисми маҳсулот таннархида ижтимоий заруратларга (нафака ижтимоий суғурта, иш билан бандлик жамғармаларига), солиқ ва йиғимларни тўлашга, махсус бюджетдан ташқари жамғармаларга ажратмаларга йуналтирилади.

Олдинги саволларда корхоналар турли молиявий институтлар билан ўзаро алоқаларда бўлиши, молиявий муносабатларни амалга ошириши, шу жумладан бюджет ва давлат нобюджет жамғармалари олдида ўз мажбуриятларини биринчи навбатда бажариши лозимлигини айтиб ўтган эдик.

Корхона молиявий муносабатлари таркибида корхона пул муомалалари қуйидаги гуруҳлари ажратилади:

Контрагентлар билан - бирламчи даромадлар шаклланиши бўйича ички хўжалик аҳамиятига эга бўлган мақсадли жамғармаларни ташкил этиш ва ундан фойдаланиш (устав капитали, иш ҳақи фонди, ишлаб чиқаришни ривожлантириш жамғармаси, мукофотлаш фондлари ва ҳ.к.). Бунда иш ҳақи доирасидаги пул муомаласи қўшилган қиймат яратилишида асосий ўрин эгаллайди. Молиявий муносабатлардаги илк белгилар шу жараёнда юзага келади.

Корхоналар билан - маблағларни тақсимлаш бўйича: бунда молиявий ресурсларнинг ҳаракати ножамғарма шаклида амалга оширилади (шартнома мажбуриятлари бузилганда жарима тўлаш ёки уни олиш, турли хил тўловлар тўлаш, ўзаро хамкорлик фаолиятидан олинган фойдани тақсимлашда катнашиш, бошқа корхона ва давлат қимматли қоғозларини сотиб олиш, улар бўйича дивидендлар олиш ва ҳ.к.). Маҳсулот истеъмолчилари билан муносабатларда корхона мустақил равишда шартнома тури ва шаклини танлайди, ўз маҳсулоти ва хизматларига баҳолар белгилайди. Шунингдек, суғурта ташкилотлари билан - турли мажбурий ва ихтиёрий суғурта бўйича муносабатлар ўрнатилади. Санаб ўтилган омиллар якуний молиявий натижага таъсир кўрсатади.

Банк тизими билан - ҳисоб-касса хизмати бўйича, ссуда олиш ва уни қоплаш, фоизлар тўлаш, шунингдек ортиқча пул маблағларини банкларга аниқ бир тўловлар эвазига фойдаланиш учун бериш бўйича;

Давлат билан - бюджет ва бюджетдан ташқари жамғармалар ташкил этиш бўйича. Пул муомалаларининг бу тури бюджет ва нобюджет жамғармаларига тўловлар, турли солиқлар, бадаллар ўтказиш билан амалга ошади. бошқа томондан, ноишлаб чиқариш сохаси, мақсадли дастурлар ва бошқалар бюджет томонидан молиялаштирилади;

Юқори бошқарув тузилмалари билан - молиявий ресурсларнинг ички тармоқ тақсимоти бўйича «вертикал» ва «горизонтал» ўзаро алоқаси.

Пул муомаласининг бу гуруҳлари умуман олганда, хўжалик юритувчи субъектларда пул даромадлари ва жамғармаларининг шаклланиши ва тақсимланишини ҳамда уларнинг молия ва банк тизимлари олдида, жорий, ишлаб чиқаришни кенгайтириш, ижтимоий таъминот ва ишчиларни моддий рағбатлантиришга йўналтирилган мажбуриятларини бажариш борасида сарфланишини кўзда тутган корхона молиясини ташкил этади.

Корхонанинг бюджет билан ўзаро муносабатларини таснифлаш корхоналарнинг даромад ва харажатлар балансини 4 – бўлимида келтирилган. У корхоналарни бюджет ва нобюджет фондлар билан иккиёқлама муносабатлари деб номланади. Бу бўлим ҳам икки қисмдан иборат бўлиб, харажат қисмида давлат бюджетига турли хил солиқларни тўлаш ва нобюджет фондларга ҳар хил ажратмаларни амалга ошириш бўлса, даромад қисмида марказлашган фондлардан олинадиган ажратмалар кўрсатилади.

Бозор иқтисодиёти шароитида корхонанинг бюджет билан ўзаро муносабатларини барқарорлаштириш яхши йўлга қуйилган.

Б.Даламагаснинг таъкидлашича, солиқ принциплари тенглик ва самарадорлик мезонларини ҳисобга олган ҳолда жорий этилиши ва бюджет даромадлари етарлилиги жиҳатларини акс эттириши лозим[5]. Замонавий шароитда солиқ ҳар қандай давлат тизимининг мажбурий элементи ҳисобланади. Ривожланган ва ривожланаётган мамлакатлар конституцияларида белгиланган демократик институтлар фуқароларнинг озодлиги ва ижтимоий фаровонлигини таъминлаш ва қўллаб-қувватлашга қаратилади.

Белгиланган тартиб бузилганда айбдор корхона ва тижорат банкига юридик ёки жисмоний шахснинг банк ҳисоб-варағига

[5] Dalamagas B. et al. Revising the Conventional Tax-Effort Principle //Scottish Journal of Political Economy. – 2019. – p. 22.

олдиндан ўтказилмай берилган нақд пул маблағи миқдорида жарима солинади.

Пул маблағларни жамлаш ва уларни ссуда (қарз)га бериш банкларнинг асосий функцияларидан бири ҳисобланади. Тўловларда воситачилик килиш эса улар вазифаси доирасидаги иш саналади. Банклар ва пул маблағларини узларида саклашни марказлаштирар экан, мижозлар топширикномаси буйича етказиб берувчилар ва харидорлар билан ҳисобот килади, газнага тўловлар хамда корхоналарга касса хизматини курсатади.

Корхона, ташкилотларга пул маблағларини сақлаш ва ҳисоб-китоблар олиб бориш, касса операцияларини амалга ошириш учун ҳисоб-китоб ёки жорий варакалар очилади.

Шуни ҳам таъкидлаш жоизки, Ўзбекистон қонунчилигига мувофиқ, иш ҳақи тўлаш, бюджетга тўловлар ва ижтимоий суғурта жамғармаси (нафака жамғармаси)га тўловлар барча корхоналар учун биринчи навбатда тўланадиган тўловлар ҳисобланади.

Бошқа тўловлар буйича ҳисоб-китоблар навбатма-навбат бажарилади.

Айтиш жоизки, дарсликларда, ўқув қўлланмаларда ва илмий ишларда корхона молиявий муносабатлари таркибини бир неча гуруҳларга ажратиш орқали ўз олдларига қўйилган мақсадга эришишни уриниш ҳолатлари мавжуд. Мисол учун, уй хўжалиги билан бюджет ташкилотлари ўртасидаги муносабат, аҳоли билан бюджет ўртасидаги муносабат ва ҳ.к. Айтиш жоизки, уй хўжалиги субъект мақомига эга бўлган тақдирдагина молиявий муносабатларни шакллантира олади. Жисмоний шахс сифатида эса бир томонлама, яъни ижтимоий муносабатлар доирасида алоқада бўлади ва қўшилган қиймат яратишдаги роли чекланади. Кейингиси, яъни аҳоли фақат бир қисми қўшилган қиймат яратувчиси бўлиб ҳисобланди. Шу боис унинг актив қисми, яъни ишлаб чиқариш билан банд бўлганлари қўшилган қиймат яратиши мумкин. Бу нуқтаи-назардан аҳолини барча қатламини молиявий муносабатларни иштирокчиси деб бўлмайди. Акс ҳолда молиявий муносабатлари ижтимоий муносабатлардан ёки иқтисодий муносабатлардан фарқланмаган бўлар эди.

2.7. Корхоналардаги молия хизматининг функция ва вазифалари

Бозор муносабатларининг ривожланишига боғлиқ ҳолда корхоналарда молиявий ишлар сифат жихатдан янги мазмунга эга бўлмокда. Бозор муносабатларини такомиллаштириб бориш билан молия хизматининг жиддий вазифаси факатгина бюджет, мол етказиб берувчилар, харидорлар, банк, бошқа корхона ташкилотлар ва ўз хизматчилари олдидаги мажбуриятларни бажаришгина бўлиб колмай, молиявий менежментни окилона ташкил қилишдан иборатдир. Бу ҳол ўз навбатида молия хизмати ишларида сифат жиҳатдан ижобий ўзгаришдир. Молия менежменти хўжалик субъектларини маълум даражадаги молиявий стратегия ва тактикасини ишлаб чикади. Бунинг учун корхонада молия ҳисоботлари таҳлил қилиниб, хўжаликни актив ва пассивларини таркибини ўзгаришига боғлиқ даромадларнинг прогнозига (истиқболига) баҳо берилади.

Бу ахвол тадбиркорликни бошқаришдаги тизимда молия хизматининг таркибини ва уни ўрни тўғрисидаги таассуротни ўзгартириб, бозор муносабатларига мослаштиради.

Корхонанинг молиявий хизмати дейилганда корхонани бошқариш тизимида маълум фаолиятларни бажарувчи мустақил тузилмавий бўлинма тушунилади. Одатда бундай бўлинма бўлиб молиявий бўлим ҳисобланади. Унинг тузилиши ва ундаги ходимлар сони корхонанинг ташқи хуқуқий иқтисодий шаклига, хўжалик фаолиятининг характерига, ишлаб чиқариш ҳажмига ва корхонада ишловчи ходимларнинг умумий сонига боғлиқ бўлади.

Хўжалик фаолиятининг характери ва ишлаб чиқариш ҳажми пул оборотининг миқдорини, бошқа корхоналар-таъминотчилар ва харидорлар (буюртмачи), тижорат банклари, бошқа кредиторлар, бюджет билан ҳисоб-китоблар ва улар билан боғлиқ тўлов ҳужжатларининг миқдорини белгилаб беради. Ходимлар сони касса операционлари ва ишчи-хизматчилар билан ҳисоб-китоблар ва иш ҳақи фонди ҳажмига таъсир қилади.

Корхонада молиявий ишнинг асосий йўналишлари молиявий бошқарув, молиявий режалаштириш ва назорат ишлардан иборат.

Кичик корхоналарда молиявий ишлар молия - ҳисобот бўлими ёки бухгалтерия таркибидаги молиявий сектор томонидан бажарилиши мумкин, йирик корхоналарда молиявий бўлим бир неча

гуруҳ (бюро) лардан таркиб топади, уларнинг ҳар бирига маълум функциялар юклатилган, бўлим бошлиғи бевосита корхонанинг бошқарувчисига бўйсунади.

Келтирилган молиявий бўлимнинг тузилиши умуман корхонада барча харажатларни молиялаштириш ва ҳисоб-китобларни амалга ошириш учун бажариш керак бўлган молиявий ишларнинг мазмунига мос келади.

Яқин вақтгача корхонада молиявий иш соф оператив масалаларни, ҳисоб-китоб ва тўлов ҳужжатларини расмийлаштириш, бошқа корхоналар, бюджет, банклар, ишчи хизматчилар билан ҳисоб-китобларни ташкил қилишдан иборат эди. Давлат корхонаси молиявий хизматнинг вазифалари ва функцияларини белгилаб берган «Молиявий ишни ташкил қилиш тўғрисида»ги Низом билан молиявий бўлимларга корхонанинг 5 йиллик молиявий режасида молиявий кўрсаткичларни ишлаб чиқиш, кескинроқ молиявий ресурсларни кўпайтириш мақсадларида истиқболли режа лойиҳаларини баҳолаш, кўрсатгичнинг йиллик молиявий режаларини тузиш юклатилган.

Лекин миллий хўжаликни бошқаришнинг тармоқли тизими шароитида корхоналарнинг молиявий режалаштириш соҳасидаги ҳуқуқлари жуда чегараланган эди.

Корхоналарда молиявий режалаштириш - корхоналар фаолиятини иқтисодий тартибга солиш тизимида ишлаб чиқариш ва сотишни режалаштириш, харажатларни назорат қилиш, шунингдек даромадлар ва харажатларни режалаштириш асосида улар молиясини бошқариш воситасидир[6].

Молиявий режалаштириш қуйидаги мақсадли йўналишларга ҳам эга бўлмоғи лозим:

- корхоналар фаолиятини молиявий ресурслар ва пул маблағлари билан таъминлаш;
- асосий ва бошқа фаолият турлари бўйича фойда (даромад)ни ошириш;
- бюджет, бюджетдан ташқари мақсадли жамғармалар, банклар, кредиторлар ва дебиторлар билан ўзаро молиявий муносабатларни ташкил этиш;
- режалаштирилаётган даромад ва харажатларни балансланштиришни таъминлаш;

[6] Ахроров З.О. Корхоналарда молиявий режалаштиришни ташкил этиш. // Iqtisodiyot, moliya va innovatsiyalar журнали (IMIJ). 2022 йил. 2-сон. 3-б.

- корхоналар тўлов қобилияти ва молиявий барқарорлигини таъминлаш.

Молиявий режалаштириш фирмага нисбатан турли жарима санкцияларидан ҳимоя қилиб, бюджет, турли жамғармалар, банклар ва бошқа кредиторлар олдидаги мажбуриятларни ўз вақтида бажаришга ёрдам беради[7].

Юқоридагилардан келиб чиқиб молиявий режалаштиришнинг объектлари бўлиб қуйидагилар ҳисобланиши лозим:

- молиявий ресурсларнинг самарали ҳаракати;

- молиявий ресурсларни шакллантириш, тақсимлаш ва фойдаланишда юзага келадиган молиявий муносабатлар ва уларни оқилона бошқариш;

- молиявий ресурсларни тақсимлаш натижасидаги молиявий муносабатларга таъсир этувчи омилларни бошқариш.

Молиявий режани тузишда корхоналарда хўжалик юритишнинг молиявий натижаларини яхшилаш, имкониятларни сафарбар қилишда хақиқий иқтисодий манфаатдорлик эди, чунки амортизация ажратмалари ва фойданинг катта қисми вазирлик томонидан марказлашган фондларга олиб кўйилган ва бошқа корхоналар ўртасида тақсимланган. Ўтган XX асрнинг 1986-1990 йилларида вазирликлар ўртасида қайта тақсимланадиган молиявий ресурслар ҳажми ҳатто аввалги 5 йилликларга нисбатан ошганлиги қайд этилган эди.

Йирик бирлашмалар таркибига кирувчи кўп корхоналарда молиявий хизмат умуман бўлган, ҳисоб-китоб ва тўлов хужжатларини расмийлаштириш билан эса бухгалтерия ходимларидан 1-2 киши шуғулланган.

Ҳозирги шароитларда хўжалик юритишнинг молиявий иш сифати жиҳатидан янги мазмун кашф этмоқда, бу объектив равишда мулкчилик муносабатларининг ўзгариши ва мулкчиликнинг шаклларига асосланган турли ташкилий, ҳуқуқий,иқтисодий шаклдаги корхоналарнинг вужудга келиши, давлат корхоналарининг давлат тасарруфидан чиқарилиши, корхонанинг хўжалик юритувчи субъектлар сифатидаги, шу жумладан, ташқи иқтисодий фаолият соҳасидаги мустақиллиги билан боғлиқ бўлди.

Айланмалари ва ходимлар сони озгина бўлган кичик корхоналарда (хусусий индивидуал ёки масьулияти чекланган

[7] Нечаев А.С. Проблема инвестиционного налогового кредита в России и возможный вариант ее решения // Проблемы современной экономики. 2004. № 4. с. 112.

ўртоқликларда) молиячининг функциялари бухгалтернинг фаолиятлари билан бирлаштирилиши мумкин, лекин йирикроқ корхоналарда, айниқса очиқ ёки ёпиқ турдаги ҳиссадорлик жамиятлари шаклидаги корхоналарда корхонани бошқариш тизимида молиявий хизматнинг бўлиши зарур деб топилди.

Хўжалик юритишнинг бозор шароитларида молиявий хизматнинг муҳим вазифаси бўлиб нафақат бюджет, банклар, таъминотчилар, корхона ходимлари олдидаги мажбуриятлар, бошқа барча модиявий мажбуриятларни бажариш, ҳисоб-китобларни амалга ошириш, ўзлик ва қарзга олинган маблағлар ишлатилиши устидан назорат қилиш, балки барча санаб ўтилган масалаларни ўз ишлаб чиқаришига олган сифат жиҳатдан янгиларига эга бўлган молиявий менежментни ташкил қилиш ҳам ҳисобланади.

Қисқача молиявий менежментни қуйидагича таърифлаш мумкин: молиявий менежмент - бу ўз хусусий маблағлари ва жалб қилинган капитални энг самарали ишлатиш ва максимал фойда олиш мақсаддарда молиявий оқимларни бошқаришни ташкил этишдир. Молиявий менежмент молиявий ҳисоботларни таҳлил қилиш асосида маълум молиявий стратегия ва тактикани ишлаб чиқаришни кўзда тўтади, буни у кўрсаткичлар тизими ва корхона актив ва пассивларининг таркиби ўзгаришига кўра даромадларни истиқболлаштириш ёрдамида амалга оширилади. Кўриниб турибдики, бу молиявий хизматларнинг структураси ҳақидаги ва унинг корхонани бошқариш тизимидаги ўрни ҳақидаги эски тасаввурларни ўзгартиради.

Молияни бошқариш аппаратининг хўжалик юритувчи субъекти умумий бошқариш аппаратининг муҳим қисми ҳисобланади. Йирик корхоналарда молиявий директор ёки бош молиявий менежер бошчилигидаги молиявий дирекция тўзилиши мумкин. У ҳиссадорлик жамияти бошқарувчиси ёки корхона дирекцияси қарори билан ташкил қилинади.

Молиявий дирекция хўжалик юритувчи субъектнинг хўжалик ва молиявий фаолиятининг характери, ташкилий, ҳуқуқий иқтисодий шаклига боғлиқ бўлган структурасига эга бўлади. Молиявий дирекциянинг бўлинмалари масалан қуйидагилар бўлиши мумкин: молиявий бўлим, режа иқтисод бўлими, бухгалтерия, иқтисодий таҳлил бюроси, валюта операциялари бўлими ва бошқалар. Барча бўлимларнинг структураси, функциялари ва масъулияти, уларни

бошқаришнинг бошқа бўғинлари билан ўзаро муносабатлари молиявий дирекция тўғрисидаги Низом билан белгиланиши лозим.

Молиявий бошқарувнинг вазифаларига қуйидагилар киради:

▪корхона хўжалик фаолиятини молиялаштиришни таъминлаш;

▪ хўжалик юритувчи субъектнинг молиявий ривожланиш дастурини ишлаб чиқиш;

▪инвестиция сиёсатини ишлаб чиқиш;

▪ корхонанинг барча бўлинмалари учун пул маблағларини сарфлаш тизимини ўргатиш;

▪валютавий сиёсатни ишлаб чиқариш ва валютавий фаолиятни таъминлаш;

▪ молиявий режалаштириш, бизнесларнинг тўзилишида иштирок этиш;

▪таъминотчилар, харидорлар, пудратчилар, банклар, бюджет билан ҳисоб-китобларни амалга ошириш;

▪молиявий таваккалчиликлардан суғурталанишни таъминлаш;

▪гаров, транс, лизинг ва бошқалар операцияларни ўтказиш;

▪молиявий -хўжалик ва ташқи иқтисодий фаолиятни таҳлил қилиш;

▪молиявий ҳисобот юритиш, бухгалтерия баланси ва бошқа молиявий ҳужжатларни тузиш .

Корхонанинг ўлчами қуйилган мақсадларига кўра юқорида санаб ўтилган фаолиятлар гуруҳлар кесимида майдаланиши (деталлашиши) ёки кенгайиши мумкин. Масалан, инвестиция сиёсати нафақат капитал қуйилмаларни амалга ошириш билан, балки бошқа корхонанинг низом капиталига маблағлар қуйиш ёки ўз акцияларини чиқариш билан боғлиқ бўлиши мумкин.

Бу фаолиятни амалга оширишда молия соҳасидаги профессионал мутахассис сифатидаги молиявий менежер бош роль ўйнайди. Йирик корхоналарда бир нечта молиявий менежерлар ишлайди, улар ҳар хил маълум мансаб вазифаларини бажаради. Молиявий менежерлар гуруҳини етакчи молиявий менежер бошқаради, бундай гуруҳлар 1 нечта бўлса бош менежер бошқаради.

Молиявий менежернинг профессионал даражаси унинг молиявий ва кредит соҳадаги билимлари солиқлар, банк, биржа ва молиявий фаолиятлар, бухгалтерия ҳисоби соҳасидаги қонунчиликни билиши, корхонанинг балансини таҳлил қила олишлиги билан белгиланади. Молиявий менежер валютавий қонунчиликни, молиявий бозорда ишлашни билиши лозим бўлади.

Ғарб мамлакатларида бундай мансаб вазифаларини фақат юқори малакали мутахассис бажара олиши мумкин холос, унинг меҳнатига мос ҳолда жуда катта иш ҳақи тўланади. Одатда молиявий менежер корхонанинг эгаси эмас, балки шарнома бўйича ишлаётган ходим бўлади. Ўзининг малакаси ва бошқарув фаолиятининг натижаларига кўра молиявий менежер нафақат иш ҳақи, балки фойдадан маълум фоиз ҳам олиши мумкин.

Таянч сўз ва иборалар

Хўжалик субъектлари молияси, корхоналар ташкилий-ҳуқуқий шакллари, акционерлик жамияти, масъулияти чекланган жамияти, акция, якка тартибдаги тадбиркорлик, корхоналарнинг молиявий муносабатлари, ҳисоб-китоб варақларини очиш.

Ўз-ўзини текшириш учун саволлар

1. Корхоналарнинг қандай ташкилий-ҳуқуқий шакллари мавжуд?
2. Акционерлик жамиятлари молиясининг ўзига хос хусусиятлари нималардан иборат?
3. Масъулияти чекланган жамиятлар молияси қандай ташкил этилади?
4. Хусусий корхона ва якка тартибдаги тадбиркорлик қандай фарқли ва ўхшаш томонлари мавжуд?
5. Корхоналар нобюджет фондлари, тижорат банклари ва бошқа муассасалар билан қандай муносабатда бўлади?
6. Корхоналарнинг бюджет билан муносабатлари нималарда намоён бўлади?
7. Молиявий менежер ким?

Топшириқлар

1. Корхоналар ташкил этиш бўйича низом жамғармаларни ўрганиб чиқинг.
2. Самарқанд вилояти бўйича хусусий корхоналар ва қўшма корхоналар ҳақидаги амалий маълумотларни тўпланг ва таҳлил қилинг.
3. Корхона мустақил субъект сифатида тавсифлаб беринг.
4. Корхоналарнинг бюджет, нобюджет фондлари, тижорат банклари ва бошқа муассасалар билан муносабатларини чизма кўринишида ифодаланг.

5. Бирон корхона мисолида молия-кредит тизимлари билан муносабатларини ўрганинг ва айтиб беринг.

6. Корхона учун банкда ҳисобрақам очиш тартибини ўрганиб чиқинг.

III БОБ. АКЦИЯДОРЛИК ЖАМИЯТЛАРИДА ДИВИДЕНД СИЁСАТИНИНГ НАЗАРИЙ АСОСЛАРИ

3.1. Дивиденднинг иқтисодий моҳияти ва корхоналар молиявий муносабатларидаги ўрни

3.2. Дивиденд сиёсати – корхона молиявий сиёсатининг таркибий қисми сифатида

3.3. Дивиденд тўлаш муддатлари. Дивиденд тўланишини таъқиқловчи ҳолатлар. Дивиденд типлари. Дивиденд тўлаш босқичлари

3.4. Дивиденд тўлаш шакллари: пул шаклидаги дивидендлар, автоматик реинвестициялаш, акциялар орқали тўлаш, акцияларни майдалаш. Дивидендларни солиққа тортиш

3.1. Дивиденднинг иқтисодий моҳияти ва корхоналар молиявий муносабатларидаги ўрни

Дивиденд – бу сотилган акциялар, улушлар, пайлар сонига мувофиқликда мулкдорлар ўртасида аниқ бир давр бўйича тақсимланадиган корхона фойдасининг бир қисмидир.

Дивиденд - акция эгаси оладиган даромад тури. Бироқ у жиддий техник кўрсаткич ҳам ҳисобланади, яъни унинг ёрдамида бошка миқдорлар, шу жумладан, акцияларнинг нархлари ҳисоблаб чиқилади. Иқтисодий ривожланган мамлакатларда фаолият кўрсатувчи кўплаб таҳлилий агентликлар қайси акциядорлик жамиятлар реал дивиденд тўловларини амалга ошираётганлиги ҳақидаги ахборот материалларини даврий равишда чоп этиб боришади. Бунда қимматли қоғозларнинг реал даромад келтириш миқдорлари таҳлил қилинади. Олинган рақамлар анча узоқ вақт мобайнида компания молиявий аҳволининг индикатори ҳисобланали. Бундан ташқари, турли хилдаги рейтингларни тузиш, одатда, ташқи мезонларга асосланади ва дивиденд ставкаси ана шундай мезонлардан биридир.

Ҳозирги вақтда Ўзбекистонда дивиденд тўловларининг тартиби «Акциядорлик жамиятлари ва акциядорлар ҳуқуқларини ҳимоя қилиш тўғрисида»ги Қонун билан тартибга солинади. Унда айрим чекловлар белгиланган. Мазкур қонунга мувофиқ дивидендларни жорий йилнинг соф фойдасидан тўлаш мумкин. Бу акциядорлик

жамиятнинг дивиденд сиёсатини амалга ошириш имкониятини қисқартиради.

Қонунда белгиланишича, агар имтиёзли акциялар бўйича қатъий белгиланган дивидендларни тўлаш учун етарли фойда мавжуд бўлса, акциядорлик жамияти акциялар эгаларига дивидендлар тўлашни рад этишга ҳақли эмас. Фойда етарли бўлмаган ёки жамият зарар кўриб ишлаган ҳолларда имтиёзли акциялар бўйича дивидендлар фақат ушбу мақсад учун ташкил этилган жамият устав фондининг ҳисобидан ҳамда унинг миқдори чегарасида тўланиши мумкин. Дивиденд сиёсатида акс этадиган олинган фойдани тақсимлаш бўйича корхона ва мулкдорлар ўртасидаги молиявий муносабатлар мураккаб ва кўп қиррали ҳисобланади. Шунинг учун дивидендларнинг иқтисодий моҳияти ва пайдо бўлиш табиатидан бошлаб унинг таркибий қисмини кўриб чиқиш мақсадга мувофиқ. Акциядорлик компаниясининг дивиденд сиёсатини ишлаб чиқиш корпоратив бошқарувнинг муҳим таркибий қисми ҳисобланади. Дивиденд сиёсатининг асосий мақсади мулкдорлар томонидан фойданинг жорий истеъмол қилиниши ва унинг келажакдаги ўсиши ўртасида оптимал мутаносибликни ўрнатишдан иборат.

Дивидендлар соҳасидаги сиёсатни кузатув кенгаши шакллантиради. Шуни назарда тутиш лозимки, акцияларни харид қилишдан асосий мақсад дивидендлар олиш ҳисобланади. Лекин акциядор акцияларни харид қилиш чоғида бошқа манфаатларни ҳам кўзлаши мумкин. Масалан, мулкдор акциядорлик жамият фаолиятига таъсир кўрсатиш имкониятини қўлга киритиш, шунингдек, сармоядорнинг иқтисодий манфаатдорлиги билан у ёки бу жиҳатдан боғлиқ бўлган сабаблар ҳам бўлиши мумкин.

Инвестор томонидан корхона капиталига пай, улуш, акцияларга тикилган (қўйилган) пул маблағлари ҳақиқатда унинг корхонага эгалик қилиш ҳуқуқини ва ўз навбатида, олинган фойдани тақсимлашда иштирок этиш ҳуқуқини беради. Умуман мазкур ҳуқуқни амалга ошириш вақтида фойданинг турли шакллардаги қисмларини таъсисчилар фойдасига ўтказиш кўринишида амалга оширилади. Акциядорлик жамиятларида мазкур ҳуқуқдан фойдаланиш анъанавий тарзда фойдани тақсимлашда иштирок этиш ва дивидендлар тўланиши (дивиденд олиш) шаклида амалга оширилади.

Капитал тақдим этишдан олинадиган бошқа даромадлардан, масалан фоизлардан фарқли равишда дивиденд тўловлари мажбурий

ҳисобланмайди, уларнинг миқдори олдиндан маълум бўлмайди. Акциядорлик жамиятларида дивидендлар миқдори директорлар кенгаши таклифи асосида акциядорлар умумий йиғилиши қарорига асосан белгиланади ва одатда, молиявий-хўжалик фаолиятидан олинадиган натижаларга боғлиқ бўлади.

3.2. Дивиденд сиёсати – корхона молиявий сиёсатининг таркибий қисми сифатида

Дивиденд сиёсати – корхонанинг бозор қийматини ва мулкдорлар турмуш фаровонлигини ошириш мақсадида фойданинг истеъмол қилинадиган ва реинвестиция қилинадиган қисмлари ўртасидаги пропорцияни оптималлаштиришга йўналтирилган корхона молиявий сиёсатининг бир қисмидир.

Саноати ривожланган мамлакатларда дивиденд сиёсатининг шаклланишига доир кўплаб назарий тадқиқотлар ўтказилган. Бу борада *қолдиқ тамойили бўйича дивидендларни ҳисоблаш назарияси (Модильяни-Миллер назарияси)* энг кенг тарқалган назария ҳисобланади. Ушбу назарияга мувофиқ, дивидендларни тўлаш фонди фойда ҳисобидан акциядорлик жамиятнинг инвестиция имкониятлари тўлиғича амалга ошишини таъминловчи молиявий ресурсларига бўлган эҳтиёж қондирилганидан сўнг аниқланади. Ўз навбатида, дивидендлар фақат соф фойда ҳисобидан барча инвестиция лойиҳалари молиялаштирилган бўлса тўланади. Агар соф фойдани қайта инвестициялаш учун йўналтириш мақсадга мувофиқ бўлса, у ҳолда дивидендлар тўланмайди. Аксинча, агар акциядорлик жамиятда самарали инвестиция лойиҳалари мавжуд бўлмаса, у ҳолда соф фойда тўлиқ ҳажмда дивидендларни тўлаш учун йўналтирилади.

Дивиденд сиёсатидаги мавжуд назарияларда асосан сармоядорлар ҳамма вақт дивидендларни акцияларнинг курс нархи ўсишидан олиниши мумкин бўлган даромадлардан афзал кўришади. Ушбу назариядан келиб чиққан ҳолда, дивиденд тўловларини кўпайтириш фойдани капиталлаштиришга қараганда афзалроқ. Уларнинг ҳисоблашларича, жорий дивиденд тўловлари мазкур акциядорлик жамият акцияларига инвестициялашнинг фойдалилиги нуқтаи назаридан сармоядорларнинг иккиланишлари даражасини пасайтиради, бу акциядорлик сармояси бозор қийматининг ошишига олиб келади. Аксинча агар дивидендлар тўланмаса, у ҳолда

иккиланиш даражаси ортади, даромаднинг зарур акциядорлик меъёри кўпаяди, бу ҳол акциядорлик сармояси бозор қийматининг пасайишита олиб келади.

Акциядорлик жамиятнинг дивиденд сиёсатини белгилаб берувчи бошқа назариялар ҳам ишлаб чиқилган. *Дивидендларни камайтириш назарияси* шундан иборатки, дивиденд сиёсатининг самарадорлиги акциядорларнинг жорий ва бўлажак даромадлари бўйича солиқ тўловларини камайтириш мезони билан белгиланади. Дивидендлар кўринишидаги жорий даромадларнинг солиққа тортилиши ҳар доим юқори бўлиши туфайли дивиденд сиёсати дивиденд тўловларининг камайишини ва ўз навбатида - капиталлаштириладиган фойданинг кўпайишини таъминлаши керак. Бу мулкдорлар даромадининг солиқдан ҳимояланишини таъминлайди. Бироқ бундай ёндашув даромадларининг даражаси паст бўлган кўп сонли акциядорларни қаноатлантирмаслиги мумкин, улар учун дивидендларнинг жорий тушуми зарур.

Дивидендларнинг сигнал назарияси шунга асосланадики, акцияларнинг жорий бозор қийматини баҳолашнинг асосий моделлари бошланғич элемент сифатида тўланадиган дивидендлар миқдоридан фойдаланади. Ўз навбатида, дивиденд тўловлари даражасининг ўсиши акцияларнинг фонд бозорида котировка қилинадиган бозор қийматининг автоматик тарзда ошишини таъминлайди. Бундай акцияларни сотишда акциядорлар қўшимча даромад оладилар. Бундан ташқари, юқори миқдордаги дивидендларнинг тўланиши акциядорлик жамият кўтарилиш палласида турганлигидан ва келажакда фойданииг сезиларли даражада ўсиши кутилаётганлигидан далолат беради. Ушбу модел фонд бозорининг барча иштирокчилари ахборотдан тенг шароитда фойдаланишини талаб қилади ҳамда акциялар бозор қийматининг ўзгариб туришига катта таъсир кўрсатади.

Юқорида кўриб чиқилган барча назариялар ўзаро боғланган ва акциядорларнинг умумий даромади кўпайиши, акциядорлик жамиятнинг жорий ҳамда инвестиция фаолиятининг етарлича молияланишини таъминлашни ўз олдига мақсад қилиб қўйган.

Ушбу назарияларнинг амалиётда қўлланиши акциядорлик жамиятнинг дивиденд сиёсатини танлашига нисбатан учта ёндашувни шакллантириш имконини берди: «консерватив»,

«муросали» ва «тажовузкор». Ушбу ёндашувларнинг ҳар бирига дивиденд сиёсатининг маьлум бир хили мос келади (3.1-жадвал)[8].

3.1-жадвал

Акциядорлик жамиятнинг дивиденд сиёсатини танлашга нисбатан асосий ёндашувлар

Дивиденд сиёсатини шакллантиришга нисбатан ёндашувлар	Фойдаланиладиган дивиденд сиёсатининг вариантлари
I. Консерватив ёндашув	1.Дивиденд тўловларининг қолдиқ сиёсати 2.Дивиденд тўловларининг барқарор миқдори сиёсати
II. Муросали ёндашув	3.Алоҳида даврларда устама хақи тўланиши билан дивидендларнинг энг кам барқарор миқдори сиёсати
III. Тажовузкор ёндашув	4.Дивидендларнинг барқарор даражаси сиёсати 5.Дивиденд миқдорининг доимий ошиши сиёсати

Одатда, дивиденд сиёсатини шакллантиришга нисбатан *консерватив ёндашув* чоғида дивиденд тўловларининг қолдиқ сиёсати ёки дивиденд тўловларининг барқарор миқдори сиёсатидан фойдаланилади.

Юқорида айтиб ўтганимиздек, дивиденд тўловларининг *қолдиқ сиёсати* шундан иборатки, дивидендлар соф фойдани капиталлаштириш (қайта инвестициялаш)нинг барча эҳтимолий вариантлари кўриб чиқилганидан сўнг ҳисобланади. Мазкур сиёсатнинг устунлиги шундаки, у акциядорлик жамиятнинг юқори суръатларда ривожланишини таъминлаш билан бирга, унинг молиявий барқарорлигини оширади. Ушбу сиёсатнинг камчилиги эса дивиденд тўловлари миқдорининг беқарорлиги, кейинги даврда уларниг миқдорини тўлиқ олдиндан айтиб бўлмаслиги, ҳатто, юқори инвестицион имкониятлар даврида ҳам уларни тўлашдан воз кечилиши мумкинлигидан иборат. Одатда, бундай дивиденд сиёсати акциядорлик жамият ҳаётий даврининг юқори даражадаги инвестиция фаолияти билан боғлиқ дастлабки босқичларида қўлланилади.

Дивиденд сиёсатини белгилашда яна шуни ҳисобга олиш лозимки, «Акциялар курси дивидендга тўғри пропорционал ва

[8] Ҳошимов А.А. Ўзбекистонда интеграциялашган корпорацияларни бошқариш. – Т.: Фан, 2007

муқобил капитал қуйилмаларга тескари пропорционал» классик формула амалиётининг барча ҳолатларида ҳам қўлланилмайди. Агар сармоядорлар акциядорлик жамиятнинг ривожланиш истиқболлари, тўловнинг пасайиши ёки тўламаслик сабаблари ҳамда соф фойдани қайта инвестициялаш йўналишлари ҳақида тўғри хабардор этилса улар, ҳатто, дивидендлар тўланмаса ҳам ушбу корпорациянинг акцияларини юқори баҳолашлари мумкин.

Дивиденд тўловларининг барқарор миқдори сиёсати узоқ вақт мобайнида уларнинг ўзгармас суммасини тўлашни назарда тутади (инфляция суръатлари юқори бўлганда дивиденд тўловларининг суммаси инфляция индексига тўғриланади). Ушбу сиёсатнинг устунлиги унинг ишончлилиги ҳисобланади, у акциядорларга турли ҳолатлардан қатъий назар, жорий даромад миқдорининг ўзгармаслигига ишонч ҳиссини уйғотади, фонд бозорида акцияларнинг барқарорлигини белгилаб беради. Мазкур сиёсатнинг камчилиги эса унииг акциядорлик жамият фаолиятининг молиявий натижалари билан заиф алоқасида, шу муносабат билан ноқулай конъюнктура ёки шаклланаётган фойданинг миқдори паст бўлган даврларда инвестиция фаолияти амалга оширилмаслиги мумкин. Ана шундай салбий оқибатларга йўл қўймаслик учун дивиденд тўловларининг барқарор миқдори, одатда, нисбатан паст даражада белгиланади, бу ушбу турдаги дивиденд сиёсатини акциядорлик жамиятнинг молиявий барқарорлиги пасайиши хатарини камайтирувчи консерватив сиёсат тоифасига киритади.

Юзага келган вазиятда бундай дивиденд сиёсатини мамлакатимизнинг бир қатор фойда кўриб ишлаётган акциядорлик жамиятларида ҳам қўллаш мумкин.

Мазкур сиёсатнинг асосий камчилиги шундан иборатки, узоқ вақт давомида кам миқдорда дивидендлар тўланишида компания акцияларининг инвестицион жозибадорлиги пасаяди ва ўз навбатида, уларнинг бозор қий-мати ҳам тушиб кетади.

Дивиденд сиёсатини танлашга нисбатан *муросали ёндашув*га алоҳида даврларда устама ҳақи тўланиши билан дивидендларнинг энг кам барқарор миқдори сиёсати (ёки *«Экстра-дивиденд» сиёсати*) мос келади ва бу сиёсат ҳам кам миқдордаги дивидендлар тўланишини назарда тутади. Бироқ, хўжалик конъюнктураси қулай бўлган даврларда дивидендлар оширилиши мумкин. Бундай дивиденд сиёсатини фойдани шакллантиришда беқарор динамикага эга бўлган акциядорлик жамиятларда қўллаш мақсадга мувофиқ.

Дивиденд сиёсатини шакллантиришга нисбатан *«тажовузкор ёндашув»г*а дивидендларнинг барқарор даражаси сиёсати ва дивидендлар миқдорининг доимий ошиши сиёсати мос келади.

Дивидендларнинг барқарор даражаси сиёсати фойдага нисбатан дивиденд тўловларининг узоқ муддатли меъёрий коэффициенти белгиланишини назарда тутади.

Ғарб молиячиларининг фикрича, барқарор ишловчи акциядорлик жамиятларда дивиденд тўловларининг улуши кўпи билан 30-40 фоизни ташкил қилиши, соф фойданинг қолган қисми эса (60-70%) ривожланиш мақсадларига йўналтирилиши керак.

Ушбу сиёсатнинг устунлиги соддалиги ва шаклланадиган фойданинг миқдори билан узвий боғланганлигида. Шу билан бирга, унинг асосий камчилиги шаклланаётган фойда барқарор бўлмаган ҳолатларда акцияга тўланадиган дивиденд миқдорининг беқарорлиги ҳисобланади.

Ҳатто, дивиденд тўловларининг даражаси юқори бўлганда ҳам бундай сиёсат, одатда, хатарни четлаб ўтувчи сармоядорларни жалб этмайди. Ғарб мутахассисларининг ҳисоблашларича, фақат барқарор фойдага эга бўлган компаниялар ушбу турдаги дивиденд сиёсатини амалга ошириши мумкин.

Дивидендлар миқдорини доимий ошириш сиёсати бир акцияга ҳисобланганда дивиденд тўловлари даражасининг ошишини назарда тутади. Бундай сиёсатни қўллашда дивидендларни кўпайтириш, одатда, ўтган даврда уларнинг миқдорига нисбатан ўсишнинг қатъий белгиланган фоизида амалга оширилади. Ушбу сиёсатнинг устунлиги компания акциялари бозор қийматининг юқори бўлишини таъминлаш ва қўшимча эмиссиялар чоғида потенциал сармоядорларда унинг ижобий нуфузини шакллантириш ҳисобланади. Мазкур сиёсатнинг камчилиги эса уни амалга оширишда қайишқоқликнинг мавжуд эмаслиги ва молиявий кескинликнинг доимий равишда ошиб боришидан иборат. Агар дивиденд тўловлари фонди фойда суммасига қараганда тезроқ ўсса, корхонанинг инвестицион фаоллиги қисқаради, молиявий барқарорлик коэффициенти эса пасаяди. Шунинг учун бундай дивиденд сиёсатини фақат реал ривожланаётган акциядорлик компаниялари амалга ошириши мумкин – агар ушбу сиёсат компания фойдасининг доимий ўсиши билан мустаҳкамланмаса у банкротликга олиб келиши тайин.

Шуни таъкидлаш жоизки, агар компанияни молиялаш манбаси акцияларнинг қўшимча эмиссиясидан олинган даромад ҳисобланган кенг кўламли инвестиция дастурини амалга оширишни (ишлаб чиқаришни реконструкциялаш ва б.) кўзласа, у ҳолда бундай эмиссия анча юқори дивидендларни тўлашдан олдин амалга оширилиши керак. Фақат ана шу ҳолатда акцияларнинг юқори курси ва уларни тегишлича жойлаштиришдан олинадиган барқарор даромад кафолатланиши мумкин.

Миллий акциядорлик жамиятлари жаҳон назарияси ва амалиёти томонидан ишлаб чиқилган дивиденд сиёсатининг хилини танлаш тамойиллари, мамлакатдаги иқтисодий вазиятнинг ўзига хос хусусиятлари, акциядорлик жамиятда юзага келган муайян шароитларни ҳисобга олган ҳолда шакллантириши лозим.

Акциядорлик жамият ҳаётий даврининг дастлабки босқичларида у катта миқдордаги маблағларни ўзининг ривожланиши учун сарфлашга мажбурлиги боис, дивидендлар тўлашни чегаралашга мажбур. Фойдани сармоялашга бўлган эҳтиёж ҳам асосий фондлар ва номоддий активларни кенгайтирилган такрор ишлаб чиқаришга йўналтирилган инвестицион фаолиятни фаоллаштириш даврларида ортиши мумкин, бу ҳам дивидендлар тўловларини қисқартиришни талаб қилади.

Тайёрланган алоҳида лойиҳалар юзага келган бозорнинг қулай конъюнктурасида самарали эксплуатацияни таъминлаш учун жадал амалга оширилишни талаб этадиган даврлар ҳам учрайди. Бу ўз молиявий маблағларини мазкур лойиҳаларга йўналтиришни талаб қилади ва ушбу даврларда дивиденд тўловларининг пасайишига олиб келиши мумкин. Компаниянинг инвестиция эҳтиёжларини тавсифловчи омиллар таҳлили билан бир қаторда, муқобил манбалардан молиявий ресурсларни шакллантириш имкониятларини ҳам таҳлил қилиш зарур. Уларга қуйида-гилар киради:

-ўтган даврда шаклланган ўз сармояси захираларининг етарлилиги;

-қимматли қоғозлар эмиссияси ҳисобидан қўшимча сармояни жалб этиш қиймати;

-қўшимча қарз сармоясини жалб этиш қиймати;

-молия бозорида кредитлардан фойдаланиш имконияти;

-компаниянинг жорий молиявий фаолияти билан аниқланадиган кредитга лаёқатлилик даражаси.

Дивиденд сиёсатини шакллантиришда илгари олинган кредитлар бўйича тўловларнинг кечиктириб бўлмаслиги омилини ҳам кўриб чиқиш лозим, тўлов қобилиятини ушлаб туриш дивиденд тўловларининг ўсишига қараганда анча устувор вазифа ҳисобланади.

Корхоналар томонидан амалга ошириладиган дивиденд сиёсатига инвестицион фаолият билан боғлиқ, муқобил манбалардан молиявий ресурсларни жалб қилиш имкониятларини тавсифловчи, объектив чекловлар билан боғлиқ омиллар ўз таъсирини кўрсатади. Дивиденд сиёсатига таъсир этувчи омиллар ва уларнинг таркибий қисмлари қуйидаги жадвалда келтирилган (3.2-жадвал).

3.2-жадвал

Дивиденд сиёсатига таъсир этувчи омиллар

№	**Омиллар гуруҳи**	**Гуруҳ таркиби**
1.	Корхонанинг инвестицион имкониятларини тавсифловчи омиллар	- корхонанинг ҳаётий цикли босқичлари; - компаниянинг ўз инвестицион дастурларини кенгайтириш зарурияти; - юқори даражада самарадорликка эга алоҳида инвестицион дастурларга тайёргарлик босқичи.
2.	Муқобил манбалардан молиявий ресурсларни шакллантириш (жалб қилиш) имкониятларини тавсифловчи омиллар	- олдинги даврларда шакллантирилган хусусий капитал захирасининг етарлилиги; - қўшимча акциядорлик капиталини жалб қилиш учун талаб қилинадиган харажатлар; - қўшимча қарз капиталини жалб қилиш учун талаб қилинадиган харажатлар; - молия бозоридан кредит жалб қилиш имконияти; - корхонанинг жорий молиявий ҳолати билан белгиланадиган кредитга лаёқатлилик даражаси;
3.	Объектив чекловлар билан боғлиқ омиллар	- солиққа тортиш даражаси; - корхона мол-мулкини солиққа тортиш даражаси; - фойдаланилган хусусий ва қарз капитали ўртасидаги нисбатга боғлиқ ҳолда эришилган молиявий левериж самараси; - ҳақиқатда олинган фойда миқдори ва хусусий капитал рентабеллиги коэффициенти.
4.	Бошқа омиллар	- корхона иштирок этадиган товар бозори ҳолати сикли; - рақобатчи компаниялар дивиденд тўловлари даражаси;

		- олинган кредитлар бўйича кечиктириб бўлмас тўловлар; - компания бошқаруви устидан назоратни йўқотиш мумкинлиги.

Юқорида санаб ўтилган омиллар ва компания молиявий стратегияси таҳлилининг натижалари асосида дивиденд сиёсати хили танланади. Бироқ, бу ерда шуни назарда тутиш лозимки, дивидендларнинг энг кам миқдори ҳар доим унинг йўқлигидан кўра афзал. Фонд бозори ҳали яхши ривожланмаган Ўзбекистондаги ҳозирги шароитда акциядорларнинг кўпчилиги келгусида акциялар курс қийматининг ошиши кўринишида потенциал даромадга реал тўловларни олишни афзал кўришади.

Дивиденд сиёсатининг хилини танлаш компания эришишни кўзлаган мақсадга боғлиқ. Айрим ҳолларда дивиденд тўловларининг барқарор миқдорини ушлаб туриш фойдадан холи бўлмайди. Бундай ёндашувнинг афзаллиги шундан иборатки, акциядор маълум бир вақт мобайнида қимматли қоғозлар бўйича қатъий белгиланган даромадни олишини олдиндан билади. Мамлакатимиз тижорат банклари ва инвестиция фондлари қатор йиллар мобайнида ана шундай сиёсатни амалга оширишди.

Навбатдаги босқич компания фойдасини танланган дивиденд сиёсатининг хилига мувофиқ тақсимлашдан иборат. Дастлаб соф фойда суммасидан унинг ҳисобидан шаклланадиган захира ва бошқа мажбурий фондларга мажбурий ажратмалар чиқариб ташланади. Сўнгра соф фойданинг қолган қисми иккита қисмга бўлинади: капиталлаштириладиган ва истеъмол қилинадиган. Агар компания дивиденд сиёсатининг қолдиқ хилини танлаган бўлса, у ҳолда ишлаб чиқаришни ривожлантириш фондини ва, аксинча, агар у дивидендларни барқарор тўлаш ёки дивидендларни барқарор ошириш сиё-сатини олиб борса, истеъмол фондини шакллантириш унинг устувор вазифаси ҳисобланади.

3.3. Дивиденд тўлаш муддатлари. Дивиденд тўланишини таъқиқловчи ҳолатлар. Дивиденд типлари. Дивиденд тўлаш босқичлари

Дивидендларни тўлаш муддати ва тартиби жамиятнинг уставида ёки акциядорларнинг умумий йиғилиши қарорида белгиланади.

Дивидендларни тўлаш муддати шундай қарор қабул қилинган кундан эътиборан олтмиш кундан кеч бўлмаслиги лозим.

Дивидендларни тўлаш чоғида биринчи навбатда имтиёзли акциялар бўйича, сўнгра оддий акциялар бўйича дивидендлар тўланади. Имтиёзли акциялар бўйича қатъий белгиланган дивидендларни тўлаш учун этарли миқдорда фойда мавжуд бўлган тақдирда жамият мазкур акцияларнинг эгаларига дивидендлар тўлашни рад этишга ҳақли эмас. Жамият рад этган тақдирда акциядорлар дивидендлар тўланишини суд тартибида талаб қилиши мумкин. Жамият етарли миқдорда фойдага эга бўлмаган ёки зарар кўриб ишлаётган тақдирда, имтиёзли акциялар бўйича дивидендлар жамият томонидан жамиятнинг фақат шу мақсад учун ташкил этилган захира фонди ҳисобидан ва ушбу фонд доирасида тўланиши мумкин.

Эгаси ёки эгасининг қонуний ҳуқуқий вориси ёхуд меросхўри томонидан уч йил ичида талаб қилиб олинмаган дивиденд акциядорларнинг умумий йиғилиши қарорига кўра жамият ихтиёрида қолади.

Акциядорлик жамиятлари Ўзбекистон Республикаси норезидент акциядорининг ёзма талабига кўра унга ҳисобланган дивидендларни эркин айирбошланадиган валютага айирбошлаб, маблағларни норезидент акциядор тақдим этган банк ҳисобварағига ўтказиб бериши шарт. Жамият акциядорларининг реестридан олинган, жамият томонидан тасдиқланган кўчирма ҳамда жамият бухгалтериясининг ҳисобланган дивидендлар суммаси ва улар ҳисобланган сана тўғрисидаги маълумотномаси айирбошлаш учун асос бўлиб хизмат қилади.

Акциядорларга дивидендларни тўлаш тўғрисида қарор қабул қилинган акциядорларнинг умумий йиғилишини ўтказиш учун шакллантирилган жамият акциядорларининг реестрида қайд этилган шахслар акциялар бўйича дивиденд олиш ҳуқуқига эга.

Дивидендлар акциядорларнинг умумий йиғилиши томонидан белгиланган муддатларда жамиятнинг айби билан тўланмаган тақдирда тўланмаган (олинмаган) дивидендлар бўйича Ўзбекистон Республикаси Марказий банки томонидан белгиланган қайта молиялаштириш ставкаларидан келиб чиққан ҳолда пеня ҳисобланади.

Акциядорлик жамияти томонидан ҳисобланган дивидендларни ва пеняларни тўлашни акциядор суд тартибида талаб қилишга

ҳақли. Акциядорнинг талаблари суд томонидан қаноатлантирилганда дивидендларни тўлаш жамият томонидан рад этилган тақдирда, жамиятга нисбатан қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда тўловга қобилияцизликни бартараф этиш ёки банкрот деб эълон қилиш тартиб-таомили қўлланилади.

Миллий амалиётда акциядорлик жамиятларига дивидендларни тўлашга доир қуйидаги чекловлар мавжуд:

- жамият устав фондининг (устав капиталининг) ҳаммаси унинг таъсис этилиши чоғида тўлиқ тўлаб бўлингунига қадар;

- агар дивидендлар тўланадиган пайтда жамиятда банкротлик белгилари мавжуд бўлса ёки жамиятда шундай белгилар дивидендларни тўлаш натижасида пайдо бўлса;

- агар жамият соф активларининг қиймати унинг устав фонди (устав капитали) ва захира фонди суммасидан кам бўлса, акциялар бўйича дивидендлар тўлаш тўғрисида қарор қабул қилишга ҳамда дивидендлар тўлашга ҳақли эмас.

Юқорида кўрсатилган ҳолатлар тугатилгач, жамият ҳисобланган дивидендларни акциядорларга тўлаши шарт.

Акциядорлик жамиятлари дивидендларнинг миқдорини улардан ундириладиган солиқларни инобатга олмаган ҳолда эълон қилади. Жамият тўланадиган дивидендлар миқдори тўғрисидаги маълумотларни қимматли қоғозлар бозорини тартибга солиш бўйича ваколатли давлат органининг ва жамиятнинг расмий веб-сайтларида қарор қабул қилингандан сўнг икки иш куни ичида эълон қилиниши шарт.

Жаҳон хўжалиги амалиётида дивидендларнинг турли хил типлари маълум. Улар қуйидагилар:

- даврийлик ва доимийлик асосида тўланадиган *мунтазам дивидендлар*;

- маълум бир даврда юқори фойда олинган ҳолатларда тўланадиган *қўшимча дивидендлар*;

- қўшимча равишда бир марта тўланадиган *махсус дивидендлар*;

- корхонани ёки унинг алоҳида бир қисмини тугатиш ҳолатлари юзага келганда тўланадиган *ликвидацион дивидендлар*.

Компания ўзи учун қулай бўлган даврда акциядорларга йўналтирилган пул оқимини кўпайтиришнинг усулларидан бири ҳар чорак ёки ярим йилда тўланадиган мунтазам дивидендлардан ташқари қўшимча дивидендларни эълон қилишдан иборатдир. Қўшимча дивидендлар тўланишини эълон қилар экан, компания

сармоядорларни бу ҳол мунтазам тўловлар ҳажмининг ошишини билдирмаслиги тўғрисида огоҳлантиради. Бу усул айниқса даромади тебраниб турувчи компанияларга жуда қўл келади. Қўшимча дивидендлардан фойдаланиш компанияга мунтазам дивидендларнинг барқарорлигини сақлаб туриш имконини беради ва бундан ташқари акциядорларга фирма иши юришаётганлигини сезиш учун шароит яратади. Бироқ, агар компания доимий равишда қўшимча дивидендларни тўлайверса, уларнинг маъносини йўққа чиқаради. Бунда қўшимча дивидендлар кутилаётган тўловларга айланади. Агар қўшимча (махсус) дивидендлардан тўғри фойдалана билса, улар фирманинг ҳозирги ва келгуси аҳволи ҳақида ижобий ахборотни бозорга узатишга қодирдир.

Мамлакатимизда амалда бўлган миллий қонунчиликка асосан, жамият молиявий йилнинг биринчи чораги, ярим йиллиги, тўққиз ойи натижаларига кўра ва (ёки) молиявий йил натижаларига кўра, жойлаштирилган акциялар бўйича дивидендлар тўлаш тўғрисида қарор қабул қилишга ҳақли.

Жамиятнинг молиявий йилнинг биринчи чораги, ярим йиллиги ва тўққиз ойи натижаларига кўра дивидендлар тўлаш тўғрисидаги қарори тегишли давр тугагандан кейин уч ой ичида қабул қилиниши мумкин.

Акцияларнинг ҳар бир тури бўйича дивидендлар тўлаш, дивиденднинг миқдори, уни тўлаш шакли ва тартиби тўғрисидаги қарор жамият кузатув кенгашининг тавсияси, молиявий ҳисоботнинг ишончлилиги ҳақида аудиторлик хулосаси мавжуд бўлган тақдирда, молиявий ҳисобот маълумотлари асосида акциядорларнинг умумий йиғилиши томонидан қабул қилинади. Дивидендларнинг миқдори жамият кузатув кенгаши томонидан тавсия этилган миқдордан кўп бўлиши мумкин эмас. Акциядорларнинг умумий йиғилиши акцияларнинг муайян турлари бўйича дивидендлар тўламаслик тўғрисида, шунингдек жамият уставида дивиденд миқдори белгилаб қўйилган имтиёзли акциялар бўйича тўлиқ бўлмаган миқдорда дивидендлар тўлаш ҳақида қарор қабул қилишга ҳақли. Дивидендлар тўлаш тўғрисидаги қарорда дивидендлар тўлаш бошланадиган ва тугалланадиган саналар кўрсатилган бўлиши лозим.

Дивидендларни тўлаш белгиланган қатор саналар бўйича бир неча босқичда амалга оширилади:

1. Дивидендларни эълон қилиш вақти (*Declaration date*) – директорлар кенгаши томонидан дивиденд суммаси ва тўлаш муддатлари ҳақида эълон қилинади.

2. Экс-дивиденд ёки реестр ёпилиш санаси (*Ex-dividend date*). Бу муддат дивиденд олиш мақсади бўлган шахслар учун охирги сана бўлиб, бу санада одатда, акциялар курси эълон қилинган дивиденд миқдорига камаяди.

3. Акциядорларнинг регистрациядан ўтиш санаси (*Record date*).


4. Дивидендларни тўлаш санаси (*Payment date*). Регистрациядан ўтган акциядорларга дивиденд чеклари юборилади.

Дивидендларни тўлаш турли шаклларда амалга оширилиши мумкин. Уларнинг ҳар бирининг ўзига хос афзалликларга ва камчиликларга эга. Умуман жаҳон амалиётида энг кўп қўлланиладиган дивиденд тўлаш шакллари қуйидагилар:

- пул шаклидаги дивидендлар (*cash dividends*);
- автоматик реинвестициялаш (*dividend reinvestment plans*);
- акциялар орқали тўлаш (*stock dividends*);
- акцияларни майдалаш (*stock split*);
- хусусий акцияларни сотиб олиш (*stock repurchase*) ва бошқалар.

Амалиётда дивидендларни тўлашнинг асосий ва энг кўп қўлланиладиган шакли *пул шаклида дивиденд тўлаш* ҳисобланади. Қонунчиликка асосан дивидендлар товар кўринишида, яъни натурал шаклда ҳам тўланиши мумкин.

Ривожланган мамлакатларда дивидендларни тўлаш аниқ саналар бўйича қуйидаги босқичлар асосида амалга оширилади (3.1-расм):




3.1-расм. **Халқаро амалиётда дивиденд тўлаш жараёни схемаси**

Бунда дивидендларни эълон қилиш вақти акциядорлар умумий йиғилиши қарори асосида директорлар кенгаши томонидан дивиденд суммаси ва тўлаш муддатлари белгиланиш вақтини ўзида акс эттиради. Экс-дивиденд ёки реестр ёпилиш санаси қайси

санадаги реестр бўйича дивиденд тўланишиниши англатади ва бу санада одатда, акциялар курси эълон қилинган дивиденд миқдорига камаяди. Регистрациядан ўтиш санасига қадар акциядорлар рўйхатдан ўтиши лозим бўлади ва дивидендларни тўлаш санасида эса регистрациядан ўтган акциядорларга дивиденд чеклари юборилади.

Миллий амалиётда эса дивиденд тўлаш жараёни қуйидаги кетма-кетлик асосида ташкил этилади (3.2-расм).



3.2-расм. **“Хоразм шакар” қўшма корхонаси АЖи мисолида дивиденд тўлаш жараёни босқичлари**

Бунда реестр акциядорлар умумий йиғилишидан уч иш куни олдин тузилади ва айнан шу реестрга киритилган акциядорларга дивиденд тўланиши миллий қонунчиликда белгилаб қўйилган. Дивиденд тўлаш тўғрисидаги умумий йиғилиш қарори қабул қилиниши дивиденд эълон қилинганлигини англатади ва қарорда дивиденд тўлашнинг бошланиш ва тугалланиш саналарини белгилаш шарт. Фикримизча, дивиденд тўлаш жараёнини кетма-кетлигини халқаро тажарибага уйғунлаштириш лозим.

Автоматик реинвестициялаш акциядорларга нақд пул шаклида дивиденд олиш ёки уни қўшимча акцияларга реинвестиция қилишдан бирини танлаш ҳуқуқини тақдим этади. Охир-оқибатда корхона қўшимча акциялар эмиссиясини амалга оширади ёки иккиламчи бозордан талаб қилинган миқдорда ўз акцияларини сотиб олади.

Корхона учун бундай тўлов шаклининг афзаллик томони акциядор томонидан реинвестициялаш тўғрисида қарор қабул қилинган ҳолатларда акциядорлик жамиятининг хусусий капитал доимий манбасига эгалик қилишида намоён бўлади. Мулкдор учун афзаллик томони эса тезкор реинвестиция қилиш имкониятида ёки акциядорлик жамияти томонидан акцияларни қайта сотиб олиш эълон қилинган ҳолатларда акция баҳосининг ўсишида кузатилади.

Дивидендларни акция кўринишида тўлаш дивиденд тўловлари умумий суммасига тенг қўшимча акцияларни мулкдорлар ўртасида тақсимлашни назарда тутади.

Мисол кўриб чиқамиз.

Акциядорлик жамиятининг муомаладаги акциялар сони 1 000 000 дона. Хўжалик фаолияти якунлари бўйича 6 000 000 бирлик миқдорида соф фойда олинган. *П/Э* кўрсаткичи (акция баҳосининг битта акцияга тўғри келадиган фойда миқдорига нисбати) 10 га тенг. 25 фоизлик дивиденд акция кўринишида эълон қилинган. Инвестор 120 та акцияга эгалик қилади. Унинг акциялар сони ва уларнинг жами қиймати қандай ўзгаради?

1. Дивиденд тўлашдан олдин:

ЭПС = 6 000 000 / 1 000 000 = 6 бирлик.

П/Э=П/6,0 = 10, бундан *П*=60 бирлик ҳар бир акцияга.

Акция пакети бўйича жамланган қиймат 60 х 120 = 7200 бирлик.

Дивиденд тўлангандан сўнг (25 фоиз акция):

НС = 1 000 000 х 1,25 = 1 250 000 дона.

ЭПС = 6 000 000 / 1 250 000 = 4,80 бирлик.

П/Э=П/4,80=10, бундан П=48 бирлик ҳар бир акцияга.

Инвестор 120х1,25= 150 та акцияга эгалик қилади.

Акциялар пакети жамланган қиймати 48х150=7200 бирлик.

Бундай ҳолатда дивидендларни акция кўринишида тўлаш назарий жиҳатдан акциядорлик жамияти қиймати ошишига ва иккинчи томонидан мулкдорлар мулки даражаси ўсишига олиб келмайди.

Лекин амалиётда дивидендларни акциялар кўринишида тўлаш корхонанинг ликвидлилиги билан боғлиқ муаммолар юзага келганда ижобий аҳамият касб этади. Мазкур амалиётнинг умумий афзалликлари сифатида қуйидагиларни келтириш мумкин:

- дивиденд учун мўлжалланган пул маблағларини компания ихтиёрида қолдириш:

- ижобий бозор сигналлари берилиши ва пул маблағларининг етишмаслиги шароитида дивиденд сиёсатини амалга ошириш;

- муомаладаги акциялар сонини ошириш;

- акциядорлар учун қўшимча харажатларсиз ўз улушини оширишнинг самарали усули.

Акцияларни майдалаш акциялар сонини пропорционал тарзда ошириш жараёнида уларнинг номинал қийматини пасайтиришни

ўзида акс эттиради. Бунда хусусий капитал, фирма қиймати ва акциядор мулки ўзгариши кузатилмайди.

Акцияларни майдалашдан асосий мақсад ликвидлиликни ва инвесторлар учун акцияларнинг жалб қилувчанлигини ошириш ҳисобланади. Муомаладаги акциялар сонини кескин ошириш ва бир дона акция қийматини мос равишда пасайтириш натижасида майда инвесторлар учун ҳам қулайлик юзага келади. Ликвидлиликни ошириш ўз навбатида, акциялар курсининг келажакдаги ўсишига ва талабнинг ошишига имкон беради.

Назарий жиҳатдан дивидендларни акция шаклида тўлаш ва акцияларни майдалаш операциялари бир хил. Масалан акцияларни 3/2 схемасида майдалаш дивидендларни 50% ўлчамда акциялар шаклида тўлаш билан бир хил. Яъни, ҳар юзта акцияга эгалик қилувчи акциядор қўшимча 50 та акцияни қўлга киритади.

Яна бир мисол кўриб чиқамиз.

Акциядорлик жамиятининг устав капитали ҳар бирининг номинал баҳоси 84 бирликка тенг бўлган 250 000 дона оддий акциядан ташкил топган. Фирманинг йил якунлари бўйича соф фойдаси 750 000 бирлик. Фирма ўз акцияларини 3/2 схемада майдалашни режалаштирган. Акциянинг баҳоси ва мулкдорнинг акцияларга эгалик қилиш ҳолати қандай ўзгаради?

Битта акцияга тўғри келадиган жорий даромад миқдорини аниқлаймиз:

ЭПС = НП/НС= 750 000 / 250 000 = 3 бирлик.

Бундан *П/Э* кўрсаткичи миқдори 84/3=28 га тенг.

Майдалаш натижасида муомаладаги акциялар сони ва *ЭПС* кўрсаткичи миқдори қуйидагига тенг бўлади:

НС=250 000х1,5=375000

ЭПС=750 000 /375000 = 2.

Мос равишда битта акциянинг қиймати қуйидагига тенг бўлади:

П/2=28, бундан *П=56* бирлик.

Бу кўрсаткич бошқа бир усул билан ҳам аниқланиши мумкин:

П=84/1,5=56 бирлик.

Шу тарзда 84 бирлик қийматга эга бўлган акциялардан 100 тасига эгалик қилувчи акциядор майдалаш амалга оширилгандан сўнг 56 бирлик қийматга (1,5 марта арзон) эга бўлган 150 та (1,5 марта кўп) акциялар пакетига эгалик қилади. Кўриниб турганидек, мазкур ҳолатда мулкдор ҳолати ва фирма қиймати ўзгармайди.

Акцияларни майдалаш операцияси фирма қийматига тўғридан-тўғри таъсир кўрсатмасада амалиётда қисқа муддатли истиқболда майда ва портфел инвесторлар қизиқишининг ўсиши ҳисобига акциялар курси қисман бўлсада ошиб боради.

Фирма томонидан дивидендларни пул шаклида тўлашнинг яна бир муқобил варианти сифатида хусусий акцияларнинг бир қисмини қайтариб сотиб олиш йўли билан мулкдорлар ўртасида даромадни тақсимлаш механизмини келтириш мумкин. Бунинг натижасида муомаладаги акциялар сони камаяди, бошқа томондан битта акцияга тўғри келадиган фойда (*ЭПС*) миқдори ошади.

Бу амалиёт қолган акциялар бўйича дивиденд миқдорининг автоматик тарзда ортиши ва олдиндаги давр бўйича дивиденд тўловлари коэффициэнти ўсиши имконини беради. Бундан ташқари хусусий акцияларни сотиб олиш одатда, капиталнинг қўшимча ўсиши шаклида акциядорга қўшимча даромад келтирадиган акция курси ўсишига олиб келади.

Мисол кўриб чиқамиз.

Акциядорлик жамиятининг тақсимлаш мумкин бўлган бўш пул маблағлари 50 000 000 бирликни ташкил этади. Муомаладаги акциялар сони 10 000 000 дона. Битта акциянинг жорий қиймати 25 бирликка тенг. Битта акция бўйича кутилаётган даромадлилик 2,5 бирликка тенг. Битта акция бўйича режалаштирилаётган дивиденд 5 бирлик. Дивидендларни тўлашнинг муқобил варианти сифатида бозордан жорий нарх бўйича хусусий акцияларни сотиб олиш варианти мавжуд. Мулкдорлар ҳолати қабул қилинган қарорга боғлиқ равишда қандай тартибда ўзгаради?

1. Дивидендларни пул шаклида тўлаш амалиёти қўлланилса акциядорлар ҳар бир акция бўйича 5 бирликдан даромад олади. Реестр ёпилиш санасига акция қиймати дивиденд миқдорига камаяди ва 25 – 5 = 20 бирликка тенг бўлади. Мос равишда дивиденд тўлангандан сўнг мулкдор битта акция бўйича

П + ДИВ = 20 + 5 = 25 бирликка эгалик қилади.

2. Акциядорлик жамияти мавжуд маблағга хусусий акцияларни қайта сотиб олиш ҳолатида

50 000 000 / 25 = 2 000 000

Қайта сотиб олиш операциясидан кейин битта акция қиймати:

$$P = \frac{10000000x25 - 50000000}{10000000 - 2000000} = 25$$

Шундай қилиб, акциядорлар ҳолати ўзгармайди. Биринчи ҳолатда акциядор 5 бирлик миқдорида дивидендга ва 20 бирлик миқдорида акцияга эгалик қилса, иккинчи ҳолатда акция қиймати 25 бирликлигича қолади.

Қайта сотиб олинган акциялар хазинавий акциялар (*treasure stock*) деб аталади ва улар акциядорларга ва янги инвесторларга қайтадан сотилиши мумкин. Шунингдек, конвертацияланадиган облигациялар муомалага чиқариш ёки хорижий бозорларга жойлаштириш учун захира вазифасини бажариши ҳам мумкин. Қайта сотиб олинган акциялар овоз бериш жараёнида ҳисобга олинмайди ва дивидендлар ҳисобланмайди.

Акцияларни қайта сотиб олиш керагидан ортиқ бўш пул маблағларини қисқартиради, капитал таркибини оптималлаштириш имконини беради. Энг асосийси ўзаро аҳил бўлмаган бирлашишлардан ҳимоялаш воситаси бўлиб ҳисобланади.

Акциядорлик жамиятининг акцияларни қайта сотиб олиш мақсади бозор учун ижобий сигнал сифатида баҳоланади. У одатда, қуйидаги асосий усуллар бўйича амалга оширилади:

- очиқ бозордан сотиб олиш;
- инцтитуционал инвесторлардан акциялар пакетини сотиб олиш;
- акциядорлардан махсус нархларда сотиб олиш бўйича тендер эълон қилиш.

Акцияларни қайта сотиб олиш хорижий мамлакатлар амалиётида дивиденд тўлашнинг оммабоп шакли сифатида кўзга ташланади.

Дивидендларга солиқ солиш солиқ тўғрисидаги қонун ҳужжатларига мувофиқ амалга оширилади ва бунда солиқ солиш бўйича имтиёзлар белгиланиши мумкин. 2019 йилда инвестиция муҳитининг жозибадорлигини оширишда аҳамиятга эга бўлган дивидендлар ва фоизлар кўринишидаги даромадлар бўйича тўлов манбаидан ушлаб қолинадиган фойда солиғи ставкаси 10 фоиздан 5 фоизгача пасайтирилди.

Мисол учун,

2020 йилда улушли иштирокидан келиб чиқиб 100 000 минг сўм миқдордаги дивидендлар тақсимланди:

Ўзбекистон резидентига – 70%;

Ўзбекистон норезидентига – 30%.

2019 йилда корхона 80 000 минг сўм дивидендлар (солиқни инобатга олган ҳолда) олди.

Резидент учун солиқ базасини аниқлаймиз: (100 000 – 80 000) х 70% = 14 000 минг сум. Норезидент учун солиқ базаси ўзгармайди ва 30 000 минг сўмни ташкил этади. Тўланадиган дивидендларни аниқлаймиз:

Таъсисчи	Дивидендлар ҳисобланди, минг сўм	Солиқ базаси, минг сўм	Солиқ ставкаси, %	Солиқ суммаси, минг сўм	Тўланадиган дивидендлар, минг сўм
Резидент	70 000	14 000	5	700	69 300
Норезидент	30 000	30 000	10	3 000	27 000

3.4. Дивиденд тўлаш шакллари: пул шаклидаги дивидендлар, автоматик реинвестициялаш, акциялар орқали тўлаш, акцияларни майдалаш. Дивидендларни солиққа тортиш

Дивиденд сиёсатини шакллантириш ҳамда амалга оширишнинг якуний босқичи кузатув кенгаши томонидан дивидендларни тўлаш сиёсати танланишидан иборат. Бундай шаклларнинг асосийлари қуйидагилар:

1.Дивидендларни нақд пулда тўлаш. Бу дивиденд тўловларининг энг содда ва кенг тарқалган шакли.

2.Дивидендларни акциялар билан тўлаш. Ушбу шакл акциядорларга дивидендлар суммасидаги янги чиқарилган акцияларнинг тақдим этилишини назарда тутади. Бундай шакл кейинги даврда акциядорлик сармоясининг ўсишини кўзловчи акциядорларда қизиқиш уйғотади. Жорий даромадни афзал кўрувчи акциядорлар эса қўшимча акцияларни фонд бозорида сотиш ҳуқуқига эга.

3. Автоматик тарзда қайта инвестициялаш акциядорларга мустақил танлаш ҳуқуқини беради - дивидендларни нақд пулда олиш ёки уларни қўшимча акцияларга сарфлаш.

Инвестицияларга эҳтиёж юқори бўлган ҳозирги босқичда Ўзбекистон компаниялари кўпроқ дивидендлар тўлашнинг учинчи

усулидан фойдалангани маъқул. Бу ерда йирик акциядорларнинг ҳам, майда акциядорларнинг ҳам манфаатлари камситилмаган.

Таянч сўз ва иборалар

Акция, акциядорлик жамият, дивидэнд, дивидэнд сиёсати, мулкдор, инвестор, даромад, молиявий муносабат, реинвестициялаш, тўлов.

Ўз-ўзини текшириш учун саволлар

1. Дивиденднинг иқтисодий моҳияти нималардан иборат?
2. Дивидэнд сиёсати нима?
3. Дивидэнд сиёсатини танлашда қандай ёндашувлар мавжуд?
4. Дивидендларни тўлаш шаклларининг ўзига хос афзалликлари ва камчиликлари нималардан иборат?
5. Дивиденд сиёсатини шакллантиришда қандай шакллардан фойдаланилади?

Топшириқлар

1. Дивиденднинг иқтисодий моҳияти ҳақида айтиб беринг.
2. Дивиденд сиёсатига таъсир этувчи омилларни гуруҳларга ажратинг.
3. Дивидендларни тўлаш босқичларини тўғри кетма кетликда санаб беринг.
4. Халқаро амалиётда дивиденд тўлаш жараёни схемасини тасвирлаб беринг.
5. Автоматик реинвестициялашнинг ҳисоб жараёни тўғрисида ўрганиб чиқинг.

IV БОБ. КОРХОНАЛАРДА МАҲСУЛОТ ИШЛАБ ЧИҚАРИШ ВА СОТИШ ҲАРАЖАТЛАРИ, УЛАРНИ РЕЖАЛАШТИРИШ ВА МОЛИЯЛАШТИРИШ

4.1. Корхоналарда маҳсулот ишлаб чиқариш ва сотиш харажатлари моҳияти.

4.2. Корхоналарнинг асосий фаолияти бўйича маҳсулот ишлаб чиқариш ва сотиш харажатлари сметасини тузиш тартиби.

4.3. Корхоналарнинг асосий фаолияти бўйича махсулот ишлаб чиқариш ва сотиш билан боғлиқ бўлган харажатларини режалаштириш ва молиялаштириш.

4.4. Корхоналарда маҳсулот таннархини шакллантириш жараёнларини бошқариш ва кўрсаткичларини таҳлил қилиш.

4.1. Корхоналарда маҳсулот ишлаб чиқариш ва сотиш харажатлари моҳияти

Бозор иқтисодиёти шароитида ишлаб чиқариш самарадорлигини оширишда харажатлар алоҳида ўрин тутади.

Ўзбекистон Республикаси Президенти Ш.М.Мирзиёев тадбиркорлар билан иккинчи учрашувида иккинчи ташаббус доирасида тадбиркорлар фаолиятини кенгайтириш, янги лойиҳаларни амалга ошириш учун қулай молиялаштириш тизимини яратиш ташаббусини илгари сурди[9]. Эндиги кунда ҳар бир хўжалик юритувчи субъект ўз фаолиятини тегишли маблағ, хом-ашё, иш кучи, илғор технология кабилар билан ўзлари таъминлашлари муҳим масалалардан бирига айланиб қолмоқда. Товарларини (ишлар, хизматларини) ўзлари сотади. Ўзининг барча фаолиятини тегишли моддий ва молиявий маблағлар билан ҳам ўзлари таъминлайди.

Харажатлар маҳсулотларни ишлаб чиқариш, товар сотиш, иш бажариш ва хизмат кўрсатиш билан боғлиқ бўлган сарфларнинг пулдаги ифодасидир.

Корхоналарда харажат турлари ва моддаларининг юзага келиши уларнинг асосий, молиявий ва инвестиция фаолиятидан келиб чиқади. Ишлаб чиқариш корхона харажатлари асосан хом-ашё,

[9] Prezident tadbirkorlar bilan ikkinchi uchrashuvida qanday takliflarni bildirdi? https://www.gazeta.uz/oz/2022/08/23/meeting-with-businessmen/. Мурожаат санаси: 18.12.2022 й.

материаллар, ёқилғи ва меҳнатга ҳақ тўлаш харажатларидан иборат бўлади.

Республикамизда харажат моддалари Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 1999 йил 5 февралдаги 54-сонли қарори билан тасдиқланган (ЎзР ВМнинг 2003 йил 25 декабрдаги 567-сонли қарори билан ўзгартириш киритилган) “Маҳсулот (иш, хизмат)ни ишлаб чиқариш ва сотиш харажатларининг таркиби ҳамда молиявий натижаларни шакллантириш тартиби тўғрисида”ги Низомга асосланади.

Бу Низомга асосланган ҳолда барча харажат моддаларини қуйидагича ифодалаш мумкин:

1. Маҳсулотларни ишлаб чиқариш таннархига киритиладиган харажатлар:

— бевосита ва билвосита моддий харажатлар;

— бевосита ва билвосита меҳнат харажатлари;

— бошқа бевосита ва билвосита харажатлар, шу жумладан ишлаб чиқариш йўналишидаги устама харажатлар.

2. Давр харажатлари:

— сотиш харажатлари;

— маьмурий харажатлар;

— бошқа операцион харажатлар ва зарарлар.

3. Молиявий фаолият бўйича харажатлар:

— фоизлар бўйича харажатлар;

— хорижий валюта операцияларида юзага келадиган салбий курс фарқлари;

— қимматли қоғозларга қўйилган маблағларни қайта баҳолаш;

— молиявий фаолият бўйича харажатлар.

4. Фавқулодда зарарлар.

Ишлаб чиқариш йўналишидаги ҳамма харажатлар маҳсулот таннархига киритилади. Бу эса ишлаб чиқаришга сарфланган харажатларни тўлиқ ва ўз вақтида ҳисобга олиш, шунингдек, моддий, меҳнат ва молиявий ресурсларни тежаш ҳамда улардан самарали фойдаланиш устидан назорат қилишга имкон беради.

Ҳар бир хил маҳсулот ишлаб чиқариш билан боғлиқ харажатларнинг жами суммасини ишлаб чиқарилган маҳсулот сонига тақсимласак, ишлаб чиқарилган бир маҳсулотнинг таннархи келиб чиқади.

Таннарх кўрсаткичи корхона фаолиятида муҳим сифат кўрсаткичларидан бири ҳисобланади. У қанча паст бўлса, ишлаб чиқариш рентабеллиги шунча юқори бўлади.

Юқорида ишлаб чиқариш харажатларига берилган тушунчалардан маълумки, таннархга корхоналарнинг хамма харажатлари қўшилмайди, баъзи харажатлари бошқа манбалар ҳисобидан қопланади. Масалан, фойда ҳисобидан давр харажатлари қопланади.

Маҳсулотларнинг ишлаб чиқариш таннархига қўшиладиган харажатлар ишлаб чиқариш ёки маҳсулот(иш, хизмат)ни қайта ишлашда фойдаланиладиган табиий ва меҳнат ресурслари, хом-ашё ва материаллар, ёқилғи ва энергия, асосий воситалар ҳамда ишлаб чиқаришга тегишли бошқа харажатларнинг баҳосини ифодалайди.

Ушбу харажатлар иқтисодий мазмунига кўра қуйидагича тартибда гуруҳланади:

— ишлаб чиқариш моддий харажатлари (қайтариладиган чиқитлар қиймати чиқариб ташланган ҳолда);

— ишлаб чиқариш хусусиятига эга бўлган меҳнатга ҳақ тўлаш харажатлари;

— ишлаб чиқаришга тегишли бўлган ижтимоий суғурта ажратмалари;

— асосий воситалар ва ишлаб чиқариш аҳамиятига эга бўлган номоддий активлар амортизацияси;

— ишлаб чиқариш аҳамиятига эга бўлган бошқа харажатлар.

Корхоналарда ишлаб чиқариш харажатлари қўйилган вазифаларга мувофиқ харажат элементлари ва калкуляция моддаларига бўлинади.

Харажатларни элементлари бўйича гуруҳлаш ишлаб чиқариш харажатларини иқтисодий мазмунига қараб аниқлаш ва тегишли сметалар тузишга асос бўлади.

Ишлаб чиқариш харажатларини калкулация моддалари бўйича гуруҳлаш эса маҳсулотлар таннархини аниқлашга хизмат қилади. Мазкур харажатлар хом-ашё ва материалларни тайёрлаш, қайта ишлаш, яроқсиз маҳсулотларни тузатиш, ярим тайёр маҳсулотларни ишлаб чиқариш билан боғлиқ бўлади. Ишлаб чиқариш хусусиятига эга бўлмаган харажатларга корхонанинг маданий-маиший обьектларига сарфланадиган харажатлар киради.

Шунингдек корхоналарда харажатлар маҳсулот таннархига киритилишига кўра бевосита ва билвосита харажатларга ажратилади.

Бевосита харажатлар таркибига корхоналарга маҳсулотларни ишлаб чиқариш билан тўғридан-тўғри боғлиқ бўлган хом-ашё ва материаллар, мехнатга ҳақ тўлаш (ажратмалари билан бирга), ишлаб чиқаришда фойдаланилаётган асосий воситалар амортизацияси каби харажатлар киради.

Бевосита моддий харажатлар ишлаб чиқариладиган маҳсулот (иш ва хизмат)ларнинг асосини ташкил этиб, унинг таркибига кирадиган ёки маҳсулотлар тайёрлаш, иш бажариш ва хизмат кўрсатишда фойдаланиладиган, четдан сотиб олинадиган хом-ашё ва материал харажатларини ифодалайди.

Юқоридагилардан ташқари юқоридаги Низомга мувофиқ қуйидаги харажатлар ҳам бевосита моддий харажатлар таркибига киради:

— нормал технология жараёнини таьминлаш ва маҳсулотларни ўраш учун маҳсулот (иш, хизмат ёки бошқа ишлаб чиқариш эҳтиёжига сарфланадиган (асбоб-ускуналар, бинолар, иншоотлар ва бошқа асосий воситалар синовини ўтказиш, назорат қилиш, сақлаш, тузатиш ва улардан фойдаланиш) учун ишлаб чиқариш жараёнида фойдаланиладиган харид қилинадиган материаллар, шунингдек, асбоб-ускуналарни тузатиш учун эҳтиёт қисмлар, инвентарлар қиймати, хўжалик буюмлари ва асосий воситаларга кирмайдиган бошқа меҳнат воситалари;

— сотиб олинадиган, келгусида корхонада монтаж қилинадиган ёки қўшимча ишлов бериладиган бутловчи буюмлар ва ярим тайёр маҳсулотлар;

— ташқи юридик ва жисмоний шахслар, шунингдек, корхонанинг ички таркибий бўлинмалари томонидан бажариладиган фаолиятнинг асосий турига тегишли бўлмаган ишлаб чиқариш хусусиятига эга бўлган ишлар ва хизматлар.

Ишлаб чиқариш характерига эга бўлган ишлар ва хизматларга маҳсулот ишлаб чиқариш бўйича муомалаларни бажариш, хом-ашё ва материалларга ишлов бериш, уларнинг сифатини аниқлаш учун синовлар ўтказиш, белгиланган технологик жараёнларга риоя этилиши устидан назорат қилиш, асосий ишлаб чиқариш воситаларини тузатиш ва бошқалар тегишли бўлади.

Корхона ичида ташқи юридик шахсларнинг транспорт хизматлари (хом-ашё, материаллар, инструментлар, деталлар, танаворлар, юкларнинг бошқа турларини марказий омбордан. цехга, шунингдек, тайёр маҳсулотни сақлаш учун омборга келтириш) ҳам ишлаб чиқариш хусусиятига эга бўлган хизматлар ҳисобланади;

– табиий хом-ашё (ер рекултивациясига ажратмалар, ихтисослаштириш, юридик шахслар томонидан амалга ошириладиган ерни рекултивация қилиш ишларига ҳақ тўлаш), илдизи билан бериладиган дарахтларга ҳақ тўлаш, саноат корхоналари томонидан сув хўжалиги тизимидан белгиланган лимитлар доирасида ва ундан ортиқча олинадиган сув учун ҳақ тўлаш. Саноатнинг хом-ашё тармоқлари учун эса ёғоч-тахта материалларидан ёки фойдали қазилмалардан (рудадан) фойдаланишга ҳуқуқларнинг амортизация қилинадиган қиймати ёки атроф-муҳитни тиклаш харажатлари;

– технологик мақсадларга, энергиянинг барча турларини ишлаб чиқаришга, биноларни иситишга сарфланадиган ёнилғининг четдан сотиб олинадиган барча турлари, корхоналарнинг транспорти томонидан бажариладиган ишлаб чиқаришга хизмат кўрсатиш бўйича транспорт ишлари;

– корхонанинг технологик, транспорт ва бошқа ишлаб чиқариш ва хўжалик эҳтиёжларига сарфланадиган барча турдаги харид қилинадиган энергия. Бунда корхонанинг ўзи томонидан ишлаб чиқариладиган электр энергиясига ва энергиянинг бошқа турларига, шунингдек, харид қилинадиган энергияни истеъмол жойига трансформация қилиш ва узатиш харажатлари моддий харажатларнинг тегишли элементларига киритилади;

– ишлаб чиқариш соҳасида моддий бойликларнинг табиий йўқолиш нормалари доирасида ва уларнинг ортиқча йўқотилиши, яроқсизланиши ва кам чиқиши;

– корхонанинг транспорти ва ходимлари томонидан моддий ресурсларни этказиш билан боғлиқ харажатлар, жумладан юклаш ва тушириш ишлари ишлаб чиқариш харажатларининг тегишли элементларига киритилиши зарур;

– корхоналар томонидан мол етказиб берувчилардан олинадиган идишлар ҳам моддий ресурслар қийматига киритилади;

– маҳсулот таннархига киритиладиган моддий ресурслар харажатларидан қайтариладиган чиқитлар қиймати, идиш ва ўраш-жойлаш материаллари қиймати уларнинг амалда сотилиши,

фойдаланилиши ёки омборга кирим қилиниши нархи бўйича чиқариб ташланади;

– моддий харажатлар элементи бўйича акс эттириладиган моддий ресурслар қиймати сотиб олиш нархидан, шу жумладан, қўшимча нарх (устама)дан, таъминот, ташқи иқтисодий ташкилотлар томонидан тўланадиган воситачилик тақдирлашларидан, товар биржалари хизматларидан, шу жумладан, брокерлик хизматларидан, божлар ва йиғимлар, транспортда ташишга ҳақ тўлашдан, ташқи юридик шахслар томонидан амалга ошириладиган сақлаш ва етказиб беришга ҳақ тўлашдан келиб чиқиб шаклланади.

Бевосита меҳнат харажатлари: бевосита ишлаб чиқариш ходимлари, ишлаб чиқариш жараёнида ишлаётган машина операторлари ва бевосита ишлаб чиқаришда банд бўлган бошқа ходимлар мехнат хақи харажатлари.

Шунингдек Низомга кўра, бевосита меҳнат харажатларга қуйидагилар киритилади:

– хўжалик юритувчи субьектда қабул қилинган меҳнатга ҳақ тўлаш шакллари ва тизимларига мувофиқ бажарилган нархномалар, тариф ставкалари ва лавозим маошларидан келиб чиқиб ҳисобланган, амалда бажарилган иш учун ишлаб чиқариш хусусиятига эга бўлган ҳисобланган иш ҳақи, шу жумладан, бажарилган ишни ҳисобга олиш бўйича дастлабки ҳужжатларда назарда тутилган рағбатлантирувчи тусдаги тўловлар;

– касб маҳорати ва мураббийлик учун тариф ставкаларига ва окладларга устамалар;

– иш режими ва меҳнат шароитлари билан боғлиқ бўлган компенсация тусидаги тўловлар, шу жумладан:

– технологик жараён жадвалида назарда тутилган тунги вақтда, ишдан ташқари вақтда, дам олиш ва байрам (ишланмайдиган) кунларда ишлаганлик учун тариф ставкалари ва окладларга устамалар ва қўшимча ҳақ;

– кўп сменали режимда ишлаганлик, касбларни бирга қўшиб олиб борганлик ва хизмат кўрсатиш зоналарини кенгайтирганлик учун устамалар;

– ҳукумат томонидан тасдиқланган касблар ва ишлар рўйхати бўйича оғир, зарарли, алоҳида зарарли меҳнат ва табиий иқлим шароитларида ишлаганлик учун устамалар, шу жумладан, ушбу шароитлардаги узлуксиз иш стажи учун устамалар;

– алоқа, темир йўл, дарё, автомобилии транспорти ва катта йўллар ходимларининг ва доимий иши йўлда ўтадиган ёки қатнов тусига эга боиган бошқа ходимларнинг иш ҳақига, хўжалик юритувчи субьект жойлашган жойдан жўнаган пайтидан бошлаб шу жойга қайтиб келган пайтгача тўланадиган, йўлда ўтган ҳар бир сутка учун тўланадиган устамалар;

– қурилишда, реконструкция қилишда ва мукаммал таьмирлашда бевосита банд бўлган, шунингдек, қонун ҳужжатларида назарда тутилган ҳолларда вахта усули билан ишларни бажарган ходимлар учун ишнинг кўчма ва қатнов хусусияти учун устама;

– доимий равишда ер ости ишларида банд болган ходимларга уларнинг шахтада (конда) иш жойига жўнаб кетишларидан олдин ва орқага қайтишларигача ўтадиган норматив вақт учун қўшимча ҳақ;

– меҳнатга ҳақ тўлашнинг районлар бўйича тартибга солинишига, шу жумладан район коеффициентлари ва амалдаги қонун ҳужжатларига мувофиқ чўл, сувсиз ва юқори тоғ жойларида ишлаганлик учун коеффициентлар билан белгиланган тўловлар;

– хўжалик юритувчи субьект жойлашган жойдан (йиғилиш пунктидан) иш жойига ва орқага қайтадиган йўлда ўтадиган кунлар учун вахтада ишлаш жадвалида назарда тутилган, шунингдек ходимларнинг метеорология шароитларига кўра ва транспорт ташкилотларининг айби билан йўлда тутилиб қолинган кунлар учун тариф ставкаси, оклад миқдорида тўланадиган суммалар (вахта усулида ишни бажаришда);

– иш вахта усулида ташкил этилганда, иш вақти жамланиб ҳисобланганда ва қонун ҳужжатлари билан белгиланган бошқа ҳолларда ходимларга уларга иш вақтининг нормал давом этишидан ортиқ ишлаганлиги муносабати билан бериладиган дам олиш (ортиқча ишланган иш вақти учун дам олиш) кунлари учун ҳақ тўлаш;

– ишланмаган вақт учун ҳақ тўлаш:

– амалдаги қонун ҳужжатларига мувофиқ навбатдаги (ҳар йилги) ва қўшимча таьтиллар учун компенсациялар, ўсмирларнинг имтиёзли соатлари, болани овқатлантириш учун оналар ишидаги танаффуслар, шунингдек, тиббий кўрикдан ўтиш билан боғлиқ вақт учун ҳақ тўлаш;

– мажбурий таьтилда бўлган ходимларга, асосий иш ҳақини қисман сақлаб қолган ҳолда, ҳақ тўлаш;

– донор ходимларга қонни текшириш, топшириш кунлари учун ва қон топширилган ҳар бир кундан кейин бериладиган дам олиш кунлари учун ҳақ тўлаш;

– давлат вазифаларини бажарганлик учун (ҳарбий йиғинлар, фавқулодда вазиятлар бўйича йиғинлар ва бошқалар) меҳнат ҳақи тўлаш.

– хўжалик юритувчи субьект штатида турмайдиган ходимлар меҳнатига улар томонидан фуқаролик-ҳуқуқий тусдаги тузилган шартномалар бўйича ишлар бажарилганлиги учун ҳақ тўлаш, агар бажарилган иш учун ходимлар билан ҳисоб-китоб хўжалик юритувчи субьектнинг ўзи томонидан амалга оширилса пудрат шартномаси ҳам сбу жумлага киради.

– белгиланган тартибга мувофиқ ишлаб чиқариш жараёнида қатнашувчи ходимлар меҳнатига ҳақ тўлаш фондига киритиладиган тўловларнинг бошқа турлари.

Билвосита харажатлар эса маҳсулотлар ишлаб чиқариш билан боғлиқ бўлмаган харажатлар ҳисобланиб, уларга маьмурий-бошқарув харажатлари, бошқарув асбоб-ускуналарини сақлаш ва фойдаланиш харажатлари киради.

Режалаштирилишига қараб харажатларни қисқа ва узоқ муддатли харажатларга ажратиш мумкин. Қисқа муддатли харажатлар корхонанинг тактик мақсадларини амалга оширишга имкон беради.

Узоқ муддатли харажатлар эса корхонанинг стратегик мақсадини амалга оширишда юзага келади.

Низомга асосан маҳсулотни сотиш билан боғлиқ бўлган харажатлар таркибига қуйидагилар киритилади:маҳсулотни ўраш, сақлаш, ортиш, жойигача ташиш, меъёр чегарасида реклама харажатлари ва хоказо.

4.2. Корхоналарнинг асосий фаолияти бўйича маҳсулот ишлаб чиқариш ва сотиш харажатлари сметасини тузиш тартиби

Маҳсулот (иш, хизмат) таннархи – корхона ишининг муҳим кўсаткичидир. У ишлаб чиқаришни режалаштириш давомида аниқланади ва молиявий режалаштиришда фойдани, сотиладиган маҳсулотнинг бутун ҳажмини ва унинг алоҳида турларининг рентабеллигини аниқлаш учун ишлатилади.

Келгуси йили ишлаб чиқарилиши режалаштирилаётган тўла таннархи умумлаштирувчи ҳужжатда-маҳсулот ишлаб чиқариш ва сотиш харажатларининг сметасида аниқланади. Корхонанинг хўжалик фаолиятини бир йилги режалаштиришда харажатлар сметаси ҳар бир кварталга бўлинган ҳолда бир йилга тузилади. Лекин бундай смета тузиш хўжалик юритишнинг барқарор шароитларида мумкин холос. Инфляциянинг юқори суръати, меҳнатга ҳақ тўлашнинг минимал миқдори индексация қилинишининг, ёқилғи ва хом-ашё нархларининг ўсиши ва бошқа сабаблар йиллик режа тузишни жуда қийинлаштиради.

Корхоналарга берилган хўжалик юритиш мустақиллиги ва анчагина мураккаб иқтисодий шароитда ишлаётган корхоналарнинг ишлаб чиқариш ва молиявий-хўжалик фаолиятини режалаштириш бўйича асосланган услубий кўрсатмаларнинг йўқлиги ҳам таннархни режалаштиришга бўлган эътиборининг сусайганлигига сабабчи ҳисобланади. Бундай шароитда маҳсулот ишлаб чиқариш ва сотиш харажатларининг кварталлик сметасини тузиш мақсадга мувофиқдир ва бунинг имкони бор. Бу смета таннарх бўйича сотиладиган маҳсулотнинг ҳажмини, маҳсулот сотишдан келадиган тушумни ҳисоблаб чиқиш, маҳсулотни материал сиғими ва меҳнат сиғимини баҳолаш, заҳираларга, харажатларга ва тайёр маҳсулотларга қуйилма айланма маблағларига бўлган эҳтиёжини тахмин қилиш имконини беради.

Сметада кўрсатилган элементлар бўйича харажатлар мажмуаси маҳсулот ишлаб чиқаришга кетадиган умумий харажатлар ҳажмини ташкил қилади. Ишлаб чиқариш таннархини аниқлаш учун ишлаб чиқаришга кетган жами харажатлар суммасидан энг аввало ноишлаб чиқариш счётларига олиб бориладиган харажатлар чегирилади, булар ўзининг корхонаси учун бажарилган капитал қурилиш ва капитал таъмирлаш бўйича ишлар қиймати, бошқа корхоналарга, корхонанинг носаноат хўжаликларига кўрсатиладиган транспорт хизмати, бошқа корхоналар учун бажариладиган илмий текшириш ишларининг қийматлари ва ҳ.қ. Кейинги келгуси давр харажатларининг қолдиғи, тугалланмаган ишлаб чиқариш қолдиғининг таннархининг (бу режалаштириш ва ҳисоб юритишда тугалланмаган ишлаб чиқаришга ажратиладиган тармоқлар учун) ўзгариши ҳисобига олинади: бу қолдиқларнинг кўпайиши товар маҳсулотнмнг таннархини камайтиради, қолдиқларнинг камайиши таннархини кўпайтиради.

Режалаштирилган йилда ишлаб чиқарилиши кўзда тутилаётган маҳсулот таннархи сотиладиган маҳсулот таннархидан фарқ қилади, бу сотиладиган маҳсулот таннархи асосида эса фойда аниқланади. Бу фарқнинг келиб чиқиш сабаби-режалатирилаётган давр бошида сотилмаган маҳсулот қолдиғининг мавжудлиги ва режалаштирилаётган давр охирида сотилмай қоладиган маҳсулот қолдиғининг миқдоридир.

Натурал кўринишда сотиладиган маҳсулот ҳажми НСМҳ қуйидагидан иборат бўлади:

$НСМҳ = Р_{б}СМҚ + ҚИЧ^{ТМ} – Р_{0}СМҚ$

Бу ерда:

РбСМҚ - режалаштирилаётган давр бошидаги сотилмаган маҳсулот қолдиғи;

$ҚИЧ^{ТМ}$ - келгуси йилда ишлаб чиқарилиши режалаштирилган товар маҳсулоти;

$Р_{0}СМҚ$ - режалаштирилаётган давр охиридаги сотилмаган маҳсулот қолдиғи;

Сотиладиган маҳсулотга кетадиган харажатларни режалаштиришда сотилмаган маҳсулот қолдиқларининг таркибини уларнинг, унинг таннарх бўйича миқдорини ҳисобга олиш лозим. Маҳсулот ишлаб чиқаришга кетган харажатларни ҳисоблаш услуби ва маҳсулот сотишдан келадиган тушумни ҳисоблаш услуби ягона бўлиши керак, шунда фойда сотилган маҳсулотларнинг бир хил ҳажми бўйича аниқланади. Маҳсулот ишлаб чиқариш харажатлари қуйидагини ташкил қилади:

$Қ_{д}СМ^{ТТ} = Р_{ДБ}СТМҚ_{ИЧТ} + К_{Д}ИЧРТМ_{РТ} - Р_{ДО}СМҚ_{РТ}$,

бу ерда; $Қ_{д}СМ^{ТТ}$ - келгуси даврда (йил, квартал) сотиладиган маҳсулотнинг тўла таннархи бўйича харажатлари;

$Р_{ДБ}СТМҚ_{ИЧТ}$ - режалаштирилаётган давр (йил, квартал) бошидаги сотилмаган тайёр маҳсулот қолдиқларининг ҳақиқий иқтисодий ишлаб чиқариш таннархи;

$К_{Д}ИЧРТМ_{РТ}$ - маҳсулот ишлаб чиқариш ва сотиш харажатларининг сметасида аниқланади, келгуси давр (йил, квартал) да ишлаб чиқарилиши режалаштирилган товар маҳсулотининг режадаги таннархи;

$Р_{ДО}СМҚ_{РТ}$ - режалаштирилаётган давр (йил, квартал) охиридаги сотилмай қоладиган тайёр маҳсулот қолдиқларининг режадаги таннархи.

Режалаштирилаётган давр боши ва охиридаги қолдиқларнинг таркиби фарқ қилади, маҳсулот сотишдан тушадиган тушумни режалаштиришнинг турли усулларида ҳам улар фарқ қилади.

Хўжалик юритишнинг ҳозирги шароитида корхоналар тушумни ҳисобга олишнинг ва шунга мос ҳолда уни режалаштиришнинг 2 усулидан бирини ишлатишлари мумкин. Бу 2 усул маҳсулот сотиш моменти бўлиб нима ҳисобланиши билан фарқ қилади: 1) харидорга жўнатилган маҳсулот учун корхонанинг ҳисоб рақамига (кассасига) пулнинг келиб тушиши; 2) маҳсулот жўнатилиши ва ҳисоб-китоб ҳужжатларининг харидорга берилиши. 1-ҳолатда, агар тушум пул корхонанинг ҳисобрақамига (кассасига) келиб тушиши бўйича режалаштирилаётган бўлса, режалаштирилаётган давр бошидаги сотилмаган маҳсулот қолдиқлари ўз ичига қуйидаги элементларни олади:

-омбордаги тайёр маҳсулот;

-тўлов муддати етиб келмаган жўнатилган товарлар;

- харидор томонидан ўз муддатида тўланмаган жўнатилган товарлар;

-харидорларнинг жавобгарлиги остида сақланаётган товарлар.

Сотиладиган маҳсулот таннархига аниқлашда бу қолдиқлар ҳисобот даврининг хақиқий иқтисодий ишлаб чиқариш таннархи бўйича ҳисобга олинади.

Режалаштирилаётган давр охирида маҳсулот қолдиқлари таркибида фақат 1-2 та элемент ҳисобга олинади холос, чунки харидор томонидан ўз муддатига тўланмаган товарлар ва харидорларнинг жавобгарлиги остида сақланаётган товарлар ҳисоб-китоб ва шартнома интизомининг бузилиши оқибатларидир, шунинг учун улар режалагатирилмайди. Режалаштирилаётган давр охиридаги сотилмай қолган маҳсулот қолдиқларини аниқлашда ишлаб чиқариш таннархи бўйича 1 кунлик маҳсулот ишлаб чиқариш ва заҳиранинг кундаги меъёридан келиб чиқилади. Йиллик режалаштиришда кварталнинг маълумотлари кварталлик режалаштиришда мос кварталнинг маълумотлари ишлатилади.

Заҳиранинг кунларидаги меъёри, тахминий бўлса ҳам, ҳар 1 корхонада ҳисобланиши мумкин. Омборда тайёр маҳсулот қолдиқлари учун ва тўлов муддати етиб келмаган жўнатилган товарлар учун бу меъёрнинг мазмуни турлича бўлади. Омбордаги тайёр маҳсулот бўйича кунлардаги меъёр - бу маҳсулот омборда бўлган кунлар сонидир. Бу сон тайёр маҳсулотни жойлаштириш,

уни комплектлаш, идишларга жойлаш, транспорт партияси ўлчовига етгунча тўлаш, ҳисоб-китоб ҳужжатларини ёзиб бериш учун зарур бўлган кунлар йиғиндиси сифатида аниқланади. Тўлов муддати етиб келмаган жўнатилган товарлар бўйича кунлардаги меъёр ҳужжатлар айланиш муддатига, яъни ҳисоб-китоб ҳужжатлари таъминотчи банкидан харидор

Сотиладиган маҳсулотга кетган харажатлар маҳсулот сотишдан келган тушум ҳисобига қопланади.

4.3. Корхоналарнинг асосий фаолияти бўйича махсулот ишлаб чиқариш ва сотиш билан боғлиқ бўлган харажатларини режалаштириш ва молиялаштириш

Жамият эҳтиёжини янада тўлароқ қондириш учун зарур бўлган моддий неъматларни ишлаб чиқариш, асосан, саноат корхоналарининг зиммасига тушади. Саноат маҳсулотларини ишлаб чиқаришнинг муттасил ўсиши миллий даромад ҳажмини оширади, ишлаб чиқариш ўсиш суръатларининг юксалиши учун қўшимча манбаларни яратади ва меҳнаткашларнинг моддий фаровонлик даражасини яна ҳам оширади. Бунга эришишда корхонанинг асосий фаолиятида муҳим аҳамият касб этадиган ҳолатни ўрганиш талаб этилди. Бунда асосий диққатни маҳсулот ишлаб чиқариш ва сотиш билан боғлиқ бўлган харажатлар уларга таъсир этувчи омилларни аниқлаш ва таҳлил этиш талаб этилади.

Корхоналарнинг асосий фаолияти бўйича маҳсулот ишлаб чиқариш ва сотиш билан боғлиқ бўлган харажатларни режалаштириш ва молиялаштириш билан боғлиқ масалаларни ўрганишда, тўғри қарорлар қабул қилишда корхонада маҳсулот ишлаб чиқариш ҳолатини таҳлил этиш муҳимдир.

Маҳсулотни ишлаб чиқариш ва сотишда таҳлилнинг асосий вазифалари қуйидагилардан иборат бўлиши зарур:

-маҳсулотни ишлаб чиқариш ва сотиш бўйича белгиланган режа топшириқларининг тиғизлигини текшириш;

-корхоналарни маҳсулотлар ишлаб чиқариш режасининг бажарилиши ва ўзгаришининг ҳажми, таркиби, номенклатураси, ассортименти, сифати ва бир текисда ишлаб чиқаришга баҳо бериш;

-ўтган йилга ҳамда бизнес режага нисбатан режанинг бажарилишидаги фарқни ва унинг сабабларини аниқлаш;

-тузилган шартнома мажбуриятлари асосида маҳсулотни етказиб бериш бўйича сотиш режасининг бажарилишига баҳо бериш;

-маҳсулотни ишлаб чиқариш ва сотишни амалга ошириш бўйича заҳираларни аниқлаш ва унинг таркиби ҳамда сифатини яхшилаш кабилар.

Ишлаб чиқариш дастурининг бажарилишини таҳлил қилишда бир қанча ахборот манбалари, жумладан, 1 М «Корхонанинг маҳсулот ишлаб чиқариш бўйича йиллик ҳисоботи», «Ойлик ва чораклик ҳисоботлари» ҳам қўлланилади. Бундан ташқари 1-Т «Саноат маҳсулотларининг таннархи», «Айрим саноат маҳсулотларининг рентабеллиги», янги техникани жорий қилиш бўйича ҳисобот, маҳсулотнинг сифати ва нави бўйича статистик маълумотлар ва ҳоказолардан фойдаланилади.

Ҳажм кўрсаткичлари орасида маҳсулотни сотиш кўрсаткичи ўзига хос аҳамиятга эга бўлиб, у ишлаб чиқариш самарадорлигини аниқловчи сифат кўрсаткичларидан биридир.

Дарҳақиқат, сотиш жараёни - ишлаб чиқарилган маҳсулотнинг ижтимоий истеъмол талаб ва эҳтиёжларига жавоб бериши демакдир. Бундай шароитда корхоналар маҳсулот ассортиментини кенгайтиришдан ва унинг сифатини яхшилашдан, у ёки бу товарларга бўлган таклиф ва талабларни ўрганишдан манфаатдор бўлишлари керак. Зеро, ишлаб чиқариш сотиш жараёни билан тугалланиши билан чекланмай даромад (фойда)ни ҳам таъминлаши лозим.

Маҳсулотни сотиш, аввало, даромад (фойда) келтириши мумкин бўлган товар маҳсулотини ишлаб чиқаришга боғлиқ. Товар маҳсулоти деганда, барча ишлаб чиқариш босқичларидан ҳамда техника назорати бўлимидан ўтган, омборга топширилган ва даромад (фойда) келтирадиган маҳсулот тушунилади.

Сотилган маҳсулот деганда эса товарларни истеъмолчиларга юборилиб, унинг пули таъминотчиларнинг банкдаги ҳисоб-китоб ҳисобрақамига тўлиқ (ёки қисман) ўтказилиши тушунилади.

Саноат корхоналарининг ҳажм кўрсаткичларига сотиш, товар маҳсулот ва меъёрий соф маҳсулот киради.

Бу кўрсаткичларни таҳлил қилиш учун керакли маълумотлар йиллик ҳисоботнинг 1-М, 2-М шаклларидан олинади.

Сотиш ҳажмининг ўсиш суръатига кўпгина кўрсаткичлар таъсир кўрсатади. Буларга маҳсулотнинг сифати, уни бир маромда ишлаб

чиқариш ҳамда маҳсулотни ўз вақтида истеъмолчиларга жўнатиш ва унинг ҳақини тўлаш, сотилмаган маҳсулотларнинг йил бошига ва йил охирига бўлган қолдиғи каби омиллар киради. Шулар ишлаб чиқарилган ва сотилган маҳсулотнинг бир-бирига боғлиқлигини текшириш учун товар балансини тузиш керак. Уни қуйидаги формула орқали ифода қилиш мумкин.

$$СМйбҚ + ЖичТМҳ = ЖСМҳ + СМйоҚ \qquad (1)$$

Бу ерда: СМйбҚ - сотилмаган маҳсулотларнинг йил бошига бўлган қолдиғи;

ЖичТМҳ - жорий йилда ишлаб чиқарилган товар маҳсулотнинг ҳажми;

ЖСМҳ - жорий йилда сотилган маҳсулотларнинг ҳажми;

СМйоҚ - сотилмаган маҳсулотларнинг йил охирига бўлган қолдиғи.

Товар балансининг элементлари бир-бири билан ўзвий равишда боғлиқ бўлиши муҳимдир. Агар режага нисбатан йил бошига бўлган қолдиқ кўп бўлса, у ҳолда шу фарққа нисбатан сотиш ҳажми ошади. Аксинча, сотилмаган маҳсулотларнинг йил охирига бўлган қолдиғи камайса, у ҳолда сотиш ҳажми ошади.

Сотиш ҳажмининг ўзгаришига товар маҳсулот ишлаб чиқариш ва сотилмаган маҳсулотларнинг ўзгариши ҳам таъсир қилади. Энди юқоридаги берилган тенгликдан сотиш жараёнини қуйидагича ифода этиш мумкин:

$$ЖичТМҳ = СМйбҚ + ЖСМҳ – СМйоҚ \qquad (2)$$

4.4. Корхоналарда маҳсулот таннархини шакллантириш жараёнларини бошқариш ва кўрсаткичларини таҳлил қилиш

Маҳсулот таннархи деганда, корхонанинг маҳсулот тайёрлаш жараёнида сарфланган хом-ашё, материаллар, ишлаб чиқариш воситалари, тўланган иш ҳақи, шунингдек, маҳсулотни ишлаб чиқариш ва уни сотиш билан боғлиқ бўлган хизматлар учун тўлов ва харажатларнинг пул орқали ифодаланиши тушунилади.

Ушбу кўрсаткичлар орқали маҳсулот ишлаб чиқариш ва сотиш боғлиқ бўлган харажатларни иқтисодий чегарасини аниқлаш, уларнинг ҳар бир элементига таъсир этиши мумкин бўлган

кўрсаткичлар даражаси аниқланиши, уларнинг таъсирчанлик даражасини таҳлил этиш орқали истиқболда маҳсулот ишлаб чиқариш ва сотиш миқдорини аниқлаш билан чегараланмай ушбу жараёндан даромад (фойда) кўришни ҳам тахминлаштириш мумкин бўлади.

Айтиш жоизки, асосий фаолият бўйича маҳсулот ишлаб чиқариш ва сотиш билан боғлиқ бўлган харажатларини режалаштиришга мутлоқ тўғри ёндошгандан сўнг молиялаштириладиган объектлар миқдорини аниқлаш ва молиялаштириш тўғри ёндошилган қарорлар қабул қилиниши мумкин бўлади.

Маҳсулот таннархи умумлаштирувчи кўрсаткич бўлиб, у корхона хўжалик фаолиятининг ҳамма томонларини акс эттиради ва унинг иш самарадорлигини кўрсатади. Маҳсулот таннархини таҳлил қилиш корхоналарда таъсирчан хўжалик ҳисобини амалга оширишнинг муҳим шартларидан биридир. Корхоналарнинг тўла хўжалик ҳисоби, ўз харажатларини ўзи қоплаш ва ўзини-ўзи маблағ билан таъминлашга ўтиши, фойданинг ўсишига таъсир қилувчи барча омилларни чуқур ва ҳар томонлама таҳлил қилишни тақазо қилади. Шунингдек, ишлаб чиқариш харажатларини камайтиради.

Бинобарин, маҳсулот таннархини камайтириш хўжалик ҳисоби даромадини оширишнинг энг муҳим омили бўлиб ҳисобланади.

Хўжалик юритишнинг янги шароитида маҳсулот таннархини таҳлил қилишнинг аҳамияти мулкчиликнинг барча шаклларида иш юритаётган корхоналар учун беқиёсдир, зеро, ишлаб чиқариш харажатлари тўғрисида тўла-тўкис маълумотларга эга бўлмасдан ишлаб чиқаришнинг илмий жиҳатдан ва самарали бошқариш асло мумкин эмас. Маҳсулот таннархини арзонлаштириш жонли меҳнат ҳамда буюмлашган меҳнатни акс эттиради, фойда даромаднинг ортишини таъминлайди, улгуржи ва чакана нархларни арзонлаштириш имконини яратади.

Маҳсулот таннархини арзонлаштиришнинг асосий йўллари қуйидагилардан иборат: бошқарув усулларини, ишлаб чиқариш ва меҳнатни илмий ташкил қилишни, хўжалик ҳисобини такомиллаштириш, ишлаб чиқариш қувватлари ва ишлаб чиқариш фондларидан фойдаланишни яхшилаш, моддий ресурслардан оқилона фойдаланиш, ишлаб чиқаришни бошқариш ва унга хизмат кўрсатиш харажатларни камайтириш кабилар.

Маҳсулот таннархини таҳлил қилишнинг вазифалари қуйидагилардан иборат: маҳсулот ишлаб чиқариш ва сотиш билан боғлиқ бўлган ҳақиқий харажатларни режага нисбатан бўлган иқтисод ёки ортиқча харажатларсиз таъсир этувчи омилларини аниқлаш, маҳсулот ишлаб чиқариш жараёнида материаллар ва меҳнат ресурсларидан тўғри фойдаланиш устидан назорат олиб бориш, маҳсулот айрим турларининг ҳақиқий таннархини режа таннархи билан солиштириш ва фарқларни белгилаш, уларнинг сабаблари ва таннархни арзонлаштиришнинг заҳираларини аниқлаш, таннарх бўйича режанинг бажарилиши назорат қилиш.

Маҳсулот таннархини таҳлил қилиш жами товар маҳсулотининг тўла таннархи бўйича режанинг бажарилишига умумий баҳо бериш билан бошланади. Товар маҳсулот икки туркумга бўлинади: таққосланадиган ва таққосланмайдиган маҳсулот.

Таққосланадиган маҳсулот деганда шу йил ва ундан олдинги йилларда серияли ва оммавий тартибда ишлаб чиқарилган маҳсулотнинг барча турлари тушунилади.

Таққосланмайдиган маҳсулот эса жорий йилда ишлаб чиқарилган маҳсулотдир.

Таҳлил қилиш жараёнида таққосланадиган маҳсулот жумласига кирадиган маҳсулотнинг ҳақиқий таннархи режа таннархи ва унинг ўтган йилги даражаси билан, таққосланмайдиган маҳсулотнинг ҳақиқий таннархи эса режада кўрсатилган таннархи билан қиёсланади.

Таянч сўз ва иборалар

Харажат, таннарх, давр харажатлари, моддий харажатлар, смета, сотилган маҳсулот, товар маҳсулоти.

Ўз-ўзини текшириш учун саволлар

1. Маҳсулотларни ишлаб чиқариш таннархига киритиладиган харажатлар нималардан иборат?
2. Давр харажатларини ҳисобга олишдан мақсад нима?
3. Маҳсулот таннархи нима ва унга нима таъсир кўрсатади?
4. Маҳсулотни ишлаб чиқариш ва сотишда таҳлилнинг асосий вазифалари нималардан иборат?
5. Сотилган маҳсулот деганда нимани тушунасиз?
6. Корхоналарда маҳсулот таннархини шакллантириш жараёнлари нималардан иборат бўлиши мумкин?

Топшириқлар

1. Маҳсулот таннархи таркибига киритилувчи харажатлар таркиби тўғрисидаги Низомни ўрганиб чиқинг.
2. Бирон маҳсулотни ишлаб чиқариш калкуляциясини тайёрланг.
3. Ишлаб чиқариш дастурининг бажарилишини таҳлил қилишда фойдаланиладиган ахборот манбаларини ўрганиб чиқинг.
4. Корхоналарда маҳсулот таннархини шакллантириш жараёнларини бошқариш ва кўрсаткичларини таҳлил қилиш йўлларини ўрганиб чиқинг.

V БОБ. КОРХОНАДА ПУЛ ТУШУМИ, УНИ РЕЖАЛАШТИРИШ ВА ТАҚСИМЛАШ

5.1. Иқтисодиётнинг эркинлашуви шароитида корхоналар фаолиятида нархлар тизими, унинг таркиби ва нархнинг шаклланишига таъсир этувчи омиллар

5.2. Корхонада маҳсулот сотишдан тушган тушумни режалаштириш. Оддий ва иқтисодий ёки аналитик услуб

5.3. Маҳсулот сотишдан тушган тушумни тақсимлаш тартиби

5.1. Иқтисодиётнинг эркинлашуви шароитида корхоналар фаолиятида нархлар тизими, унинг таркиби ва нархнинг шаклланишига таъсир этувчи омиллар

Корхоналар фаолиятида тушум унинг асосий мақсади, яъни фойда олишни таъминлайдиган асосий тушунчалардан бири бўлиб ҳисобланади. Маҳсулот (иш, хизматлар) реализациясидан тушган тушум ҳажми кўп жиҳатдан нархларни шакллантириш жараёни билан боғлиқдир. Пировард натижада товар баҳоси бозор орқали аниқланади: унга талаб ва таклиф муносабатлари катта таъсир кўрсатади. Лекин калькуляция сотиш баҳоси шаклланишининг муҳим қисми ҳисобланади. Агар калькуляция усули билан ҳисобланган нархлар бозор нархидан юқори булса, у ҳолда таннархни камайтириш ёки бу турдаги товарни ишлаб чиқаришдан воз кечиш лозим.

Хар бир товарнинг 2 хил баҳоси олдиндан ҳисобланади: сотиш баҳоси, яъни тайёрловчига ишлаб чиқаришнинг нормал шароитини яратиб берувчи баҳо ва минимал бахо, корхона харажатларини минимал фойдани олиш орқали қопланадиган баҳо. Йирик буюртмалар бўлганда ёки ишлаб чиқарувчиларнинг харидорлар билан алоқалари мустахкам бўлганда, харидорлар калькуляция билан танишиш ҳуқуқига эгадир. Калькуляция тақдим этилмаса, унда харидорлар товар сотиб олишдан воз кечишлари мумкин. Агарда бундай ҳолатни юзага келтирувчи омил нархни ошириб кўрсатилиши билан боғлиқ бўлса.

Калькуляция усули билан бир қаторда нархлар шаклланишининг бошқа усуллари дастлабки буюмда қўлланилиши мумкин: параметрик бу усул нархидан катъий-назар маҳсулот

кўрсаткичларига асосланади (куввати, юк кутариш, тез ҳаракат қилиш ва б.); статистик усул бу усул ўхшаш буюмлар баҳоларини таҳлил қилишга асосланган. Лекин ҳар кандай шароитда хам нарх ишлаб чиқарувчининг харажатларини қоплаши керак шунинг учун калькуляциядан фойдаланиш зарур.

Айрим холларда йирик қимматбаҳо буюмлар нархини лойиҳалаш йирик консалтинг фирмаларга топширилади, уларнинг хаққонийлигига икки томон (тайёрловчи ва буюртмачи) хам ишонч хосил килган бўлиши лозим. Бундай ишни, мисол учун, Американинг «Ронд цорпоратион» фирмаси бажаради.

Маҳсулотни айирбошлашдан тушум катталигига фирма фаолиятига боғлиқ бўлган ва боғлиқ бўлмаган кўпгина омиллар таъсир кўрсатади. Корхонага бевосита боғлиқ бўлган омилларга қуйидагилар киради:

– ҳажм;
– ассортимент;
– ишлаб чиқарилган маҳсулотнинг сифати ва рақобатбардошлиги;
– баҳо даражаси.

Маҳсулот ишлаб чиқаришни асосан маҳсулотни айирбошлаш ҳажми аниқлайди: айирбошлаш ҳажмининг ўсиши билан уни ишлаб чиқариш ҳажми ўсади, ва аксинча.

Бундан ташқари, тушум қиймати:

– корхона ишининг бир маромдалилиги;
– маҳсулотнинг бир бутунлилиги;
– ортишнинг хусусияти;
– мазкур маҳсулотга бўлган талаб;
– маҳсулот учун ҳисоб-китоб шаклига боғлиқ бўлади.

Режа бўйича ишлаш маҳсулотни бир маромда ортишга ва тушумнинг ўз вақтида келишига таъсир қилади. Маҳсулотни талаб асосида ишлаб чиқариш унинг тўлиқ айирбошланишини таъминлайди. Маҳсулот учун ҳисоб-китобларнинг нисбатан илғор шаклини қўллаш, тўлов ҳужжатларидаги ёзувларнинг ўз вақтидалиги ва уларни банкка тақдим қилиш – тушумни режалаштиришдаги асосий омиллардир. Маҳсулот ассортименти тушум ҳажмига катта таъсир кўрсатади, чунки маҳсулот бир хил бўлмаган нархларда айирбошланади. Ассортимент бўйича режалаштиришнинг бажарилиш шарти бўлиб ҳисобланади.

Корхонанинг маҳсулотни реализациясидан тушуми катталиги бўйича баҳолар даражасига ҳам боғликдир: агар маҳсулотнинг улгуржи нархи пасайса, унинг айирбошланишидан тушадиган тушум камаяди, ва аксинча.

Корхонага боғлиқ бўлмаган омилларга қуйидагилар киради:

– транспорт ишидаги узилишлар;

– харидорларнинг тўловга қобилияцизлиги натижасида маҳсулот тўловининг ўз вақтида амалга ошмаслиги;

– банк ҳисоб-китобларидаги кечикишлар ва шу кабилар.

Бозор иқтисодиёти шароитида ихтиёрий тижорат корхонасининг тушуми биринчи навбатда корхонанинг молиявий хизматига боғлиқ бўлган товар ва хизматларга баҳонинг тўғри аниқланишига кўп жиҳатдан боғлиқ. 1992 йилдан бошлаб баҳони ташкил қилиш эркин асосда йўлга қуйилди, яъни, талаб ва таклиф асосида аниқланувчи бозор баҳоси катталиги қўлланилди. Қоидага кўра, маҳсулот баҳоси корхона рентабелликнинг аниқ даражаси асосида қуйилади. Лекин баъзи ҳолларда зарарли баҳолар ҳам қуйилади (ўтиш баҳоси деб номланувчи), бунда рақобатчиларни сиқиб чиқариш, сотиш бозорини кенгайтириш ва корхонанинг бундай йўқотишлари истеъмолчиларни унинг маҳсулотига бўлган талаби асосида қопланишини таъминлайдиган мақсадлар қўлланилади. Баҳоларнинг давлат томонидан бошқарилиши монопол корхоналар томонидан ишлаб чиқариладиган тор доирадаги товарларга нисбатан қўлланилади.

Эркин нархлар ҳам, бошқарилувчи нархлар ҳам улгуржи ва чакана бўлиши мумкин. Корхонанинг улгуржи баҳоси маҳсулотнинг тўлиқ таннархи ва корхонанинг даромадини ифодалайди. Корхонанинг улгуржи баҳоси бўйича маҳсулотлар бошқа корхоналарга ёки тижорат ташкилотларига айирбошланади. Улгуржи баҳо ўзида улгуржи баҳо ва тижорат устамасини ифодалайди. Шундай қилиб, эркин ва бошқарилувчи баҳолар даражаси маҳсулот айирбошланишидан тушумга, бунга боғлиқ ҳолда даромад катталигига ҳам таъсир қилувчи муҳим омиллардан бири ҳисобланади.

Юқори даражадаги рақобатли бозорда унификацияланган маҳсулотларни сотувчи корхоналардан бошқа барча корхоналар ўз маҳсулотига баҳо ўрнатишда маълум даражадаги эркинликларни афзал кўради ва шунинг учун корхона молиявий хизмати жавоб берувчи баҳо қуйиш сиёсатини мустақил танлайди.

Айирбошлашдан тушум ҳажми маҳсулотга баҳо қуйиш стратегиясини танлашга боғлиқ. Бозор шароитида корхонанинг баҳо қуйиш стратегияси ишлаб чиқариш харажатларини маҳсулотга бўлган талаб ва таклифни, сотиш бозоридаги рақобатни, давлат бошқаруви таъсирини ҳисобга олиб ишлаб чиқилади. Шунинг учун корхона дастлаб бошланғич нархни ўрнатади, кейин бозорнинг амалдаги ташқи омилларини ҳисобга олиб уни тўғирлайди.

Қуйидаги ҳолларда баҳо қуйиш биринчи даражали аҳамиятга эга бўлади:

– корхонада янги маҳсулот чиқарилганда биринчи марта баҳо қўйса;

– ташкилий-техникавий шароит корхонани баҳони ўзгартиришга мажбур қилса;

– рақобатчилар баҳони ўзгартирса;

– бир-бири билан боғлиқ бўлган маҳсулотларни уларга бўлган талаб ва уларнинг таннархи нуқтаи назаридан баҳолар тузилмасидаги ўзгаришлар тўғрисидаги масалани ечиш керак бўлганда.

Бундай ҳолатлар маркетинг тадқиқотларига боғлиқ бўлади, лекин шу билан бирга ишлаб чиқариш, маҳсулот таъминоти ва савдоси билан, маҳсулотни айирбошлашдан тушумни ташкил қилиш билан ҳам боғлиқ.

Баҳо ўзида қиймат ва товарнинг истеъмол қийматининг пулдаги ифодасини кўрсатади, шунинг учун ҳам у ишлаб чиқаришнинг ички ва ташқи омилларида ифодаланибгина қолмасдан, уларга таъсир ҳам қилади. Маҳсулот айирбошланишидан тушумни шакллантиришда баҳо бир неча функцияларни бажаради:

- ҳисоб функцияси, маҳсулотнинг айирбошланишидан тушумни, маҳсулотни ишлаб чиқариш ва айирбошлаш харажатларини, ишлаб чиқариш самарадорлиги ҳисоби бўлиб хизмат қилади;
- рағбатлантирувчи функцияси, яъни баланд баҳо аниқ маҳсулотни ишлаб чиқаришга етаклайди;
- тақсимловчи функцияси, яъни корхона маҳсулоти баҳосининг ўртача ҳисобланган баҳодан ўзгариши тақсимот йўналишининг ёки ишлаб чиқарувчи фойдасига, ёки истеъмолчи фойдасига ҳал бўлишини ифодалайди. Баҳо ёрдамида даромадлар корхоналар, соҳалар, минтақалараро қайта тақсимланади;

- бошқарувчи функцияси, яъни аниқ маҳсулотга талаб ва таклифни ва пул маблағлари тўғрисидаги қонунни ўргатади, рақобат баҳоларни тенглаштиради, ресурслардан самарали фойдаланишга йўл очувчи чегаравий ишлаб чиқариш харажатларини кўрсатади.

5.2. Корхонада маҳсулот сотишдан тушган тушумни режалаштириш. Оддий ва иқтисодий ёки аналитик услуб

Махсулот сотишдан тушган тушум – корхона томонидан ишлаб чиқарилган махсулот, кўрсатилган хизмат ва бажарилган иш учун олинган пул маблағлари суммасидир. Бу корхона харажатларини копловчи ва унинг даромадини ташкил этувчи асосий манбадир.

Асосий махсулотни сотишдан тушган тушумдан ташқари корхонада бошқа савдо-сотикдан тушган тушум хам бўлиши мумкин ва носавдо операциялардан хам тушум бўлиши мумкин.

Тушумнинг келиб тушиши жараёнинг мухим элементи - бу маблағнинг ўз вақтида тушишидир. Сотишдан тушган тушум хажмига чиқарилаётган махсулот хажми, унинг тури, сифати, нарх даражаси, ҳисобланиш шакли ва б.лар таъсир кўрсатади.

Халқаро стандартлар бўйича даромад ва харажатлар жамғарилиб боради, яьни пулнинг келиб тушиши ёки тўловниг амалга оширилиши бўйича эмас, балки унинг пайдо бўлиши бўйича ҳисобга олинади, яьни тушумни махсулотни сотишга жўнатиш бўйича аниқлаш усули қўлланилади. Счётлар бўйича тўловни амалга ошириб бориш мобайнидаги молиявий натижалар ва реализация кўрсаткичлари ҳисобга олишниг асосий принципи - пул тушуми хажми билан махсулотни тайёрлаш харажатлари ўртасидаги таққословни бузади.

Тушумларни режалаштириш фойданинг режасини ва бюджетга тўловлар режасини аниқлаш учун зарурдир. Режали тушум ҳисобининг асосланганлигига бошқа барча молиявий кўрсаткичларнинг реаллиги билан боғликдир.

Маҳсулот реализациясидан тушган тушум режалаштириш келаётган йил, чорак ва оператив амалга оширилиши мумкин. Барқарор иқтисодий ҳолатларда тушумни йиллик режалаштириш мумкин. Барқарор бўлмаган ҳолатларда йиллик режа қийин ва самарали эмас, шунинг учун чоракли режалаштиришдан фойдаланилади. Оператив режалаштиришда тушум аниқ мақсадни кўзлайди, яьни корхонанинг ҳисоб рақамига юклаб жўнатилган

товарлар учун тушумларнинг ўз вақтида келиб тушишини. Корхонанинг асосий фаолиятидан умумий тушум ўзида саноат ва носаноат характердаги реализация қилинган маҳсулотларни, бажарилган ишлар ва кўрсатилган хизматларни акс эттиради. Маҳсулот сотишдан тушган тушумни аниқлаш учун реализация қилинадиган товар ҳажмининг қўшилган қиймат солиғисиз, акциз солиғисиз ва экспорт қилинадиган товарлар учун экспорт таърифларисиз ҳақиқий баҳосини мукаммал билиш керак.

Режали тушум бир қанча йўллар билан ҳисобланиши мумкин:

- ассортимент счёти бўйича тўғри йўл билан (тўғри счёт усули);
- режалаштирилаётган давр охири ва бошига релизацияланмаган маҳсулот қолдиқларининг ўзгаришини инобатга олиб, товар маҳсулотларининг умумий ҳажмидан келиб чиққан ҳолда (ҳисоб-китоб усули);
- омиллар усули бўйича;
- экстрополяция усули.

Биринчи усул унча катта номенклатурали маҳсулотга эга бўлмаган ва ишлаб чиқаришнинг қисқа циклига эга бўлган корхоналарда фойдаланилади, чунки уларда йилдан йилга ўтадиган тайёр маҳсулот қолдиқлари омборларда йиғилиб қолмайди. Бу ерда асосий эътиборни режалаштирилаётган даврга номенклатурани маҳсулотларнинг турлари, маркалари, сортлари бўйича ва маҳсулот ҳажмини буюртма қилувчилар билан келишган ҳолда тузишга қаратиш керак. Тўғри ҳисоб методи кафолатли талабларда асослидир. Бунда барча ишлаб чиқарилган маҳсулот ҳажми олдиндан келишилган буюртма ҳажмига тўғри келиши тахмин қилинади. Қачонки, ишлаб чиқариш режаси ва реализация ҳажми олдиндан истеъмолчилар талаби билан боғлиқ бўлган ҳолатларда бу энг ишончли усул бўлиб ҳисобланади, чунки ишлаб чиқаришнинг зарур таркиби ва ассортименти аниқ, келишилган нархлар ўрнатилган бўлади. Бундай шароитларда маҳсулот реализациясидан тушган тушумни (Тмр) реализация қилинадиган маҳсулот миқдорини (ММр) бир маҳсулот учун қилинган харажатлар ҳажмига (Х1мҳ) кўпайтириш йўли билан аниқлаш мумкин:

$$Тмр = ММр \times Х1мҳ \qquad (3)$$

Ҳозирги иқтисодий ривожланиш босқичида кўпгина корхоналар ишлаб чиқараётган маҳсулотлари умумий ҳажмига кафолатланган талабга эга эмаслар, шунинг учун улар ўзлари ишлаб чиқарган

маҳсулотлари бозорини кенгайтириш бўйича мониторинг ишларини ҳар кун олиб боришлари лозим. Бунда тушумни режалаштириш юқорида кўрсатилган тартибда амалга ошириш мумкин бўлади. Шунинг учун биринчи усулга қуйидагиларни ҳисобга олиш талаб этилади:

– режалаштирилаётган йил учун: ишлаб чиқариладиган маҳсулот, иш ва хизматлар ҳажмини;

– янги давр бошига: омборлардаги тайёр маҳсулот қолдиқларини, тўлов муддати етиб келмаган юкланган товарларни, муддатида тўланмаган юклаб жунатилган товарларни, сотиб олувчининг зиммасида сақланаётган товарлар ҳажмини кутилаётган инобатга олиш керак.

– давр охирига: нормативлар бўйича омборлардаги тайёр маҳсулот қолдиқларини, тўлов муддати етиб келмаган юкланган товарларни инобатга олиш керак.

Давр бошига кутилаётган тайёр маҳсулотларнинг қолдиқ миқдорлари ҳисобот маълумотларидан олинади ёки ишнинг реал даражасидан келиб чиқиб башорат қилинади (прогнозлаштирилади). Бухгалтерия ҳисоби бўйича реализация қилинмаган маҳсулот қолдиқлари ҳисоби тулиқ таннарх ёки ишлаб чиқариш бўйича кўрсатилади. Шунинг учун улгуржи нархлар учун ўтказиш коэффицентлари қулланилади.

Давр охирида корхона омборларида ўтаётган тайёр маҳсулот қолдиқлари аниқланганда уларнинг шаклланиш омилларининг таҳлилини ўтказиш зарур бўлади. Бундан ташқари меъёрлардан юқори қолдиқлар сабабларини, реализация шароитидаги кутилаётган ўзгаришларни (истеъмолчилар ўрнини, транспортни, нақд пулсиз ҳисоб-китоблар тартибини ўзгартириш) аниқлаш талаб этилади. Бу ҳисоб-китоблар меъёрлар бўйича тайёр маҳсулот заҳиралар остида шахсий айланма воситалар катталиги режалаштирилганда олиб борилади. Юклатилган, лекин тўлов муддати етиб келмаган ёки сотиб олувчининг шахсий маъсулиятида сақланаётган тайёр маҳсулот қолдиқларининг ҳисоби дебитор қарзларни режалаштирганда ва анализ қилинганда ҳисобланади.

Инфляциянинг юқори темпларида нархларнинг инфляцион коэффициентлар орқали ўзгаришини инобатга олиш зарур. Агар корхонанинг жўнатиладиган нархлари улгуржи нархлар билан тўғри келмаса, товар балансини тузишда маҳсулот реализациясидан

тушган тушум ҳисоби учун жўнатиладиган нархлари билан улгуржи нархлар орасидаги фарқларни ҳисобга олиш зарур.

Реализациядан тушган тушумни учинчи усул бўйича ҳисобланиши келгуси даврга режалаштириладиган ва базис даврида реализация қилинадиган тушумни ҳақиқий асосида амалга оширилади.

Тушум ҳажмини корректирлайдиган ўзгаришларнинг асосий омилига қуйидагилар киради:

- реализация ҳажми;
- реализация қилинадиган маҳсулот таркиби;
- маҳсулот нархи.

Тмр = БРТҲТ х РМҲўи х РТНўти х РМБўи

Бу ерда: Тмр – маҳсулот реализациясидан тушган тушум

БРТҲТ – базис йилида реализациядан тушган ҳақиқий тушум;

РМҲўи – реализацияланган маҳсулот ҳажмининг ўзгариш индекси;

РТНўти – реализацияланадиган товарлар номенклатурасидаги ўзгаришларнинг таркибий индекси;

РМБўи – реализацияланадиган маҳсулотлар баҳосининг ўзгариш индекси.

$РМҲўи = ΣБ_1С_1/ΣБ_0С_0$, $РТНўти = ΣБ_0С_1/ΣБ_0С_0$, $РМБўи = ΣБ_1С_1/ΣБ_0С_1$

бу ерда: $Б_0$, $Б_1$ – режалаштирлаётган ва базис даврига мувофиқ баҳолар,

$С_0$, $С_1$ - режалаштирлаётган ва базис даврига маҳсулот сони.

Маҳсулот реализациясидан тушган тушумни тўртинчи усулида тушум ҳажмининг ўсиш ёки пасайиш темплари ўтган давр вақтлари асосида ва бу темпларни сақлаб қолиш ёки ўзгартириш бўйича эксперт баҳолаш орқали аниқланади.

Тмр = Тмр.баз. х К,

бу ерда, К- ҳажмни ўстириш ёки пасайтириш коэффициенти;

Бу усулни барқарор иқтисодий ҳолатда қуллаш мумкин.

Маҳсулот реализациясидан тушган тушумни минимал, оптимал ва максимал ҳажмларини жорий этиш орқали башоратлаштириш мумкин. Булар эгилувчан молиявий сметаларни тузишда эътиборга олинади ва қўлланилади.

Айтиш жоизки, бунда маҳсулот реализациясидан тушган тушум ва унинг ҳажмининг амалий аниқлаш учун маълумот манбаи қуйидагилар ҳисобланади:

− кўрсатиладиган хизмат ва тайёр маҳсулот режа-графиги;

− корхона омборидаги тайёр маҳсулот тушумларининг ўсиб бориш якунлари тўғрисида маълумот;

− ўсиб бориш якунларида юклаб жунатилган маҳсулотлар тўғрисида маълумот;

− маҳсулотни юклаб жўнатишдаги эътирозлар;

− тайёр маҳсулотни омбордан ёки юклаб жунатилганлиги ҳисобга корхона ҳисоб-китоб счётига ва кассасига пул воситаларнинг келиб тушиши ҳақидаги маълумот ўсиб бориш якунида;

− юклаб жунатилган, лекин вақтида тўланмаган маҳсулотлар тўғрисида маълумот;

− дебитор қарзларнинг ўсиши тўғрисида маълумотлар.

Тайёр маҳсулотни чиқариб юбориш ёки уни юклаб жўнатиш корхонада товар-транспортли накладной орқали ёки тайёр маҳсулотни чиқариб юборишга товар-транспортли накладной ва омбор буйруғини ўзида мужассамлаштирган буйруқ-накладнойлар орқали расмийлаштирилади. Омбор буйруғини тегишли хизмат кўрсатиш бўлими сотиб олувчининг шартномасига мувофиқ маҳсулот тури ва юклаб жунатиш муддатларини инобатга олган ҳолда икки нусхада тайёрланади ва унинг бир нусхаси омбор мудирида қолади, иккинчи нусхаси экспедиторга берилади. Экспедитор маҳсулотни транспорт ташкилотига топширгандан ва квитанция олгандан сўнг тўлов ҳужжати ёзиб беришлари учун уни корхона бухгалтериясига топширадилар. Бир вақтнинг ўзида ҳисобварақ-фактуралар ҳам ёзиб берилади.

Корхонанинг бухгалтерия ёки молиявий бўлимларида материал қимматликлар, маҳсулот реализациясидан тушган тушум ва чиқарилган маҳсулотлар тўғрисида журналлар олиб борилади. Журнал ва тўлов ҳужжатлари асосида ҳар кунги юклаб жунатилган ва реализация қилинган маҳсулот ҳажми тўғрисидаги маълумотларни ўзида мужассамлаштирган оператив қайднома тузилади.

Бундан ташқари қайдномада ой тугаши билан умумий суммалар билан тўлдириладиган бўлим мавжуд: А- чиқарилган ва реализация қилинган товарлар, Б- маҳсулотлар қайтарилганлиги билан боғлиқ

чиқарилган оварларнинг қисқариши, В- сотиб олувчининг маъсуллигида маҳсулотларни сақлашга қуйилганлиги билан боғлиқ чиқарилмаган ва тўланмаган суммалар. Бу маълумотлар утаётган маҳсулот қолдиқларини ҳисобини юритиш учун зарур.

Маҳсулот реализациясидан тушадиган тушумлар юқорида келтирган бир қанча усуллар орқали аниқланади. Тўғри ҳисоб усули қўлланилганда реализация қилинган маҳсулот қийматини реализация баҳосига кўпайтириб, олинган суммани барча маҳсулот номенклатурасига қўшилади.

Ҳар бир маҳсулот номенклатураси реализациясидан тушган тушумни қуйидаги формула орқали аниқланади:

Т = Р х Б

бу ерда, Т - тушум,

Р - реализация қилинган маҳсулот миқдори,

Б - ҳар бир реализацияланган маҳсулот баҳоси.

Реализация ҳажмини режалаштирилаётган даврда ишлаб чиқарилган маҳсулотдан келиб чиққан ҳолда аниқлаш мумкин. Бунинг учун режалаштирилаётган давр бошига маҳсулот қолдиғини қўшамиз ва режалаштирилаётган давр охирига қолдиқларни айирамиз. Реализациянинг режали ҳажми қуйидаги формула орқали ҳисобланади:

Р = Қ1 + Т – Қ2

бу ерда, Р – режали даврда реализация ҳажми;

Қ1 – режалащтирилаётган давр бошига юкланган ва омбордаги ҳар бир маҳсулот туридан қолдиқлар;

Қ2 – режалаштирлаётган давр охирида омборда ҳар бир маҳсулот тури бўйича қолдиқлар.

Маҳсулотлар ассортименти катта бўлса, айирбошлаш режаси ҳисобини комбинациялашган усул билан амалга ошириш мумкин. Маҳсулотнинг асосий турларини айирбошлашдан келадиган тушум тўғри ҳисоб билан аниқланади, бошқа ассортиментдаги маҳсулот айирбошланишидан келадиган тушумни ҳисоблаш учун барча номенклатурадаги маҳсулот қолдиқлари бўйича ишлаб чиқарилган товар олинади, унга режалаштирилган давр бошидаги қолдиқ қиймати қўшилади ва режалаштирилган давр охирида эркин нархда чиқарилиши бўйича ва таннарх учун кутилаётган қолдиқ айирилади.

Шу тарзда маҳсулот, иш ва хизматлар айирбошланишидан тушумни маблағларни ишлаб чиқаришга жойлаштириш ва маҳсулотларни айирбошлаш, даромадларни шакллантириш ва

молиявий ресурсларни ташкиллаштиришнинг асосий манбалари деб хулоса чиқариш мумкин бўлади. Бунда савдо ва тушум ҳажми алоҳида ўринга эга. Тушум катталиги билан фақатгина харажатларни ички ишлаб чиқаришга жойлаштирилиши ва даромадларни шакллантириш белгиланиб қолмасдан, корхона фаолиятининг молиявий натижасида юзага чиқувчи солиқ тўловларининг тўлиқлиги ва ўз вақтидалиги, банк кредитларининг камайтирилиши ҳам белгиланади.

Бозор иқтисодиёти шароитида хар бир корхона ва ташкилот учун даромад асосий кўрсаткичлардан бири бўлиб ҳисобланади. Корхона (ташкилот)ларнинг ўз даромадлари ҳисобидан харажатларни қоплаш ва фойда олиш корхонада фаолият юритиш бўлиб ҳисобланади.

Тайёр маҳсулотни (бажарилган иш, кўрсатилган хизмат) сотишдан тушган тушум корхонани молиявий ҳолатини ифодалайди. Сотишдан келган тушум ва ундан кўрилган даромад орқали корхона бюджет, мол етказиб берувчилар ва хоказолар билан ҳисоб-китоб киладилар.

Тушум бу – корхонанинг ўз оборот маблағларини ташкил қилишнинг асосий манбаи. Бозор иқтисодиёти шароитида корхона эгалари ва менежерлар даромадни кўзлаган ҳолда инвестиция ва дивидент сиёсатларини ечимини кабул килади. Бу эса корхонани ривожланишда муҳим аҳамият касб этади.

Корхонани режалаштирилаётган йил учун тушум таркиби қуйидаги элементлардан ташкил топади:

I. Ялпи тушум

II. Корхонани асосий фаолиятидан келадиган тушум.

- ёрдамчи хўжаликлардан келадиган тушум
- иш бажариш бўйича тушум
- чиқиндиларни (маҳсулотларни) ишлаб чиқарган маҳсулотлардан тушум.

III. Умумий хўжалик фаолиятидан келадиган тушум

IV. Соф тушум.

1.Ишлаб чиқарувчи ва қайта ишлаб чиқарувчи (нефть, қишлоқ хўжалик) маҳсулотларни сотиш учун мўлжалланган товар маҳсулоти унинг корхона улгуржи баҳосида белгиланади. Корхона улгуржи баҳосининг таркиби шу маҳсулот учун белгиланган товар маҳсулотини ишлаб тан нархи билан фойда кўрсаткичининг йиғиндисидан иборат.

2.Товар маҳсулотининг шартнома баҳоси. Бу кўрсаткич шу товар маҳсулоти учун белгиланган шу корхона улгуржи баҳоси билан қўшилган қиймат солиғи йиғиндисидан иборат.

3.Товар маҳсулотининг эркин баҳода сотилиши. Бу баҳонинг тури бозорда сотиб олувчи ва харидорнинг сотиб олиш кобилиятини инобатга олган ҳолда белгиланиши лозим.

4.Ахолининг биринчи истеъмол учун зарур бўлган давлат томонидан белгиланган баҳолар.

Ҳозирги вақтда тушумни режалаштиришда оддий ва аналитик услубдан фойдаланилади.

Оддий услуб билан тушум ёки фойдани режалаштириш кам ассортимент товарлари ишлаб чиқарувчи корхоналар фаолиятида қўлланилади. Бу услубнинг афзаллиги 1 бирлик ёки 10 бирлик учун товар маҳсулот учун тўғри келадиган тушум ёки фойдани ҳисоблаш имкониятини беради. Бу услубни камчилиги корхона фаолиятида ишлаб чиқарилаётган маҳсулот тури бўйича тушум ёки фойдани усиши ёки камайишига таъсир этувчи омиллар бўйича алоҳида тушум ёки фойда ва зарар олиш имкониятини асослаб бера олмайди.

Тушумни оператив режалаштириш корхона юклатиб юборилган маҳсулоти эвазига келиб тушадиган пул маблағларни ўз вақтида келиб тушишини назоратига каратилган.

Маҳсулот сотишда келган тушумни аниқлаш учун сотилган маҳсулотнинг ҳажмини амалдаги баҳоларда қўшилган қиймат солиғисиз, акцизсиз, экспорт маҳсулотларини тарифисиз билиш лозим.

Корхонада режалаштирилган йилга тушумни ҳисоблаш шу режадаги даврда маҳсулотларнинг ассортименти, ишлаб чиқариш ҳажми, сифат кўрсаткичи, шартномада кўрсатилган юридик ва молиявий нормаларни бажарилиши, ҳамда йил бошига ва йил охирига омбордаги сакланаётган товар маҳсулоти ва жунатилган товарни ўзгариши хам инобатга олинади.

Корхонанинг молиявий иқтисодчиси томонидан асосий фаолият бўйича ишлаб чиқарилган ва сотиш учун мўлжалланган товар маҳсулоти бўйича тушумни ҳисоблаш корхона шартли улгуржи баҳосида амалга оширилади.

Маҳсулотларнинг хар бир тури бўйича таннархни белгилаш калькуляциясидаги ишлаб чиқилган таннархга нисбатан фойда олиш имконияти ҳисобланиб, хар бир товар бўйича шартли равишда корхона улгуржи баҳоси ҳисобланади. Жами асосий фаолиятдан

келадиган тушумни ҳисоблаш учун шу маҳсулотлар бўйича ишлаб чиқариш ҳажмини инобатга олган ҳолда бир бирлик маҳсулот учун белгиланган улгуржи баҳосига кўпайтириш орқали ҳисобланади, яъни:

МСт = Р х РМБ

бу ерда:

МСт -маҳсулот сотишдан келган тушум

Р - реализация ҳажми

РМБ - реализация қилинган маҳсулотнинг бир бирлик баҳоси

Режалаштирилаётган тушумни аниқлашда реализация қилинаётган маҳсулотнинг миқдори ва ассортиментини билиш лозим.

Реализация қилинаётган маҳсулотнинг миқдори қуйидаги билан аниқлаш мумкин:

Р = РМ2 + РМ2 + МЖтм

бу ерда:

РМ1 - режалаштирилаётган йил бошига реализация қилинмаган маҳсулот колдиғи.

РМ2 - режалаштирилаётган йил охирига реализация қилинмаган маҳсулот колдиғи.

МЖтм - маҳсулот бўйича жунатиш мўлжалланган товар маҳсулоти

Режалаштирилаётган тушумни аниқлашда маҳсулотни кандай баҳода сотилишини билиш керак.

Товар маҳсулотини сотиш ва хизмат кўрсатиш, иш бажариш бўйича қуйидаги баҳолар тизими ва турлари қўлланилади.

Аналитик услуб билан ишлаб чиқариш ҳажмини юқори даражадаги ассортимент товарлар ишлаб чиқарувчи ва қайта ишлаб чиқарувчи корхоналар фаолиятидан шу услуб билан тушум режалаштирилади.

Иқтисодий ёки аналитик услуб билан тушум ёки фойдани ҳисоблаш кўп ҳажмдаги товар маҳсулотни ишлаб чиқараётган корхоналар фаолияти учун тааллукли бўлиб, бу усул билан тушум ёки фойданинг афзаллиги шу ишлаб чиқараётган товар маҳсулот турлари бўйича йил давомида таъсир этувчи барча омиллар бўйича қўшимча тушум ёки фойда олиш имкониятини беради. Бу услуб билан тушум ёки фойданинг режалаштиришнинг камчилиги аниқ сум ёки тийинда тушум ёки фойдани ҳисоблаш имкониятини бермайди.

Истеъмол фонди - корхона ишчиларининг моддий ва ижтимоий эҳтиёжларини кондириш учун корхона ялпи фойдасидан ташкил қилинадиган фонд. Истеъмол фондини ташкил қилишда қуйидаги қонунчиликка эътибор бериш керак: баланс даромадининг усиш тезлиги истеъмол фондининг усиш тезлигидан юқори бўлиши керак (иш хақи хам шунинг таркибида).


Айтиш жоизки, 4 гуруҳга булинувчи корхона оператив пул фондлари давр оралиғида шаклланади.

Бир ойда икки марта ёки бир марта иш хақини тўлаш учун пул фондлари ташкил этилади. Унинг асоси бўлиб иш хақи фонди ҳисобланади. Ўз вақтида иш хақи бўйича ҳисоб-китоб қилиш учун корхона бир неча масалаларни хал килади. Шу мақсадларда керак бўлган пул маблағлари тупланади, пул маблағлари мавжуд бўлмаса корхона банкка мурожат килади.

Юқорида айтиб утилган фондлардан ташқари корхонада қуйидаги мақсадлар учун фондлар ташкил қилинади: банк кредитларини тўлаш учун, янги техникани ўзлаштириш учун, илмий-техникавий ишлар учун.

5.3. Маҳсулот сотишдан тушган тушумни тақсимлаш тартиби

Тушумларнинг тақсимланиши 5.1-чизмада кўрсатилган. Қачонки, тушум таннархдан ошиб кеца, бу ҳол фойда олишидан дарак беради.



5.1-чизма. **Маҳсулот реализациясидан тушган тушумнинг режали ҳисоб-китоби**

Корхона фойдасининг тўғри тақсимланиши ва ишлатилиши тадбиркорлар эҳтиёжини кондирувчи ва Ўзбекистон Республикаси даромадлари шаклланиши таъминловчи муҳим жараён ҳисобланади.

Фойдани тақсимлаш механизми шундай тузилиши керакки, бу механизм орқали ишлаб чиқариш самарадорлигига эришиш ҳамда янги хўжалик шаклларини ривожланишини кўпайтириши керак.

Иқтисодиётнинг турли боскичларида жамият ишлаб чиқаришининг объектив шарт-шароитларида боғлиқ ҳолда фойдани тақсимлаш тизими ўзгариб ва мукаммаллашиб боради.

Хусусийлаштириш ва акционерлаштиришнинг ривожланиши билан корхона ўзига тегишли бўлган, яъни мажбурий тўловлар, солиқ суммалари ва бошқа қонунга мувофиқ йўналишлардан ташқари маблағларни ўз имкониятига, хохишига караб сарфлаши мумкин.

Иқтисодий асосланган фойдани тақсимлаш тизими давлат олдидаги молиявий мажбуриятларни бажаришни кафолатлаши ҳамда корхонанинг ишлаб чиқариш, моддий ҳамда ижтимоий эҳтиёжларини максимал даражада кондириш керак.

Ўзбекистонда фаолият кўрсатаётган корхоналарнинг фаолиятига иштирок этишдан олинадиган ялпи даромад; корхонанинг ўзига тегишли бўлган акциялардан олинадиган фоиз ва дивидендлар ҳамда Ўзбекистон Республикаси давлат қимматли коғозларидан даромадлар, ўз-ўзини бошқариш органлари; ижара ҳамда бошқа мулкдан фойдаланишдан олинадиган даромадлардан ташкил топади.

Корхоналарда ялпи фойда қуйидаги суммаларга ҳам камайтирилиши мумкин: 2000 дан ортикрок киши сиғадиган стадионларда ва очик майдонларда ўтказиладиган концерт ҳамда байрамлар ҳисобига; казино ишлари, видеосалонлар ва бошқа уйин автоматларини ишлатиш ҳисобига; диллерлик операцияларига ва бошқа шартномалар ҳисобига солиқ имтиёзлари белгиланган сумма ялпи фойдадан чегириб ташланади.

Солиқ имтиёзлари белгиланган фойда суммаси ялпи фойдадан чегириб ташланади. Мавжуд солиқ имтиёзлари тадбиркорликни ривожлантириш, инвестиция фаолиятини кенгайтириш, корхона илмий-техникавий потепциалини ошириш, хизматчиларнинг ижтимоий эҳтиёжларини таъминлаш ва бошқача сарфланади.

Юқорида кўрсатилган тўғриланишларидан сунг қоладиган сумма солиққа тортиладиган суммани ташкил килади. Белгиланган фойда солиғини тўлагандан сўнг қоладиган сумма корхонанинг соф фойдаси ҳисобланади.

Таянч сўз ва иборалар

Маҳсулот нархи, баҳо, калкуляция, консалтинг фирма, ҳажм, ассортимент, экспаполяция усули, параметрик усул, оддий услуб, аналитик (иқтисодий) услуб, ялпи фойда, солиқ, солиқ имтиёзлари.

Ўз-ўзини текшириш учун саволлар

1. Калкуляция ва баҳонинг узвий боғлиқлиги нимада намоён бўлади?
2. Корхонага боғлиқ бўлмаган омилларга нималар киради?
3. Ҳозирда пул тушумини режалаштиришда қандай услублардан фойдаланилмоқда?
4. Маҳсулот сотишдан тушган тушумни қандай тартибда тақсимлаш лозим?

Топшириқлар

1. Корхоналара пул тушумини тақсимлаш тартибини ўрганиб чиқинг.
2. Оддий ва иқтисодий ёки аналитик услубларини фарқли ва афзаллик томонларини ўрганиб чиқинг.

VI БОБ. КОРХОНАЛАР ФОЙДАСИ, УНИНГ ТАҚСИМЛАНИШИ ВА ИШЛАТИЛИШИ

6.1. Корхоналар фойдасининг мазмуни ва моҳияти

6.2. Иқтисодиётнинг эркинлашуви шароитида корхоналар фойдасининг аҳамияти. Корхона ялпи ва соф фойдасининг моҳияти ва аҳамияти

6.3. Фойданинг тақсимланиши ва ишлатилиш тартиби

6.4. Корхоналар фойдасини шаклланишига таъсир этувчи омиллар ва уларни максималлаштириш

6.5. Корхоналар фойдасини башоратлаш асослари

6.1. Корхоналар фойдасининг мазмуни ва моҳияти

Иқтисодиётнинг эркинлаштирилиши шароитида корхоналар хўжалик фаолиятини баҳоловчи асосий мезон фойда бўлиб ҳисобланади.

Фойда – бу амалдаги молиявий тушумлар билан харажатлар ўртасидаги фарқ бўлиб, у корхонанинг асосий мақсади сифатида молиявий хўжалик фаолиятининг натижавийлик кўрсаткичидир.

Фойда - бу мураккаб иқтисодий категориялардан бири ҳисобланади. У асосан кутилган қийматни яратиш ва ишлатиш жараёнида юзага келадиган иқтисодий муносабатларни ифодалайди.

Фойда – бу хўжалик субъектига таъсир этадиган асосий ва асосий бўлмаган фаолият, ҳодисалар, шароитлар капиталининг кўпайиши бўлиб, хусусий капиталга тўланадиган бадаллар бундан мустаснодир.

Фойда ижтимоий маҳсулотнинг бир қисмини тақсимлаш ва қайта тақсимлаш жараёнини шакллантиришда муҳим ўрин эгаллайди. Фойда такрор ишлаб чиқаришнинг узлуксиз давом этишини ва унинг кенгайтирилишини таъминлашда мустақил ҳаракат қилиб иқтисодий категория сифатида шаклланади.

Проф. Н.Ҳайдаров фойда тижорат асосида фаолият юритаётган хўжалик субъектларининг сўнгги молиявий натижаси бўлиши билан бирга, республика ва маҳаллий бюджетлар даромадининг асосий молиявий манбаларидан бири эканлигига урғу беради[10].

Фойдани шакллантириш ва тақсимлаш масалалари билан шуғулланган олима С.С. Алиева фойдани корхона фаолияти

[10] Ҳайдаров Н. Солиқлар ва солиққа тортиш масалалари. – Т.: Akademiya, 2007. – 54 б.

хизматлари учун тўлов, яъни айнан товарлар ва хизматларни ишлаб чиқариш учун ресурсларни моҳирона бирлаштириши, корхона бошқариш бўйича ноодатий қарорлар қабул қилиши, маҳсулотларнинг инновацион турларини жорий қилиши, ишлаб чиқариш жараёнини ўзгартириши учун, шунингдек иқтисодий риск учун мукофот сифатида эътироф этади[11].

Солиқларнинг корхоналар молиявий-хўжалик фаолиятига таъсирини ўрганган Х.Б. Зарипов фойда ишлаб чиқариш омилларини (меҳнат, капитал, табиий ресурслар) узвий алоқадорлиги асосида моддий ишлаб чиқариш соҳасида яратилган пировард молиявий натижа эканлигини таъкидлайди[12].

Нобел мукофоти совриндори, инглиз иқтисодчиси Ж. Хикс маълум бир вақт оралиғида ишлатиш мумкин бўлган ва давр охирида давр бошига нисбатан ижобий қолдиққа эга бўлиши лозим бўлган кўрсаткич дея таъкидлайди[13].

Америкалик иқтисодчилар Б. Нидлз, Х. Андерсон, Д. Колдуэлл фойдани хўжалик фаолиятини юритиш натижасида қўйилган капитални ошиши сифатида талқин қилади[14].

Фойда ижтимоий-иқтисодий моҳиятга эга бўлган кўрсаткич сифатида унинг назарий жиҳатдан асосланиши корхоналар билан давлат бюджети ўртасидаги солиқ муносабатлари орқали молиявий-иқтисодий муносабатларни ташкиллаштиришда муҳим иқтисодий-молиявий категория ҳисобланади[15].

Корхона фойдасини ташкил этиш ва тақсимлаш ўзига хос хусусиятга эга (6.1-чизма).

Даромадлар ва харажатлар тўғрисидаги маълумотлар «Молиявий натижалар тўғрисидаги ҳисобот» таркибида акс эттирилиб, улар хўжалик юритувчи субъект фаолиятининг ҳисобот даврдаги молиявий натижаларининг фойда ёки зарар эканлигини

---

[11] Алиева С.С. Совершенствование формирования и распределения прибыли предприятий в условиях модернизации экономики. (на примере предприятий Самаркандской области). Автореферат диссертации на соискание ученой степени к.э.н. – Т.: БФА, 2011. – с. 9-10.

[12] - Зарипов Х.Б. Солиқларнинг корхоналар молиявий-хўжалик фаолиятига таъсирини баҳолаш йўллари. Иқтисодиёт фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD) дисс.автореф. – Т.: 2020. – 14-б.

[13] Hicks J. R. The theory of uncertainty and profit //Economica. – 1931. – №. 32. – С. 170-189.

[14] Needles Jr B. E., Anderson H. R., Caldwell J. C. The basic principles of accounting //Publishing House Arc. – 2000.

[15] Ахроров З.О. Корхоналар фаолиятини ривожлантиришда фойдани солиққа тортиш механизмини такомиллаштириш. //“Халқаро молия ва ҳисоб” илмий журнали. № 1, февраль, 2022 йил. 3-б.

аниқлаш учун ишлатилади. Фойда (зарар) даромадлар ва харажатларни бир-бири билан солиштириш натижасида аниқланади, яъни:

Даромадлар – харажатлар = фойда (зарар).

Молиявий натижаларни аниқлаш тартибини талабага тушунтириш учун, бизнинг назаримизда, «Молиявий натижалар тўғрисидаги ҳисобот»да акс эттирилувчи кўрсаткичларнинг шаклланиш тартибини кўриб чиқиш керак.

«Молиявий натижалар тўғрисидаги» ҳисоботда даромадлар, харажатлар, фойда ва зарарлар хўжалик юритувчи субъектларнинг қўйидаги фаолият соҳалари бўйича акс эттирилади.

- асосий фаолият;
- инвестицион фаолият;
- молиявий фаолият.

Фойда - корхонанинг охирги молиявий натижаси ҳисобланади. У меҳнатга ҳак тўлаш фонди билан бирга (фойданинг корхона ихтиёрида қолган қисми) корхона даромадини ташкил килади. Ҳозирги тараққиёт босқичида фойда кўрсаткичини тўғри аниқлаш жуда муҳим аҳамиятга эга. Мазкур даромад ҳисобидан махсус мақсадларга мўлжалланган фондлар, резерв фонди ташкил бўлади, капитал қуйилмалар молиялаштирилади ва корхонада ижтимоий тадбирлар амалга оширилади.

Фойда солиғи аниқланиши бўйича корхона молиявий фаолияти натижасига, аниқроғи корхона раҳбарияти назорати остидаги омилларга боғлиқ бўлсада, солиқларни режалаштириш масалалари солиқ базаси ҳисоб-китоблари билан боғланган. Бу масалаларни иккита катта гуруҳга бўлиб ўрганиш мақсадга мувофиқ:

1. Фойдани аниқлаш:

- ялпи фойдага киритиладиган ёки киритилмайдиган даромадлар;
- корхонанинг турли тўлов (харажат)ларини таснифлаш;
- солиққа тортиладиган фойдага даромадларни қўшиш вақти.

2. Эҳтимолий чегирмаларни аниқлаш:

- корхона капитализациясига қарши бўлган чегирмаларни асослаш;
- зарар ёки йўқотиш сифатидаги махсус чегирмаларни аниқлаш ва асослаш;

- дивидент ва фоиз кўринишидаги корпоратив тўловларни режалаштириш.



6.1-чизма. **Корхона фойдасини ташкил этиш ва тақсимлашнинг анъанавий чизмаси**

Корхона охирги молиявий натижасини шакллантиришда маҳсулотнинг ишлаб чиқариш ва сотиш бўйича харажатларни тўғри аниқлаш муҳимдир. Таннархнинг тўғри аниқланиши фойда солиғи

ҳисобининг муҳим босқичи ҳисобланади. Таннархнинг пасайтирилиши бир томондан, фойда миқдорини кўпайтиришга хизмат қилса, иккинчи томондан фойда солиғи суммасини оширади. Солиқ органлари томонидан фойда солиғи базасини қасддан камайтиришга олиб келинган ҳолатлар аниқланса, молиявий жарималарни қўллаш чоралари кўрилиши белгилаб қўйилган[16].

Молия натижалари миқдорига жуда кўп омиллар таъсир этади. Масалан, инфляция, валюта курсининг ўзгариб туриши, солиқ юки, кредит сиёсати ва бошқалар. Юқорида санаб ўтилган ишлаб чиқариш ва муомала жараёнидаги омиллар таъсири ҳисобга олинган ҳолда молиявий натижаларни аниқланиши лозим бўлади. Аниқланган молия натижаси – фойдаси ҳақиқатни аниқ ва тўғри акс эттириши лозим. Бунинг учун корхоналарда бухгалтерия ҳисобини тўғри ташкил этиш ва юритиш, олинган фойда миқдорини тўғри аниқлаш муҳим аҳамият касб этади. Фойда миқдорининг камайиши давлат бюджетига тўланиши лозим бўлган маблағ миқдорининг камайишига ва бу ўз навбатида бюджет ҳисобидан амалга ошириладиган харажатлар миқдорининг камайишига олиб келади. Зарарга ишлайдиган корхоналар эса охир окибатда «синади», яъни инкирозга юз тутади. Чунки амалдаги қонунларга кўра яхши ишлайдиган корхоналар фойдасини қайта тақсимлаш кўзда тутилмаган. Шунинг учун ҳам зарарга ишлайдиган корхоналар ўз харажатларини ўзлари қоплашлари, бунинг учун уни қоплаш йўлларини излаб топишлари керак бўлади.

Ҳозирги иқтисодий ўсиш шароитида молия натижаларини ҳисобга олиш корхона фаолиятида марказий ўринни эгаллайди ва уни ҳисобга олишнинг асосий вазифалари қуйидагилар ҳисобланади:

- олинган фойда миқдорини, хар ойда ҳамда йил бошидан ўз вақтида ва тўғри ҳисоб-китобини олиб бориш;

- молия натижалари билан боғлик операцияларни ва уларнинг тақсимланишини бухгалтерия ҳисоби счётларида ва тегашли регистрларда тўғри акс эттириш.

Молия натижаларини юқорида кўрсатиб ўтилган вазифалар асосида олиб бориш самарасиз харажатларни юзага келтирмайди, ҳар бир харажат турини иқтисодий ўсишни таъминлашга қаратилишига имконият яратади.

[16] Ўзбекистон Республикаси Солиқ кодекси. Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси, 31.12.2019 й., 02/19/СК/4256-сон; 11.03.2020 й., 03/20/607/0279-сон. 346-модда

6.2. Иқтисодиётнинг эркинлашуви шароитида корхоналар фойдасининг аҳамияти. Корхона ялпи ва соф фойдасининг моҳияти ва аҳамияти

Иқтисодиётни эркинлашуви шароитида ҳар бир корхона манфаати ўзининг ишлаб чиқариш ва тижорат фаолиятидан корхона иқтисодий ўсишини таъминлашга етарли бўлган даромад олиш бўлиб ҳисобланади. Аммо, нафақат фойда, корхона хўжалик фаолиятининг молиявий натижаси бўлиши мумкин. Корхонага самара бермайдиган ишлаб чиқариш фаолиятини юрица, унда ишлаб чиқарилган маҳсулот истеъмолчилар талабини кондирмайди ва истиқболда нафақат фойда олишни, балки иқтисодий ўсишни ҳам таъминлай олмаслиги мумкин бўлади.

Хўжалик юритишнинг ҳозирги тизими шароитида фойда кўрсаткичи корхонанинг асосий ва айланма маблағларидан самарали фойдаланишни талаб ҳамда эҳтиёжга караб ишлаб чиқаришни мувофиқлаштириши, яъни ишлаб чиқарилаётган маҳсулот истеъмолчи талабига жавоб бера оладиган бўлиши, балки ишлаб чиқариш харидор учун хизмат қилиши лозим. Мустақил хўжалик фаолиятини юритишнинг муҳим тамойили корхонанинг тўла мустақилликка эришуви ва харажатларни ўз маблағи ҳисобидан тўлиқ қоплашидир. Бу дегани, корхона маҳсулот сотишдан олган маблағидан ўзининг ҳамма харажатларини қоплайди ва ундан ташқари фойда ҳам олади.

Корхона фойдасининг шаклланиш манбалари улар хўжалик фаолияти натижасида олинадиган даромадлардир. “Маҳсулот (иш, хизмат)ларни ишлаб чиқариш ва сотиш харажатлари ҳамда охирги молиявий натижаларни шакллантириш тартиби тўғрисида”ги Низомига асосан[17], корхона даромадларини ташкил этиш манбалари бўлиб:

- сотишдан олинган соф тушум;
- асосий фаолиятдан олинган бошқа даромадлар (операцион даромадлар);
- молиявий фаолиятдан олинган даромадлар;
- фавқулодда фойда ҳисобланади.

[17] Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 1995 йил 5-февралдаги 54-сон қарори билан тасдиқланган “Маҳсулот (иш, хизмат)ларни ишлаб чиқариш ва сотиш харажатлари ҳамда охирги молиявий натижаларни шакллантириш тартиби тўғрисида”ги Низом. https://lex.uz/docs/264422

Сотишдан олинган соф тушум маҳсулот (иш, хизмат)ларни сотишдан олинган пул тушумидан қўшилган қиймат ва акциз солиги ҳамда экспорт бож пошлинасини чиқариш йўли билан аниқланади. Унга товарларнинг қайтарилиши, харидорлар учун берилган чегирмалар ва бошқалар киритилмайди.

Корхоналарнинг асосий ишлаб чиқариш фаолиятидан олинадиган бошқа даромадларга қуйидагилар киради:

- ундирилган ёки қарздор томонидан эътироф этилган жарималар, пенялар, вақтида тўланмаган қарзлар ва хўжалик шартномалари шартларини бузганлик учун бошқа хил жазо жарималари, шунингдек етказилган зараларни ундириш бўйича даромадлар;
- ҳисобот йилида аниқланган ўтган йиллардаги фойда;
- ишлаб чиқариш ва маҳсулот (иш, хизмат)ларни сотиш билан бевосита боғлиқ бўлмаган операциялардан рента даромади, корхона ҳузуридаги ошхоналардан тушумлар, ёрдамчи хизматлардан даромадлар сифатидаги бошқа даромадлар;
- корхонанинг асосий фондларини ва бошқа мол-мулкларини сотишдан олинган даромадлар;
- даъво билдириш муддати ўтган кредиторлик ва депонет қарзларни ҳисобдн чиқаришдан олинган даромадлар;
- товар - моддий бойликларни қайта баҳолаш;
- давлат субсидияларидан даромадлар;
- холисона молиявий ёрдам;
- бошқа операцион даромадлар.

Корхоналар молиявий фаолиятидан олинадиган даромадларга қуйидагилар киради:

- олинган роялтилар ва сармоя трансферти;
- Республика ҳудудида ва унинг ташқарисида бошқа хўжалик юритувчи субъектлар фаолиятига улуш қўшган ҳолда қатнашишдан олинган даромад, акциялар бўйича дивидендлар ва облигациялар ҳамда корхонага тегишли қимматли қогозлар бўйича даромадлар;
- мол-мулкни узоқ муддатли ижарага беришдан олинган даромадлар (лизинг тўловини олиш);
- валюта ҳисобварақлари, шунингдек чет эл валютларидаги операциялар бўйича ижобий курс тафовутлари;
- сарфланган (қимматли қогозларга, шуъба корхоналарга ва ҳоказоларга) маблағларни қайта баҳолашдан олинган даромадлар;
- молиявий фаолиятдан олинган бошқа даромадлар.

Корхоналарнинг фавқулодда фойдаси - бу кўзда тутилмаган тасодифий тусга эга бўлган ҳодиса ёки корхонанинг одатдаги фаолияти доирасидан четга чиқадиган тусдаги операциялар натижасида пайдо бўладиган ва олиниши кутилмаган фойдадир. Бунга даромадларнинг камдан-кам бўладиган моддалари ёки асосий фаолиятдан олинган бошқа даромадлар бўлимида акс эттирилиши керак бўлган ўтган даврлардаги фойда кирмайди.

Фойданинг бир қисми бюджетга солиқлар ҳамда бошқа тўловларни тўлаш учун сарфланади, қолгани эса корхона ихтиёрида қолади ва унинг фаолиятини илмий-техник, иқтисодий ва ижтимоий ривожлантиришнинг асосий манбаи бўлиб ҳисобланади. Корхона ихтиёрида қолган маблағларни кандай мақсадларга сарфлашни унинг ўзи мустақил равишда ҳал килади.

Фойда қўшилган қиймат солиғи ва акциз солиғи соф даромаднинг шакллари бўлиб ҳисобланади. Уларнинг ҳар бири ташкил топиш механизми ва улардан фойдаланиш йўналишлари бўйича бир-биридан фарқ килади. Қўшилган қиймат солиғи ва акциз солиғи давлат бюджетига маҳсулот сотилганидан кейин ўтказилади, бу маблағ умумдавлат ҳамда умумхалқ мақсадлари учун сарфланади. Шуни эътиборга олган ҳолда корхонада ишлаб чиқариладиган маҳсулот (товар, хизмат) ҳажми қанча кўп бўлса, улар томонидан тўланадиган ушбу солиқ тўловлари ошиб боради. Бу эса охир-оқибат маҳсулот (товар, хизмат) реализацияси ҳажмини пасайишига сабаб бўлиши мумкин. Шу боис корхона маҳсулот ишлаб чиқаришга қилинадиган харажатларини самара келтирадиган чегараларда амалга ошириши зарур.

Корхоналар ўз маҳсулотларини истеъмолчиларга сотади ва бунинг учун пул маблағлари оладилар. Лекин бу хам хали фойда олишни билдирмайди. Молиявий натижага эга бўлиш учун тушумни маҳсулот ишлаб чиқаришга кетган харажатлар, яъни таннарх билан солиштириб кўриш керак. Агар тушум таннархдан кўп бўлса, корхона фойдага эга бўлади; агар тушум таннархга тенг бўлса, у ҳолда корхона факатгина қилган харажатларини қоплаган бўлади ва фойда бўлмайди, агар харажатлар тушумдан кўп бўлса, у ҳолда корхона зарар кўради, яъни салбий молиявий натижага эга бўлади, бу корхонани қийин молиявий ахволга солиб қўяди ва инқирозга учратиши хам мумкин.

Корхоналарнинг, юқорида келтирилган, хўжалик фаолиятидан олинган даромадлари ва қилинган харажатлари асосида фойданинг қуйидаги бешта кўрсаткичлари аниқланади:

1. Маҳсулотни сотишдан олинган ялпи фойда - бу сотишдан олинган соф тушум билан сотилган маҳсулотнинг ишлаб чиқариш таннархи ўртасидаги тафовут кўринишида бўлади:

ЯФ=ССТ-ИТ

Бу ерда: - **ЯФ** - ялпи фойда;

- **ССТ** - сотишдан олинган соф тушум;

- **ИТ** - сотилган маҳсулотнинг ишлб чиқариш таннархи.

2. Асосий фаолиятдан кўрилган фойда - бу маҳсулотни сотишдан олинган ялпи фойда билан давр харажатлари ўртасидаги тафовут ва плюс асосий фаолиятдан кўрилган бошқа даромадлар ёки минус бошқа зарарлар кўринишида бўлади:

АФФ=ЯФ-ДХ+БД-БЗ

Бу ерда: - **АФФ** - асосий фаолиятдан олинган фойда;

- **ДХ** - давр харажатлари;

- **БД** - асосий фаолиятдан олинган бошқа даромадлар;

- **БЗ** - асосий фаолиятдан кўрилган бошқа зарарлар.

3. Умумхўжалик фаолиятидан олинган фойда - бу асосий фаолятдан олинган фойда суммаси плюс молиявий фаолиятдан кўрилган даромадлар ва минус харажатлар кўринишида бўлади:

УФ=АФФ+МД-МХ

Бу ерда: - **УФ** - умумхўжалик фаолиятдан олинган фойда;

- **МД** - молиявий фаолиятдан олинган даромадлар;

- **МХ** - молиявий фаолият харажатлари.

4. Солиқ тўлангунгача олинган фойда - бу умумхўжалик фаолиятидан олинган фойда плюс фавқулодда (кўзда тутилмаган) вазиятлардан кўрилган фойда ва минус зарар кўринишида бўлади:

СТФ= УФ+ФФ-ФЗ

Бу ерда: - **СТФ** - солиқ тўлангунгача олинган фойда;

- **ФФ** - фавқулодда вазиятлардан олинган фойда;

- **ФЗ** - фавқулодда вазиятлардан кўрилган зарар.

5. Йилнинг соф фойдаси - бу солиқ тўлангандан кейин корхона ихтиёрида қоладиган фойда. У солиқ тўлангунгача олинган фойдадан фойда (даромад) дан тўланадиган солиқни ва қонун ҳужжатларида назарда тутилган бошқа солиқлар ва тўловларни чиқариб ташлаган ҳолда аниқланади:

СФ=СТФ-ДС-БС

Бу ерда: - **СФ** - соф фойда;

- **ДС** - фойда (даромад)дан тўланадиган солиқ;

- **БС** - бошқа солиқлар ва тўловлар

Демак, фойда корхона хўжалик фаолиятидан олинган даромадларнинг харажатлардан ортиқ бўлганлигидан, яъни ижобий молиявий натижага эришилганидан дарак беради. Унинг миқдори, асосан, иккита кўрсаткичга - маҳсулот нархи ва уни ишлаб чиқариш харажатларига боғлиқ.

Фойда ялпи даромад олиш билан боғлиқ бўлган корхона молиявий ресурсларининг асосий манбасидир. Корхонанинг ялпи даромади моддий харажатлар чиқариб ташлангандан сўнг иш хақи ва фойдани ўз ичига олган маҳсулот сотишдан тушган тушумдир.

Таннарх, ялпи даромад ва корхона фойдаси ўртасидаги ўзаро алоқа мавжуд, уларнинг ҳар бири молиявий муносабатларни ўсишида алоҳида аҳамиятга эга.

Якуний молиявий натижа (фойда ёки зарар) маҳсулот (иш, хизматлар) сотишдан олинган молиявий натижа, бошқа операциялардан олинган даромадлар, асосий фонд ва корхонанинг бошқа мулкларини сотишдан тушган тушумларнинг йиғиндисидан келиб чиқади.

Маҳсулот (иш, хизматларни реализация қилиш) сотиш орқали олинадиган фойда амалдаги нархларда (қўшилган қиймат солиғи ва акцизларсиз) сотувдан тушган тушум ҳамда маҳсулотни ишлаб чиқариш ва сотиш билан боғлиқ харажатлар ўртасида фарқ орқали аниқланади. Экспорт фаолиятини юритаётган корхона даромадини ҳисоблашда экспорт қилинган ёки маҳсулот сотишдан тушадиган тушумни аниқлаш муҳимдир. Асосий воситалар ва бошқа мулкни сотишдан корхона оладиган даромад корхона ялпи даромадининг иккинчи ташкил этувчи манбаи бўлиб хизмат қилади.

Ялпи даромаднинг учинчи ташкил этувчиси нореализация операцияларидан кўриладиган даромаддан иборат бўлиб, уларга асосий фаолият билан бевосита боғлиқ бўлмаган операциялар киради. Хусусан, мулкни ижарага беришдан, корхонага тегишли қимматли қоғозларнинг сотилишидан кўриладиган фойда, хамкорликда фаолият юритишдан олинадиган фойда, йилида аниқланган ўтган йиллардаги даромад ва бошкалар шулар жумласидандир.

Корхона ишининг самарадорлигини оширишда ишлаб чиқариш ҳажмлари, маҳсулот сотишни кўпайтириш, унинг таннархини пасайтириш заҳираларини аниқлаш муҳим ўрин тўтади.

Даромад миқдорини ошириш заҳираларини аниқлашга таъсир кўрсатувчи омиллар турли белгиларига қараб турли тоифаларга ажратилади. Ташқи омилларга табиий шароит, нархларнинг, тарифларнинг, солиқлар ва имтиёзларнинг, жарима санкцияларининг давлат томонидан бошқарилиши ва бошқалар киради. Бу омиллар корхона фаолиятига боғлиқ эмас, лекин даромад салмоғига муайян даражада таъсир кўрсатади. Ички омиллар ишлаб чиқариш билан боғлиқ ва ишлаб чиқаришдан ташқари омилларга бўлинади. Ишлаб чиқариш омиллари меҳнат предметларининг мавжудлигини ва қўлланилишини, меҳнат ва молиявий ресурсларни характерлаб, ўз навбатида экстенсив ва интенсив бўлиши мумкин.

Экстенсив омиллар фойда олиш жараёнига миқдорий ўзгаришлар: меҳнат предметлари ва ҳажмлари, молиявий ресурслар, қурилмаларнинг ишлаш вақтлари, ходимлар сони, иш вақти фонди ва бошқалар орқали таъсир кўрсатади. Интенсив омиллар фойда олиш жараёнига сифат ўзгаришлари орқали: қурилмалар сифати ва иш унумдорлигининг ошиши, технологияларнинг мукаммаллашуви, айланма воситалар айланиш суръатининг жадаллаштирилиши, меҳнат ва материал сиғимининг камайиши, меҳнат ни ташқил этишнинг такомиллашуви ва молиявий ресурслардан фойдаланиш самарадорлигининг ошиши орқали таъсир кўрсатади.

Корхона ихтиёрида қоладиган ва унинг эркин тасарруфидаги фойда **соф фойда** дейилади. Ушбу кўрсаткич солиқ тўловига кадар бўлган фойда суммасидан солиқлар ва тўловлар суммасини чегириш асосида аниқланади. Соф фойда таҳлилида унинг ўтган йилларга шунингдек, корхона бизнес режаси кўрсаткичларига нисбатан ўзгаришлари ўрганилади. Молиявий натижавийликнинг ушбу якуний қатори барча ички ва ташқи ахборотдан фойдаланувчилар эътиборидаги масала ҳисобланади. Ички ахборотдан фойдаланувчилар ушбу қаторни ўрганиш ва таҳлил этиш асосида корхонанинг жорий даврдаги натижавийлигига баҳо берадилар. Шунингдек, улар фойдани ўстириш ёки зарарни минималлаштириш бўйича мавжуд ички имкониятларнинг борлигига, истиқбол режаларини белгилашга, корхонанинг молиявий аҳволини яхшилаш юзасидан бошқарувнинг муҳим стратегик қарорларини қабул қилишда катта эътибор берадилар.

Ташқи ахборотдан фойдаланувчилар корхонанинг фойдалилик даражасига, ўз активларини мақсадли бошқаришнинг шартларини белгилашга хам жиддий аҳамият беришади. Масалан, корхона

мулкида ҳиссали катнашувчилар акция эгалари келишувига ёки хусусий капиталдаги улушига караб тақсимланадиган ҳисоб фойдасининг ҳолатига корхона ихтиёрида қоладиган соф фойда ҳамда солиқ идоралари солиқ тўловига кадар бўлган фойда билан кизиксалар, инвестиция хомийлари эса корхона фаолиятининг барқарорлиги ва ўсиш даражаларига кўпроқ қизиқадилар.

6.3. Фойданинг тақсимланиши ва ишлатилиш тартиби

Фойданинг тақсимланиши деганда унинг истеъмол ва жамғаришга йуналтирилиши, жорий давр фойдасининг солиқлар тўлови, ишлаб чиқаришни ривожлантириш ва заҳиралашга ҳамда капитал эгалари ўртасидаги шартлар, келишувларга биноан тақсимланиши тушунилади.

Соф фойда тақсимоти қуйидаги йўналишларда ўз аксини топади:

- акционерлик жамиятида дивидентлар тўлашга ва резерв капиталига ажратма қилинади. Унинг қолган қисми тақсимланмаган фойда кўринишида жамият ихтиёрида қолади ва корхона фаолиятини ривожлантиришда (асосий фондларни кенгайтиришда ва айланма маблағларни шакллантиришда) қатнашади;
- қўшма корхонада резерв капиталига ажратма қилинади, унинг уставига мувофиқ таъсисчилар ўртасида тақсимланади ёки таъсисчилар қарорига биноан корхона фаолиятини ривожлантиришга ишлатилади;
- хусусий корхоналарда резерв капиталига ажратма қилинади ва унинг қолган қисми тақсимланмаган фойда кўринишида корхона фаолиятини ривожлантиришда иштирок этади;
- давлат корхоналарида резерв фондига ажратма қилинади, қолган қисми эса Устав фондига қўшилади. Маълумки, корхона Устав фонди унинг асосий ва айланма фондларини ташкил этишнинг муҳим манбаси бўлиб ҳисобланади.

Фойда қуйидагича тақсимланиши мумкин:

- солиқ қонунчилигига мувофиқ давлат бюджетига солиқлар, йиғимлар ва тўловларга;
- ишлаб чиқаришни ривожлантириш ва заҳиралашга;
- акция ва капитал эгаларига дивидендлар тўлашга.

Корхона ўзининг ҳисоб фойдасидан, аввало, давлат олдида ҳисоб беради ва ўзининг ихтиёрида ҳамда тасарруфида бўлган

фойда суммасини аниқлайди. Фойдадан олинган солиқлар катьий ставкаларда ва фоизларда ундирилади. Ҳисоб фойдасининг солиқлар тўловидан қолган қисми корхона соф фойдаси сифатида унинг эркин белгиловига (акционерлар йиғилишининг қарори ва ички низомига) мувофиқ тақсимланади.

Молиянинг тақсимлаш функциясига биноан корхона даромадлари ва уларнинг тақсимот йўналишлари белгиланади.

Соф фойдадан ишлаб чиқаришни ривожлантириш ва кенгайтиришга оид сарфлар акционерларнинг умумий йиғилишида ҳисоб бериш ҳамда уларнинг розилигини олиш асосида белгиланади.

Соф фойданинг қолган қисми чиқарилган акцияларнинг турига караб ва уларнинг имтиёзли шартлари асосида тақсимланади. Дастлаб имтиёзли акция эгаларига олдиндан кафолатланган фоизларда тўловлар ҳисобга олинади, фойда оддий акция эгаларига дивиденд фоизлари ва суммалари эълон қилинади. Фойданинг тақсимланмаган қисми корхона учун тақсимланмаган фойда сифатида, агар корхона ночор ахволда бўлса, унда қопланмаган зарар сифатида кейинги ҳисобот йилига ўтказилади. Қопланмаган зарар ва тақсимланмаган фойда корхона фаолиятининг биринчи йили бўйича баланснинг шу номдаги қаторига мос тушади. Кейинги йиллар бўйича уларнинг таққосланувчанлиги таъминланади. Яъни, тақсимланмаган фойда, қопланмаган зарар (ТФ(ҚЗ)) жорий давр учун қуйидагича аниқланади:


ТФ(ҚЗ) = ТФ(ҚЗ)ҳ.б. + СФж.д. – ТФСФИж.д.

Бу ерда, – ТФ(ҚЗ)ҳ.б. - ҳисобот даврининг бошидаги тақсимланмаган фойда, қопланмаган зарар;

– СФж.д. - жорий давр соф фойдаси.

– ТФСФИж.д. - жорий даврда тақсимланмаган фойда ва соф фойданинг ишлатилиши.

Жамғарма фонди корхона даромади ҳисобига ташкил этилади ва асосий ишлаб чиқариш, шунингдек ноишлаб фондларнинг сотиб олинишига ва курилишига ҳамда қайтарилмайдиган характерга эга булмаган бошқа капитал Қуйилмаларга сарфланади. Жамғарма фонди узоқ муддатли инвестикияларга йуналтирилади. Ҳисобрақаминиng баланс активига кирувчи сарфланган маблағлар ўрнига, уларга эквивалент бўлган ва бошқа муддатлар бўйича активда акс эттирилган мулклар қиймати акс эттирилади.



6.2-чизма. **Корхона даромадининг тақсимланиши**

Бундан ташқари жамғарма фонди ҳисобига кайтмас характерга эга бўлган сарф-харажатлар молиялаштирилади, жумладан:

- илмий текшириш ишларини олиб бориш;
- табиий мухитни сақлаш тадбирлари;
- солиққа тортиш учун таннархга киритилган нарсалардан ортик харажатлар (малака ошириш, хизмат сафари, кредит фоизлари ва х.к)
- қимматли қоғозлар харажатлари;
- бошқа корхоналар ташкил этиш учун бадалларга;
- фойдани яширганлик (камайтириб кўрсатганлик) учун жарима санкциялари.

Истеъмол фонди ижтимоий эҳтиёжларга ва ишловчиларни моддий рағбатлантириш тадбирларини молиялаштиришга сарфланади: ишлаб чиқариш билан боғлиқ булмаган мукофотлар (узоқ йил ишлаганлиги ва б. учун) бериш, моддий ёрдам кўрсатиш; даволаниш учун йўлланмалар бериш; дивидендлар тўлаш ва х.к.

Истеъмол фондлари бўйича харажатлар кайтмас характерга эга. Резерв фонди табиий офатлар, фавқулотда ҳодисалар, баланс йўқотишлари билан боғлиқ харажатларни қоплаш мақсадида ишлатилади.

6.4. Корхоналар фойдасини шаклланишига таъсир этувчи омиллар ва уларни максималлаштириш

Корхонанинг ишлаб чиқариш фаолиятидан оладиган фойданинг миқдори ички ва ташқи омилларга боғлиқ. Ички омилларга янги техника ва технологияларни жорий этиш, хўжалик юритиш даражаси, раҳбарият ва менежерларнинг саводхонлиги, маҳсулотнинг рақобатбардошлиги, ишлаб чиқаришни ва меҳнатни ташкил этиш даражаси киради. Корхона фаолиятига боглиқ бўлмаган ташқи омилларга бозор коньюнктураси, ишлаб чиқариш учун зарур бўлган моддий-техник ресурсларнинг нархи, амортизация нормалари, солиқ солиш тизими ва бошқалар киради.

Иқтисодиётнинг эркинлаштирилиши шароитида ҳар бир корхонада фойдани кўпайтириш тадбирларини режалаштириш ва амалга ошириш лозим. Умуман олганда бундай тадбирлар қуйидаги кўринишларда бўлиши мумкин:


- у ёки бу маҳсулотни ишлаб чиқариш бўйича монопол ўринни эгаллашга (ноёб маҳсулотлар ишлаб чиқаришга) эришиш;
- доимо ўзгарувчан коньюнктурага қараб ишлаб чиқарилаётган маҳсулотларни янгилаб туриш;
- рақобатбардошлик шароитида товарларнинг сотила олишини таъминлаш мақсадида харидорларга турли хил хизматлар кўрсатиш (жумладан, товарлар сотилгандан кейинги хизматлар);
- маҳсулот ишлаб чиқаришни ўстириш;
- маҳсулот сифатини яхшилаш;
- ортиқча ускуналар ва бошқаларни сотиш ёки ижарага бериш;
- мавжуд моддий ресурслардан, ишлаб чиқариш қувватларидан ва иш майдонларидан, ишчи кучи ва иш вақтидан оқилона фойдаланиш асосида маҳсулотларнинг таннархини пасайтириш;
- ишлаб чиқаришни диверсификациялаш;
- маҳсулотларни сотиш бозорини кенгайтириш ва бошқалар.

Корхона фаолияти самарадорлигини аниқлаш учун якуний натижани (фойдани) ишлаб чиқариш харажатлари ёки шундай натижага эришишни таъминлаган ресурслар билан таққослаш лозим. Фойда ҳажмининг катта ёки кичиклиги фаолиятга баҳо беришнинг асосий меъзони бўла олмайди. Шунинг учун ҳам фойданинг даражаси яъни хўжалик фаолиятининг рентабеллиги аниқланади. Рентабелликни аниқлаш нафақат хўжалик юритувчи субъектлар умумхўжалик фаолиятига, балки унда фойдаланилаётган

ресурслардан фойдаланиш даражасига ҳам баҳо беришда муҳим ҳисобланади.

6.5. Корхоналар фойдасини башоратлаш асослари

Корхонани бошқариш тизимида фойдани режалаштиришга асосий ўрин берилади. У қуйидаги босқичларда амалга оширилади (6.3-чизма):



6.3-чизма. **Корхонада фойдани башоратлашнинг босқичлари**

Аксарият иқтисодий адабиётларда режалаштириш терминига урғу берилади, аммо ўтиш босқичида корхоналарда турли силкинишларга дуч келиши мумкин бўлган шароитда режалаштириш жараёнининг энг муҳим компоненти башоратлашга урғу берилади. Корхоналар фақат молиявий кўрсаткичларини башоратлаш орқали иқтисодий чегараларини аниқлашлари мумкин бўлади.

Корхона фойдасини бошқаришнинг асосий мақсади бўлиб ҳисобот даврида фойдани ташкил этиш ва шакллантириш, шунингдек тақсимлашининг асосий суръатларини ва бу ҳаракатни келтириб чиқарган асосий омилларни аниқлаш бўлиб ҳисобланади.

Корхона фойдасини бошқаришнинг биринчи босқичида корхона баланс фойдаси умумий суммаси ўзгариши ва ҳисобот даврида унинг товар айланишига нисбатан ўзгариши даражаси кўриб чиқилади, бу кўрсаткичларнинг эришилган амалий қийматларининг режадагисидан фарқланиши (четланиши) аниқланади.

Корхона фойдасини бошқаришнинг иккинчи босқичида корхона баланс фойдасининг унинг асосий турлари бўйича таркиби кўриб чиқилади. Бунда асосий эътибор корхонада товарлар сотилиши умумий суммаси, даражаси ва улуши ўзгаришига қаратилади.

Корхона фойдасини бошқаришнинг учинчи босқичида корхонанинг алоҳида маъсулият марказлари бўйича фойда шакллантирилиши кўрсаткичлари кўриб чиқилади. Бу таҳлил жараёнида фойда турларининг (савдо ва носавдо фаолияти бўйича) амалда эришилгаи суммаси ва даражасининг башоратлаштирилган кўрсаткичлардан фарқланишлари (четланишлари) даражасини ўрнатилган чегаралари аниқланади.

Корхона фойдасини бошқаришнинг тўртинчи босқичида ҳисобот даврида товар сотишдан олинган фойда суммасига таъсир кўрсатган асосий омиллар ўрганиб чиқилади. Бундай таҳлил предмети биринчи навбатда олдин кўриб ўтилган "харажатлар, сотув ҳажми ва фойда боғлиқлиги" тизимининг омиллари ҳисобланади. Улар кейинги даврда товар сотилиши фойдасининг мумкин бўлган ўсиши даражасини топиш имконини беради.

Корхона фойдасини бошқаришнинг бешинчи босқичида корхонада фойда ишлатилишининг асосий йўналишлари кўриб чиқилади. Бу мақсадларда баланс фойдаси суммаси корхона ихтиёрида қолган фойда суммасини (соф фойда) аниқлаш учун бу манба ҳисобидан тўланадиган солиқ тўловларидан "тозаланади". Соф фойда таркибида режалаштирилган даврда фойда ишлатилиши алоҳида йўналишларининг асосий шакллари, суммалари ва улушлари кўриб чиқилади. Бу суммалар корхона ривожланишини молиявий таъминланиши баҳолайди.

Корхона фойдасини бошқаришнинг натижалари кейинги даврда фойданинг башоратланган кўрсаткичлари аниқланишининг асосий шарти бўлиб ҳисобланади.

Фойданинг режали суммасини ҳисоблаш уни башоратлашнинг энг маъсулиятли босқичи ҳисобланади. Бу кўрсаткични башоратлаштирилиши фойданинг фақат товарлар сотилиши ва бошқа мулкни сотиш билан боғлиқ турлари бўйича амалга оширилади. Савдо операцияларидан бошқа операциялар фойдаси суммаси савдо корхоналарида башоратлаштирилмайди ёки вақти келганида режалаштирилмайди.

Башоратлаш жараёнида асосий эътибор товарларни сотилишидан кўрган фойда суммасига қаратилади. Бу кўрсаткич

ҳисоби қуйидаги асосий усуллар ёрдамида ёки уларни қўллаш асосида асосланади, яъни:

а) даромадлар ва муомала харажатлари суммаларининг олдин аниқданган башоратли кўрсаткичлари;

б) товарлар сотилишининг олдинги аниқланган башоратлаш кўрсаткичи;

в) товар айланиши рентабеллигининг ўртача даражаси;

г) фойда мақсадли суммасининг шакллантирилиши.

д) даромадлар ва муомала харажатлари суммаларининг олдин аниқланган башоратлаштирилган кўрсаткичларига асосланган товарлар сотилишидан келадиган фойда суммасини башоратлаштириш усули савдо фаолияти фойдаси суммасиии ҳисоблашда фойданинг мақсадли суммаси кўрсаткичи ишлатилмаган ҳолларда қўлланилади. Бу ҳолда фойда ҳисоби модели қуйидагича бўлади:

$$\sum \text{Т}^{\text{с}}\text{Б}_{\text{ф}}^{\text{Б}} = \frac{\sum \text{С}_{\text{Д}}^{\text{Б}} \text{ x } (100 - \Delta\text{ҚҚС})}{100\%} - \sum \text{МХ}^{\text{Б}}$$

Бу ерда:

$\sum \text{Т}^{\text{с}}\text{Б}_{\text{ф}}^{\text{Б}}$ - товарлар сотилишидан олинган баланс фойданинг башоратлаштирилган суммаси;

$\sum \text{С}_{\text{Д}}^{\text{Б}}$ - савдо фаолияти даромадларининг башоратлаштирилган суммаси;

$\sum \text{МХ}^{\text{Б}}$ - муомала харажатларининг башоратлаштирилган суммаси

ΔҚҚС - қўшилган қиймат солиғи даражаси (савдо корхонаси даромадлари ҳисобидан тўланадиган бошқа соликлар ҳам), %да.

б) Товарлар сотилишининг олдин аниқланган башоратли кўрсаткичига асосланган ҳолда товарлар сотилиши фойдаси суммасини башоратлаштириш усули "харажатлар, савдо ҳажми ва фойда боғлиқлиги" тизимига асосланади. Бу ҳолда фойдани ҳисоблаш модели қуйидаги кўринишга эга бўлади:

$$\sum \text{Т}^{\text{с}}\text{Б}_{\text{ф}}^{\text{Б}} = \frac{(\sum \text{Т}_{\text{С}}^{\text{Б}} - \sum \text{ЗТ}^{\text{С}}) \text{ x } (\Delta\text{ТаТ}^{\text{С}} - \Delta\text{ТаУ}^{\text{МХ}})}{100\%}$$

бунда:

$\sum \text{Т}^{\text{с}}\text{Б}_{\text{ф}}^{\text{Б}}$ - товарлар сотилишидан олинган баланс фойдасининг режалаштирилган суммаси;

$\sum T_С^Б$ - товарлар сотилишинииг башоратлаштирилган ҳажми;

$\sum ЗТ^С$ - зарарсизлик нуқтасига эришишни таъминловчи товарлар сотилиши ҳажми;

$ΔТаТ^С$ - товар айланишига нисбатан товарлар сотилиши соф даромадлари даражаси, %да;

$ΔТаУ^{МХ}$ - товар айланишига нисбатан ўзгарувчан муомала харажатлари даражаси, %да.

Бу ҳисоб жараёнида зарарсизлик нуқтасига эришишни таъминлайдиган товарлар сотилиши ҳажми аниқланганлиги сабабли, параллел равишда хавфсизлик (молиявий мустаҳкамлик) чегараси ва коэффициентлари кўрсаткичлари ҳам аниқланиши мумкин.

в) Товар айланиши рентабеллигининг ўртача даражасига асосланган ҳолда товарлар сотилиши фойдаси суммасини режалаштириш усули савдо корхоналарида ишлатиладиган энг содда ва энг кенг қўлланиладиган усул ҳисобланади. Унда бор-йўғи икки кўрсаткич ишлатилади: товарлар сотилишининг башоратлаштирилган ҳажми ($\sum T_С^Б$) ва башоратлаш даврида товар айланишининг ўртача рентабеллиги даражаси ($Δ\overline{Т}а$ Рент, % да). Буларнинг охиргиси унинг ҳисобот давридаги даромадлилик ва харажатлиликнинг кутилаётган ўзгаришларини ҳисобга олган ҳолда тўғриланган қийматлари асосида аниқланади. Бу ҳолда ҳисоб модели қуйидагича:

$$\sum T^с Б_ф^Б = \frac{\sum T_С^Б \text{ x } Δ\overline{Т}а \text{ Рент}}{100\%}$$

бунда: $\sum T^с Б_ф^Б$ - товарлар сотилишидан олинган баланс фойданинг режалаштирилган суммаси;

$\sum T_С^Б$ ва $Δ\overline{Т}а$ Рент - юқорида айтиб ўтилган кўрсаткичлар

г) Фойданинг мақсадли суммаси шакллантирилишига асосланган товарлар сотилиши фойдаси башоратлаштирилган суммасини башоратлаштириш усули савдо корхонасининг кейинги даврдаги стратегик ривожланиш мақсадлари билан энг юқори боғликликни таъминлайди. Бу ҳисобнинг асоси корхона ихтиёрида қоладиган фойда (соф фойда) ҳисобидан шакллантириладиган ўз молиявий заҳираларига бўлган талабни олдиндан аниқлаш ҳисобланади. Ҳисоб бу талабнинг ҳар бир элементи бўйича олиб борилади (ишлаб чиқариш ривожланиши; мулк эгаларига даромад тўланиши; ходимларни қўшимча моддий рағбатлантириш ва б.). Корхона ихтиёрида қоладиган фойда

ҳисобидан шакллантириладиган маблағларга бўлган умумий талаб ўзида корхонанинг башоратлаштирилган давридаги соф фойдасининг мақсадли миқдорини ифодалайди. Бу ҳолда товар сотилишидан олинган баланс фойданинг мақсадли суммасини ҳисоблаш модели қуйидагача бўлади:

$$\sum Б^{Д}Т^{С}МФ = \frac{\sum Б^{Д}К_{Сф}^{М} \text{ x } 100}{100 - \Delta Фст}$$

бу ерда: $\sum Б^{Д}Т^{С}МФ$ - башоратлаштирилган давр учун товар сотилишидан олинган баланс фойданинг мақсадли суммаси;

$\sum Б^{Д}К_{Сф}^{М}$- башоратлаштирилган даврда корхона соф фойдасининг мақсадли суммаси;

$\Delta Фст$ - Фойда солиғи даражаси (фойда ҳисобидан тўланадиган бошқа солиқ тўловларининг ҳам), %да

Бу ҳисоб усулининг асосий вазифаси шундаки, унинг асосида олинган фойда кўрсаткичи савдо корхонасини ривожлантиришнинг муҳим мақсадли йўналишларидан бири сифатида қаралади ва бошқа муҳим иқтисодий кўрсаткичларни ривожлантиришнинг асосий элементи бўлиб хизмат қилади. Бошқача қилиб айтганда кейинги даврда корхонанинг стратегик ривожланишини фойданинг мақсадли суммасини башоратлаштириш бутун асосий кўрсаткичлар тизимида ўз аксини топади.

Шундай қилиб, ҳисобларнинг танланган усулидан келиб чиқиб товарлар сотилишидан олинадиган фойда суммасини шакллантиришни башоратлаштириш корхонанинг бутун иқтисодий режалаштиришнинг якунловчи ёки бошланғич босқичи сифатида қаралиши мумкин.

Таянч сўз ва иборалар

Фойда, рентабеллик, молиявий натижаларни режалаштириш, башоратлаштириш соф тушум, молиявий фаолиятдан даромадлар, фавқулотда фойда, соф фойда, соф фойдани тақсимлаш, жамғарма фонди, резерв фонди.

Ўз-ўзини текшириш учун саволлар

1. Корхона фойдасига нималар таъсир кўрсатади?
2. Ялпи фойда нима?
3. Соф фойда қандай ҳисоблаб чиқилади?
4. Корхоналар фаолиятини рентабеллик кўрсаткичлари қандай ҳисоблаб чиқилади?

5. Корхона фойдасини ошириш бўйича қандай тадбирларни амалга ошириш лозим?

6. Корхона соф фойдаси қандай тақсимланади?

7. Корхоналар фойдасини шаклланишига қандай омиллар таъсир кўрсатади?

8. Корхонада фойдани шакллантириш қандай босқичлардан ўтади?

9. Корхона фойдасини башоратлаштириш деганда нима назарда тутилади?

10. “Режалаштириш” ва “башоратлаш” терминлари ўртасида қандай фарқланиш мавжуд?

Топшириқлар

1. Корхона ялпи ва соф фойдаси ўртасидаги фарқни тушунтиринг.

2. Бирон бир корхонани танлаб фойдалилик ва зарарлилик кўрсаткичларини таҳлил қилинг.

3. Корхона молиявий ҳисоботларида фойда ҳақидаги маълумотларни таҳлил қилинг.

4. Даромад ва фойда ўртасидаги фарқни тушунтиринг.

5. Бирон бир корхонани танлаб фойдасига таъсир кўрсатаётган омилларни таҳлил қилинг.

VII БОБ. КОРХОНАЛАРДА ПУЛ МАБЛАҒЛАРИНИНГ ВАҚТ БЎЙИЧА ҚИЙМАТИ КОНЦЕПЦИЯСИ

7.1. Корхоналарда пул маблағларининг вақт бўйича қиймати концепциясининг мазмуни

7.2. Келгусидаги пул оқимларининг жорий вақтдаги қиймати. Бозор иқтисодиёти шароитида молиявий операциялар ўтказиш жараёнида вақт омили

7.3. Фоиз ҳисоблашда дисконтлаш ва ўсиб бориш методларининг қўлланилиши

7.4. Ўсиб бориш тушунчаси мазмун-моҳияти ва қўлланиш хусусиятлари

7.5. Дисконтлаш тушунчаси мазмун-моҳияти ва қўлланиш хусусиятлари

7.6. Оддий фоизлар бўйича ўсиб бориш қийматининг ҳисобланиши. Оддий фоизлар бўйича дисконтлаш

7.7. Мураккаб фоизлар. Мураккаб фоизлар бўйича дисконтлаш

7.1. Корхоналарда пул маблағларининг вақт бўйича қиймати концепциясининг мазмуни

Корпоратив молиянинг фундаментал асосларидан бири энг аввало пулнинг вақтинчалик қиймати ва фоизли ҳисоб-китоблар тушунилади. Пулнинг вақтинчалик қиймати деганда “Сўмнинг бугунги қиймати келажакдаги қийматидан юқори бўлади” деган фикр тушунилади. Ушбу фикр бир қатор қуйидаги омиллар билан белгиланади:

-Шахс ихтиёридаги пул маблағлари нафақат истеъмол учун, балки уни кўпайтириш мақсадида ҳам фойдаланилиши ҳам мумкин. Бунда келажакда олиниши мумкин бўлган бу пул маблағи бугун қўшимча даромадга эга бўла олмайди ҳамда қайтариб ололмаслик рискига эга бўлади;

-Инфляцион иқтисодиёт шароитида пул объектив равишда қадрсизланиш хусусиятига эга бўлади ва харид қобилиятини йўқотади. Бу эса инфляция шароитида бугунги пул маблағига эртанги худди шу пул маблағига нисбатан кўпроқ маҳсулот харид қилиш мумкин бўлади.

Бизнес-режани амалга ошириш учун пул маблағлари киритишни амалга ошириш турли вақт оралиғида пул маблағлари оқими билан

боғлиқ бўлган молиявий-иқтисодий ҳисоб-китобларни амалга оширишни талаб қилади. Бундай баҳолаш концепцияси шунга асосланадики, пул қиймати вақт ўтиши билан пул бозоридаги фойда нормасини ҳисобга олган ҳолда ўзгариб боради, бу норма сифатида одатда ссуда фоизи нормаси қабул қилинади. Мазкур ҳолатда фоиз деганда пул бозорида пулдан фойдаланиш натижасида олинувчи даромад миқдори тушунилади. Инвестициялаш узоқ муддатли жараён эканлигини ҳисобга олган ҳолда, инвестиция киритилган пайтдаги пул қийматини уни бўлажак фойда, амортизация ажратмалари ва бошқа шаклда қайтиб келиш пайтидаги қиймати билан таққосланади.

Вақтинча қийматлилик – пул ресурсларининг муомаладаги объектив тавсифи. У қуйидаги 3 та сабабга асосланади:

- Инфляцияга;
- Кутилаётган даромад (фойда)нинг тўлиқ ёки қисман ололмаслик рискига;
- Айланувчанликка.

Инвестиция киритиш ва пул маблағларини қайтиб олиш пайтидаги пул қийматини таққослашда иккита асосий тушунча – пулнинг ҳозирги қиймати ва келажакдаги қийматидан фойдаланиш қабул қилинган.

7.2. Келгусидаги пул оқимларининг жорий вақтдаги қиймати. Бозор иқтисодиёти шароитида молиявий операциялар ўтказиш жараёнида вақт омили

Пулнинг келажакдаги қиймати ҳозирги пайтда инвестиция қилинган пул маблағларининг белгиланган вақт ўтгандан сўнг маълум бир фоиз ставкасини ҳисобга олган ҳолда айланиши лозим бўлган миқдорини ифодалайди. Пулнинг келажакдаги қийматини аниқлаш ушбу қийматнинг ўсиш жараёни билан боғлиқ бўлиб, пулнинг бошланғич миқдорига фоиз суммасини (фоиз тўловларини) қўшиб бориш йўли билан босқичма-босқич катталаштиришни акс эттиради. Бу сумма фоиз ставкаси бўйича ҳисобланади. Инвестиция ҳисоб-китобларида бу ставка нафақат пул маблағлари қийматини ўстириш воситаси сифатида, балки янада кенг маънода – инвестиция операцияларининг даромадлилик даражасини ўлчаш учун ҳам фойдаланилади.

Пулнинг ҳозирги қиймати келажакда келиб тушадиган пул маблағларининг белгиланган фоиз ставкасини («дисконт ставкаси») ҳисобга олган ҳолда ҳозирги даврга келтирилган миқдорини ифодалайди. Пулнинг ҳозирги қийматини аниқлаш бу қийматнинг дисконтллашуви билан боғлиқ бўлиб, пул маблағларининг белгиланган якуний ҳажмида ўсишига тескари операцияни ифодалайди. Бу ҳолда фоиз (дисконт) миқдори пул маблағларининг якуний миқдоридан (келажакдаги қийматдан) чиқариб ташланади.

Бундай ҳолат маълум бир вақт ўтгандан сўнг олдиндан белгиланган суммани олиш учун бугунги кунда қанча маблағ инвестиция қилиш кераклигини аниқлаш зарур бўлган ҳолларда вужудга келади.

Бозор иқтисодиёти шароитида молиявий операциялар ўтказиш жараёнида вақт омили муҳим рол ўйнайди. Шундан келиб чиққан ҳолда бизнеснинг олтин қоидаси ҳисобланган қуйидаги фикр шаклланган:

Бугун олинган пул маблағи суммаси ертага олинадиган пул маблағи суммаси эквивалентидан юқори.

Корпоратив молиявий муносабатларда вақт омилини ҳисобга олиш фоиз ҳисоблаш техникаси асосидаги дисконтлаш ва ўсиб бориш методларидан фойдаланган ҳолда амалга оширилади. Бу методларнинг моҳияти ҳозирги ёки келгусидаги талаб қилинган турли даврларга тааллуқли пул маблағлари миқдорини аниқлашни ўзида акс эттиради. Мазкур жараёнда ўсиб борувчи қиймат меъёри сифатида фоиз ставкаси (интерест рате)дан фойдаланилади.

Тор маънода фоиз ставкаси қарз маблағларидан фойдаланганлик учун тўланадиган суммани ўзида акс эттиради. Лекин корпоратив молиявий муносабатларда бу тушунча кенгроқ талқин қилинади. Яъни фоиз ставкаси қуйидагиларда намоён бўлади:

- амалга оширилаётган операциялар бўйича олинадиган фойданинг қўйилган маблағ миқдорига нисбати сифатида ҳисобланадиган ва фоизларда ёки бирлик улушларда акс этадиган даромадлилик даражасини белгиловчи восита сифатида;
- капиталнинг муқобил қиймати сифатида.

7.3. Фоиз ҳисоблашда дисконтлаш ва ўсиб бориш методларининг қўлланилиши

Корпоратив молиявий муносабатларда вақт омилини ҳисобга олиш фоиз ҳисоблаш техникаси асосидаги дисконтлаш ва ўсиб бориш методларидан фойдаланган ҳолда амалга оширилади. Бу методларнинг моҳияти ҳозирги ёки келгусидаги талаб қилинган турли даврларда тааллуқли пул маблағлари миқдорини аниқлашни ўзида акс эттиради. Мазкур жараёнда ўсиб борувчи қиймат меъёри сифатида фоиз ставкаси (интерест рате)дан фойдаланилади.

Тор маънода фоиз ставкаси қарз маблағларидан фойдаланганлик учун тўланадиган суммани ўзида акс эттиради. Лекин корпоратив молиявий муносабатларда бу тушунча кенгроқ талқин қилинади, яъни фоиз ставкаси қуйидагиларда намоён бўлади:

- Амалга оширилаётган операциялар бўйича олинадиган фойданинг қўйилган маблағ миқдорига нисбати сифатида ҳисобланадиган ва фоизларда ёки бирлик улушларда акс этадиган даромадлилик даражасини белгиловчи восита сифатида;
- Капиталнинг муқобил қиймати сифатида.

Пул маблағларини қарзга бериш натижасида унинг эгаси ссуда фоизи кўринишидаги аниқ даромадга эга бўлиб, бундай фоизлар аниқ вақт мобайнидаги алгоритмик ҳисоб китоблар асосида аниқланади. Модомики, молиявий операциялардаги стандарт вақт интерваллари асосан 1 йил қилиб олиниб бунда фоиз савкаларини ўрнатиш 1 йил қилиб белгилаб олинади.

Ҳозирда дискрет фоиз ҳисоблашнинг 2 усули: оддий ва мураккаб фоиз ҳисоблаш усуллари мавжуддир[18].

Оддий фоиз ҳисоблаш усули ҳисоблаш олиб бориладиган асоснинг узгармаслигини кўзда тутади. Агар инвестицияланадиган капитал ПВ бўлиб, талаб қилинадиган даромад и қилиб белгилайдиган бўлсак инвестицияланган капитал йил мобайнида ПВ*и га усади. Шунингдек, инвестицияланган капитал н йилдан сўнг қуйидаги тенглама асосида ҳисоблаб топилади:

ФВ= П + Пр +…… + Пи = П*(1+н*и);

Агар фоиз ҳисоблаш мураккаб усулда амалга оширилса биринчи йилда ҳисобланган фоизлар навбатдаги йилда ҳисобланадиган йилга кушилган ҳолда амалга оширилади èки буни ҳисобланган фоизларни

[18] Richard Brealey, Stewart Myers, Franklin Allen Principles of Corporate Finance, 10th editions McGraw-Hill/Irwin, 2010.

капитализация қилиниши билан фоиз ҳисоблаш механизми деб айца бўлади. Бунда ҳар йили хиобланган фоизлар инвестор томонидан талаб килимайди ва бу фоизлар асосий капиталга йил давомида кушилиб борилади.

Инвестицияларнинг иқтисодий самарадорлиги уларни ўртача бозор фоизларига нисбатан даромадлилиги билан белгиланади шунинг учун ҳам инвестицияларнинг самарадорлигини баҳолашда бозор молиявий ахборотларидан фойдаланган ҳолда инвестицион операциялар сифат кўрсаткичларини таҳлил қилинади.

Инвестицияларнинг иқтисодий самарадорлигини баҳолаш пул қўйилмаларининг ҳозири ва келгуси қиймати тушунчаларидан келиб чиқади. Агар инвестор амалдаги фоиз ставкалари шароитларида аниқ пул суммаларини олишни вазифа қилиб куйса, инвестор ҳозириги вақтда қуйиши мумкин бўлган пул суммалари келгусидаги пул суммасини ҳозирги вақтдаги қийматини акс эттиоади. Пулнинг маълум давр мобайнидаги келгуси қийматини ҳисоблашда қуйидаги формуладан фойдаланилади:

ФВ- н даврдаги пулларнинг йиғиндиси =
Инвестиция+ фоизли даромад = П +иП = П(1+и);

Демак,

ФВ2 = 2- йил охиридаги пулллар йигиндиси = Ф1(1+и)= П(1+и)(1+и), яъни н йилга йиллик и- ставка,бўйича мураккаб фоизларда ҳисобланган инвестицияларнинг келгуси қиймати[19].

$$ФВн= ПВ(1+и)^{н} = П * Т_1 (и,н),$$ **бу ерда**

$(1+и)^{н}$ - мултипликацияланувчи кўпайтма;

$Т_1 (и,н)$ - мураккаб фоизларда ҳисобланган пул маблағларининг келгуси қиймати.

ФВ- пулнинг келгусидаги қиймати;

ПВ- пулнинг ҳозирги қиймати;

н-маълум давр оралиги.

$Т_1 (и,н)$- мазкур кўпайтманинг мазмуни шуки, маълум пул бириги н даврдан сўнг шартлашилган и фоизлар асосида канча миқдорни ташкил қилишини кўрсатади.

[19] Jonathan Berk, Peter DeMarzo. Corporate Finance: The Core.- USA: Pearson, 2014.

Умуман юқоридаги формула асосидаги пулнинг келгуси қийматини аниқланиши натижасида инвестор томонидан амалга ошириладиган инвестицияларнинг келгуси қиймати баҳоланади.

Масалан, сиз банка 1 млн сўм жамғарма қўйдингиз. Йиллик фоиз ставкаси 4 % ва ҳар йиллик мураккаб фоиз ҳисоблаш асосида 3 йилдан сўнг сизнинг ҳисоб ракамингиздаги пуллар канча бўлишини ҳисоблаймиз.

$$\textbf{ФВн= ПВ(1+и)}^{\textbf{н}}$$

ФВ3 = 1000000 сўм(1+ 0,04)3 = 1000000 сўм T_1 (4%, 3 йил).

Мураккаб фоизларни ҳисоблашда қўлланиладиган жадвал кўрсаткичлари асосида қуйидаги миқдорларга эга бўлинади:

ФВ3= 1000000 сўм (1,125) = 1125000 сўм.

Банкларни ҳисоблаш амалиѐтида оддий фоиз ҳисоблаш усули бир йилгача бўлган даврни ташкил қилувчи қисқа муддали кредит шартномаларида фойдаланилади.

Мураккаб фоизларни йил ичидаги ҳисоблаш усуллари. Юқорида кўриб утган мураккаб фоизларни ҳисоблаш бўйича формлалар асосан бир йилдан кам бўлмаган даврларга блган фоиз хсоблаш усулларидр. Агар бир йилга шартлашилган фоизлар асосида кварталлик мураккаб фоизларни ҳисоблаш учун қуйидаги формуладан фойдаланилади:

$$\textbf{ФВн = ПВ(1+ и/м)}^{\textbf{н*м}} \textbf{= } T_1\textbf{(и/м, н*м).}$$

Мураккаб фоизларни ярим йиллик(м=2) ҳисоблаш қуйидагичадир:

$$\textbf{ФВ = ПВ(1+ и/2)}^{\textbf{н*2}} \textbf{= ПВ * } T_1 \textbf{ (и/2, н*2)}$$

Масалан, агар сиз 1000000 см депозитга йиллик 20% фоиз ставкаси асосида 5 йилга қўйилди. Фоиз ставкалари кварталларда ҳисоблансин. 5 йилда жамғарилган сумма:

ПВ= 1000000

и/м= 20%/ 4

н/м= 5*4= 20

ФВ5 =1000000сўм* $(1+0,05)^{20}$ = 1000000 сўм* T_1(5%,2)= 1000000сўм *Т1(2,653) = 2653000 сўм

7.4. Ўсиб бориш тушунчаси мазмун-моҳияти ва қўлланиш хусусиятлари

Олдинги мавзуларда ў*сиб бориш* тушунчасининг фоиз ҳисоблаш натижасида дастлабки сумманинг ортиб бориши жараёнини англатишини айтиб ўтган эдик.

Ўсиб бориш методининг иқтисодий мазмуни операцияларни амалга ошириш натижасида дастлабки суммага қўшимча равишда олинадиган ёки олиниши мумкин бўлган сумма миқдорини аниқлашни англатади. Бошқача айтганда ўсиб бориш методи маълум бир н вақтлар учун белгиланган *р* фоиз ставкасидан келиб чиққан ҳолда жорий қиймат (*ПВ*)нинг келгусидаги қийматини аниқлаш имконини беради. Бунда фойдаланиладиган ***р*** **ставка** баъзида **ўсиш ставкаси** деб аталади.

Маълум вақтдан сўнг зарур миқдордаги пул маблағларига эгалик қилиш учун корхона маъмурияти мавжуд пул маблағини ҳозирнинг ўзида йўналтириш лозим бўлади. Бунда қарор қабул қилишда келгусидаги пул оқимлари пул маблағларининг жорий вақтдаги қиймати (пресент валуэ - *ПВ*)дан келиб чиққан ҳолда баҳолашни амалга ошириш лозим. Пул маблағларининг жорий қиймати ва келгуси қийматини баҳолаш учун молиячилар пул оқимларини дисконтлаш бўйича махсус методикадан фойдаланадилар.

Корпоратив молиявий муносабатларда вақт омилини ҳисобга олиш фоиз ҳисоблаш техникаси асосидаги дисконтлаш ва ўсиб бориш методларидан фойдаланган ҳолда амалга оширилади. Бу методларнинг моҳияти ҳозирги ёки келгусидаги талаб қилинган турли даврларга тааллуқли пул маблағлари миқдорини аниқлашни ўзида акс эттиради.

7.5. Дисконтлаш тушунчаси мазмун-моҳияти ва қўлланиш хусусиятлари

Дисконтлаш тушунчаси пул маблағларини жойлаштириш жараёнида келгусида маълум бир белгиланган суммани олиш (эгалик қилиш) учун жойлаштириш талаб этиладиган пул маблағи миқдорини аниқлашни ўзида акс эттиради.

Иқтисодий маънода дисконтлаш орқали топиладиган *ПВ* миқдори айни пайтда белгилаб олинган *ФВ* келгуси қиймат орқали аниқлаб олинади.

Таъкидлаш керакки, дисконтлаш моҳиятига кўра маблағлар миқдори ўсиб боришини ўзида акс эттиради. Бу жараёнда фойдаланиладиган фоиз ставкаси *р* дисконт нормаси деб аталади.

Қайд этиб ўтиш керакки, молиявий операцияларни амалга ошириш шартларига боғлиқ равишда маблағлар ўсиб боришини аниқлаш каби дисконтлаш ҳам оддий, мураккаб ёки узлуксиз (мунтазам) фоизлар қўлланилиши орқали амалга оширилади.

Қоидага кўра оддий фоизлардан қисқа муддатли, бир йил ёки ундан кам муддатларда ўтказиладиган молиявий операцияларда қўлланилади. Бундай ҳолатда ҳар бир давр учун фоиз ҳисоблашда база сифатида шартномадаги дастлабки сумма олинади.

7.6. Оддий фоизлар бўйича ўсиб бориш қийматининг ҳисобланиши. Оддий фоизлар бўйича дисконтлаш

Оддий фоизлар бўйича ўсиш ҳисобланиши

Умумий ҳолда йиллик оддий фоиз ставкалари бўйича маблағлар келгуси қиймати қуйидаги формула бўйича ҳисобланади:

$$FV = PV(1 + r \times n), \qquad (4.1)$$

бу ерда ФВ – келгуси қиймат;

ПВ – жорий қиймат;

н – давр (йиллар сони)

р – фоиз ставкаси.

Амалиётда қисқа муддатли операциялар давомийлиги одатда бир йилдан кам бўлади. Бундай ҳолатда операция амалга ошириладиган муддат қуйидаги шаклда акс эттирилади:

$$n = \frac{t}{V} \qquad (4.2)$$

бу ерда т – операция ўтказиладиган кунлар сони;

В – вақт базаси (йил кунлари сони 360, 365 ёки 366).

Операция муддати аниқлаштирилган ҳолда келгуси қийматни қуйидаги формула билан аниқлаш мумкин:

$$FV = PV(1 + r \times \frac{t}{V}) \qquad (4.3)$$

Одатда операция муддатини аниқлаш жараёнида унинг бошланиш ва тугаш кунлари бир кун ҳисобланади.

Таҳлил ўтказиш жараёнида вақт базаси (В) сифатида қулайлик учун шартли равишда молия йили 360 кун (12 ой 30 кундан)дан иборат деб олинади. Бундай база бўйича ҳисобланадиган фоизлар одатий ёки тижорат фоизлари деб юритилади. Аниқ фоизларда эса вақт базаси олинаётганда ҳақиқатдаги йил кунлари сони 365 ёки 366 кун олинади.

Мисол кўриб чиқамиз.

10 000 бирлик қийматга тенг маҳсулот 30 кунга тўлов кафолати олинган ҳолда харидорга тижорат кредити тарзида берилди. Кредит бўйича йиллик фоиз ставкаси 30%. Шартнома бўйича муддат якунлангач харидордан қанча маблағ олинади?

а) Одатий фоиздан фойдаланган ҳолда ҳисоблаймиз:

ФВ = 10 000х(1+0,30х(30/360)) = 10250 бирлик;

б) аниқ фоизлардан фойдаланган ҳолда ҳисоблаймиз:

ФВ = 10 000х(1+0,30х(30/365)) = 10 246,57 бирлик.

Ўз навбатида, операция давомийлиги муддати *т* ой бўйича олинганда шартли равишда 30 кун ёки ой бўйича ҳақиқатдаги кунлар сони олинади.

Шундай қилиб, т ва В параметрларига боғлиқ ҳолда операция муддати қуйидаги вариантларда ҳисобланиши мумкин:

- 365/365 – операция амалга ошириладиган кунларнинг аниқ сони ва йил бўйича ҳақиқатдаги кунлар сони;
- 365/360 – операция амалга ошириладиган кунларнинг аниқ сони ва молия йили (12 ой 30 кундан иборат деб олинади);
- 360/360 – операция амалга ошириладиган кунларнинг тахминий сони (бир ой 30 кунга тенг деб қабул қилинади) ва молия йили (12 ой 30 кундан иборат деб олинади).

Одатий фоизлар (360/360) таҳлилий ҳисоб-китобларда фойдаланиш учун жуда қулай. Бу жиҳат уларнинг кўплаб ривожланган давлатлар, хусусан АҚШ ва Европа мамлакатлари амалиётида қўлланилиши билан изоҳланади.

Ўзбекистон амалиётида асосан операция ўтказиладиган кунлар аниқ сони ва молия йили (365/360) амалиётда қўлланилади. Россия Федерацияси амалиётида эса аниқ фоизлар (365/365) қўлланилади.

Аниқ фоизларни формула бўйича ҳисоблаш операциялар ўтказиладиган кунларнинг ҳақиқатдаги сонини аниқлашни талаб

этади. Бунда фоизлар бўйича маълумотлар акс этган махсус жадваллардан ёки компютер дастурларидан, масалан Микрософт Эхкел дастуридан фойдаланиш тавсия этилади.

Оддий фоизлар бўйича дисконтлаш

Оддий фоиз ставкаларига боғлиқ равишда қисқа муддатли молиявий операцияларни таҳлил қилиш жараёнида дисконтлашнинг иккита методи – математик ва тижорат дисконтлашлар қўлланилади. Биринчи ҳолатда жорий қийматни аниқлаш меъёри сифатида ўсиб бориш жараёнида қўлланиладиган *р* ставкадан фойдаланилади. Тижорат дисконтлашида эса жорий қийматни аниқлаш меъёри сифатида ҳисоб ставкаси (кейинги ўринларда *д* символидан фойдаланилади) қўлланилади.

Математик дисконтлаш

Математик дисконтлаш пул маблағлар ўсиб боришини аниқлашга тескари тартибда *ФВ*, *р*, *н* кўрсаткичлари олдиндан аниқ бўлган ҳолда *ПВ* миқдорини аниқлаш тартибини англатади. Бунда қабул қилинган белгилашларни ҳисобга олган ҳолда *р* ставка бўйича дисконтлаш формуласи қуйидаги кўринишда бўлади:

$$PV = \frac{FV}{(1+r\times\frac{t}{V})} \qquad (4.4)$$

ФВ ва *ПВ* ўртасидаги, яъни келгуси қиймат ва жорий қиймат ўртасидаги фарқ *дисконт* деб аталади. Бунда фойдаланиладиган жорий қийматни аниқлаш меъёри *р* декурсив фоиз ставкаси деб юритилади.

Мисол кўриб чиқамиз.

Номинал қиймати 100 бирликка тенг бўлган, 90 кундан кейин қопланадиган, талаб қилинадиган даромадлилик меъёри 12% бўлган купонсиз облигацияни сотиб олиш учун инвестордан қанча маблағ тўлаш талаб этилади?

Одатий фоизлардан фойдаланилса:

ПВ = 100/(1+0,12x90/360) = 97,087 бирлик

Аниқ фоизлардан фойдаланилса:

ПВ = 100/(1+0,12x90/365) = 97,12 бирлик.

Тижорат дисконтлаш

Дисконтлашнинг бу методи хорижий амалиётда асосан векселларни банкларда ҳисобга олишда, шунингдек, айрим ҳолатларда қисқа муддатли банк кредитлари беришда қўлланилади.

Унинг мазмунини операция бўйича ҳисобланадиган фоизлар суммасининг муддат охирида қайтариб олинадиган сумма таркибида акс этишида кўришимиз мумкин. Бу жараёнда *д* ҳисоб ставкаси қўлланилади. Ҳисоб ставкаси бўйича дисконтлаш формуласи қуйидаги кўринишга эга:

$$PV = FV(1 - d \times n) = FV(1 - d \times \frac{t}{V}) \quad (4.5)$$

Ҳисоб ставкаси бўйича дисконтлаш жараёнида ҳам вақт базаси сифатида 360/360, 365/360 ёки 360/365 фоиз аниқлаш шаклларидан фойдаланилади. Бунда фойдаланиладиган *д* жорий қийматни аниқлаш келтириш меъёри антисипатив фоиз ставкаси деб юритилади.

Мисол кўриб чиқамиз.

100 000 бирлик қийматга тенг оддий вексел 90 кундан кейин тўлаш шарти билан банкда ҳисобга олинди. Банк ҳисоб ставкаси 15%. Вексел эгаси оладиган суммани аниқланг.

ПВ = 100 000 х (1 – 0,15 х 90/360) = 96 250 бирлик.

Мос равишда банк томонидан *100 000 – 96 250 = 3750* бирлик банк фойдаси сифатида ҳисобга олинади.

Мазкур амалиётдан кўриниб турибдики, д ставканинг белгиланиши натижасида банк дисконт кўринишида даромад олади, вексел эгаси эса банкдан вексел номиналидан паст суммани олади.

Дисконтлашнинг иккала кўриб чиқилган усулларининг қўлланиши бир-бирига нисбатан турли натижаларни келтиради. Бу ҳолат *д=р* да ҳам шундай. Графикдан кўриниб турибдики, д ҳисоб ставкаси *р* одатий ставкага қараганда дисконтланаётган суммани бир мунча тезроқ камайтириш имконини беради

д ҳисоб ставкаси баъзида ўсиб борувчи қийматни аниқлашда оддий фоиз сифатида ҳам қўлланилади. Бунда ўсиб борувчи қийматни аниқлаш натижасида шартноманинг, масалан вексел умумий суммасининг келгуси қиймати пайдо бўлади. Мазкур ҳолатда келгуси қийматни аниқлаш формуласи қуйидаги кўринишга эга:

$$FV = \frac{PV}{1-d\times n} = \frac{PV}{1-d\times\frac{t}{V}} \quad (4.6)$$

Мисол кўриб чиқамиз.

Мол етказиб берувчи 100 000 бирлик қийматга тенг маҳсулот пулини вексел бўйича тўлиқ банкдан олди. Агар банк ҳисоб ставкаси 15% бўлса, тўлов муддати ҳисобланган 90 кундан кейин мазкур вексел бўйича қанча маблағ олади?

Масаладан кўриниб турибдики, ўсиб борувчи қиймат *д* ҳисоб ставкасидан келиб чиққан ҳолда ҳисобланиши керак.

ФВ = 100 000 / [(1 – (90 х 0,15) / 360] = 103 896,10 бирлик.

Фоиз ставкаси ва операция муддатини аниқлаш

р фоиз ставкаси ва *д* ҳисоб ставкаси миқдори келгуси қиймат (4.1) ёки жорий қиймат (4.5)дан келиб чиққан ҳолда аниқланиши мумкин. Натижада қуйидаги формулаларга эга бўламиз:

$$r = \frac{FV-PV}{PV \times n} = \frac{FV-PV}{PV \times t} \times V \qquad (4.7)$$

$$d = \frac{FV-PV}{FV \times n} = \frac{FV-PV}{FV \times t} \times V \qquad (4.8)$$

Мисол кўриб чиқамиз.

Қоплаш муддати 90 кун бўлган номинал қиймати 100 бирлик қийматга тенг қисқа муддатли мажбурият 98,22 бирлик баҳо бўйича сотиб олинган. Инвестор учун операция бўйича даромадлиликни аниқланг.

Одатий фоизлар бўйича

$r = \frac{100-98{,}22}{98{,}22} \times \frac{360}{90} = 0{,}072$ *ёки* 7,2%;

Аниқ фоиз бўйича

$r = \frac{100-98{,}22}{98{,}22} \times \frac{365}{90} = 0{,}0722$ ёки 7,22%.

Мос равишда операция муддати қуйидаги формула бўйича аниқланади:

$$t = \frac{FV-PV}{PV \times r} \times V \qquad (4.9)$$

$$d = \frac{FV-PV}{FV \times d} \times V \qquad (4.10)$$

Юқорида келтирилган мисол бўйича даромадлилик даражаси 7,22% ва номинали бўйича қоплаш амалга ошириладиган ҳолатда операция муддатини аниқланг.

$$\text{т}=\frac{100-98{,}22}{98{,}22}\times\frac{360}{0{,}0722}=90{,}36$$

р фоиз ставкаси ва д ҳисоб ставкасининг эквивалентлиги

Фоиз ставкаларининг эквивалентлиги принсипи молиявий ва инвестицион таҳлилда кенг қўлланилади. Улардан битимлар шартларини таққослашда, операциялар самарадорлигини аниқлашда бир ставкани бошқасига алмаштириш орқали ва бошқа ҳолатларда фойдаланилади.

Умумий ҳолда иккала турли хил фоиз ставкалари бир хил шароитларда қўлланилганда молиявий натижалари бўйича ўзаро эквивалентли ҳисобланади.

Эквивалентлик формуласи қиймат ўсишининг мос кўрсаткичлари ўзаро тенглигига асосланади:

$$1+n\times r=(1-n\times d)-1 \qquad (4.11)$$

Бир йилдан кам бўлган давомийликка эга бўлган операциялар учун эквивалентлик нисбатини аниқлаш 11-формуладан келиб чиққан ҳолда қуйидагича аниқланади:

А) ставкалар бўйича вақт базаси (В) бир хил ва тенг (360 ёки 365 кун):

$$r=\frac{V\times d}{V-t\times d} \qquad (4.12)$$

$$\text{д}=\frac{V\times r}{V+t\times r} \qquad (4.13)$$

Б) *р* фоиз ставкаси бўйича вақт базаси 365 кун ва *д* ҳисоб ставкаси бўйича эса 360 кун бўлган ҳолатда қуйидагича аниқланади:

$$r=\frac{365\times d}{360-t\times d} \qquad (4.14)$$

$$\text{д}=\frac{360\times r}{365+t\times r} \qquad (4.15)$$

7.7. Мураккаб фоизлар. Мураккаб фоизлар бўйича дисконтлаш

Корпоратив молиявий муносабатларда ва молиявий ҳисоб-китобларда мураккаб фоизлар муҳим рол ўйнайди. Бу ҳақда қуйида атрофлича тўхталиб ўтамиз.

Мураккаб фоизлар бир йилдан ортиқ муддат давом этадиган молиявий операциялар бўйича ҳисоб-китобларда кенг қўлланилади. Шу билан биргаликда улардан қисқа муддатли молиявий операцияларда ҳам фойдаланиш мумкин. Мураккаб фоизлар объектив сабаблар туфайли қисқа муддатли молиявий операцияларда битим шартларига киритилиши мумкин. Объектив сабаблар сифатида эса юқори инфляция даражаси, юқори рискли ҳолатларни келтириш мумкин. Бунда операция муддати бўйича фоиз ҳисоблаш учун база сифатида қўшимча равишда муддатлар бўйича фоизлар ҳисобига жамғариладиган суммани ўз ичига олган ҳолда шартномада белгиланган сумма олинади.

Мураккаб фоизлар бўйича ўсиб борувчи қийматни аниқлаш

Мураккаб фоизлар бўйича ўсиб борувчи қийматни аниқлаш технологиясини қуйидаги мисолларда кўриб чиқамиз.

100 бирликка тенг сумма банкка 3 йил муддатга депозитга қўйилган. Депозит ставкаси йиллик 8%. Депозит бўйича фоиз бир йилда бир марта ҳисобланади. Муддат якунидаги депозит миқдорини аниқланг.

Мазкур операция шартлари бўйича қуйидаги кўрсаткичлар маълум:

Банкка қўйилган дастлабки маблағ суммаси *ПВ* = 100 бирлик, йиллик фоиз ставка *р* = 8% ва муддат *н* = 3 йил.

Биринчи йил охирига келгуси қиймат *ФВ* ни аниқлаймиз:

$ФВ_1 = ПВ + ПВ \times р = ПВ (1 + р) = 100 \times (1 + 0,08) = 108.$

Мос равишда, иккинчи йил учун *ФВ* миқдорини аниқлаймиз (*н=2*):

$ФВ_2 = ФВ_1 + ФВ_1 \times р = ПВ (1 + р) + ПВ (1 + р) \times р = ПВ (1 + р)^2 = 100 \times (1 + 0,08)^2 = 116,64$ *бирлик.*

Охирги йил учун (н = 3)

$ФВ_3 = ФВ_2 + ФВ_2 \times р = ПВ (1 + р)^3 = 100 \times (1 + 0,08)^3 = 125,97$ *бирлик.*

Расмдан кўриниб турибдики, мураккаб фоизлар бўйича ўсиб борувчи қийматни аниқлаш олинадиган даромадларни

реинвестициялашга асосланади. Олинадиган даромадларни реинвестициялаш жараёни *капитализациялаш* деб юритилади.

Келгуси қийматни аниқлаш учун умумий муносабат қуйидаги кўринишга эга:

$$ФВ_н = ПВ \text{ x } (1 + \text{р})^н \qquad (4.16)$$

Қайд этиб ўтиш лозимки, *ФВ* миқдори *р* ва *н* кўрсаткичларининг белгиланишига бевосита боғлиқ. Масалан, 1 бирлик маблағ йиллик 15%лик ставка бўйича 100 йилдан сўнг 1 174 313,45 бирликни ташкил этади!

Амалиётда молиявий битимлар шартларига боғлиқ равишда фоизлар бир йилда бир неча марта, масалан ҳар ой, ҳар чоракда ҳам ҳисобланиши мумкин. Бундай ҳолатда келгуси қийматни ҳисоблаш қуйидаги формула бўйича амалга оширилади:

$$FV_n = PV \times \left(1 + \frac{r}{m}\right) \text{^} mn \qquad (4.17)$$

Бу ерда м – бир йил давомида фоиз ҳисоблашлар сони.

Бўлиши мумкин бўлган ҳолат сифатида олдинги мисол бўйича фоизлар ҳар чоракда, яъни бир йилда 4 марта ҳисобланса муддат охиридаги *ФВ* ни аниқлаймиз:

$ФВ_{3,4} = 100 \text{ x } (1 + 0{,}08/4)^{12} = 126{,}82$ бирлик.

Юқоридаги фомула (4.17)дан ва олинадиган натижадан ҳам кўриниб турибдики, фоиз ҳисобланадиган даврлар сони ошиши ортиб бориши билан $ФВ_{н,м}$ ҳам ўсиб боради.

Баъзида фоиз ҳисоблашнинг турлича даврларини кўриб чиқиш орқали молиявий операциялар шартларини ўзаро таққослаш зарурати ҳам пайдо бўлади. Бундай ҳолатда мос фоиз ставкаларини уларнинг эквивалентига солиштириш амалга оширилади. Бу қуйидаги формула бўйича аниқланади:

$$ЭПР = (1 + р/м)^м - 1 \qquad (4.18)$$

Бу жараёнда олинадиган кўрсаткич самарали фоиз ставкаси (эффективе перцэнтаге рате – *ЭПР*), ёки таққослаш ставкаси деб аталади. Мазкур кўрсаткич иқтисодий адабиётда *АПР (аннуал* перцэнтаге рате*)* тушунчаси билан ҳам қўлланилади.

Мисол кўриб чиқамиз.

10 000 бирлик маблағ депозитга 4 йил муддатга мураккаб фоиз бўйича йиллик 10% лик ставка билан жойлаштирилди. Фоиз ҳар чоракда ҳисобланиши белгиланган. Иккинчи вариантда эса 10 000 бирлик маблағ инвестицияга 4 йиллик муддатга 10 фоизлик ставка

билан жойлаштирилган. Бу операция бўйича фоизлар йилда бир марта ҳисобланади. Операциялардан қайси бири самарали эканлигини аниқланг.

Ҳар иккала операция бўйича самарали ставкани аниқлаймиз:

1) ҳар чорак бўйича – $ЭПР = (1+0,1/4)^4 – 1 = 0,103813$ бирлик.

2) ҳар йил бўйича – $ЭПР = (1+0,1)^1 – 1 = 0,10$ бирлик.

Шундай қилиб, 10 000 бирлик маблағни жойлаштириш шартларига кўра 4 йил муддатга ҳар чоракда фоиз ҳисобланадиган йиллик 10%лик ставка 10,3813% га тенг бўлган ҳолда эквивалентли фоиз ставкаси бўлади. Бундан, биринчи операция инвестор учун юқорироқ самара келтиришини кўришимиз мумкин.

Ўз навбатида *ЭПР* миқдори маълум бўлса, *р* номинал фоиз ставкаси қуйидаги формула бўйича аниқланади:

$$r = m(\sqrt[m]{1 + EPR} - 1) \qquad (4.19)$$

Мураккаб фоизлар бўйича дисконтлаш

Мураккаб фоизлар бўйича жорий қийматни аниқлаш формуласи 4.16-формуладан келтириб чиқарилади. Яъни математик алмаштиришдан фойдаланган ҳолда қуйидаги формулани шакллантирамиз:

$$PV_n = \frac{FV_n}{(1+r)^n} \qquad (4.20)$$

Мисол кўриб чиқамиз.

3 йил бўйича тўланадиган депозит миқдори 100 бирликни ташкил этди. Агарда депозит бўйича йиллик ставка 8% бўлса, омонатнинг дастлабки суммасини аниқланг.

Масаланинг таҳлилий ечими қуйидаги кўринишга эга бўлади:

$$ПВ = 100/(1 + 0,08)^3 = 79,38 \text{ бирлик.}$$

Мураккаб фоизлар бўйича дисконтлаш жараёнини ҳам Микрософт Эхкел дастуридан фойдаланган ҳолда ҳисоблаш мумкин.

ПВ миқдор ҳам операциялар давомийлиги ва фоиз ставкаларга бевосита боғлиқ. Яъни *р* ва *н* кўрсаткичлар қанчалик юқори бўлса, жорий қиймат шунчалик паст бўлади.

Агар фоиз ҳисоблаш бир йилда *м* марта амалга ошириладиган бўлса бунда *ПВ* миқдор 20-формуладан келиб чиққан ҳолда қуйидагича аниқланади:

$$PV_{n,m} = \frac{FV}{(1+\frac{r}{m})^{mn}} \qquad (4.21)$$

Фоиз ставкаси ва операция давомийлигини ҳисоблаш

4.16 ва 4.20-формулалардан келиб чиққан ҳолда *р* ва *н* кўрсаткичларини аниқлаш мумкин. *ФВ, ПВ* ва *н* кўрсаткичлари маълум бўлган ҳолатларда *р* фоиз ставка қуйидаги формула бўйича аниқланади:

$$r = \left(\frac{FV_n}{PV_n}\right) \wedge (\frac{1}{n}) - 1 \qquad (4.22)$$

Масалан, банкка 4 йил олдин жойлаштирилган 10 000 бирликдаги сумма бугунга келиб 14 641 бирликни ташкил этган. Операция бўйича фоиз ставкаси (даромадлилик)ни аниқланг.

p = (14 641/10 000)$^{1/4}$ – 1 = 0,10 (10%).

Операция давомийлиги *н* логарифмлаш орқали қуйидагича аниқланади:

$$n = \frac{\text{лог}\,(FV_n/PV_n)}{\text{лог}(1+r)} \qquad (4.23)$$

Масалан, банкка йиллик 10%лик ставка билан 10 000 бирликдаги сумма жойлаштирилган бўлиб, бугунга келиб 14 641 бирликни ташкил этган. Операция муддатини аниқланг.

p = лог(14 641/10 000) / лог(1+0,1)= 4 йил.

Молиявий операцияларда узлуксиз фоизлардан қисқа оралиқ вақтлар учун кўп маротаба фоизлар ҳисобланадиган ҳолатларда фойдаланилади. Бунда ҳар кун, ҳар соат, ҳар минут ва ҳаттоки ҳар бир секунд учун йиллик фоиз ставкаси асосида фоизлар ҳисоблаш амалиётини мисол сифатида келтириш мумкин.

Таянч сўз ва иборалар

Корхона, капитал, корхона молияси, корхонанинг ўз капитали, корхона эмиссия сиёсати, молиялаштириш, тушум, фойда, резерв.

Ўз-ўзини текшириш учун саволлар

1. Корхона ўз капиталининг таркибий тузилиши нималардан иборат?
2. Корхона ўз капиталини шакллантириш сиёсатининг қандай вазифалари мавжуд?
3. Корхона фаолияти қайси манбалар ҳисобига

молиялаштирилади?

4. Корхонада ўз маблағларини оқилона шакллантиришнинг асосий мақсади нима?

5. Корхона йиллик ҳисоботда эмитент тўғрисида қандай маълумотлар келтирилиши лозим?

Топшириқлар

1. Корхона ўз капиталининг таркибий тузилишини чизмалар орқали ифодаланг.

2. Корхона ўз капиталининг моҳияти ҳақида айтиб беринг.

3. Корхона эмиссия сиёсатининг ҳозирги замон муаммоларини санаб ўтинг.

4. Бирор бир корхонанинг хусусий капиталининг ўртача ўзгариш суръатини акс эттирувчи ҳужжатлари билан танишиб чиқинг.

VIII БОБ. КОРХОНАЛАРНИНГ ЎЗ КАПИТАЛИНИ БОШҚАРИШ

8.1. Корхона ўз капиталининг таркибий тузилиши, моҳияти ва корхона молиясини бошқаришдаги аҳамияти

8.2. Корхона ўз капиталини шакллантириш сиёсатининг асосий вазифалари ва ҳозирги замон муаммолари

8.3. Корхона эмиссия сиёсатининг долзарб вазифалари ва ҳозирги замон муаммолари

8.1. Корхона ўз капиталининг таркибий тузилиши, моҳияти ва корхона молиясини бошқаришдаги аҳамияти

Корхоналар фаолиятини молиялаштиришда икки манбадан фойдаланилади. Булар:

1)ўз маблағлари;

2)қарзга олинган маблағлар (1-чизма).

Ўз маблағларининг манбаи корхона таъсисчилар томонидан киритилган ва ишлаб топилган маблағларидан ташкил топади. Уларга қуйидагилар киради: устав капитали, кўшилган ва заҳира капиталидан ҳамда тақсимланмаган фойда.


Устав капитали – таъсис ҳужжатларда белгиланган ҳиссаларнинг (пул ифодасида) йиғиндисидир. Устав капиталига ҳисса шаклида қўшиладиган моддий ва номоддии активлар таъсисчилар келишувига ёки юридик шахс ижроия органининг қарорига кўра баҳоланади ва ҳисобга олинади. Устав капитал корхона мулкини шакллантиришнинг асосий манбаи ҳисобланади. Унинг суммаси корхона уставида ёзилган бўлади ва унинг ўзгартирилиши корхона уставига ўзгартиришни киритиш ва корхоналарни рўйхатга олувчи органда қайта рўйхатдан ўтиши лозим бўлади.

Қўшилган капитал акцияларни номинал қийматидан баланд нархларда дастлабки сотишдан олинадиган эмиссия даромадини ҳамда устав капиталини шакллантиришда пайдо бўладиган курс фарқларини акс эттиради.

Захира (резерв) капитали мол-мулкни қайта баҳолаш чоғида ҳосил бўладиган инфляция захираларини, шунингдек текинга олинган мол-мулк қийматини акс эттиради. Шу билан биргаликда қонунчиликда белгиланган тартибда ва микдорда резерв капиталини

ташкил қилади. Захира (резерв) капиталини ташкил қилиш унинг миқдори ва тартиби корхона уставида ёзилган бўлиши лозим.

Тақсимланмаган фойда – фойданинг жамғарилаётганини ифодалайди ва мулкдорларнинг қарорига биноан устав капиталига қўшилиши мумкин.



8.1-чизма. **Корхоналар фаолиятини молиялаштириш манбалари**

Захиралар – ҳисобот йилида корхона томонидан келгуси харажатлар ва тўловларни амалга ошириш ва уларни ишлаб чиқараётган маҳсулот таннархига бир маромда қўшиб бориш учун ички имкониятлар ҳисобидан тузиладиган жамғармалардир. Уларга даргумон карзлар бўйича резервлар, ишчиларга меҳнат таътили учун резервлар, асосий воситаларни таъмирлаш учун резервлар ва бошқалар киради.

Мақсадли тушумлар – маълум бир мақсадлар учун келиб тушаётган пул маблағлари киради. Уларга грант, субсидия, аъзолик бадаллари, мақсадли фойдаланиш учун солиқлар бўйича имтиёзлар ва бошқалар киради.

Корхона мажбуриятлари бўлиб корхонанинг жалб қилинган маблағлари киради. Улар ўз вақтида иккига бўлинади: қисқа ва узоқ муддатли мажбуриятларга.

Жорий мажбурият сифатида қуйидагилар эътироф этилади:

- ҳисобот кунидан бошлаб 12 ой давомида ҳисоб-китоб қилинадиган мажбуриятлар;
- мажбуриятларнинг қолган моддалари жорий эмас, яъни узоқ муддатли хисобланади.

Жорий мажбуриятлар: тавсифи жорий активлар тавсифига ўхшашдир. Кредиторлик қарзи иш ҳақи, солиқлар бўйича қарзлар ва бошқа операция харажатлари бўйича қарзлар каби айрим жорий мажбуриятлар жорий активлар ҳисобидан ҳисоб-китоб қилишни талаб қилади, чунки субъектнинг одатдаги операцияси циклида фойдаланиладиган айланма маблағни ташкил этувчи моддалар бўйича мажбурий ҳисобланади. Бундай операция моддалари ҳатто ҳисобот вақтидан сўнг 12 ойдан ортиқ давр давомида ҳам ҳисоб-китоб қилиниши лозим бўлсада, жорий мажбуриятлар ҳисобида тасниф қилинади.

Жорий мажбуриятларга шунингдек банк овердрафтлари, тўланадиган дивидендлар, даромад солиқлари, савдо билан боғлик бўлмаган ўзга кредиторлик қарзлари, фоизларни тўлашни талаб қиладиган қисқа муддатли мажбуриятларнинг жорий қисми киради.

Узоқ муддатли асосда айланма маблағдан пул билан таъминланадиган, фоизни тўлашни талаб қилувчи мажбуриятлар (12 ой давомида ҳисоб-китоб қилинмайдиган мажбуриятлар) узоқ муддатли мажбуриятлар ҳисобланади.

Корхоналарда молиявий таъминот узлуксизлигини таъминлаш такрор ишлаб чиқариш жараёнининг давомийлигига хизмат қилади.

Фаолиятни молиявий таъминлаш ўз ва қарз маблағлари ҳисобига амалга оширилиши мумкин. Ўз навбатида, молиявий таъминотнинг ўз ва қарз манбалари ҳам қатор хусусиятларига кўра таснифланади. Жумладан, корхоналарнинг ўз манбалари ҳисобига молиялаштириш шакллари сифатида ички ва ташқи молиялаштириш манбалари келтирилади.

Ўз маблағларининг ички манбалари молиявий-хўжалик фаолияти жараёнида шакллантирилади ва ҳар қандай корхонада муҳим аҳамият касб этади ва ўз-ўзини молиялаштириш қобилияти сифатида баҳоланади. Шундай экан, корхона ўз молиявий талабларини тўлиқ ёки зарурий даражада қоплай олиши қўшимча капитални жалб қилиш бўйича талабнинг камайиши ва маблағлар жалб қилиш билан боғлиқ рискларни пасайтириш ҳисобига иқтисодий ўсиш учун қулай имкониятлар ва сезиларли даражада рақобатдаги устунликка эга бўлади.

Ҳар қандай тижорат корхонасида молиялаштиришнинг асосий ички манбалари сифатида соф фойда, амортизация ажратмалари, фойдаланилмаётган активларни сотиш ёки ижарага бериш ва бошқаларни келтириш мумкин.

Ҳозирги шароитда корхона ихтиёрида қолган фойдасини мустақил тақсимлайди. Фойдадан тўғри фойдаланиш корхонанинг истиқболдаги ривожланиш бўйича режаларини амалга ошириш, шунингдек, мулкдорлар, инвесторлар ва ходимлар манфаатдорлигини таъминлаш имконини беради. Умумий ҳолатда фойда қанчалик кўпроқ молиявий-хўжалик фаолиятини кенгайтиришга йўналтирилса, қўшимча молиялаштиришга бўлган талаб шунчалик камроқ бўлади. Тақсимланмаган фойда миқдори хўжалик фаолияти рентабеллиги, шунингдек, мулкдорларга тўловлар бўйича муносабатларга қаратилган корхона сиёсати (дивиденд сиёсати)га боғлиқ.

Фойдани реинвестициялашнинг афзалликлари сифатида қуйидагиларни келтириш мумкин:

- ташқи манбалардан капитал жалб қилиш билан боғлиқ харажатларнинг олди олиниши;

- мулкдорлар томонидан корхона фаолияти устидан назорат қилишнинг сақлаб қолиниши;

- молиявий барқарорликни ошириш ва ташқи манбалардан маблағлар жалб қилиш учун қулай имкониятлар юзага келиши.

Ўз навбатида, мазкур манбадан фойдаланишнинг камчиликлари сифатида кўрсаткичларнинг ўзгарувчанлиги ва чегараланганлигини, прогнозлашнинг мураккаблигини, шунингдек, корхона бошқаруви томонидан корхона фаолиятига таъсир қилувчи ташқи омиллар (бозор конъюктураси, иқтисодий сикл фазаси, талаб ва нарх ўзгариши ва бошқалар) билан боғлиқ жиҳатларни назорат қилиш имконини бермаслиги кабиларни келтириш мумкин.

Амортизация ажратмалари корхоналарда ўз-ўзини молиялаштиришнинг яна бир муҳим манбаси сифатида хизмат қилади.

Улар асосий воситалар ва номоддий активлар эскиришини ўзида акс эттириб корхона харажатларига киритилади, сотилган маҳсулот ва хизматлар ҳисобига тушган пул маблағлари таркибида мавжуд бўлади. Уларнинг асосий вазифаси асосий воситалар ва номоддий активларни қайта сотиб олиш учун имконият яратишдан ташқари такрор ишлаб чиқариш жараёнини кенгайтириш ҳам ҳисобланади.

Молиялаштириш манбаси сифатида амортизация ажратмаларининг афзаллиги шундаки, у корхонанинг ҳар қандай молиявий ҳолатида амал қилади ва ҳар доим ўз ихтиёрида қолади.

Инвестицияларни молиялаштириш манбаси сифатида амортизация миқдори кўп жиҳатдан давлат томонидан ўрнатилган тартибга, шунингдек, танланган ҳисоблаш усулига боғлиқ.

Амортизация ҳисоблашнинг танланган усули корхона ҳисоб сиёсатида қайд этилади ва асосий воситадан фойдаланиш муддати давомида қўлланилади.

Тезлаштирилган амортизация ҳисоблаш усулларини қўллаш асосий воситалардан фойдаланишнинг дастлабки йилларида амортизация ажратмаларини юқори миқдорда ҳисоблаш ва бу ўз навбатида, қўшимча айланма маблағни корхона ихтиёрида қолдириш имконини беради.

Айрим ҳолатларда фойдаланилмаётган асосий воситалар ва номоддий активларни сотиш ёки ижарага бериш ҳисобига ҳам ўз молиявий ресурсларини шакллантириш мумкин. Лекин бу амалиёт бир марталик хусусиятга эга ҳисобланади ва пул маблағларини тизимли равишда жалб қилиш имконини бермайди.

8.2. Корхона ўз капиталини шакллантириш сиёсатининг асосий вазифалари ва ҳозирги замон муаммолари

Ўз маблағларини шакллантириш сиёсати иккита асосий мақсадни кўзлайди:

1. Талаб этиладиган муомаладан ташқари активларни хусусий капитал (ўз маблағлари) ҳисобидан шакллантиришга эришиш;
2. Айланма активларнинг маълум бир қисмини хусусий капитал (ўз маблағлари) ҳисобидан шакллантиришга эришиш.

Хусусий капитал корхонанинг ўз маблағлар манбаларининг асосини ташкил этувчи кўрсаткич ҳисобланиб, унинг таркибига корхона устав капитали, заҳира капитали, қўшилган капитал ҳамда тақсимланмаган фойда (қопланмаган зарарлар) киради. Хусусий капиталнинг шаклланишида мақсадли тушумлар ва молиялаштиришлар, келгуси давр даромадлари ва тўловлар заҳиралари вақт бўйича фарқланишларда ўз аксларини топиб боради.

Масалан, келгуси давр даромадларининг тан олиниб, ҳисобга киритиш муддати бўйича жорий давр фойда-зарарига киритилиши ва якунида тақсимланмаган фойда ёки хусусий капиталнинг бошқа қаторларида ифодаланиши шулар жумласидандир.

Хусусий капитални шакллантириш корхона умумий молиявий стратегиясининг таркибий қисмини ташкил этади ва унинг ишлаб чиқариш ҳамда тижорат фаолиятини пул маблағлари билан таъминлашга хизмат қилади. Хусусий капитални шакллантиришнинг асосий мақсадлари:

– хусусий капитал ҳисобига талаб этиладиган асосий восита (узоқ муддатли актив)лар ҳажмини яратиш. Ушбу кўрсаткични аниқлаш учун давр (чорак, йил) охирига баланс бўйича узоқ муддатли активлар қийматидан узоқ муддатли активларни молиялаштириш учун фойдаланиладиган узоқ муддатли мажбуриятларни чегириб ташлаймиз.

– хусусий капитал ҳисобига талаб этиладиган жорий активлар ҳажмини яратиш. Ушбу кўрсаткични аниқлаш учун жорий активлардан жорий активларни молиялаштириш учун йўналтирилган узоқ муддатли мажбуриятларни ва жорий активларни қоплаш учун йўналтирилган жорий мажбуриятларни чегирамиз.

Таҳлил этишда хусусий капиталнинг ҳолати ва таркиб ўзгаришларига, унинг сабабларига, хусусий капитал билан боғлиқ бўлган молиявий кўрсаткичлар тизимига эътибор берилади ҳамда шу асосда хусусий капиталнинг устиришнинг имкониятлари ва йўналишлари белгиланади. Хусусий капитални шакллантириш корхона умумий молиявий стратегиясининг таркибий қисмини ташкил этади ва унинг ишлаб чиқариш ҳамда тижорат фаолиятини пул маблағлари билан таъминлашга хизмат қилади. Хусусий капитални шакллантиришнинг асосий мақсадлари:

– хусусий капитал ҳисобига талаб этиладиган асосий восита (узоқ муддатли актив)лар ҳажмини яратиш. Ушбу кўрсаткични аниқлаш учун давр (чорак, йил) охирига баланс бўйича узоқ муддатли активлар қийматидан узоқ муддатли активларни молиялаштириш учун фойдаланиладиган узоқ муддатли мажбуриятларни чегириб ташлаймиз.

– хусусий капитал ҳисобига талаб этиладиган жорий активлар ҳажмини яратиш. Ушбу кўрсаткични аниқлаш учун жорий активлардан жорий активларни молиялаштириш учун йўналтирилган узоқ муддатли мажбуриятларни ва жорий активларни қоплаш учун йўналтирилган жорий мажбуриятларни чегирамиз.

Ўз капиталини шакллантириш сиёсати корхонанинг ўз-ўзини молиялаштириш учун йўналтирилган бўлади.

Ушбу сиёсат қуйидаги асосий босқичлардан ташкил топади:

– Базис даврида ўз капитали (хусусий капитали)нинг шаклланиши ва фойдаланишини таҳлил қилиш;

– Кейинги (башорат қилинаётган) давр (чорак, йил)да хусусий капиталга бўлган умумий талабни аниқлаш. Ушбу кўрсаткич қуйидагича аниқланади:

$$Псфр = (Пк*Уск)/100 – СКн + Пр.$$

Бу ерда: Псфр - Кейинги (башорат қилинаётган) давр (чорак, йил)да ХМРга бўлган умумий талаб.

Пк – режалаштирилаётган давр охирига капиталга бўлган умумий талаб;

Уск – хусусий капиталнинг умумий ҳажми таркибида режалаштирилаётган қисмининг солиштирма оғирлиги;

СКн – хусусий капиталнинг режалаштирилаётган давр бошидаги миқдори;

Пр – режалаштирилаётган даврда реинвестициялашга йўналтирилаётган фойда миқдори.

– Турли манбалардан хусусий капитални жалб қилиш қийматини баҳолаш;

– Хусусий капитални ички ва ташқи манбалардан жалб қилишнинг максимал ҳажмини таъминлаш;

– Хусусий капитални ички ва ташқи манбалардан шакллантиришнинг нисбатини оптималлаштириш.

Ўз маблағларини шакллантириш сиёсатининг қай даражада самарали ишлаб чиқилганлиги барқарор иқтисодий ўсиш коэффициенти орқали аниқланади. Ушбу коэффициент ҳисобот даврида корхона хусусий капиталининг ўртача ўзгариш суръатини акс эттиради.Ушбу коэффициент қуйидагича ҳисобланади:

$$\text{Киў} = \frac{\text{Реинвестиция қилинган фойда}}{\text{Хусусий капиталнинг ўртача йиллик қиймати}}$$

$$\text{Киў} = \frac{\text{Соф фойда} - \text{дивиденд тўловлари}}{(\text{Йил бошига хусусий капитал миқдори} + \text{йил охирига хусусий капитал миқдори}) * 1/2}$$

Корхонада ўз маблағларини оқилона шакллантириш қуйидагиларни таъминлашга хизмат қилади:

- Йўл қўйилган молиявий риск даражасида фойда массасини максималлаштириш;
- Соф фойдани ишлаб чиқаришни ривожлантириш ва дивиденд тўлаш учун оқилона тақсимлаш;
- Самарали амортизация сиёсатини ишлаб чиқиш;
- Самарали эмиссия сиёсатини ишлаб чиқиш ёки қўшимча капитални жалб қилишга эришиш.

8.3. Корхона эмиссия сиёсатининг долзарб вазифалари ва ҳозирги замон муаммолари

Корхона эмиссия сиёсати корхона хусусий капиталини бошқариш умумий сиёсатининг таркибий қисми бўлиб, у акциядорлик жамиятлари хўжалик шаклининг ташқилий-ҳуқуқий шаклига хос бўлиб ҳисобланади. Эмиссия сиёсатининг мақсади корхона молиявий стратегиясида белгиланган вазифаларни бажариш учун талаб этиладиган молиявий ресурслар (ўз молиявий маблағлари)ни фонд бозори (қимматли қоғозлар бозори)дан жалб қилишдан иборат. Қимматли қоғозлар эмиссияси уларни дастлабки

эгалар (инвесторлар) - юридик ва жисмоний шахсларга сотиш йўли билан қимматли қоғозларни муомалага чиқаришдир.

Эмиссия:

– акциядорлик жамияти таъсис этилиб, акциялар унинг муассасалари ўртасида тарқатилган тақдирда;

– акциядорлик жамиятининг дастлабки устав сармояси (фонди) миқдори акциялар чиқариш йўли кўпайтирилган тақдирда;

– юридик шахслар, давлат томонидан, давлат ҳокимияти ва бошқарув органлари томонидан заём сармояси облигациялар ва бошқа қарз мажбуриятлари чиқариш йўли билан жалб этилган тақдирда корхоналарнинг қарз мажбуриятлари ўзаро умумреспублика кўламида тўланган тақдирда амалга оширилади.

Қимматли қоғозларни чиқарувчи эмитент, шунингдек у билан келишиб туриб қимматли қоғозларни дастлабки эгаларига сотувчи инвестиция муассасалари ҳар бир харидорга мазкур қоғозларни харид этиш пайтига қадар сотиш шартлари ва эмиссия рисоласи билан танишиб чиқиш имкониятини таъминлашлари шарт. Эмиссия рисоласи эмитент тўғрисидаги, сотишга ҳавола этилаётган қимматли қоғозлар ҳақидаги, қимматли қоғозларни чиқариш таомили ва тартиби тўғрисидаги маълумотларни ҳамда харидорнинг мазкур қимматли қоғозларни сотиб олиш ёки бундай хариддан воз кечишга қарор қилишига таъсир этиши мумкин бўлган бошқа хил ахборотларни акс эттиради. Давлат корхоналари очиқ турдаги акциядорлик жамиятларига айлантирилганда эмиссия рисоласини тасдиқлаш Ўзбекистон Республикаси Давлат мулкини бошқариш ва тадбиркорликни қўллаб -қувватлаш давлат қўмитаси томонидан Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги ҳузуридаги Қимматли қоғозлар ва фонд биржалари давлат комиссияси билан биргаликда амалга оширилади. Эмиссия рисоласини чиқариш, уни рўйхатга олиш тартибини, шунингдек эмиссия рисоласида эълон қилиниши шарт бўлган маълумотлар рўйхатини Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги ҳузуридаги Қимматли қоғозлар ва фонд биржалари давлат комиссияси белгилайди. Банклар учун уларнинг эмиссия рисолаларида қамраб олиниши лозим бўлган маълумотлар рўйхатини Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги Ўзбекистон Республикаси Марказий банки билан келишиб туриб белгилайди. Очиқ ёзилиш учун ҳавола этилаётган қимматли қоғозларнинг эмиссия рисоласини эмитент Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги ҳузуридаги Қимматли қоғозлар ва фонд биржалари

давлат комиссиясига тақдим этади ва у рўйхатга олингандан сўнг, мазкур қимматли қоғозларга ёзилиш бошланишидан камида ўн кун олдин матбуотда, шунингдек фонд биржасининг махсус нашрида албатта эълон қилиниши керак.

Очиқ сотувга ҳавола этилаётган акцияларни корхоналарнинг облигацияларини чиқаришга оид ахборотларда бирон -бир ўзгаришлар юзага келган ҳолларда қимматли қоғозларни чиқарувчи эмитент содир бўлган ўзгаришлар тўғрисидаги хабарни мазкур қимматли қоғозларга ёзилиш бошлангунига қадар эълон қилмоғи керак. Акциялар, корхоналарнинг облигацияларини чиқаришга оид эълон қилинган ахборотдаги маълумотлар нотўғрилиги аниқланган тақдирда Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги ҳузуридаги Қимматли қоғозлар ва фонд биржалари давлат комиссиясига бу қимматли қоғозларни чиқарувчи эмитент мазкур ахборотга тегишли ўзгартишлар киритмагунига қадар уларнинг тарқатилишини тўхтатиб туриш ҳуқуқига эга. Эмиссияни рўйхатга олиш учун тақдим этиладиган эмиссия рисоласидаги маълумотларнинг тўғрилиги юзасидан жавобгарлик эмитентнинг зиммасида бўлади. Қимматли қоғозларни чиқариш тўғрисидаги эмиссия рисолалари рўйхатга олинмагунига қадар қимматли қоғозларни оммавий ахборот воситаларида реклама қилиш тақиқланади.

Эмитент ўзининг молия-хўжалик аҳволи ва фаолиятининг натижалари тўғрисида жамоатчиликка ҳар йили камида бир марта ахборот бериши (матнда бундан кейин йиллик ҳисобот деб юритилади) шарт. Йилнинг ҳисобот ҳисобот йилидан кейинги йилнинг 1 апрелидан кечикмай эълон қилинади ҳамда эгаси ёзилган акциядорларга ва Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги ҳузуридаги Қимматли қоғозлар ва фонд биржалари давлат комиссиясига юборилади.

Йиллик ҳисоботда эмитент тўғрисида қуйидаги маълумотлар келтирилиши лозим:

–унинг олдинги йилги хўжалик фаолияти натижалари тўғрисидаги ахборот;

–молиявий аҳвол тўғрисидаги аудитор тасдиқлаган маълумотлар, шунингдек олдинги йилги балансlар ва аудиторнинг ҳисоботи;

–қўшимча чиқарилган қимматли қоғозлар тўғрисидаги асосий маълумотлар;

– мансабдор шахслар шахсий таркибидаги ўзгартишларга доир асослар.

Эмитент ўз хўжалик фаолиятида содир бўлган ҳамда қимматли қоғозларнинг қийматига ёки улар юзасидан олинадиган даромадлар миқдорига таъсир этувчи ўзгаришлар, хусусан:

– қимматли қоғозларга бўлган ҳуқуқлар ўзгарганлиги;

– мансабдор шахслар шахсий таркибида ўзгаришлар рўй берганлиги;

– эмитентнинг банкдаги счётлари хатланганлиги;

– соғломлаштириш (эмитентнинг молиявий ҳолатини соғломлаштиришга қаратилган тадбирлар мажмуини амалга ошириш) ҳаракатлари бошланганлиги;

– эмитент фаолияти қайта ташкил этилганлиги, тўхтатиб қўйилганлиги ёки тугатилганлиги;

– фавқулодда ҳолатлар оқибатида эмитент мол-мулкининг камида 10 фоизи нобуд бўлганлиги;

– эмитент мол-мулкининг 10 фоизидан ортиқ миқдорда эмитентга нисбатан даъво қўзғатилганлиги;

– Устав фонди ёки эмитент асосий ва муомаладаги маблағлари қийматининг 50 фоизидан ортиқ миқдорда қарз олинганлиги ёки қимматли қоғозлар эмиссия қилинганлиги тўғрисидаги ахборотларни икки кун ичида Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги ҳузуридаги Қимматли қоғозлар ва фонд биржалари давлат комиссиясига юбориши, шунингдек мазкур ўзгаришларга оид ахборотларни эълон қилиши шарт.

Башарти эмитент акциялари фонд биржасида муомалада юрса, у мазкур ахборотларни биржага кўрсатилган муддатда тақдим этиши шарт. Эмитент ўзи ҳақида қимматли қоғозлар қийматига ёки улар юзасидан олинадиган даромад миқдорига таъсир этиши мумкин бўлган нотўғри маълумотлар эълон қилинган тақдирда беш иш куни мобайнида бу маълумотларни тузатиш чораларини кўриши шарт. Эмиссия турлари Қимматли қоғозларни муомалага чиқариш (эмиссия) қуйидаги кўринишларда амалга оширилиши мумкин:

– оммавий эълон бермай, реклама кампанияси ўтказмай, эмиссия рисоласини эълон қилмай ва рўйхатда ўтказмай олдиндан маълум чекланган миқдордаги инвесторлар орасида хусусий йўсинда тарқатиш;

– эмиссия рисоласини эълон қилиб ва рўйхатдан ўтказиб, чекланмаган миқдордаги инвесторлар орасида очиқ савдо ўтказиш.

Юқорида айтиб ўтилган ҳолларнинг хар бирида Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги ҳузуридаги Қимматли қоғозлар ва фонд биржалари давлат комиссияси эмиссияларнинг энг кам ва энг кўп миқдорларини белгилаб беради. Эмиссия рисоласини рўйхатдан ўтказганлик учун олинадиган йиғим Қимматли қоғозлар эмиссия рисоласини рўйхатдан ўтказиш чоғида эмитент эмиссия номинал қийматининг 0,1 фоизи миқдорида республика бюджетига йиғим тўлайди. Давлат корхоналари акциядорлар жамиятларига айлантирилганида бирламчи эмиссия рисоласини рўйхатдан ўтказганлик учун йиғим олинмайди. Қимматли қоғозларни тарқатиш Эмитентлар ўзи чиқарган қимматли қоғозларни мустақил равишда, комиссион ҳақ эвазига банклар, инвестиция компаниялари, молия брокерлари орқали сотиш ҳуқуқига эга.

Инвестиция компаниялари эмитент билан келишиб туриб қимматли қоғозларни қуйидаги шартлар асосида чиқаришга кафил ва ташкилотчи бўлишлари мумкин:

– кейинчалик бошқа инвесторларга сотиб юбориш мақсадида барча чиқарилган қимматли қоғозларни қайд этилган баҳосида ўз ҳисобларидан сотиб олишлари;

– чиқарилган қимматли қоғозларнинг белгиланган муддат давомида чет инвесторлар ўртасида жойлаштиролмай қолган қисмларини ўз ҳисобларидан сотиб олишлари.

Инвестиция компаниялари ва молия брокерлари тарқатолмай қолган қисмларини сотиб олиш мажбуриятини зиммаларига олмай туриб қимматли қоғозларни эмитент номидан чет инвесторларга сотиш тўғрисида эмитент билан дистрибьютер шартномалари тузишлари мумкин.

Таянч сўз ва иборалар

Ўз капитали, эмиссия сиёсати, устав капитали, қўшилган капитал, тақсимланмаган фойда, молиявий маблағлар, баланс ликвидлиги, заҳира капитали.

Ўз-ўзини текшириш учун саволлар

1. Корхоналарда ўз капиталини таркиби нималардан иборат?
2. Муддати ўтган дивидентлар нима?
3. Корхона ўз капиталини шакллантириш сиёсатининг асосий

вазифалари нималардан иборат?

Топшириқлар

1. Корхона ўз капиталини шакллантириш сиёсатининг ҳозирги замон муаммолари ўрганиб чиқинг.

2. Бирон бир корхона танлаб унинг ўз капитали таркибини ўрганиб чиқинг.

IX БОБ. КОРХОНАЛАРДА ХОРИЖИЙ КАПИТАЛНИ ЖАЛБ ЭТИШ

9.1. Корпоратив корхоналарга хорижий банк кредитларини жалб этиш

9.2. Кредит ноталари

9.3. Еврооблигацияларни муомалага чиқариш

9.4. Акцияларни очиқ обуна тартибида халқаро фонд биржаларида жойлаштириш

9.1. Корпоратив корхоналарга хорижий банк кредитларини жалб этиш

Хорижий капитални жалб қилиш шакллари хилма-хилликка эга. Бугунги кун амалиётида кенг миқёсда қўлланилаётган шакллар сифатида қуйидагиларни келтириш мумкин:

- хорижий банк кредитларини жалб қилиш;

- қарз муносабатини англатувчи қимматли қоғозларни хорижда жойлаштириш;

- акцияларни халқаро фонд биржаларида жойлаштириш ва бошқалар.

Хорижий капитални жалб қилишнинг келтириб ўтилган усуллари хусусида қисқача тавсиф бериб ўтамиз.

Бугунги кунда компаниялар лойиҳаларни амалга ошириш учун хорижий банклардан узоқ муддатли кредитлар жалб қилади.

Хорижий кредитларнинг кенг тарқалиши зарур миқдордаги молиявий ресурсларни нисбатан паст фоиз ставкаларида жалб қилиш имконияти билан изоҳланади. Хорижий банклар томонидан одатда, сузиб юрувчи фоиз ставкалари қўлланилади. Бунда асос сифатида баъзи индикатив ҳар кунлик ўзгарувчан ставкалар, масалан ЛИБОР (London Interbank Offered Rate – Лондон банкларараро ўртача фоиз ставкаси), ПИБОР (*Paris Interbank Offer Rate* – Париж банкларараро ўртача фоиз ставкаси), АҚШ базис ставкаси (*prime rate*) ва бошқалар олиниб, уларга индивидуал мукофот суммалари қўшилади. Банкнинг индивидуал мукофот миқдори 0,5 фоиздан 5 фоизгача амал қилади.

Ҳар қандай корхона хорижий кредитлар олиш учун хорижий банкка ёки унинг ваколатхона, бўлинма, филиалларига мурожаат қилиши мумкин.

Банклар ҳудудий жойлашувидан қатъий назар қарз олиш учун қуйидаги мажбурий талаблар амал қилади:

- молиялаштириладиган лойиҳанинг асосланган бизнес-режаси мавжудлиги;

- халқаро стандартлар асосида тузилган молиявий ҳисоботлар тақдим этиш;

- дунёга машҳур, масалан “катта тўртталик”ка кирадиган аудиторлик ташкилотлари хулосалари;

- юқори даражадаги рентабеллик ва қатъий белгиланган молиявий кўрсаткичларнинг таъминланганлиги;

- корхона молиявий-хўжалик фаолияти ва ташкилий тузилишининг шаффофлиги ва бошқалар.

Қайд этиб ўтиш керакки, ҳозирги кунда аксарият хорижий банклар мамлакатимизда фаолият юритаётган дунёга машҳур бўлган корхоналаргагина кредит ажратишга тайёр.

Халқаро амалиётда хорижий кредитлар синдикатли кредитлар шаклида жалб қилинади. Қарз олувчига тақдим этиладиган синдикатли кредитлар хорижий кредитлар амалиётида ҳам рискларни камайтириш имконини беради. Бу жараёнда қарз тақдим этиш тўғрисидаги аризани қабул қилган банк шакллантириладиган синдикатни бошқаради. Бундай кредит қиймати фоиз ставкасидан ташқари одатда умумий кредит суммасининг 0,5 фоизидан 2 фоизигача миқдорда белгиланадиган синдикат комиссия тўловини ҳам ўз ичига олади. Молиялаштиришнинг мазкур шакли кенг кўламли лойиҳаларни амалга оширувчи йирик қарз олувчи компаниялар учун жуда қулай. Хорижий экспертларнинг баҳолаши бўйича дунё миқёсида 80 фоизга яқин йирик лойиҳалар айнан синдикатли кредитлардан фойдаланиш орқали молиялаштирилади.

Шундай қилиб, синдикатланган кредит бу қарз олувчига тенг ёки тенг бўлмаган акциялар бўйича битимда қатнашган, аммо барча кредиторлар учун бир хил шартларда ишлайдиган икки ёки ундан ортиқ кредиторлар (кредиторлар синдикати) томонидан бериладиган қарздир. Синдикатлаштирилган кредитлашнинг ўзига хос хусусиятлари қуйидагилардан иборат: бу кредит битими; битимда қатнашган бир нечта кредиторлар; барча кредиторлар ҳамма учун умумий бўлган шартлар асосида ҳаракат қиладилар. Шу билан бирга, синдикатлаштирилган кредит олишнинг яна бир варианти бор - битта ссуда берувчи бир вақтнинг ўзида бир нечта қарз олувчиларга ссуда беради.

Шуни қайд этиш керакки, синдикатлаштирилган кредитнинг иқтисодий ва ташкилий хусусиятлари, шунингдек уни кредитлашнинг бошқа шакллари ёки усулларидан фарқлари бир қатор муаллифлар асарларида алоҳида мавзу мавзуси бўлган.

Синдикатлашган кредит, вақтинча мавжуд бўлган маблағларини вақтинча бирлаштирадиган молиявий институтлар гуруҳи (ҳам банклар, ҳам банк бўлмаган молия институтлари) сифатида фаолият кўрсатадиган кредиторларнинг ўзига хос хусусиятларига асосланган. Бу синдикатлаштирилган кредитни бошқа кредит турларидан ажратиб турадиган хусусияти. Муаллиф синдикатлашган ссудани битта кредит шартномаси доирасида молия институтлари гуруҳи томонидан биргаликда кредит беришни назарда тутувчи кредит шакли сифатида белгилайди.

Синдикатлаштирилган кредит тижорат ва инвестиция банкларининг гибридидир.

Синдикация қилинган кредит ҳажми фақат заём билан таққосланади. Капитални жалб қилишнинг турли усулларини таққослаш шуни кўрсатдики, синдикатлаштирилган кредит - бу ёпиқ (банк кредити) ва очиқ (корпоратив облигациялар) молиялаштириш турининг энг яхши комбинациясидир.

Синдикацияни битта кредит олувчига шартнома асосида махсус яратилган банклар синдикати томонидан бериладиган синдикатлаштирилган кредитдан кредитни ташкил қилиш усули сифатида ажратишни таклиф қилади. Синдикатлаштирилган кредитнинг асосий ўзига хос хусусияти шундан иборатки, унинг ёрдами билан кредит олувчилар жуда катта миқдордаги маблағни олишади, бунда ҳеч бир банк риск туғдирмайди ёки қила олмайди ва шу сабаб кредит беришнинг шаклида кредит беради.

Синдикатлаштирилган кредитнинг қуйидаги хусусиятлари ва бошқа ссуда шаклларидан фарқлари ажратиб кўрсатилади:

- кредитор банклар орасида ҳар доим синдикатни ташкил қилувчи ва бутун жараённи мувофиқлаштирувчи ташкилий банк ва клиринг палатаси сифатида ишлайдиган агент банк мавжуд, ташкилий банк ҳисоб-китоб марказининг вазифаларини ўз зиммасига олиши мумкин;
- ссудадан фойдаланганлик учун фоизлардан ташқари қарз олувчи банкларга синдикатлаштирилган кредитни расмийлаштириш учун ҳақ тўлайди;

- ҳар бир иштирокчи банк ўз мажбуриятлари доирасида синдикатда ҳаракат қилади;
- агар қарз берувчилардан бири кредитнинг бир қисмини бериш мажбуриятини қарз олувчи томонидан молиялаштириш шартлари бажарилишига қарши бажармаган бўлса, унда синдикатнинг бошқа иштирокчилари бундай мажбурият учун жавобгар бўлмайди;
- қарз олувчининг банкка молиялаш тўғрисида ариза билан мурожаат қилган сана ва синдикатланган кредитлар ҳолатида ҳақиқий кредит бериш муддати ўртасидаги муддат анъанавий кредитлаш билан солиштирганда анча узоқроқ;
- қоида тариқасида, синдикатлаштирилган кредитнинг миқдори одатий қарз миқдоридан бир неча баравар кўп.

Хорижий амалиётда глобал синдикатлаштирилган кредитлаш бозорининг 75 фоизи тижорат ташкилотларига берилган кредитлардир. Бундай кредитларни қарз олувчилар, қоида тариқасида, барқарор ишбилармонлик ва молиявий аҳволга эга бўлган йирик саноат компаниялари, ижобий кредит обрўсига эга, чунки бундай кредит олишнинг асосий сабаби - бу кредит миқдорини битта банкдан олиш мумкин бўлган миқдордан кўпроқ. Кредит олувчи - лойиҳа учун махсус яратилган компания (бундай ҳолларда кредиторлар таъсисчилар, кафиллар ёки кафиллар, пудратчилар ва айниқса лойиҳанинг ўзи) обрўсига эътибор беришлари керак бўлган узоқ муддатли сармоявий лойиҳаларни синтетик кредитлаш ҳам мавжуд.

Олимлар ва амалиётчилар Ўзбекистонда синдикатлаштирилган кредитлаш бозорининг ривожланиш даражаси ва истиқболлари борасида турлича фикрларга эга. Деярли барча фикрлар битта нарсани - унинг ривожланишига халақит берадиган фундаментал муаммолар мавжуд бўлса, улар орасида қуйидаги муаммоларни ажратиб кўрсатиш мумкин:
- синдикатлаштирилган кредитлаш тартибининг мукаммал эмаслиги ва мураккаб қўшма лойиҳаларни ташкил этишда умумий услубий ёндашувнинг заифлиги;
- тижорат банкларининг нисбатан ўзаро ишончнинг доимий равишда тақчиллиги;
- республика ҳуқуқий амалиётида синдикация процедуралари, ахборотнинг шаффоф эмаслиги;
- республика молия бозорида синдикация билан боғлиқ бизнес амалиёти камлиги.

Кредитлашнинг ушбу шакли мамлакатда нисбатан янги ҳолатдир. Фикримизча, республика тижорат банкларида барқарор узоқ муддатли ресурсларга эҳтиёж юқори бўлиб, халқаро банк-молия институтлари ва ривожланган давлатлар банклари билан шериклигининг етарли даражада эмаслиги, тижорат банкларини синдициялашган кредитлашда иштирок этишда халқаро стандартлар асосида меъёрларни татбиқ қилишдаги қатор муаммоларнинг мавжудлиги, тижорат банкларида риск менежментининг етарли даражада такомиллашмаганлиги, синдициялаштирилган кредитлашни рағбатлантирувчи инфраструктуранинг тўлақонли шакллантирилмаганлиги, қимматли қоғозлар бозори фаолиятининг сустлиги каби бир қатор омиллар мамлакатимизда инвестиция лойиҳаларини синдициялаштирилган кредитлар ҳисобига молиялаштиришнинг методологик ва концептуал асосларини такомиллаштиришни тақоза этади.

Тижорат банклар амалиётида синдициялаштирилган кредитлашни тартибга солишга йўналтирилган Ўзбекистон Республикаси Марказий банк бошқарувининг Қарори билан тасдиқланган “Тижорат банклари томонидан йирик инвестиция лойиҳаларини синдициялаштирилган кредитлашни амалга ошириш тартиби тўғрисида низом”ни қайд этиш мумкин.

Мазкур Низомда синдициялаштирилган кредитлашни бир қатор тушунчаларига таърифи берилган:

- синдициялаштирилган кредит — бир неча банклар томонидан йирик инвестиция лойиҳаларини биргаликда кредитлаш;
- йирик инвестиция лойиҳаси — умумий қиймати тижорат банкларининг биринчи даражали капиталининг 25 фоизидан ошадиган инвестиция лойиҳаси;
- банк синдикати — синдициялаштирилган кредит бериш борасида икки ёки ундан ортиқ банклар ўртасида ўзаро келишув;
- етакчи банк — синдициялаштирилган кредитлаш ташаббуси билан чиққан ва зиммасига иштирокчи-банклар номидан кредит ҳужжатларини юритиш масъулияти юклатилган қарз олувчининг асосий талаб қилиб олингунча депозит ҳисобварағига хизмат кўрсатувчи банк;
- иштирокчи банк — синдициялаштирилган кредит беришда қатнашувчи банк.

Ушбу таърифлардан келиб чиққан ҳолда, синдикатлашган кредитлашни - бу битта ёки битта қарз олувчига синдикатда

бирлаштирилган икки ёки ундан ортиқ кредиторлар томонидан бериладиган кредит тури сифатида эътироф этиш мумкин. Синдикатлашган кредитлашни асосий хусусияти - кредит миқдори ва рискларларни иштирок этувчи банклар ўртасида тақсимланиши учун бир нечта кредиторларнинг мавжудлигидадир. Демак, синдикат - бу капитални кўп талаб қиладиган лойиҳани амалга ошириш учун синдикатли кредит бериш учун умумий келишув асосида банкларнинг вақтинча бирлашмаси бўлиб ҳисобланади.

Тижорат банкларида синдикатлашган кредитлашнинг хусусий жиҳатдари банк синдикати қарз олувчи олдида биргаликда ва жиддий жавобгар ҳисобланишида кўринади. Чунки, бир вақтнинг ўзида синдикат маълум бир қарз олувчига кредит бериш мақсадида вақтинча бўш кредит ресурсларини бирлаштиради. Бундай комбинация доирасида узоқ муддатли кредитлаш билан боғлиқ риск иштирокчилар ўртасида тақсимланади, бу эса иштирок этувчи банкларга ўзларининг ликвид заҳираларини паст даражада ушлаб туриш имконини беради.

Банк синдикатининг шакллантиришига бир қатор сабаблар тўртки бўлиши мумкин:

- одатда, йирик капитал талаб қиладиган лойиҳаларни молиялаштириш учун зарур бўлган турли банкларнинг вақтинча бўш пул маблағларини бирлаштириш;
- синдикатга киритилган банклар ўртасида тузилган кредит битимидаги улушларига мувофиқ рискларларни диверсификация қилиш;
- ва ниҳоят фойда олиш имконияти.

Синдициялаштирилган кредитни бериш қарз олувчи ва иштирокчи банклар ўртасида тузиладиган кредит шартномаси асосида амалга оширилади ҳамда синдикатлашган кредит бериш муддати йирик инвестиция лойиҳаларини қопланиш муддатига боғлиқ ҳолда кредит шартномасида белгиланади. Синдициялаштирилган кредитдан фойдаланганлик учун фоиз ставкаси миқдори синдикатлашган кредит тўғрисидаги келишув шартларига кўра, қарз олувчи ва иштирокчи банклар ўртасида тузиладиган кредит шартномаси асосида белгиланади.

Синдикат (sindicate) ўзаро шартномалар асосида турли мамлакатлардаги банкларнинг йирик миқдордаги суммада кредит бериш мақсадида ўзаро ҳамкорлигидир. Бир қарз олувчининг кредитга бўлган эҳтиёжи банк учун белгиланган лимитлардан ошиб

кетиши мумкин. Бундай ҳолатларда бир неча банклар ўз маблағларини қўшиб (синдикат ҳосил қилиб) мижозларга синдициялаштирилган кредитлар беришади. Бу кредитни бошқа кредитлардан ажратиб турувчи жиҳати бунда бир нечта кредит берувчи бўлади ва шунга мувофиқ кредит риски ҳамда суммаси ҳам бир нечта иштирокчи банкларга бўлиниб кетади. Банк синдикатида ҳар доим етакчи ўрин тутувчи - ташкил етувчи банк мавжуд бўлади. Етакчи банк иштирокчи банкларни жалб қилиш ҳамда синдициялаштирилган кредитларни бериш билан боғлиқ бўлган барча жараёнларни ўз зиммасига олади. Бу жараёнларга эса қарз олувчи ҳақида ахборот тайёрлаш, банкларни банк синдикатида иштирок этишга жалб қилиш ҳамда улар билан музокаралар олиб бориш кабилар киради.

Шу жиҳатдан олганда, синдикатлашган кредитлашнинг моҳияти, кредитнинг махсус тури ёки шакли сифатида, икки ёки ундан ортиқ банклар (банклар синдикати) қарз олувчи билан қарзни тўлаш, мақсадли фойдаланиш шартлари асосида кредит шартномасини муддатлилиик ва таъминот,

Бироқ, экспертларнинг аксарияти синдикацияланган кредитларни қарз бериш шакли сифатида эмас, балки кредит бериш усули сифатида кўриб чиқадилар. Бу шуни англатадики, кредитларнинг ҳар хил шакллари синдикат сифатида ажратилиши мумкин. Бу лизингни молиялаштиришга (алоҳида лизинг деб аталадиган - лизинг деб аталадиган), аккредитивларни тасдиқловчи кредит линияларини очишга, банкнинг қарши кафолатларига, савдо кредитларига, лойиҳаларни молиялаштиришга ва бошқалар. Лойиҳани молиялаштириш, қоида тариқасида, сезиларли миқдордаги молиялаштиришни ўз ичига олади. молиявий ташкилотлар, шу жумладан тижорат, инвестиция банклари, лизинг компаниялари ва бошқалар. Бошқача қилиб айтганда, у деярли ҳар доим ташкил этилган тарзда синдикациялаш қилинади.

Шу бирга синдикациялашган кредитлар баъзи хусусиятларни кичик ва ўрта бизнесга бериладиган оддий кредитлар билан мос келади. Кредитларнинг ҳар иккала турида ҳам етакчи банклар ва қарз олувчилар қайта-қайта ўзаро таъсир ўтказиш орқали ўзаро муносабатларни ўрнатадилар.

Савдо кредитлари, лойиҳавий молиялаш, оддий кредитлар (умумий эҳтиёж учун), лизинг, кредит линиялари ва аккредитивлар ҳам синдикатланиши мумкин. Яна бир бор таъкидлаш лозим, бу

тартибдаги кредитлашда оддий кредитлашдан фарқли ўлароқ бир нечта кредитор иштирок этади. Ва ушбу кредитлаш тури орқали қарз олувчилар ўзлари учун жуда муҳим бўлган йирик миқдордаги кредитларни олишга муваффақ бўлишади.

Демак, синдикатлашган кредитнинг асосий хусусияти, бошқалардан фарқли ўлароқ, бир нечта кредиторларнинг мавжудлиги бўлиб, кредит миқдори ва таваккалчиликлар иштирок этувчи банклар ўртасида тақсимланади. Корхоналар (фирмалар) ва банклар синдикатланган (ёки консорциум) кредит маблағлари ҳисобидан, қоида тариқасида ташқи иқтисодий фаолият, шунингдек инвестиция соҳаси билан боғлиқ эҳтиёжларни, энергия, экология, хом ашё қазиб олиш, илмий ишлаб чиқариш каби соҳаларда кенг кўламли чора-тадбирларни амалга оширади. -техник ишланмалар ва бошқалар. Савдо кредитлари, лойиҳаларни молиялаштириш, оддий кредитлар (умумий корпоратив эҳтиёжлар учун), лизинг операциялари, кредит линиялари, аккредитивлар синдикатлаштирилиши мумкин ва мавжуд қарз ҳам қайта молиялаштирилиши мумкин.

Синдикат аъзолари ўртасидаги муносабатлар синдикат келишуви (сйндицате агреэмент), йирик кредит бериш мақсадида синдикат иштирокчиларини бирлаштирувчи юридик кучга эга бўлган ҳужжат орқали тартибга солинади. Синдициялаштирилган кредит аъзолари ичида асосий ўринни синдикат ташкилотчиси (сйндицате аррангер) эгаллайди. Синдикатда яна агент-банк ҳам муҳим роль ўйнайди. Кўп ҳолларда агент-банк сифатида синдикат ташкилотчисининг ўзи намоён бўлади. Шундай қилиб, синдициялаштирилган кредитлар фақат юридик шахсларга берилади. Тижорат банклари томонидан синдициялаштирилган кредитлаш бошқа кредитлар каби қайтарувчанлик, тўловчанлик, таъминланганлик, муддатлилик ва мақсадли фойдаланиш шартлари асосида амалга оширилади.

Ҳукумат кафолати билан олинадиган халқаро кредитлар ролининг ошиб бораётганлиги синдикатли кредитларни жалб этиш ва фойдаланишни давлат томонидан тартибга солишни янада такомиллаштириш бўйича кескин чоралар кўрилишини тақозо этади. Синдикатли кредитларни янги лойиҳаларга кенг жалб қилиш билан экологик тоза ва илғор технологиялар, энг янги техника ва ускуна-жиҳозларни жорий қилиш, меҳнатни оқилона ташкил этиш ҳисобига саноатни жадал ривожлантиришга эришиш мумкин.

Уларни жалб этишни, бизнинг назаримизда, синдикатли кредитларни жалб қилиш ва улардан фойдаланиш бўйича узоқ муддатли мақсадли дастурларга мувофиқ олиб бориш зарур. Бунда устувор секторлар, илм талаб ва капитал талаб тармоқлар ва синдикатли кредитларни ўзлаштириш иштирокчиларнинг ҳуқуқ ва мажбуриятларини белгилаш билан боғлиқ тадбирларни назарда тутиш зарур.

Бугунги кунда тармоқлар ва худудларни модернизация қилиш, уларнинг рақобатбардошлик даражасини ошириш, экспорт салохиятини ривожлантириш масалалари устивор вазифалардан ҳисобланади. Айнан ушбу вазифаларни бажаришда синдикатли халқаро кредитлардан фойдаланиш механизмини такомиллаштириш мақсадга мувофиқдир. Бизнинг фикримизча республикамиз минтақаларида синдикатли халқаро кредитларни жалб этишнинг илмий жиҳатдан асосланган Стратегиясини ишлаб чиқиш лозим.

Худудларда синдикатли кредитларни жалб қилишни кучайтириш маҳаллий ҳокимият бошқарув органларидан қуйидаги йўналишлар бўйича олиб бориладиган инвестицион сиёсат самарадорлиги оширилишини тақозо қилади:

а) худуднинг инвестицион ривожланиш стратегиясини ишлаб чиқишда чет эл инвестицияларини жалб этишни кучайтириш тадбирлари ишлаб чиқилиши ва асосланиши лозим;

б) худудда синдикатли кредитларни жалб этиш учун зарур бўлган шарт-шароитлар ва бозор инфратузилмасини шакллантириш;

в) ҳар бир вилоятни ўрта ва узоқ муддатли ривожлантириш стратегиясини ишлаб чиқиш ва унда синдикатли кредитлар ҳисобидан молиялаштириладиган инвестицион лойиҳаларнинг самарадорлик кўрсаткичларини аниқ акс эттириш лозим.

Хорижий банклардан кредитлар жалб қилишнинг камчиликлари сифатида эса қуйидагиларни келтириш мумкин:

- кўп сонли талаблар ва келишувларнинг амал қилиши;
- валюта рискининг юзага келиши;
- халқаро юридик меъёрларга асосланувчи ҳуқуқий тартибларга асосланиши ва бошқалар.

Таъминот тақдим этиш зарурлиги ва қарзни бошқаришнинг қулай механизми мавжуд эмаслиги хорижий банк кредитлари билан боғлиқ бўлган салбий ҳолатлардан ҳисобланади.

9.2. Кредит нотaлари

Жаҳон амалиётида кредит нотaлари (*Credit linked notes – CLN*) таъминланмаган қарз маблағлари ажратиш усули сифатида кўзга ташланади. Ҳозирги кунга келиб бу инструмент халқаро амалиётда йирик саноат корхоналари ўртасида кенг кўламда қўлланилмоқда.

Қарз олувчи нуқтаи назаридан *CLN* хорижий банкнинг валютадаги кредитини ўзида акс эттиради. Лекин бу амалиётнинг асосий фарқли хусусияти банк кредит тақдим этгандан сўнг бирданига қимматли қоғозлардаги қарздорликни қайта таркиблаб, *CLN* ни бозорда сотади.

Техник томондан *CLN* чиқариш еврооблигация чиқаришга ўхшаш. Бунда *CLN* чиқариш билан шуғулланувчи лид-менежер сифатида одатда банклар иштирок этади.

Банк томонидан *CLN* муомалага чиқаришни ташкил этишнинг дастлабки босқичида инвесторлар ўртасида қарз олувчининг мажбуриятларига нисбатан потенциал талабни баҳолаш амалга оширилади. Қарз олувчининг фаолияти ва молиявий ҳолати, тармоқ хусусиятлари, бозор конъюктураси атрофлича ўрганилади, инвесторлар билан фаол музокаралар олиб борилади. Ижобий қарорга келинган ҳолатдагина *CLN* эмитенти ҳисобланган банк қарз олувчига хорижий банк кредити тақдим этади. Одатда, эмитент сифатида юқори рейтингга, *CLN* дастурини амалга ошириш бўйича тажрибага эга банк танланади. *CLN* муомалага чиқариш бир нечта босқичли дастур асосида ташкил этилади. Қарз олувчининг кредит бўйича мажбуриятларини бажариш ҳолатида *CLN* бўйича тўловларни банк-емитент амалга оширади. Агарда кредит олувчи корхона ўз вақтида ва тўлиқ олинган кредитни қайтара олмаса юзага келиши мумкин бўлган рисклар банк-емитент зиммасига эмас, балки *CLN* сотиб олувчилар зиммасига тушади.

CLN муомалага чиқарилгандан сўнг уларнинг савдоси иккиламчи бозорда ташкил этилади. Кредит нотaлари биржадан ташқари бозорларда муомалада бўлади.

Корпоратив еврооблигацияларга нисбатан кредит нотaлари бўйича рискларнинг юқорилигидан келиб чиққан ҳолда бундай қимматли қоғозлар қўшимча мукофотлар эълон қилинган ҳолда сотилади. Шунингдек, ҳам иқтисодий, ҳам юридик маълумотлар очиқлиги аниқ белгилаб қўйилган стандартларга мос келиши талаб қилинади.

Еврооблигацияга нисбатан *CLNнинг* асосий афзаллиги сифатида уларни муомалага чиқаришнинг бирмунча тезлиги ва арзонлигини келтириш мумкин. Халқаро амалиётда *CLN* муомалага чиқариш учун 8 ҳафтадан 12 ҳафтагача вақт кетади. *CLN* муомалага чиқариш қиймати республикамиздаги кўпгина маҳаллий корхоналар учун оғирлик қилади. Хорижда бу қиймат 30 мингдан 50 минг АҚШ долларигача харажатни талаб қилади ва бу қиймат ривожланган давлатлар компаниялари учун жуда паст ҳисобланади. *CLN* муомалага чиқаришда алоҳида талаблар мавжуд бўлиб, эмиссия рисоласида ахборотнинг тўлалигича очиқлиги, шунингдек, юқори рейтинг кўрсаткичлари берилганлиги ва халқаро аудиторлик компаниялари томонидан қарз олувчи ва операция ташкилотчисининг мустақил баҳоланиши кабиларга алоҳида эътибор қаратилади.

Кредит нотaларини муомалага чиқариш еврооблигация муомаласи олдидан кредит тарихини шакллантиришнинг самарали усули сифатида хизмат қилади. Масалан “АФК Система” компанияси томонидан 100 миллион АҚШ долларлик кредит нотaлари чиқарилгандан сўнг икки ой ўтиб компания еврооблигация эмиссиясини амалга оширган. Лекин бошқа томондан кредит нотaлари ўртача фоиз ставкаси еврооблигацияларга нисбатан 1 – 2 фоиз юқори белгиланади.

Бугунги кунда халқаро амалиётда 250 миллион доллардан юқори бўлган йиллик оборотга эга компаниялар кредит нотaларини 100 миллион доллардан кам бўлмаган миқдорда муомалага чиқармоқда.

9.3. Еврооблигацияларни муомалага чиқариш

Бугунги кун амалиётида компаниялар миллий валютадаги корпоратив облигациялари билан бир қаторда еврооблигация деб аталувчи хорижий валютадаги қимматли қоғозларнинг ҳам халқаро фонд биржаларидаги муомаласи ҳам кузатилмоқда.

Еврооблигациялар (*инг.л. эуробонд*) мамлакатдан ташқарида қаттиқ валютада сотиладиган облигациялардир. Уларга мисол сифатида евродоллар облигациялари, евроиэн облигацияларини келтириш мумкин. Бунда облигация сўзига евро сўзининг қўшиб ишлатилишини АҚШ компанияларининг Европа фонд биржаларида сотиш учун махсус облигациялар чиқарганлиги билан изоҳланади.

Лекин бугунги кунга келиб еврооблигациялар ҳар қандай мамлакатда чиқарилиши мумкин ва аксарият ҳолатларда евро ёки АҚШ долларида муомалага чиқарилмоқда.

Еврооблигациялар муомалага чиқариш маълум бир тайёргарлик ишларини ва харажатларни талаб қилади. Лекин бошқа томондан нисбатан паст фоизларда узоқ муддатли юқори миқдордаги молиявий ресурслар жалб қилиш имконини беради.

Одатда, еврооблигациялар камида 3 йилга чиқарилади, энг кенг тарқалган муддат сифатида 5 йиллик муддат келтирилади. Дунёга машҳур компаниялар (масалан, Газпром) томонидан муомалага чиқариладиган еврооблигациялар 15 йилдан 30 йилгача бўлган муддат бўйича амал қилади.

Юқорида қайд этиб ўтганимиздек, еврооблигациялар бозорига чиқиш тайёргарлик кўриш ва эмиссия қилиш, чет элдан молиявий консултантлар ва андеррайтерлар жалб қилиш, халқаро инвесторлар учун тақдимотлар ўтказиш, ҳуқуқий хизмат учун тўловлар ва бошқалар билан бевосита боғлиқ бўлган юқори миқдордаги харажатларни талаб қилади.

Еврооблигацияларни муомалага чиқариш билан шуғулланувчи дунёга машҳур ташкилотчилар сифатида Deuche Bank, ABN Amro, DrKW, CityGroup, JPMorgan кабиларни келтириш мумкин.

Ривожланган мамлакатлар ҳукумати томонидан еврооблигациялар бозорини тартибга солишнинг бирор бир мезони ўрнатилмаганлигига қарамасдан эмитентлар одатда Халқаро облигациялар бирламчи бозори иштирокчилари ассоциацияси Халқаро қимматли қоғозлар бозори иштирокчилари ассоциацияси стандартлари ва талаблари асосида бошқариб борилади. Мазкур қимматли қоғозларнинг асосий савдо маркази тарихан Лондон ҳисобланади. Шундан келиб чиққан ҳолда еврооблигациялар муомаласи Англия молия хизматлари агентлиги томонидан ҳам тартибга солинади ва бу агентлик тегишли ҳужжатларни тайёрлаш бўйича талаблар бажарилишининг қатъий назоратини амалга оширади. Бунда халқаро стандартлар бўйича тузилган уч йиллик ижобий аудиторлик ҳисоботи, С&П, Фитч, Моодйъс ва бошқа етакчи агентликларнинг кредит рейтинги мажбурий талаблар сифатида белгиланган. Шунингдек, компания эгалари ҳақидаги ахборотларнинг тўлиқ очиқлиги, қарз олувчининг асосий акциядорлари паспорт нусхасигача талаб қилинади.

Еврооблигацияларни муомалага чиқариш жараёнида юристлар хизматлари бўйича харажатлар миқдори 600 мингдан 1 миллион АҚШ долларигача ташкил этиши кузатилади. Андеррайтернинг ўртача комиссия ҳақи эса одатда муомалага чиқарилган еврооблигация умумий суммасининг 0,5 – 0,7 фоизини ташкил этади.

Еврооблигациялар одатда, Лондон ёки Люксембург фонд биржаларида сотилади. Лекин улар савдосининг каттагина қисми биржадан ташқари бозорлар ҳиссасига тўғри келади.

Молиялаштириш манбаси сифатида еврооблигацияларнинг асосий афзалликлари сифатида қуйидагиларни келтириш мумкин:

- жалб қилинадиган маблағ миқдорининг юқорилиги (муомалага чиқаришнинг ўртача қиймати – 300 миллион АҚШ доллари);
- муомала муддатининг узоқлиги (3 йилдан – 30 йилгача);
- фоиз ставкаларининг жуда пастлиги (йиллик 5%);
- таъминот ва гаров бўйича талабларнинг мавжуд эмаслиги;
- халқаро миқёсда кредит тарихи юзага келиши.

Қарз маблағлари жалб қилишнинг мазкур инструменти камчиликлари сифатида эса қуйидагиларни келтириш мумкин:

- ахборотларни ошкор этиш бўйича қарз олувчига нисбатан жиддий талабларнинг мавжудлиги;
- еврооблигация муомалага чиқариш жараёнининг юқори миқдорда харажатлар талаб қилиши;
- жаҳон миқёсидаги етакчи рейтинг агентликларининг биридан кредит рейтинги олиш зарурати;
- қимматли қоғозларни тайёрлаш ва жойлаштиришнинг кўп вақт талаб қилиши (4–6 ой);
- валюта рискининг юзага келиши ва бошқалар.

Юқори миқдордаги харажатлар ва кўп вақт талаб қилишига қарамасдан 500 миллион долларлик еврооблигацияни 5 йил муддатга жойлаштириш бугунги халқаро амалиётда ўзини оқламоқда. Бундан ташқари халқаро бозорларда IPO ўтказиш учун яхшигина репитиция вазифасини ҳам ўтамоқда.

9.4. Акцияларни очиқ обуна тартибида халқаро фонд биржаларида жойлаштириш

Бирламчи оммавий таклиф этиш (IPO) – аксияларни қўшимча чиқариш йўли билан уларни сони чекланмаган инвесторлар орасида

реклама кампаниясини ўтказган ҳолда қимматли қоғозларнинг биржа бозорида бирламчи оммавий жойлаштиришдир[20].

Тижорат банкларининг капиталлашиш даражасини ошириш бўйича аксияларини бирламчи (IPO) ва иккиламчи (SPO) оммавий таклифи илк бор республикамиз амалиётимизда, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2019 йил 26 апрелдаги 358-сонли «Фонд биржасида аксияларни бирламчи ва иккиламчи оммавий жойлаштиришни ташкил этиш тўғрисида» тегишли қарори қабул қилинди[21].

Айни вақтда, корпоратив тузилмалар нафақат миллий бозордан капитал жалб қилишга балки, халқаро молия бозорларидан ҳам капитал жалб қилишга жиддий эътибор қаратишмоқда. Корпоратив тузилмалар молиявий ресурслар жалб қилишнинг учта асосий шаклларидан фойдаланади: банк кредити, облигациялар чиқариш ва акциялар эмиссияси. Акцияларни очиқ обуна тартибида жойлаштириш амалиёти қисқача IPO (инг “Initial Public Offering”) деб юритилади. IPO эмитент томонидан акцияларни бозорда бирламчи очиқ обуна усулида жойлаштириш бўлиб, бу жараён давомида улар инвесторларнинг кенг доирасига кириб борадилар ва фонд биржасида эркин савдони амалга оширадилар. Акцияларни очиқ обуна тартибида жойлаштириш шакли орқали маблағ жалб қилиш кенг тарқалган машҳур усуллардандир. Акцияларни очиқ обуна тартибида халқаро фонд биржаларида жойлаштириш жараёнини амалга ошириш истагини билдирган компаниялар сони дунёда тобора кўпаймоқда. Акцияларни очиқ обуна тартибида халқаро фонд биржаларида жойлаштириш жараёни орқали молиявий ресурслар жалб қилинишидан ички ва чет эл инвестициялари ҳажми ортмоқда. Акцияларни очиқ обуна тартибида халқаро фонд биржаларида жойлаштириш– инвесторларнинг кенг доирасига бирламчи оммавий акциялар таклифи, янги эмиссия қилинган акциялар ва уларни фонд бозорига жойлаштириш натижасида инвестициялар жалб қилишдир.

Компаниянинг IPOни ўтказишдан асосий мақсадлари узоқ муддатли молиявий ресурсларни максимал ҳажмда жалб қилиш, компанияни статусини оммавийлигини ошириш ва қўллашда акс

[20] Qurbonov R.B. Tijorat banklarining kapitallashuv darajasini oshirishda IPO (Initial Public Offering)ning o’rni. //Scientific Journal of “International Finance & Accounting” Issue 3, June 2022. – p. 3

[21] Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2019 йил 26 апрелдаги «Фонд биржасида акцияларни бирламчи ва иккиламчи оммавий жойлаштиришни ташкил этиш тўғрисида»ги 358-сонли қарори

этади. Бошқа томондан IPO амалиётининг ҳам ўзига хос камчиликлари мавжуд эканлигини унутмаслик лозим (9.1-жадвал).

9.1-жадвал

Оддий акциялар эмиссияси ҳисобига молиялаштириш ва IPO операциялари афзалликлари ва камчиликлари

Афзалликлари	Камчиликлари
Бу манба ўзида мажбурий тўловни ўзида акс эттирмайди, яъни дивиденд тўлаш тўғрисидаги қарор директорлар кенгаши томонидан қабул қилинади ва акциядорлар умумий йиғилишида тасдиқланади	Корхонани бошқаришда ва фойдани тақсимлашда иштирокчилар сони ортади
Акциядор қопланиши бўйича қатъий белгиланган муддатга эга эмас, чунки акциялар доимий капитал манбаси бўлиб хизмат қилади	Қўшимча акциялар эмиссияси инвесторлар томонидан салбий сигнал сифатида қабул қилиниши мумкин ва бу қисқа муддат ичида акциялар курсининг пасайишига олиб келиши мумкин
Акциялар ликвидлигининг ошиши ва капитал қиймати пасайганда йирик, узоқ муддатли молиялаштириш манбасига эга бўлиши	IPO ни ташкил этиш билан боғлиқ харажатларнинг юқорилиги
Келажакда позициялари кучлироқ компания билан ўзаро бирлашишнинг осонлашиши	“Душман” акциядорларининг компания фаолиятига кириб келиш эҳтимоли
Инвесторлар ва мулкдорлар учун бизнесдан чиқиш йўлининг осонлашиши	Компаниянинг инвестицион тарихи бўлиши шартлиги
Компания нуфузининг ошиши, унинг бозорда танилиши ва инвестицион жозибадорликнинг таъминланиши ва бошқалар	Молиявий ва юридик маълумотларнинг ошкоралиги

Яна бир муҳим масалалардан бири, *IPO* ни тайёрлаш ва ўтказиш борасида минимал харажатлар сарф этиш ҳисобланади.

IPO жараёнининг кўзга кўринган ижобий томонларига қайтарилиши лозим бўлмаган молиявий ресурслар жалб қилиш, бизнес қийматини баҳолаш, хусусийлаштириш шакли сифатида, кредит ставкаларини пасайиши юқори ликвидликни яратиш,

компанияни қўшиб олишлардан ҳимоялашни компания қўлга киритаётган афзалликлари сифатида айтиб ўтиш мумкин.

Жаҳон амалиётида *IPO* жараёнини амалга ошириш орқали компаниялар бир қанча муаммоларни ечиш каби холатлар мавжуд. Бу орқали компания аҳоли ўртасида кўпгина инвесторларни қўлга киритади ва улардан қўшимча молиявий ресурслар жалб қилиш имкониятига эга бўлади.

Муваффақиятли *IPO* ўтказиш натижасида хусусий инвесторлар капитал ишлаш имконига эга бўлишади. Мисол учун, Google компаниясининг акцияларига қўйилма қилган инвесторлар, 4 йилдан кам муддат ичида 5 баробардан юқори ижобий молиявий натижага эришдилар. Компания 2004 йилда 19,6 млн. акцияни бир донаси $85 нархда оммавий жойлаштирди. *IPO*нинг биринчи кунидаёқ акциялар 18 %га ошди, 2008 йилда эса акцияларнинг бир донаси $593дан сотилаётган эди.

IPO жараёни муваффақиятли ўтказилишига мисол бўлиб бошқа компанияни олишимиз мумкин. “*MasterCardInc”*компанияси 2006 йилда биржага 61,5 млн. акцияни $39дан жойлаштирди ва биринчи куннинг ўзида акциялар савдоси $44,93 нарх даражаси билан савдолар ёпилди. 2008 йилда эса, компания акциялари $293,94 котировкага эга эди**.**

Республикамизда жорий йилда Вазирлар Маҳкамасининг 2019 йил 26 апрелдаги 358-сонли Қарорига асосан бир нечта акциядорлик жамиятлари IPO ва СПО жараёнини амалга ошириш имкониятига эга бўлишди (2-жадвал).

Ҳозирда молия бозори жадал ривожланаётган вақтда, капитал жалб қилишнинг кенг тарқалган усулларидан бири сифатида облигация эмиссиясини амалга ошириш ва уларни жойлаштириш натижасида капитал жалб қилишга эътибор кучаймоқда.

Облигация қарз муносабатини англатувчи қимматли қоғоз ҳисобланади. Корпоратив облигациялар – бу банк фаолиятидаги, миллий бозорда ўз позицияларини мустаҳкамлаш мақсадида амалга оширилаётган, навбатдаги босқичдирлардан биридир.

Ўзбекистоннинг жадал ривожланаётган банкларидан бири - АТБ “ИнфинБАНК”. Банк активлари ва хусусий капитали иштирокидаги, ўз капиталининг хажми бўйича энг йирик тижорат банклари сонига кириб,АТБ “ИнфинБАНК”ўзини, халқаро стандартларга мувофиқ тарзда банк хизматларини кўрсатиш жараёнини таъминлаётган, ишончли ва жадал ривожланаётган молиявий институт сифатида ўз

корпоратив облигацияларини муомалага чиқарди. АТБ “ИнфинБАНК”корпоратив облигацияларининг рўйҳатдан ўтказган ҳолда чиқарилишининг ҳажми, номинал қиймати бўйича 100,0 млрд. сўмни ташкил қилади. Облигацияларнинг муомалада бўлиш муддати 2 йил қилиб белгиланган. Ҳар биттасининг номинали – 1 миллион сўм . Даромадлилиги – йиллик 16% ва ликвидлик бутунлай кафолатланган. Бу жалб қилинган молиявий ресурслардан самарали фойдаланишни ўз олдига мақсад қилиб қўйган.АТБ “ИнфинБАНК”нинг 2018 йил учун йиллик ҳисоботига мувофиқ, Банкнинг умумий активлари 350,0 миллион АҚШ долларидан ортиқ , кредит портфели – деярли 227,9 миллион АҚШ долларини, соф фойда эса – 6,2 миллион АҚШ долларини ташкил этган.

Бугунги кун амалиётида компаниялар миллий ваютадаги корпоратив облигациялар билан бир қаторда, еврооблигация деб аталувчи хорижий валютадаги қимматли қоғозларнинг ҳам халқаро фонд биржаларида муомаласи кузатилмоқда. Еврооблигациялар (Инг эуробонд)мамлакатдан ташқарида қаттиқ валютада сотиладиган ооблигациялардир. Еврооблигациялар муомалага чиқариш маьлум бир тайёргарлик ишларини ва харажатларни талаб қилади.

Лекин бошқа томондан нисбатан паст фоизларда узоқ муддатли юқори миқдордаги молиявий ресурслар жалб қилиш имконини беради.

Шунингдек, Ўзбекистоннинг евробонд бозорида иштирок этиши жуда муҳим аҳамият касб этади. Ўзбекистон илк маротаба 1 миллиард долларлик еврооблигацияларни жойлаштирди. Қарз еврооблигацияларини ёпиш муддати 2024 ва 2029 йил феврал ойлари этиб белгиланди. Ўзбекистон аввалига еврооблигациялар даромадлилигини 5,3 -6% миқдорида белгилаган эди, аммо талабнинг юқорилиги сабабли фоиз ставкалари қайта кўриб чиқилиб, уларни 4,75% ва 5,3% гача туширилди. Жойлашув талабга жавоб берадиган ва яхши диверсификация қилинган бўлиб чиқди, чунки институтционал инвесторлардан 3, 8 миллиард АҚШ долларига тенг бўлган 150 га яқин таклиф қабул қилинди. Жўғрофий нуқтаи назардан британиялик инвесторлар 5−10 йиллик еврооблигацияларнинг 39% ва 32%ини, америкаликлар 23% ва 31%ини харид қилдилар. Континентал Европа инвесторлари 32% ва 37%ига эга бўлдилар, қолган 6% ва 10% и эса Осиё, Яқин Шарқ ва Шимолий Африка инвесторлари томонидан сотиб олинди.

Еврооблигацияларнинг аксариятини (75% ва 78%) бошқарув фондлари, суғурта компаниялари ва пенсия фондлари (20% ва 16%), ҳамда банклар (5−6%) харид қилганлигини кўришимиз мумкин.

Таянч сўз ва иборалар

Корхона, хорижий капитал, акция, еврооблигация, кредит, хорижий банк, кредит нотолари, биржа, халқаро фонд биржалари.

Ўз-ўзини текшириш учун саволлар

1. Корпоратив корхоналарга хорижий банк кредитларини жалб этишда қандай шакллардан фойдаланилади?
2. Кредит нотолари асосан қайси молия институтлари ўртасида амалга оширилади?
3. Еврооблигацияларнинг асосий афзалликлари нималардан иборат?
4. IPO нима?
5. IPO операциялари қандай афзалликлари ва камчиликлари мавжуд?

Топшириқлар

1. Банклар қарз олиши учун бажариши шарт бўлган талабларни келтириб ўтинг.
2. Синдикатлаштирилган кредит ҳақида ўрганиб чиқинг.
3. Кредит нотоларини муомалга чиқаришнинг асосий афзалликларини айтиб беринг.
4. Мамлакатимизнинг сўнги йилларда еврооблигацияларни муомалага чиқаришдаги сиёсати ҳақида ўрганинг.

X БОБ. КОРХОНАЛАРДА КАПИТАЛ ТАРКИБИ ВА БАҲОСИ

10.1. Капитал таркиби ва баҳоси тушунчаси
10.2. Молиялаштиришнинг қарз манбалари (кредит, облигациялар) баҳосини аниқлаш ва унга таъсир этувчи омиллар
10.3. Молиялаштиришнинг ўз манбалари (оддий ва имтиёзли акциялар) баҳосини аниқлаш

10.1. Капитал таркиби ва баҳоси тушунчаси

Молиявий менежмент жиҳатидан капитал корпорациянинг активларига йўналтирилган пул, моддий ва номоддий кўринишдаги барча ресурсларнинг умумий қийматини ифодалайди. Корпоратив молия жиҳатидан капитал уни шакллантириш ва ишлатиш жараёнида корпорация билан бошқа субъектлар ўртасида юзага келадиган молиявий муносабатларни билдиради.

Бозор иқтисодиёти шароитида ресурсларнинг асосий турлари ҳисобланган моддий, меҳнат ва молиявий ресурсларсиз тадбиркорлик фаолиятини юритиш мумкин эмас. Бу ресурслар, ўз навбатида, текин эмас. Уларни қидириб топиш, жалб қилиш, бошқариш ва бошқа жиҳатлар маълум бир харажатларни талаб қилади. Ўхшаш харажатларни рационал ва самарали бошқариш кўп жиҳатдан корхона молиявий фаолияти якуний натижаларини олдиндан белгилаб беради. Фойдаланилган ресурсларнинг қийматини ошириш орқали лойиҳаларни амалга ошириш натижасида даромад олинган ҳолатларда корхонада қўшимча қиймат яратилади ва самарали ишлаётган ҳисобланади.

Молиявий ресурслар ҳам бундан мустасно эмас. Бозор иқтисодиёти шароитида корпоратив молияда турли хил молиялаштириш манбаларидан кенг доирада фойдаланиш имконияти мавжуд. Бунда корпоратив молиявий бошқарувнинг асосий вазифаси корхона бозор қийматини максималлаштириш ва мулкдорлар молиявий барқарорлиги янада ўсишини таъминловчи фаолиятни молиялаштириш манбаларининг оптимал вариантини топиш ҳисобланади. Шунинг учун корхона молиявий-хўжалик фаолияти учун зарур молиявий ресурсларни жалб қилиш, уларнинг оптимал таркибини белгилаш, фойдаланиш учун тўловлар борасида қарор қабул қилиш масалалари бугунги кун корпоратив молия

назарияси ва амалиётининг кенг қамровли масалаларидан бири саналади.

Капиталнинг асосий компонентлари - оддий акциялар қиймати, имтиёзли акциялар қиймати, қарз маблағлари (фақат молиялаштириш мақсадида жалб этилган), бўлиб ҳисобланади. Корхона фаолиятида бошқа омиллар сингари капиталнинг ҳам ўз қиймати ва қайтими бор.

Инвесторлар капитални бирор-бир мақсадга йўналтиришдан олдин уни зиммага тушган харажатлар бўйича ўрганади.Чунки, инвесторлар олдида капиталдан фойдаланишнинг кўп имкониятлари мажуд бўлади. Бу ҳолатда бенчмарк кўрсаткичи танланади ва у бошқа муқобил манбалардан устун деб қаралади. (Бенчмарк – эталаон ва мақсад кўрсаткичи бўлиб, инвестицияни шу асосга йўналтирилиши инвестор учун энг мақсадга мувофиқ имконият ҳисобланади). Айнан, бенчмарк капитал қийматини аниқлаб беради. Корхонанинг капитал қиймати у томонидан жалб этилган турли капитал компонентларининг ўртача қийматидан ташкил топади[22].

Қайд этиб ўтиш керакки, корпоратив тузилмаларнинг молиявий структурасини шакллантиришга доир турли хил назариялар, концепция ва ёндашувлар амал қилсада, бу борада ягона хулосага ҳали-ҳамон келинмаган. Лекин бошқа томондан, капитал таркиби назариясининг асосий қоидаларини билиш бизнесни молиялаштириш ва қўшимча қиймат яратиш принсипларини чуқур англаш капитал таркибини оптималлаштириш бўйича самарали бошқарув қарорларини қабул қилиш имконини беради.

Корхона ўз фаолияти учун турли манбалардан зарурий капитални олади. Бу жараёнда фойдаланиладиган капитал манбалари жалб қилиш шакли ва баҳоси бўйича ўзаро фарқланади. Шунга қарамасдан, ўхшаш жиҳатларига кўра капитал манбалари умумий ҳолатда хусусий ва қарз капиталига бўлинади. Бундай боғлиқликдан капитал таркиби тушунчаси корхонани молиялаштиришда хусусий капитал ва қарз капитали ўртасидаги ўзаро нисбатни англатади.

Капитални жалб қилиш учун тўлов кенг қамровга эга ҳисобланади. Бирор бир корхонага маблағ қўйишда мулкдорлар белгиланган даромадларни дивиденд кўринишида олиш ёки капитал ўсиб боришини ҳисоб-китоб қиладилар. Ўз навбатида, кредиторлар

[22] Саттаров Б.К. Корхона капитали қиймати ва унинг аҳамияти. //“Иқтисодиёт ва инновацион технологиялар” илмий электрон журнали. № 3, 2016 йил. – 2-б.

олинадиган фоизли даромадларни ҳисоб-китоб қиладилар. Ҳаттоки, мавжуд маблағлардан фойдаланиш рад этилганда ҳам корхона томонидан маблағларни қайта жойлаштириш қўшимча харажатларнинг юзага келишига сабаб бўлади. Шундай қилиб, бозор иқтисодиёти шароитида текин капитал манбалари бўлмайди.

Маълумки, реал сектор корхоналари иқтисодида, айниқса унинг молиявий соҳасида капитал тушунчаси кўп қўлланилади. Ушбу терминни сермазмун ҳамда кўпқиррали эканлигини турли номлар билан аталишидан ҳам билиб олса бўлади. Мисол учун, корхона капитали, хусусий капитал, резерв капитал, қўшилган капитал, ишчи капитал, қарз капитали, асосий капитал, айланма капитал ва шу кабилар. Буларнинг ҳар бири корхона иқтисодий муносабатида ўз ўрни ва аҳамиятига эга. Капитал кўрсаткичларини қандай қийматда бўлиши, уларни ижобий ўзгариши, қайтим олиб келиши ёки тўланиши хўжалик юритувчи субъектларини иқтисодий аҳволини, потенциалини, молиявий ҳолатини, моддий ва молиявий маблағлардан самарали фойдаланиш имкониятларини кўрсатиб беради. Бу эса, корхонани ўтган ишларга баҳо бериш, навбатдагиларни тактик ва стратегик режалаштириш учун зарур[23].

Ўтказилган илмий тадқиқот натижаларидан маълум бўлдики, корхона молиявий тизимида моддий ва молиявий маблағларидан фойдаланишда айрим капитал кўрсаткичлари ва улар билан боғлиқ бўлган кўплаб муҳим имкониятларга етарлича эътибор берилмаган ҳолатлари кўзга ташланди. Шу билан бирга мазкур масала соҳага оид назарий манбаларда ҳам кенг кўламда ёритиб берилмаганлиги маълум бўлди. Ваҳоланки, айнан ана шу терминларни аҳамияти ва долзарблиги ҳозирги давр иқтисодида ниҳоятда ошган. Мисол учун, корхона капитали қиймати тушунчаси. Айтиб ўтишимиз керакки, мазкур кўрсаткич иқтисоди ривожланган ва ривожланаётган мамлакатларда ички ва ташқи фойдаланувчилар томонидан ҳар жиҳатдан ўрганилади.

Бироқ, миллий иқтисодиётимизга тегишли адабиётларда, соҳага оид олиб борилган илмий тадқиқотларда корхона капитали қиймати тушунчаси давр талаблари асосида ёритиб берилмаган ёки тўлиқ ўрганилмаган. Мазкур тушунча бўйича қисқа маълумотлар берилган, холос. Бу эса, хўжалик фаолиятида корхона капитали қиймати ва у билан боғлиқ имкониятлардан фойдаланишда ўз

[23] Prasanna Chandra Financial Management // Theory and Practice. Tata McGraw Hill Education Private Limited, NEW DELHI. 2012. 1062 p.

салбий таъсирини кўрсатмоқда. Шунинг учун ҳам биз ушбу масалага ойдинлик киритишга ҳаракат қиламиз.

Бизнес фаолиятида корхона капитали қиймати тушунчаси ва унинг кўрсаткичини ҳисоб-китоб қилиш мураккаб тасниф касб этади. Унда кўплаб формулалар ва ҳисоб ишларини амалга ошириш зарур. Шунинг учун ҳам, корхона капитали қиймати тушунчаси ва унинг кўрсаткичини барча жиҳатларини мукаммал тарзда бир мақолада ёритиб бериш имконияти мавжуд эмас.

Маълум бир капитал манбасидан фойдаланиш ҳисобига тўланиши лозим бўлган умумий сумма ва капитал ҳажми ўртасидаги нисбатнинг фоизларда акс эттириладиган миқдори капитал баҳоси (Кост оф Капитал – КК) деб аталади.

$$\text{Капитал баҳоси} = \frac{\text{капитал эгасига тўловлар}}{\text{жалб қилинган капитал}} \times 100\%$$

Мос равишда корхона капиталининг умумлашган баҳоси унинг алоҳида компонентлари баҳоси қўшилган ҳолда аниқланади.

Корпоратив молияни бошқаришда капитал баҳоси асосий кўрсаткичлардан бири ҳисобланади ва қуйидагиларни ҳал қилишда кенг фойдаланилади:

- инвесторлар томонидан қўйилган маблағ бўйича талаб қилинадиган қайтимни ўзида акс эттиради;
- инвестицияларнинг бир неча хил вариантларидан бирини тўғри танлаш имконини беради;
- молиялаштириш манбалари таркибини бошқаришнинг асоси ҳисобланади;
- корхона фаолиятининг ва мулкдорлар учун қўшимча қиймат яратишнинг самарадорлигини ошириш ричагларидан бири сифатида юзага чиқади ва бошқалар.

Амалиётда асосий мураккаблик мос манбалардан олинадиган капиталнинг алоҳида компонентлари баҳосини аниқлашда кузатилади. Баъзи манбалар учун капитал баҳосини аниқлаш бирмунча осон. Масалан кредитлар бўйича кредит шартномасида келтирилган фоиз тўловлари, ёки облигациялар бўйича эмиссия проспектида қатъий белгиланган фоиз ставкаси капитал баҳосини ўзида ифодалайди. Бошқа аксарият манбалар бўйича эса капитал баҳосини аниқлаш бирмунча мураккаб ҳисобланади ва аниқ ҳисоблаш имконияти мавжуд эмас. Лекин тақдим этилган

капиталдан фойдаланиш ҳисобига капитал эгаси томонидан талаб қилинадиган тўловлар, жалб қилиш билан боғлиқ харажатлар (емиссия харажатлари, кредит шартномасини расмийлаштириш, суғурталаш, гаров, маслаҳатчилар жалб қилиш ва бошқа харажатлар) корхона томонидан аниқланиши мумкин. Капитал баҳоси маблағларни жалб қилиш учун сарфланадиган вақт ва риск омиллари таъсирини баҳолашни ҳам тақозо этади.

Лекин, эътибор қаратиш талаб этиладиган даражада мураккабликлар, аниқлик даражасини пасайтирувчи объектив ва субъектив омиллар мавжудлигига қарамасдан капитал ёки унинг алоҳида компонентлари баҳосини аниқлаш, ҳеч бўлмаганда тахминий баҳосини белгилаш масаласига корпоратив молияни бошқариш амалиётида молиявий бошқарув олдидаги ўткир зарурат сифатида қаралиши лозим. Бу жиҳатни молиявий бошқарувчилар томонидан корхона ва унинг бўлинмалари фаолият самарадорлигини баҳолаш инвестицион самарадорликни баҳолаш каби муҳимлиги билан изоҳлаш мумкин.

Фикримизни мухтасар қилиб айтганда, миллий иқтисодиётдаги корхоналарга капитал қиймати ва унинг даражаси кўрсаткичини киритиш, у билан боғлиқ компонентларни ҳисоб-китоб қилишни амалиётга жорий этиш хўжалик субъектларида инвестицион қарорлар қабул қилишда эталон манба бўлиб ҳисобланади.

10.2. Молиялаштиришнинг қарз манбалари (кредит, облигациялар) баҳосини аниқлаш ва унга таъсир этувчи омиллар

Корхона капиталини шакллантиришнинг узоқ муддатли қарз манбалари анъанавий турлари сифатида банк кредитлари, облигациялар, лизинг ва бошқаларни келтириш мумкин.

Аксарият қарз манбаларининг манбаси ҳақиқатда жалб қилинган сумма ва унинг қопланиши бўйича тўловлар оқими асосида аниқланиши ҳақида юқорида ҳам таъкидланди. Бунинг учун бизга маълум бўлган пул оқимлари бўйича даромадлиликнинг ички меъёри (*ИРР*)ни ҳисоблаш формуласидан фойдаланамиз.

$$\sum_{t=1}^{N} \frac{CF_1}{(1+R)^t} - (D_0 - TC) = 0$$

Бу ерда, *ЦФ₁* – пул оқими (қоидага кўра аннуитет);

Р – қарз маблағининг тўлиқ қиймати (мазкур тўловлар оқимлари бўйича даромадлиликнинг ички меъёри, *ИРР*);

Н – тўловлар умумий сони;

$Д_0$ – т = 0 даврда жалб қилинган қарз маблағи миқдори;

ТЦ – қарз маблағини олиш билан боғлиқ жами харажатлар миқдори.

Умумий ҳолатда ҳар қандай қарз маблағининг муҳим хусусиятларидан бири сифатида қарз маблағлари бўйича тўланадагиган фоиз тўловларининг фойда солиғи бўйича солиққа тортиладиган базадан чегирилиши ёки маҳсулот таннархига киритилишини келтириш мумкин. Шунинг учун 1-формуладан олинган *Р* миқдор мазкур натижани акс эттириш мақсадида (1–*Т*) кўпайтувчига тўғриланади.

Шундай қилиб, қарз капиталининг якуний баҳоси тўланадиган фойда солиғи таъсирини ҳисобга олган ҳолда қуйидагича аниқланади:

$$к_Д = Р \text{ x } (1 - Т)$$

бу ерда, $к_Д$ *– қарз капитали баҳоси;*

Т – фойда солиғи ставкаси.

Мисол кўриб чиқамиз.

Корхона номинал қиймати 1000 бирликка тенг, қоплаш муддати 10 йил, йиллик купон ставкаси 10% ва бир йилда бир марта тўланадиган облигация муомалага чиқарди. Эмиссия ҳажми – 100 000 дона. Облигациялар номиналга нисбатан 93,2% курс бўйича жойлаштирилган. Ҳар бир облигацияни муомалага чиқариш бўйича харажатлар 50 бирликни ташкил этган. Фойда солиғи ставкаси 20%. Қарз маблағи қийматини аниқланг.

Масала маълумотларини 1-формулага қўйиб чиқамиз

$$\sum_{t=1}^{10} \frac{100}{(1+R)^t} + \frac{1000}{(1+R)^{10}} - (932 - 50) = 0$$

Мазкур тенгликни эчиш 0,1210 га тенг бўлган миқдорни беради (текшириб кўриш керак). Шунда фойда солиғини ҳисобга олган ҳолда облигацион қарз қиймати 2-формулага асосан

$к_Д$ = 0,1210 x (1 – 0,2) = 0,0968 = 9,68%.

1-формуладан ва келтирилган мисолдан кўриниб турибдики, солиқни ҳисобга олмасдан облигациянинг олдинги баҳоси амалий жиҳатдан унинг ҳақиқий баҳосига ва истисно равишда аниқланадиган пул оқимига боғлиқлик касб этмайди. Ўз навбатида,

2-формулага мувофиқ облигациянинг ҳақиқий баҳоси амалиётда уни жалб қилишга кетган харажатларни ҳам ҳисобга олган ҳолда номиналдан (капитал эгаси талаб қиладиган номиналдан ҳам) паст нархда бўлиб кўринади. Қарз капитали қийматини пасайтиришнинг кўриб чиқилаётган таъсир натижаси “солиқ орқали ҳимоя” деб юритилади. Лекин агарда фирма зарар билан ишлаётган бўлса, қарз капитали баҳоси молиявий харажатларга мустасно равишда реал имкониятлар йўқлиги сабабли ўзгармайди.

Қарз маблағлари жалб қилиш орқали молиялаштиришда капитал баҳосини аниқлашда 1-формулага универсал ёндашув сифатида қаралади. Шунинг учун лизинг, вексел, кредитлар бўйича ҳам капитал қийматини баҳолашда 1-формуладан фойдаланиш мумкин. Қарз маблағлари ҳисобига молиялаштиришнинг мураккаб инструментлари ҳисобланган конверсияланадиган ёки чақириб олинадиган облигациялар ва бошқалар бўйича капитал қийматини баҳолаш бирмунча мураккаб жараён ҳисобланади.

Кредит баҳоси ҳақида сўз юритганда қарз олувчи томонидан кредит жалб қилиш ва ундан фойдаланиш учун тўланадиган барча харажатларни назарда тутиш лозим. Бошқача айтганда, кредит баҳоси таркибий жиҳатдан кредит шартномасида белгиланган кредит фоиз ставкаси ва банк томонидан белгиланган қўшимча тўловлар, бизнесни режалаштириш бўйича бошқа харажатлардан ташкил топади. Банк томонидан жорий этилган кредит бўйича тўловларга кредит буюртмасини кўриб чиқиш ва кредитни расмийлаштириш учун ҳақ, кредит берганлик учун воситачилик ҳақи, кредит ҳисобварағини юритиш ва уни бошқариш учун тўлов, кредит бўйича ўтказиладиган тўловлар бўйича комиссион ҳақ, мижоз мажбуриятлари ўз вақтида тўлиқ бажарилмаган ҳолатларда тўланадиган пеня кабиларни киритиш мумкин.

Кредит баҳосига таъсир қилувчи ташқи омиллар сифатида мамлакатдаги (ҳудуддаги) ижтимоий-сиёсий ҳолат, Марказий банкнинг пул-кредит сиёсати, қайта молиялаш ставкасининг ўзгариши, банклараро рақобат муҳити, кредитга бўлган талаб даражаси (иқтисодиётда кредитнинг тутган ўрни), инфляция даражаси, буджет-солиқ сиёсати (солиқ юки даражаси) ва бошқаларни келтириш мумкин. Ички омиллар сифатида эса тижорат банкларининг кредит сиёсати, фоиз сиёсати, жалб қилинган молиявий ресурсларнинг миқдори ва қиймати, қарз олувчининг молиявий ҳолати ва кредит тарихи, кредит таъминоти, рисклилик

даражаси, кредит муддати ва тўлаш шартлари, кредит берилаётган валюта, кредит миқдори ва бошқа шу кабиларни келтириш мумкин.

10.3. Молиялаштиришнинг ўз манбалари (оддий ва имтиёзли акциялар) баҳосини аниқлаш

Хусусий капитални ташкил этувчи оддий ва имтиёзли акциялар, тақсимланмаган фойда ва унга тенглаштирилган воситалар корхоналарни молиялаштиришнинг ўз манбалари ҳисобланади.

Назарий жиҳатдан хусусий капитал баҳоси корхона мулкдорлари томонидан талаб қилинадиган даромадлиликка тенг деб олинади ва дивиденд тўланиш даражасидан келиб чиққан ҳолда аниқланиши мумкин. Лекин амалиётда хусусий капитал элементлари баҳосини аниқлаш етарли даражада мураккаб масалалардан бири ҳисобланади. Муаммоли томони шундаки, хусусий капитал элементларининг умумий иқтисодий моҳияти бир-биридан фарқли хусусиятларга эга. Буни қуйидаги икки жиҳат билан изоҳлаш мумкин.

Биринчидан, оддий ва имтиёзли акциялар манбасига кўра хўжалик фаолиятини юритиш натижасида шаклланадиган фойда каби жалб қилишда қўшимча харажатлар талаб қилмайдиган ташқи ёки жалб қилинган ҳисобланади.

Иккинчидан, оддий ва имтиёзли акциялар ўртасида фарқ ҳам мавжуд. Корхона томонидан имтиёзли акциялардан фойдаланиш натижасида уставда ёки эмиссия проспектида белгиланган миқдорда дивиденд тўлаш бўйича мажбурият пайдо бўлади. Мазкур хусусиятига кўра имтиёзли акцияларни қарз инструментларига ўхшатиш мумкин. Бу ҳолат бир томондан инвесторлар учун риск даражасини пастлиги таъминлайди, бошқа томондан эса мос равишда акция бўйича камроқ даромад олишга розилигини билдиради. Шунинг учун бундай манбанинг қийматини баҳолаш, одатда, оддий акцияларни баҳолаш ва қарз манбаларини баҳолаш ўртасидаги оралиқ ҳолат сифатида кўриб чиқилади. Келтирилган бу жиҳат оддий ва имтиёзли акциялар, шунингдек, тақсимланмаган фойда қийматини аниқлашда турли хил ёндашувларнинг қўлланилишини шарт қилиб қўяди.

Агар акциядорлик жамияти *имтиёзли акциялар* (ПС) муомалага чиқарган, $П_{пс}$ курс бўйича жойлаштирган ва $_{ДИВпс}$ миқдорда қатъий белгиланган дивиденд тўлашни режалаштирган бўлса, эмиссия

бўйича барча харажатларни (фц) ҳисобга олган ҳолда муддациз рента даромадлилиги сифатида капитал баҳосини қуйидаги усулда аниқлаш қулай:

$$k_{PS} = \frac{DIV_{PS}}{P_{PS} \times (1 - fc)}$$

бу ерда *фц* – эмиссия бўйича харажатлар, фоизда.

Мисол кўриб чиқамиз.

Компания номинал қиймати 750 бирлик бўлган жами 30 000 бирликка тенг имтиёзли акция муомалага чиқарди. Имтиёзли акция бўйича дивиденд миқдори бир йилга 80 бирлик қатъий белгилаб қўйилган. Битта акцияни муомалага чиқариш учун харажатлар 50 бирликни ташкил этган. Акциялар номинал қиймати бўйича жойлаштирилган. Мазкур капитал баҳосини аниқланг.

k_{PS} = 80 / (750 х (1 – (50/750))) = 0,1143 ёки 11,43%.

Оддий акциялар қийматини баҳолаш улар бўйича тўланадиган дивидендлар миқдори олдиндан номаълумлиги сабабли бирмунча мураккаброқ. Умумий ҳолда оддий акциялардан фойдаланиш орқали маблағлар жалб қилишнинг қиймати ($к_С$)ни фақатгина тахминан ҳисоблаш мумкин. Бугунги кунда амалиётда бундай капитал қийматини ҳисоб-китоб қилишда бир нечта асосий ёндашувлар қўлланилади. Улар:

- дивидендларни дисконтлашнинг турли хил моделлари (*ДДМ*);
- капитал активларни баҳолаш модели (*ЦАПМ*);
- Модиляни – Миллер модели (ММ);
- коэффициэнтли модел ва бошқалар.

Олдинги бўлимдан маълумки, *ДДМ* оддий акциялар бўйича капитал баҳосини аниқлашнинг бир мунча тушунарли тури бўлиб, дивидендларнинг доимий ўсиб боришини назарда тутувчи Гордон модели оддий акциялар эмиссиясига харажатларни ҳисобга олган ҳолда қуйидаги формула бўйича ҳисобланади:

$$k_S = \frac{DIV_S}{P_S\,(1-fc)} + g$$

Бу ерда *ДИВс* – битта акция бўйича кутилаётган дивиденд миқдори (йил бўйича прогноз ҳисоб-китобга асосан);

$П_с$ – жойлаштириш баҳоси;

$ф_с$ – эмиссия бўйича харажатлар фоизда;

г – дивидендлар ўсиш суръати.

Мисол кўриб чиқамиз.

Фирма номинал баҳоси 1000 бирлик бўлган жами 250 000 бирликка тенг бўлган оддий акциялар муомалага чиқарган. Ҳар бир акция бўйича кутилаётган дивиденд 100 бирлик бўлиб, унинг ўсиш суръати 10%. Битта акцияни муомалага чиқариш харажатлари 85 бирликни ташкил этган. Чиқарилган акциялар баҳосини аниқланг.

Юқоридаги формуладан келиб чиққан ҳолда

$к_C = 100 / (1000 х (1 – 85 /1000)) + 0,1 = 0,2093$ *ёки 20,93%.*

Гордон модели мунтазам равишда дивиденд тўловчи корхоналар учун қўлланилиши мумкин. Бу жараёнда ҳисобланадиган капитал баҳоси дивиденд ўсиш суръати (g)га жуда таъсирчан бўлиб, унинг миқдорини аниқ прогноз қилишга ҳам кўп жиҳатдан боғлиқдир.

Ривожланган капитал бозори шароитида *ЦАПМ* моделини қўллаш юқори даражада асосли натижани беради. Бунинг учун корхона акциялари ёки унинг бизнес-аналоги фонд биржасида муомалада бўлиши лозим.

Бизга маълумки, *ЦАПМ* моделига мувофиқ оддий акциялар бўйича рисклар тизимли ва тизимсиз рискларга бўлинади. Тизимли рискларга шартли равишда молия бозорларидаги қочиб бўлмайдиган рисклар киритилади. Акциялар бўйича тизимсиз рисклар эса унинг эмитенти фаолият хусусиятлари ва вазиятидан келиб чиқади. Уларни диверсификациялаш йўли билан камайтириш мумкин.

Мос равишда ўхшаш қимматли қоғозлар даромадлилиги иккита таркибий қисмга бўлинган ҳолда аниқланиши мумкин:

- рисксиз фоиз ставка RF;
- инвестордан талаб қилинадиган тизимли рискка бориш натижасидаги мукофот.

*ЦАПМ*да тизимли риск β деб номланувчи коэффициент ёрдамида баҳоланади. Бу коэффициент қиймати баҳоланаётган қимматли қоғоз билан боғлиқ бозор рискини ўлчашга хизмат қилади.

Шунда оддий акциялар ёрдамида капитал жалб қилишнинг қиймати

k_C *ЦАПМ* модели ёрдамида қуйидаги формула билан аниқланади:

$k_C = RF + \beta S(RM - RF)$,

бу ерда, RF – рисксиз фоиз ставка (масалан, давлат облигациялари бўйича);

RM – даромадлиликнинг ўртача бозор ставкаси (масалан, фонд индекси даромадлилиги);

βC – қимматли қоғоз билан боғлиқ тизимли бозор риски.

β коэффициент –1 дан +1гача ораликда фонд бозорида котировкаланувчи корхоналар акциялари учун статистик таҳлил методларидан фойдаланган ҳолда аниқланади. Улар биржа бюллетенларида, ахборот агентликлари ва инвестицион компаниялар таҳлилий шарҳларида, бизнесга доир нашрларда ва бошқаларда чоп этилади. Муомалага янги чиқарилган акциялар қийматини баҳолашда эмиссион харажатларни ҳам ҳисобга олиш керак.

Таянч сўз ва иборалар

Капитал, капитал таркиби, капитал баҳоси, молиялаштириш, қарз, кредит, облигация, оддий акция, имтиёзли акция, эмиссия.

Ўз-ўзини текшириш учун саволлар

1. Капитал таркиби нималар орқали аниқланади?
2. Капитал баҳосига қайси омиллар таъсир этади?
3. Узоқ муддатли қарз манбаларининг қандай турлари мавжуд?
4. Молиялаштиришнинг ўз манбалари (оддий ва имтиёзли акциялар) баҳосини аниқлашдан асосий мақсад нима?
5. Оддий акция билан имтиёзли акциянинг асосий фарқи нимада?

Топшириқлар

1. Корхоналар капиталини таркибан гуруҳларга ажратинг.
2. Капитал баҳоси формуласидан фойдаланиб амалий мисол ишланг.
3. Кредит баҳосига таъсир қилувчи ташқи омилларни санаб ўтинг.
4. Оддий акция ҳамда имтиёзли акция ҳақида айтиб беринг.
5. Оддий ва имтиёзли акцияни ҳисоблаш формуласини ўрганиб чиқинг.

XI БОБ. КОРХОНА МОЛИЯВИЙ АКТИВЛАРИНИ БОШҚАРИШ

11.1. Корхона молиявий инвестицияларининг зарурлиги, моҳияти ва шакллари. Корхона қимматли қоғозлари портфеллари ва инвестицион стратегияларининг турлари

11.2. Корхона фонд портфелининг диверсификацияси

11.3. Корхона фонд портфели самарадорлигини баҳолаш

11.4. Қимматли қоғозлар портфели мониторингининг мазмуни

11.5. Акционерлик жамияти қимматли қоғозлари инвестицион жалб этувчанлигини баҳолаш

11.6. Портфел инвестициялар билан боғлиқ рисклар ва уларни бошқариш усуллари

11.1. Корхона молиявий инвестицияларининг зарурлиги, моҳияти ва шакллари. Корхона қимматли қоғозлари портфеллари ва инвестицион стратегияларининг турлари

Молиявий инвестиция деганда акция, облигация ва бошқа турдаги қимматли қоғозларга инвесторлар томонидан куйиладиган барча турдаги бойликлар тушунилади.

Молиявий инвестициялар – бу давлат ёки корпорациялар чиқарган акциялар, облигациялар ва бошқа қимматли қоғозларга, шунингдек, банк депозитларига капитал қўйишдир[24]. Уларнинг таркибида портфель инветицияларни фарқлаш мумкин. Портфелъ инвестициялар – мулкдан даромад олишда ҳуқуқ берувчи қимматли қоғозларга капитал қўйишдир.

Инвестициялар нафақат реал капитални оширишга сарфланувчи ресурслардир, бу ресурслар моддий, номоддий активларга, қимматли қоғозларни сотиб олишга ҳам сарфланади. Яъни капитални капиталлаштириш ва жамғармаларни молиявий инвестицияларга жалб этиш орқали даромад манбаига эга бўлиш мумкин[25].

Мулкни давлат тасарруфидан ва нодавлат секторининг кучайиши билан молиявий инвестиция бир қадар фаоллашмоқда. Бу эса ўз навбатида молиявий ресурсларнинг буш туриб колишлари ва

[24] Аликулов И.С., Сатторов Д.С. Инвестициянинг мазмун-моҳияти ва тавсифланиши. //“Иқтисодиёт ва инновацион технологиялар” илмий электрон журнали. № 5, июль, 2012 йил. – 1-б.

[25] Иванов Г.И. Инвестиции: сущность. Виды, механизмы функционирования. /Серия «Учебники, учебные пособия». – Ростов н/Д: Феникс, 2002. С.24-25.

пул фондларидан мақсадли фойдаланиш имконини беради. Эркин пул маблағлари ва молиявий ресурсларга эга бўлган барча жисмоний хамда юридик шахслар молиявий инвестицияга эга бўладилар.

Молиявий инвестициялашдан асосий мақсад мавжуд молиявий ресурсларнинг бўш туриб колишларига йўл қўймаслик ва улардан самарали фойдаланишдан иборат. Таҳлил этишда бу ресурсларнинг режага ва ўтган йилларга нисбатан ўзгаришларига ҳамда ўзгариш сабабларига баҳо берилади. Шунингдек, манбалардан фойдаланишнинг мақсадли ва имкониятли йўналишлари белгиланади. Таҳлилда шу билан бирга ҳар бир сўмлик молиявий инвестицияга тўғри келадиган ялпи фойда ва соф фойда кўрсаткичлари ўрганилади.

Инвестицияларни молиялаштиришнинг муҳим манбалари сифатида қуйидагиларни келтириш мумкин:

1. ўз маблағлари ҳисобига молиялаштириш;
2. қарзга олинган маблағлар ҳисобига молиялаштириш;
3. жалб қилинган мақсадли тушумлар ҳисобига молиялаштириш;
4. давлат маблағлари ҳисобига молиялаштириш ва х.к.

Таҳлилда, албатта, инвестицион фаолиятни манбалашдаги асосий улушни ташкил этувчи қаторларга муҳим эътибор каратилади. Негаки, инвестицияларни молиялаштиришда ўз маблағларига асосий улушнинг тўғри келиши кўпрок аҳамиятли саналади.

Молиявий инвестицияларнинг ҳар бир турини баҳолаш ва қайта баҳолаш ўзига хос хусусиятларга эга.

Қимматли қоғозларга йўналтирилган молиявий инвестицияларни баҳолашда иккита сана муҳим рол ўйнайди:

– сотиб олиш санаси;

– кейинги саналар.

Сотиб олиш санаси деганда қимматли қоғозларга йўналтирилган молиявий инвестицияларни сотиб олиш, яъни уларни қабул қилиб олиш санаси тушунилади.

Бухгалтерия ҳисоби миллий стандартлари (БХМС) № 12 «Молиявий инвестицияларнинг ҳисоби»га мувофиқ сотиб олиш санасида қимматли қоғозларга йўналтирилган молиявий инвестициялар сотиб олиш қийматида тан олиниши ва ҳисоботда акс эттирилиши лозим.

Қимматли қоғозларга йўналтирилган молиявий инвестицияларнинг сотиб олиш қиймати деганда, уларни сотиб олиш баҳоси сотиб олишга кетган харажатлар билан биргаликда олинган қиймати тушунилади. Сотиб олишга кетган харажатларга брокерлик идораларига тўланган ҳақлар, бож тўлови, банк хизмати ҳақлари ва бошқа сотиб олишга доир харажатлар киради. Сотиб олиш қиймати қимматли қоғозларга йўналтирилган молиявий инвестицияларнинг бошланғич қийматини ёки баланс қийматини ташкил қилади.

Агар сотиб олиш санасида сотиб олиш қийматига маълум санагача бўлган давр учун ҳисобланган дивидендлар ва фоизлар ҳиссаси киритилган бўлса, қимматли қоғозларга йўналтирилган инвестициянинг баланс қиймати ўтказиб берилган суммадан сотувчи томонидан бўнак сифатида тўланган фоиз ва дивидендлар суммасини чегиришдан кейин қолган қийматда акс эттирилиши лозим. Чунки сотиб олиш вақтида олинган сумма ва сотиб олиш қиймати ўртасидаги фарқ инвесторнинг инвестицияга киритган маблағлари учун аванс тариқасида олган даромади ҳисобланади. Бу аванс сумма инвестицияни сотиб олишдан то қайтарилганича бўлган даврда инвестор томонидан доимий даромад сифатида бир маромда ҳисобдан чиқарилиб бориши керак.

Кейинги саналар деганда сотиб олингандан кейинги баланс саналари тушунилади. Ушбу саналарда қимматли қоғозларга йўналтирилган моливий инвестициялар балансда турли қийматда баҳоланиши мумкин. Жумладан, БХМС № 12 нинг 15-бандига мувофиқ қимматли қоғозларга йўналтирилган узоқ муддатли моливий инвестициялар қўйидаги баҳолардан бири бўйича акс эттирилиши керак:

- бозор қийматида;
- сотиб олиш қийматида;
- бозор ва сотиб олиш қийматларидан энг кичигида;
- қайта баҳоланган қийматда

БХМС № 12 нинг 13-моддасига мувофиқ қимматли қоғозларга йўналтирилган қисқа муддатли молиявий инвестициялар балансда бозор қийматида ёки бозор ва сотиб олиш қийматларининг энг кичик қийматида акс эттирилиши керак. Агар улар бозор ва сотиб олиш қийматларининг энг кичик қийматида ҳисобга олинган бўлса, уларнинг баланс қиймати қимматли қоғозлар портфелининг жами инвестиция қиймати, ёки қимматли қоғозларнинг гуруҳлари бўйича

қиймати, ёки қимматли қоғозларнинг алоҳида номлари бўйича қийматига асосланиб топилади.

Қимматли қоғозларга йўналтирилган молиявий инвестицияларнинг бозор қиймати деганда уларнинг молия бозорида сотиш вақтида намоён бўлган сотиш қиймати тушунилади. Бозор қийматини, бошқачасига, ҳаққоний қиймат деб ҳам атайдилар. Бу қиймат кўп омилларга боғлиқ, жумладан, акционерлик жамияти ёки тижорат банкининг фойдалилик даражасига, тўланаётган дивидендларнинг миқдорига, уларнинг келажакдаги обрў-эътиборига ва бошқа омилларга.

Қиймат тамойилига мувофиқ қимматли қоғозларга йўналтирилган молиявий инвестициялар бошқа активлар сингари кейинги саналарда юқорида келтирилган қийматларнинг энг кичик миқдорида балансда акс эттирилиши лозим. Ушбу қийматда узоқ муддатли қимматли қоғозлар балансда инвестиция портфели методига асосланиб акс эттирилади. Қисқа муддатли қимматли қоғозлар уларнинг бозор ва сотиб олиш қийматларининг энг кичик қийматида ҳисобга олинган бўлса, балансда қимматли қоғозлар портфелининг жами инвестиция қийматига, ёки қимматли қоғозлар гуруҳлари бўйича қийматига, ёки қимматли қоғозларнинг алоҳида номлари бўйича қийматига асосланиб акс эттирилади.

Кейинги саналарда бозор қиймати сотиб олиш қийматидан паст бўлса қимматли қоғозларга йўналтирилган молиявий инвестицияларнинг сотиб олиш қиймати бозор қиймати даражасигача етказилиши ва балансда шу қиймат билан акс эттилиши керак. Агар сотиб олиш қиймати бозор қийматидан паст бўлса, у ҳолда қимматли қоғозларга йўналтирилган молиявий инвестицияларнинг қиймати балансда ўзгаришсиз қолдирилиши лозим. Ҳозирги вақтда амалиётда бу тамойилга тўлиқ амал қилинаётган эмас. Корхоналар балансида сотиб олинган қимматли қоғозлар, жумладан акциялар, асосан сотиб олиш қийматида (номинал қийматда) акс эттирилмоқда. Бозор қийматини ўзгариши, яъни уни сотиб олиш қийматидан паст ёки юқори бўлиши, уларнинг ичидан энг қуйи миқдорини ифодаловчи қиймати балансда акс эттирилмасдан қолмоқда. Бу холнинг мавжудлигига сабаблардан бири бўлиб, корхоналарнинг ҳисоб сиёсатида қимматли қоғозларга йўналтирилган инвестицияларнинг кейинги саналарда қийматини кўриб чиқилиши тартибини аниқ белгиланмаганлиги ҳисобланади.

БХМС № 1 «Ҳисоб сиёсати ва моливий ҳисобот»га мувофиқ корхоналар ўзларининг ҳисоб сиёсатларида қимматли қоғозларга йўналтирилган молиявий инвестициялари бўйича қўйидагиларни аниқ белгилаб олишлари даркор.

1. Қимматли қоғозларга йўналтирилган молиявий инвестицияларни кейинги саналарда баҳолаш турини.
2. Қайта баҳолашга асос бўлган ҳисоб усулини.
3. Қайта баҳолашни қимматли қоғозларнинг номлари, гуруҳлари ёки инвестиция портфели бўйича даврийлигини.

Қимматли қоғозларга йўналтирилган молиявий инвестицияларни кейинги саналарда баҳолаш улар қийматини ҳаққонийлигини таъминлаш учун зарур ҳисобланади, шунинг учун ҳам уларнинг қийматини қайта баҳолаш зарурияти туғилади.

11.2. Корхона фонд портфелининг диверсификацияси

Инвестиция жараёни – бу инвесторларни қачон қанча миқдорда қимматли қоғозларни сотиб олишига йўналтирилган фаолиятдир. Бу жараён ўз ичига беш жараённи қамраб олади:

1. Инвестиция сиёсатини танлаш.
2. Қимматли қоғозлар бозорини ўрганиш ва анализ қилиш.
3. Қимматли қоғозлар портфелини шакллантириш.
4. Қимматли қоғозлар портфелини қайта кўриб чиқиш.
5. Қимматли қоғозлар портфелини самарадорлигини баҳолаш.

Бу жараёнлар ҳақидаги тўлиқ маълумотларни билиш ва кўникмаларга эга бўлган ҳолда иш тутиш корхона молиявий натижаларини ўсишига имконият яратиб берди. Шунинг учун ҳам ҳар бир жараён ўзига хос хусусиятларга эга бўлган ҳолда корхона молиявий натижаларини ошишига таъсир этади. Шундай қилиб, юқори кўрсатиб ўтилган жараёнларнинг энг асосийси бу инвестиция сиёсатини танлаб олиш бўлиб ҳисобланади.

Инвестиция сиёсатини танлаш – бу инвесторнинг мақсадини ва кай ҳажмда қимматли қоғозлар сотиб олиш учун инвестиция қила олишини белгилайди. Чунки инвестор учун «кўп пул қилиш» даромад билан риск ўртасидаги кўрашдан иборат. Шунинг учун хам инвестор сиёсатни танлашда бу риск хавфини ҳисобга олиш талаб этилади. Инвестор учун асосий вазифа портфелни кайси турдаги қимматли қоғозлар билан тўлдириш. Бу борада у кайси қимматли

қоғозларга солиқ имтиёзлари берилганлигини ҳисобга олиши керак бўлади.

Иккинчи жараён бу қимматли қоғозлар бозорини ўрганиш ва таҳлил қилишдир. Бу жараёнда инвестор қимматли қоғозларнинг барча турларини хар томонлама ўрганиб, ҳозирги боскичда кайси бири кўпрок даромад келтиришини аниқлаш керак. Бунинг учун инвестор қимматли қоғозлар бозорини техник анализ ва фундаментал анализ йўлларидан фойдаланиши керак.

Учинчи жараён бу қимматли қоғозлар портфелини шакллантиришдир. Бу борада инвестор кайси активлар ҳисобига қимматли қоғозларнинг кайси тури билан портфелни тўлдириш масаласини ҳисобга олиш керак. ғарбда шундай бир мақол бор: «Не клади все яйцо в одну корзину», яъни барча тухумларни бир саватчага қўйма. Бу ҳолда инвестор қимматли қоғозларни турли хиллари билан ишлаши керак. Яъни селекция ўтказиши керак ва бир қисм пулни жамғармада сақлаб туриши керак. Қимматли қоғозлар бозоридаги вазиятни ўрганиб, вақтни пойлаб керакли қимматли қоғозларни сотиб олиши керак. Бу ҳолда у рискнинг олдини олади. Яна шу бозорда диверсификациядан самарли фойдаланиш йўлларини ишлаб чиқиши керак.

Тўртинчи жараён бўлиб қимматли қоғозлар портфелини қайта кўриб чиқиш ҳисобланади. Маълум вақт ўтгандан кейин қимматли қоғозлар бозоридаги инвесторнинг мақсади ўзгариши мумкин. Шунинг учун ҳам у маълум бир вақтда қимматли қоғозларнинг бир қисмини сотиб, уларнинг ўрнига янги кўпроқ даромад келтирадиган қимматли қоғозлар билан тўлдириши талаб этилади, яъни бу жараён ҳар доим такрорланиб туриши керак.

Бешинчи жараён қимматли қоғозлар портфелини самарадорлигини баҳолашдир. Бу жараёнда инвестор қимматли қоғозлар бозорида оладиган даромадини ва риск ўртасидаги номувофиқликка катта эътибор бериши, бунинг учун маълум бир стандартлар (эталонлар) ишлаб чиқиш талаб этилади.

Дунё амалиётида фонд бозорида инвестицион портфелни шакллантириш деганда жисмоний ёки юридик шахсларга тегишли қимматли қоғозларнинг бир бутун йиғинди ҳолатига келтирилганлиги тушунилади. Қимматли қоғозлар портфелини шакллантириш бу кўпроқ фойда олиш ниятида турли хил қимматли қоғозларни сотиб олиш, инвестиция самарадорлигини ошириш ва

рискларни камайтириш борасидаги жисмоний ёки юридик шахсларнинг фаолиятидир.

Назарий жиҳатдан қимматли қоғозлар портфелини бир хил қимматли қоғозлар билан ҳам шакллантириш мумкин ёки бир қимматли қоғозни бошқа бири билан ҳам алмаштириш мумкин. Лекин бу ҳолда инвестор томонидан юқори даромад олиш имконияти камаяди. Риск хавфи эса кучайиши мумкин. Шунинг учун ҳам қимматли қоғозлар портфели турли хил қимматли қоғозлар билан шаклланиши мақсадга мувофиқдир. Қимматли қоғозлар портфелини шакллантиришда курс қиймати ошиб бораётган компаниялар акциялари ҳисобига шакллантиришга ҳаракат қилиш бунинг учун қимматли қоғозлар портфелини шакллантиршининг турли йўлларидан фойдаланиш зарур бўлади.

Биринчиси. Ўсиш портфели – бу йўлда акция курслари ошиб бораётган компаниялар акцияларидан қимматли қоғозлар портфелини ташкил топтириш керак. Бу айниқса янги пайдо бўлаётган, келажаги порлоқ бўлган компаниялари акцияларидан, бир неча йилдан бери ўсиш суръатлари стабил бўлган номи донгдор компаниялари акцияларидан портфелни шакллантириш керак.

Иккинчиси. Даромад портфели. Бу ҳолда қимматли қоғозлар портфели юқори даромад келтирувчи, фоиз ва дивидендлари юқори таъминловчи қимматли қоғозларга қаратилиши керак. Бу ўринда нафақат курси ошиб бораётган акциялар балки юқори даромад келтирадиган облигация ва бошқа қимматли қоғозлардан портфелни шакллантириш мақсадга мувофиқдир. Бу ҳол қимматли қоғозлар бозоридаги рискларни минимал даражага олиб келиши мумкин.

Учинчиси. Пул бозори портфели. Бу капитални тўлиқ сақланишига қаратилган бўлиб, қимматли қоғозлар портфели тез ўсиб бораётган активлар ҳисобига шакллантирилади. Қимматли қоғозлар билан ишлашнинг «олтин қоидалари»дан бири «ҳеч вақтда барча пулингизни қимматли қоғозлар сотиб олишга сарфламанг, бир қисмини фақат бўш пул сифатида сақланг, уни ноҳосдан вужудга келган қулай инвестицион лойиҳаларни ҳал этишга ишлатиш учун».

Тўртинчиси. Соликдан озод қилинган қимматли қоғозлар ҳисобига қимматли қоғозлар портфелини шакллантириш. Ушбу жараёнда юқори ликвидли давлат қарз мажбуриятларини сотиб олиш муҳим аҳамиятга эга. Бу қоғозлар юқори даромадли бўлиб ҳисобланади. Энг муҳими эса, соликдан ҳам озод қилинган.

Масалан: давлат қисқа муддатли облигациялар ҳисобига портфелни шакллантириш.

Бешинчиси. Давлат ва маҳаллий ҳокимиятлар томонидан чиқарилган қимматли қоғоз ҳисобига портфелни шакллантириш. Бу қимматли қоғозлар дисконт билан сотиб олинади ва у солиқ имтиёзларига эга бўлган ҳолда ўз эгасига юқори даромад келтиради. Худди шундай чет эл эмитентлари томонидан чиқарилган қимматли қоғозларни сотиб олиш ҳам ўз эгасига юқори даромадлар келтиради.

Олтинчиси. Турли тармоқлардаги корхоналар томонидан чиқарилган қимматли қоғозлар ҳисобига портфелларни шакллантириш. Айниқса конвертлаштирилган имтиёзли акция ва облигацияларни сотиб олиб, корхона раҳбари вақт пойлаб уларни оддий акция ва облигацияларга алмаштирса, юқори фойда олиши мумкин бўлади.

Юқоридагилардан келиб чиқиб табиийки, савол туғилиши мумкин. Портфелда қимматли қоғозлар бўлиши қанча юқори даромад келтириши мумкин. Рискларнинг энг кам даражаси бу портфел 40дан 70гача турли хил қимматли қоғозлар билан шакллантирилса. Агар қимматли қоғозлар портфели бундан ортиқ турлар билан шакллантирилса, диверсификация самараси нисбатини алтернатив асосида ўрганиш ва шу йўл билан қайси вариант кўпроқ даромад келтиришини аниқлашдир.

Г. Марковиц портфел рискини икки бўлимга ажратади[26]:

Биринчи бўлимда ҳар қандай шароитда вужудга келадиган доимий риск ва бунинг олди олинмайди.

Иккинчи бўлимда ўзига хос рисклар бўлиб, қимматли қоғозлар бозорида турли маневрлар ўтказиб уларни олдини олиш мумкин ҳисобланади ва риск даражасини нольга келтириш мумкин. Шу йўл билан келажакда кам фойда келтирадиган қимматли қоғозлар портфелидан қутулиш мумкин.

У. Шарпнинг индекс модели[27]. Унинг асосида ҳар бир қимматли қоғозлардан олинадиган даромадлар алоҳида ҳисобланмайди (Г. Марковитц моделига ўхшаб), балким бир бутун барча қимматли қоғозлардан шаклланган портфелларнинг индексларини математик йўл билан ҳисоблаш ётади.

---

[26] Markowitz H. M., Mean Variance Analysis in Portfolio Choice and Capital Markets. Basil. Blackwell. 1990

[27] Investors and Markets: Portfolio Choices, Asset Prices, and Investment Advice. By William F. Sharpe. Princeton University Press, Princeton, 2007

Яъни қимматли қоғозлар корреляциясини ҳисоблаб, кутилаётган акция курсини ҳисоблайди.

Қимматли қоғозлар портфелини бошқаришда акция курсини пасайиши юз берса, унда қимматли қоғозлар портфелини самарали бошқариб бўлмайди.

Қимматли қоғозлар портфелини шакллантириш ва бошқариш бу қимматли қоғозлар бозори профессионал қатнашчиларининг вазифаларидир. Шу боис менежерлар бу иш билан шуғулланса мақсадга мувофиқ бўлади.

Қимматли қоғозлар портфелининг самараси инвесторларнинг стратегиясига ҳам боғлиқ. Улар ҳар 3-5 йилда қимматли қоғозлар бозоридаги ўз стратегияларини қайта кўриб чиқиши бу борадаги рискларни камайишига ва юқори даромад олишларини таъминлаши мумкин. Қимматли қоғозлар портфелини бошқариш учун инвесторлар қимматли қоғозлар бозорини мониторинг қилиб туриши керак, яъни фонд бозори ва унинг ривожланиш тенденциясини, қимматли қоғозлар эмитентларининг молиявий-иқтисодий кўрсаткичларини таҳлил қилиб туриш зарур бўлади.

Айтиш жоизки, қимматли қоғозлар портфелини шакллантиришнинг турли хил моделлари мавжуд. Шулардан баъзиларига тўхталиб ўтиш муҳимдир.

Г. Марковиц модели – унинг асосида қимматли қоғозлар портфелини шакллантиришда алтернатив методлардан фойдаланишдир. Яъни инвестиция ҳажми билан хатарлар (рисклар) ўртасидаги турли хил моделлар ҳам қўлланилади. Буларнинг ҳаммасининг мақсади инвестиция натижасида олинадиган даромад билан риск ўртасидаги номувофиқликнинг олдини олишдир. Ўзбекистон қимматли қоғозлар бозорида уни иккиламчи бозорининг етарли даражада ривожланмаганлиги туфайли юқорида қайд қилинган моделлардан фойдаланиш даражаси жуда паст. Шу боис хориж тажрибаларини ўрганиш орқали ушбу масала доирасида кузатишлар ва изланишлар ишларини олиб бориш муҳимдир.

11.3. Корхона фонд портфели самарадорлигини баҳолаш

Диверсификациялаш ишлаб чиқариш, тижорат ва инвестиция фаолияти соҳаларида рискнинг даражасини камайтириш имконини яратади. Уни диверсификациялаш қуйидаги йўллар билан амалга оширилиши мумкин:

-капитал сарфларни бир нечта фаолият турларига бўлиб сарфлаш;

-ҳар хил турдаги юқори даромад келтирадиган қимматли қоғозларга инвестиция қилиш;

-моддий-техник таъминоти бўйича ташқи шерикларнинг сонини кўпайтириш;

-турли сегментларни қамраб олган бозор ва истеъмолчиларнинг талабига мос товарлар ишлаб чиқариш;

-бозор конъюктураси ва истеъмолчилар сегментига мос келувчи турли баҳо сиёсатини юритиш;

-юк ташувчи турли транспорт субъектларининг хизматидан фойдаланиш;

-товар-моддий заҳираларни бир нечта жойда бўлиб асраш ва ҳоказо.

Қимматли коғозлар портфели риски диверсификацияси - портфелнинг даромадлилигини камайтирмаган холда инвестиция рискларини минималлаштиришга йуналтирилган бўлади.

Инвестиция билан боғлиқ рискларни камайтириш усулларидан бири бу банкларнинг инвестиция портфелини диверсификация қилишдир. Инвестиция портфелини диверсификация қилиш банкнинг инвестиция портфелида турли хил кўпдан кўп қимматли қоғозларнинг мавжудлигини билдиради. Диверсификация усулида инвестиция сиёсатини амалга оширишда қимматли қоғозларнинг хар хил хусусиятларини ҳисобга олиш лозим бўлади.

Тижорат банкларинг қимматли қоғозлар портфелини диверсификация қилишнинг қуйидаги турлари мавжуд. Булар диверсификация қилиш, қимматли қоғозларнинг эмитентлари бўйича диверсификация қилиш ва бошқалар.

Қимматли қоғоз сифатига доир диверсификация мақсади - рискни минималлаштириш (у эмитентнинг ўз мажбуриятларини бажара олмай колишлик эхтимоли билан белгиланади). Шу муносабат билан акция сифатининг таъминланганлик даражаси бўйича диверсификация усули ҳам мавжуд бўлиб, назариётчилар фикрича, у бир қатор омилларни ўрганиб чиқишни талаб килади: Булар эмитент кандай фаолият билан шуғулланишини, акция даромади, дивидент миқдори, компания акциясининг жорий нархи, заҳираси, компанияни ким бошқараётганлиги ва бошқалар бўлиб, кўрсатилган саволларга жавобни эмиссия проспекти ва биржа ахборотномадаридан олиш мумкин.

Қимматбаҳо қоғозларнинг географик таркалишига нисбатан диверсификация мақсади - тегишли районлардаги иқтисодий кийинчиликлар рўй берганда юзага келадиган рискларни камайтиришдан иборат бўлиб ҳисобланади.

Қимматли қоғозларнинг тўлаш муддати бўйича диверсификация мақсади - фоиз ставкаларининг тебраниши билан боғлиқ рискларнинг олдини олишдан иборатдир. Бу инвестиция сиёсатини амалга оширишда тижорат банклари, одатда қимматли қоғозларнинг тугатилиш муддати бўйича поғонали структурадан фойдаланишади. Бундан поғонали структура натижасида муддати тугаган кимматбаҳо қоғозлар бўлмайди ва уларни узоқ муддатли юқори даромадли қимматли қоғозларга реинвестиция қилиш имкони туғилади.

Қимматли қоғозларнинг фоиз даражалари прогнози амалиётда назариядан фарқ килади. Шунинг учун тижорат банклари прогноз натижаларининг ишончлилик даражасини ошириш мақсадида фоиз ставкаларини таркибини таҳлил киладилар.

Одатда жаҳон амалиётида тижорат банклари ўз инвестиция сиёсатини ишлаб чиқариш ва амалга ошириш учун бошқариш структурасида махсус инвестиция бўлимларини ташкил қилишади. Бўлимдаги ходимлар сони бир қатор омилларга боғлиқ бўлиши мумкин. Булар: қимматли қоғозлар портфели катталиги, бўлим томонидан қимматли қоғозларни сотиш ва сотиб олиш бўйича бажариладиган функцияларга, банкнинг мижозларига кўрсатадиган хизматларга, қимматли қоғозлар тури ва сифатига ва бошқаларга боғлиқ бўлади. Бўлим ишчиларининг малакаси канчалик юқори булса, улар бажараётган вазифа, ишнинг сифати хам шунчалик юқори бўлади.

Марковиц усули кўп маълумотлар хисобига портфелни оптимал вариантини эмас, балки факат портфелни самарасини аниклайди, Шарп усули эса кам маълумотлардан фойдаланилади ва Марковицни қисқартирилган усули хам дейилади. Агар Марковиц мультииндекс усулини кенг ёйган бўлса, Шарп эса ягона индекс усули ёки диагонал усули дейилади. Шарп хар бир акцияни соф фойдасини умумий бозор индекси билан солиштириш орқали корреляция (ейиштирилади-келишилган) қилинади, бу портфел самарасини топишни қисқартиради.

Портфель даромадлилигининг базавий формуласи (вақт нуқтаи назаридан) қуйидагича аниқланади:

$$\text{Портфель даромадлилиги} = \left| \frac{(\text{ПДП}+\text{РКП}+\text{НКП})}{(\text{НИ}+(\text{ДС}*\text{Т1}/12) - (\text{ИС}*\text{Т2}/12))} \right|$$

Бу ерда:

ПДП –олинган дивиденд ва фоизлар;

РКП – реализация қилинган (жорий тушумлар плюс курс баҳосининг ошиши) курс бўйича даромад;

НКП – реализация қилинмаган (йил давомида курс баҳосининг ошиши натижасида шаклланган) курс бўйича даромад;

НИ – бошланғич инвестиция;

ДС – қўшимча воситалар

Т1 – фонд инструмент (восита)ларига қуйилган пул маблағларининг портфельда бўлиш ойларининг сони;

ИС – чиқариб ташланган воситалар;

Т2 – фонд инструмент (восита)ларига қуйилган пул маблағларининг портфельда мавжуд бўлмаган ойларининг сони.

11.4. Қимматли қоғозлар портфели мониторингининг мазмуни

Мониторинг - корхонанинг молиявий хўжалик фаолияти тўғрисида ахборот туплаш ва умумлаштириш тизимидир.

Қимматли қоғозлар портфелларни бошқаришда уларни мониторингини ўтказиш катта аҳамиятга эга. Уни ўтказишнинг тартиби қуйидагилардан иборат:

1. Профессионал институт (бошқарувчи) билан мониторинг ўтказиш тўғрисида шартнома тузиш.

Портфелни актив (фаол) бошқариш бўйича мониторинг шартномаси катта ҳаражатли бўлиб, портфелни бошқарувчи ҳисобидан таҳлилий шакллантириб бошқаришни ўз ичига олади. Бошқарувчининг комиссион рағбат пули миқдори портфелдар олинадиган даромаднинг маълум фоизини ташкил этади.

Бундай ҳизмат тури «Инвестмент портфолио манагемент треатй», ёки портфелни бошқариш тўғрисидаги шартнома (контракт) деб юритилади.

Портфелни пассив бошқариш бўйича мониторинг шартномаси ўз ичига мижоз топшириғига ассосан ва ҳисобидан портфелни таҳлилий шакллантириб бошқаришни олади. Бошқарувчи ўз

ҳизмати учун комиссион рағбат пулини мижоз билан келишилган миқдорида олади. Бундай ҳизмат турини «Привате банкинг», ёки ишончли бошқариш (траст) деб юритилади.

2. Узлуксиз таҳлилни қуйидагилар бўйича амалга ошириш:

• фонд бозорини, унинг сегментларини ва ривожланиш тенденцияларини;

• эмитентларнинг молиявий-иқтисодий кўрсаткичларини;

• қимматли қоғозларнинг инвестицион сифатларини.

Мониторингнинг мақсади – қабул қилинган портфел турига мос келувчи инвестицион хоссали қимматли қоғозларни танлаш.

Мониторинг – портфелни актив ва пассив кузатиш, таҳлил қилиш ва шакллантириб бошқаришнинг асоси, инвестицион даромадларни прогноз қилиш, қимматли қоғозлар билан боғлиқ операцияларни жадаллаштириш.

3. Мониторинг натижалари ва портфел турига кўра бошқариш тактикасини (стратегиясини) танлаш. Самарали тактикани танлаш кўпдан менежернинг санъатига боғлиқ.

4. Мониторинг тўғрисидаги шартнома бўйича ҳисобот тайёрлаш ва мониторинг таҳлил натижалари бўйича таклифлар бериш.

Юқорида айтилганлардан келиб чиқиб қуйидагиларни таъкидлаш жоиз:

1. Қимматли қоғозлардан олинадиган даромадга диверсификациялашган портфелнинг барқарорлаштирувчи таъсирини эсдан чиқармаслик лозим.

2. Портфелни иложи борича ўз имкониятларингиздан келиб чиққан ҳолда шакллантиринг.

3. Энг самарали (эффектив) портфел ҳам диверсификацияланмаган рискни ҳисобга олмайди. Глобал иқтисодий ҳодисалар ривожини олдинроқ башорат қилишни эплаш керак.

4. Сизни қизиқтирган қимматли қоғозларни танлашда мониторингни қўллаш лозим. Чунки бу кўп жиҳатдан пул маблағларини инвестиция қилишда муваффақиятни кафолатлайди.

Мониторинг тизими деганда ўзгарувчан бозор муносабатлари шароитида фонд портфели эгаси томонидан портфель таркибига кирувчи қимматли қоғозлар ликвидлилигини, даромадлилигини ва хавфсизлигини узлуксиз равишда таъминлашга қаратилган механизм тушунилади.

Мониторингни ўтказишдан асосий мақсад:

-Қимматли қоғозларнинг жорий бозор баҳосини ўртача бозор баҳосидан четланишини доимий равишда назорат қилиш;

-Ушбу четланишларнинг сабабларини таҳлил қилиш;

-Қимматли қоғозлар портфели таркибини оптималлаштириш ва унинг таркибидан самарасиз қимматли қоғозларни чиқариб ташлаш бўйича чора-тадбирлар ишлаб чиқиш;

-Қимматли қоғозлар эгасининг фаолият йўналишига мос келувчи инвестицион йўналишларга мос бўлган янги фонд портфелини шакллантириш ва б.

Инвестиция қуйилманинг муқобил йўналишини баҳолаш қарздорларнинг мониторинг фаолиятини амалга ошириш орқали, ресурслардан фойдаланиш самарадорлигини кўтаради. Молиявий дастаклардан фойдаланиш орқали хўжалик объектлари таваккалчилик қилишга ва жамғарма туплаш имкониятига эга бўладилар. Шундай килиб барқарор ва соғлом молиявий тизимнинг ривожланиши инвестициялашнинг ички имкониятларини кенгайтиради ва иқтисодий усишни таъминлайди. Молиявий тизим асослари ҳуқуқни, ҳисоб юритиш ва молиявий муассасаларга огир юк тушмайдиган солиқ тизимларини шакллантириш орқали барпо қилинади.

Инвестицияни молиялаштириш асосан мамлакатдаги иқтисодий сиёсат, қонунчилик, инвестицияни жалб қилиш инфратузилмасини ривожи, даражаси ва мамлакатнинг иқтисодий аҳволига боғлиқ бўлади.

Инвестиция фаолиятини ривожи учун мазкур омилларни илмий таҳлил қилиш лозим бўлади. Бу таҳлил маблағлар йўналишининг энг макбул усулини танлаш ва келажакда хар бир худудга мос келадиган инвестиция сиёсатини белгилаш имкониятини беради. Иқтисодий ўсишга эришишда нафақат инвестиция ҳажмини кўпайтириш, балки улар йўналишлари ва тузилмаларини тўғри танлаш хам муҳим аҳамият касб этади. Инвестициялаш учун шундай ишлаб чиқариш турлари ва корхоналарни танлаш лозимки, улар тезда ўзини қоплаб, юқори даражада иқтисодий ва технологик самара бера олишлари керак.

Иқтисодиётни эркинлаштириш босқичида иқтисодий усишни жадаллаштириш учун инвестиция ҳажмини кескин кўпайтириш лозим бўлади. Ҳозирги боскичда маблағлар етишмовчилигини

ҳисобга олиб, нодавлат инвестиция манбаларини топиш ва хар томонлама қўллаб-қувватлаш мақсадга мувофиқ бўлади.

11.5. Акционерлик жамияти қимматли қоғозлари инвестицион жалб этувчанлигини баҳолаш

Ўзбекистон Республикасида олиб борилаётган иқтисодий ислоҳотларнинг асосий мақсадларидан бири мамлакатда кўп укладли иқтисодиётни шакллантириш ва иқтисодиётда эркин рақобат муҳитини яратишдан иборатдир.

Давлат мулкини хусусийлаштириш ва давлат корхоналари негизида хусусий мулкка асосланган турли шаклдаги корхоналарни ташкил этиш ушбу вазифани ҳал этишнинг муҳим йўлларидан бири ҳисобланади. Ушбу жараён билан баробар равишда қимматли қоғозлар бозори шаклланиб иқтисодиётда акциядорлик шаклидаги хўжалик юритувчи суъектлар ҳам ривожлана бошлади.


Қимматли қоғозлар бозорини шакллантириш, жумладан, унинг ҳуқуқий асосини давлат томонидан тартибга солиш механизмларини яратиш ва фонд бозори инфратузилмасини ташкил этиш бўйича салмоқли ишлар амалга оширилди. Шу тариқа акциядорлик жамиятларини ривожлантиришга асос яратилди.

Акциядорлик жамиятларининг бошқа мулк шаклидаги корхоналардан ажралиб турадиган муҳим жиҳатларидан бири – бу улар устав фондларининг акцияларга бўлинганлиги ва фаолиятларининг фонд бозори билан чамбарчас боғлиқлигидир.

Акция – бу акциядорлик жамиятининг устав фондига муайян ҳисса қўшганлигидан гувоҳлик берувчи, унинг эгасига фойданинг бир қисмини олиш ва одатда ушбу жамиятни бошқаришда иштирок этиш ҳуқуқини берувчи қимматли қоғозлардир28. Таърифдан кўриниб турибдики, бошқа қимматли қоғозлар турларидан (облигация, депозит сертификатлари, векселлар ва бошқалар) фарқли ўлароқ, аниқ мулкий муносабатларни тартибга солувчи воситадир, яъни унинг эгаси акциядорлик жамиятини бошқаришда иштирок этиш ҳуқуқига эга.

Акцияларнинг ушбу хусусияти уларни муомалага чиқариш ва инвесторлар ўртасида жойлаштиришнинг асосий мақсад ва вазифаларини белгилаб беради (9.1-чизмага қаралсин).

[28] Бутиков И.Л. Қимматли қоғозлар бозори. Дарслик. – Т.: Консаудитинформ, 2001. – 472 б.



11.1-чизма. **Корхоналарда акциялар чиқаришнинг асосий мақсади**

Чизмадан кўриниб турибдики, корхоналарнинг акциялар чиқаришдан асосий мақсади корхонага нафақат молиявий маблағлар, балки самарали мулкдорларни жалб қилишдан ҳам иборатдир. Самарали мулкдор деганда, биз корхона узоқ муддат барқарор ривожланишидан унинг ишлаб чиқариш имкониятлари ва салоҳияти кенгайишидан манфаатдор бўлган акцияларни тушунишимиз лозим. Самарали мулкдорларни жалб қилишда, фикримизча, корхона акцияларини стратегик инвестициялар, ушбу корхона фаолият тури бўйича етарли тажрибага эга бўлган, корхонага зарур бўлса, амонавий техника ва технологияларни кирита оладиган ҳамда юқори даражада бошқарувни ташкил этиш имкониятига эга бўлган мулкдорлар орасида жойлаштириш лозим.

Фонд бозори орқали акциядорлик жамиятларига маблағарни жалб қилишда акцияларнинг ўз вақтида ва мақбул нархларда инвесторлар орасида жойлаштирилиши муҳим аҳамиятга эга.

Бугунги кунда корхоналарга инвестицияларни фонд бозори орқали кенг миқёсда жалб қилиш жараёнларини секинлаштираётган омиллар таъсирини ўрганиш муҳимдир. Бундай омилларга корхоналарда асосий фондларнинг жисмонан ва маънавий

эскирганлиги ва бундай ҳолатни сифатли маҳсулотлар ишлаб чиқариш имкониятининг чекланганлиги, корхоналар акцияларининг даромадлилик даражасининг пастлиги, дивидент тўловларининг пастлиги, уларни акцияларга бўлган қизиқишларини сўндириши, молиявий ривожланишнинг ҳаракат стратегик дастурини мавжуд эмаслиги, молиявий маълумотларни тўплаш ҳолатини жаҳон андозалари талабларига мос келмаслиги, шу жумладан бухгалтерия ҳисобот тизими ва ҳ.к.

Корхоналар ўз фаолиятларини қимматли қоғозлар бозори билан узвий боғлиқликда инвестицияларга жалб этиши ва шу орқали инвестицион лойиҳаларни ҳаётийлигини таъминлашга эришишлари, уларга ишлаб чиқаришни кенгайтириш ва замонавийлаштириш учун қўшимча молиявий маблағларни ҳам қидириб топиш, корхоналарда илғор инвестицион лойиҳаларни баҳолаш имконини беради.

Инвестицион лойиҳаларнинг хаётийлигини баҳолаш, таҳлил этишда харажатлар ва уларнинг ўзгаришига таъсир этувчи омилларга аҳамият берилади.

Инвестицион харажатлар ва уларнинг баҳоланиши қуйидаги харажат элементлари бўйича ўрганилади:

- ишлаб чиқариш харажатлари;
- маъмурий ва устама харажатлар;
- молиявий харажатлар;
- амортизация бўйича харажатлар.

Баҳолаш уларнинг ҳар бир туркуми бўйича олиб борилади ва бу билан лойиҳаларнинг хаётийлиги белгиланади.

Инвестиция йўналтирилган маблағларни баҳолашнинг икки усулини кайд қилиш мумкин. Булар - реал активларнинг кутилган қиймати ва жорий қийматини аниқлаш усулларидир. Инвестицион лойиҳаларни молиявий таҳлил қилишда бу масала асосий ҳисобланади.

11.6. Портфел инвестициялар билан боғлиқ рисклар ва уларни бошқариш усуллари

Ҳозирги шароитда инвесторлар ўз сармояларини фонд инструментларига йўналтиришда маблағлар сақланиши ва қийматини ўсиб боришидан манфаатдор бўлиб, портфел риски ва даромад кўрсаткичлари пропорциясини таъминлашга интилади. Инвестицион портфелни шакллантириш ва бошқаришда, биринчи

навбатда, унинг таркибига кирувчи қимматли қоғозларнинг даромадлилик ва рисклилик даражаси таҳлил этилади. Бунинг сабаби иқтисодиётда рискларнинг активларга таъсири кун сайин нархларни ўзгариб туришига сабаб бўлмоқда. Шунинг учун ҳам рискларни бошқариш молия бозори барча иштирокчиларининг асосий мақсади ҳисобланади.

Инвестицион портфелни бошқариш учун таркибига кирувчи молиявий инструментларнинг риск даражасини таҳлил қилишни ва самарасиз бўлган қимматли қоғозларни портфел таркибидан чиқариб ташлашни талаб этади. Риск даражаси юқори бўлганда, даромадлилик даражаси паст бўлиши мумкин. Шу боис портфел стратегиясидан келиб чиққан ҳолда уни оптималлаштириш муаммоси корхона учун мураккаб вазифа ҳисобланади. Бунда риск даражасини ҳисоблашда бир неча кўрсаткичлардан фойдаланиш мумкин. Бу кўрсаткичлар қимматли қоғозларнинг умумий фонд бозори билан, қимматли қоғозларнинг бир-бири билан ўзаро муносабатини ифодалаб, корхона раҳбари фонд инструментларини рискка мойиллик даражасини белгилаб олишга ёрдам беради. Шундан келиб чиқиб, риск даражасига эътиборни қаратиш зарур бўлади.

Бунда ўлчов кўрсаткичлари сифатида қуйидагилар асос қилиб олиниши мумкин:

- даромаднинг вариацион кенглиги;
- ўртача квадратик четланиш;
- вариация коэффициенти ҳисобланади.

Юқорида келтирилган кўрсаткичлар қанча юқори бўлса, қимматли қоғозларнинг риск даражаси ҳам шунчалик юқори бўлади. Кўрсаткичлар ўсиб борувчи аниқлик бўйича жойлаштирилади ва шу орқали улар устидан олдинги кўрсаткич натижаларини аниқлаштириб боришга хизмат қилади. Бу кўрсаткичларни ҳисоблаб чиқиш мақсадида кўриб чиқилаётган корхонанинг инвестицион портфели таркибидаги 2 та қимматли қоғозлар (эҳтимолий даромадлилик даражаси: минимал, ўрта ва максимал) асосида қуйидаги вариацион кенгликни аниқлашга эришилади (11.1-жадвал).

11.1-жадвал

Қимматли қоғозларнинг вариацион кенглиги

т/р	Эҳтимолий баҳо	Корхоналар		Содир бўлиш эҳтимоли	
		А	Б	% да	Коэффициентда
1	Минимал (даромад, %)	6,0	4,0	30	0,3
2	Ўртача (даромад, %)	11,4	10,3	50	0,5
3	Максимал (даромад, %)	17,3	25,4	30	0,3
4	Вариацион кенглик (%)	12,69	13,97	-	-
5	Математик кутилиш (%) (3-1)	11,3	21,4	-	-
6	Ўртача квадратик четланиш (%)	6,27	21,31	-	-
7	Вариация коэффициенти	0,70	1,92	-	-

Ушбу жадвалда келтирилган маълумотлардан фойдаланган ҳолда қимматли қоғознинг риск даражасини аниқлаш мумкин бўлади. Бизнинг мисолимизда “А” корхонанинг қимматли қоғознинг риск даражаси 1,89 баробар ортиқ бўлганлигини кўриш мумкин (21,4:11,3≈1,89).

Ҳисоблаб чиқилган натижалар асосида кейинги риск даражасининг кўрсаткичини, яъни квадратик четланишни ҳисоблаш ҳам мумкин. Бунда икки усулдан фойдаланиш тавсия этилади, яъни биринчиси математик кутилиш (Мқ). Бунинг аниқлаш учун қуйидаги формуладан фойдаланиш тавсия этилади:

$$Мқ\ (Эд) = \sum_{и=1}^{н} Эди \times Сэи$$

Бу ерда:

Эди - математик кутилиш;

Сэи - содир бўлиш эҳтимоли.

Жадвалда келтирилган маълумотлардан фойдаланиб, қуйидаги натижаларга эришиш мумкин бўлади:

1. “А” корхона бўйича = 6,0 х 0,3 + 11,4 х 0,5 + 17,3 х 0,3 = 12,69%

2. “Б” корхона бўйича = 4,0 х 0,3 + 10,3 х 0,5 + 25,4 х 0,3 = 13,97%

Кўриниб турибдики, “А” корхонада қимматли қоғозлар бўйича Мқ 12,69%ни, “Б” корхона бўйича эса 13,97%ни ташкил этади.

Умуман юқорида ҳисоблаб чиқилган кўрсаткичлар натижаларидан келиб чиқиб ўртача арифметик ўртачани ҳисоблаш мумкин. Бунда қимматли қоғозларнинг эҳтимол қилинаётган даромадлилик даражаларининг ўртача арифметик кўрсаткичи олинади:

1. “А” = (6,0% + 11,4% + 17,3%) / 3 = 11,56

1. “Б” = (4,0% + 10,3% + 25,4%) / 3 = 13,23

Кейинги, яъни иккинчи қимматли қоғознинг ўртача арифметик кўрсаткичи биринчи қимматли қоғознинг ўртача арифметик кўрсаткичидан катта. Бу эса иккинчи қимматли қоғознинг рисклик даражаси максималлигидан далолат беради.

Дисперсия – квадратдаги стандарт четланиш бўлиб, уни қуйидаги формула орқали аниқлаш тавсия этилади:

$$Д = \frac{\sum(Акц^{Дар} - \overline{Акц}^{Дар})^2}{n}$$

Ушбудан келиб чиқиб дисперсияни аниқлаш мумкин бўлади:

$$Д_А = \sqrt{(6,0 - 11,56)^2 * 0,3 + (11,4 - 11,56)^2 * 0,5 + (17,3 - 11,56)^2 * 0,3} = 19,16$$

$$Д_А = \sqrt{(4,0 - 13,23)^2 * 0,3 + (10,3 - 13,23)^2 * 0,5 + (25,4 - 13,23)^2 * 0,3} = 74,28$$

Шундай қилиб, ўртача квадратик четланиш даражаси қанчалик катта бўлса, ўша қимматли қоғозларга боғлиқ қўйилмаларнинг риск даражаси шунчалик юқори бўлади. “Б” корхона қимматли қоғозларининг ўртача квадратик четланиши “А” корхона қимматли қоғозларидан 3,9 баравар кўпроқ, унда “Б” корхона қимматли қоғозларга йўналтирилган қўйилмалар кўпроқ риск даражасига эга: 74,28:19,16=3,9

Ушбудан умумий риск даражасини вариация коэффициенти ёрдамида ҳисоблаш мумкин бўлади, яъни:

$$В_{коэф} = \frac{\overline{К}^{Ч}_{в(ДИС)}}{Ар.к.} \text{ x } 100\%$$

Бу ерда:

$В_{коэф}$ – вариация коэффициенти;

$\overline{К}^{Ч}_{в(ДИС)}$ - ўртача квадратик четланиш (дисперсия);

Ар.к. – ўртача арифметик кўрсаткич.

Ушбудан келиб чиқиб, қимматли қоғозларнинг вариация коэффициентини корхоналар кесимида ҳисоблаш мумкин:

“А” = 19,16/11,56 = 1,66

“Б” = 74,28/13,23 = 5,61

Бу ерда вариация коэффициенти таркибидаги “Б” корхонанинг қимматли қоғозларига киритилган маблағлари “А” корхона

маблағларига нисбатан кўпроқ риск даражасига эга эканлигидан далолат бермоқда. Бу ерда “Б” корхонанинг даромад даражасини юқори бўлишига қарамай, унинг эҳтимолий йўқотишлар даражаси “А” корхонага нисбатан юқори бўлган.

Қимматли қоғозлар портфелининг риск даражасини аниқлашда кореляцион коэффициентдан ҳам фойдаланиш мумкин. У асосан қимматли қоғозлар портфелини бошқаришда кўпроқ фойдаланиши, шунингдек, ушбу кўрсаткич -1 ва +1 оралиғида ўз аксини топиши мумкин. Абсолют ижобий кореляция (кореляция коэффициенти +1) қайд этилганда, бир қимматли қоғоз курсининг ўзгаришини ифодаласа, унда абсолют салбий кореляция (кореляция коэффициенти -1)нинг мавжуд бўлиши икки қимматли қоғоз курсларининг тескари алоқадорликда ўзгаришини ифодалайди. Қимматли қоғозлар курсининг ўсиши ёки пасайиши ҳам кузатилиши мумкин. Бунда қимматли қоғоз курсининг ошиши билан унга хос ҳолда иккинчи қимматли қоғоз курсининг пасайиши юз бериши мумкин бўлади.

Шуни ҳам таъкидлаш жоизки, турли хил қимматли қоғозлар гуруҳлари ўртасида ижобий (кореляцион коэффициент +1 га етмайди) кореляция мавжуд. Шундан келиб чиққан ҳолда, битта қимматли қоғознинг даромадлилик даражаси ошса ёки камайса, иккинчи қимматли қоғознинг ҳам даромадлилик даражаси тенг равишда ошиб ёки камайиб туради.

Ноижобий вариацияда иккита эҳтимолий ўзгарувчилар бир-бирига тескари муносабатда бўлган ҳолда, бирининг ошиши иккинчисининг камайишига сабаб бўлади. Бундан шундай хулоса чиқариш мумкин бўлади, яъни бир қимматли қоғознинг даромадлилик даражасининг ошиши иккинчи қимматли қоғознинг даромадлилик даражасининг пасайишига сабаб бўлиши мумкин. Вариация кўрсаткичи қанчалик ошса, иккита ўзгарувчининг узвий боғлиқлиги юқори бўлиб бориши мумкин бўлади.

Жаҳон амалиётида қимматли қоғозлар портфелини бошқариш Марковиц-Тобин-Шарп назарияларига асосланади. Қимматли қоғозлар портфели инвесторларнинг, яъни шу портфель эгасининг талабларига жавоб бериш учун унинг ичидаги активларни сурункали равишда алмаштириб туриш керак. Шундай килиб қимматли қоғозлар портфелини бошқариш бир канча имкониятларни ўзида мужассамлаштиради: Биринчиси, инвестиция қилинган маблағларни бирламчи баҳосини сақлаш; иккинчиси,

инвестицион даромаднинг максимал даражасига эришиш; учинчиси, портфелни инвестицион йўналишини таъминлаш[29].

Бошқача килиб айтганда портфелни бошқариш жараёни унинг инвестицион сифатини ва инвесторнинг манфаатларига хос хусусиятларни ўзида мужассамлаштирилиши ва йўналтирилиши лозим. Портфелни бошқаришда жами қўлланиладиган методлар ва техник имкониятлар портфелни бошқариш усулларини ўзида намоён этади ва уни қуйидагича тавсифлаш мумкин: актив, пассив ва баланслаштирилган усулларни.

Қимматли қоғозлар портфелини бошқаришни актив усули бозор ўзгарувчанлигида қушимча даромад олиш мақсадида портфел тузилмасини доимий равишда ўзгартиришни назарда тутади. Бозорнинг ўзгарувчанлигида яъни портфелдаги қимматли қоғозларни нархларни ўсиши ва пасайиши натижасида даромад олиш катта риск билан баҳоланади, шунинг учун бу портфел яъни усуслни тўзилишини қуйидагича келтириш мумкин:

Портфел бошқаришнинг актив усули:

а) портфел тузилишини бошқариш;

б) портфел рискини бошқариш;

в) портфел ликвидлигини бошқариш.

Қимматли қоғозлар портфелини пассив бошқариш усули узоқ муддатга кўзланган истикболли олдиндан белгиланган риск даражасини яхши диверсификацияланган портфелни ўзида намоён этади. Бу ёндашув самарали қимматли қоғозлар бозори ва юқори сифатли қимматли қоғозлар мавжуд бўлганида амалга ошириш мумкин. Портфелни бошқаришнинг бу усули доимий стабил ҳолатда бўлганида узоқ умр кечириши мумкин. Агарда фонд бозор конъюктураси ностабил ҳолатда бўлса ва қисқа муддатли қимматли қоғозлар бозори асосий ўрин эгаллаганда портфелни пассив бошқариш усули паст самарали натижа беради.

Биринчидан, портфелни пассив бошқаришни самарали бўлиши учун у паст рискли қимматли қоғозлардан таркиб топган бўлиши керк, бундай қоғозлар миллий бозоримизда камчиликни ташкил этади.

Иккинчидан, портфел узоқ муддат давомида фаолият юритиш учун унинг такибида узоқ муддатли қимматли қоғозлар бўлиши керак, бу эса портфелнинг пассив бошқариш усулининг асосий қисмидир, лекин Ўзбекистон фонд бозоридаги динамизм яъни нарх-

[29] Семенкова Е.В. Операции с ценными бумагами. – М.: Песпектива, 1997. - с. 213-217

навони ўзгармаслиги ёки кўтарилиб кетиши портфелдаги даромадни ва унинг қийматини йўқотиш эхтимоли катта.

Ўзбекистон фонд бозорига индекс фонди номли, қимматли қоғозлар портфелини пассив бошқаруви кўпроқ тўғри келади[30]. Индекс фонди – бу қимматли қоғозлар бозорини ҳолатини тавсифловчи, танланган биржа индексини ҳаракатини акс эттирувчи портфелдир. Агарда инвестор, портфелини бозорни ҳолатини акс эттиришини хоҳласа, у портфелда қимматли қоғозларни шундай улушига эга бўлиши керакки, бу улуш индекс ҳисоблангандаги қоғозларга тўғри келиши керак. Портфелга бу каби ёндашув унинг бошқарувчиси таҳлилга бўлган харажатларини камайтиришга имкон беради. Чунки, бу ҳолатда хар бир эмитент алоҳида таҳлил қилинмаса, бозорни умумий тенденцияси таҳлил қилинади.

Қимматли қоғозлар портфелини баланслаштирилган бошқарув услуби ўзида юқорида келтирилган усулларни синтетик бирлашувини намоён этади. Бу усулни танланган бошқарувчи бошида бу портфелни базасини ташкил этади. Портфелни базаси бу паст рискли қимматли қоғозлар йигимидир, уларни асосий мақсади капитални сақлаш. Одатда базани давлат ва корпоратив облигациялар ҳамда етакчи эмитентларни имтиёзли акциялари ташкил этади. Баъзан базага иккинчи тоифали ҳаттоки учинчи тоифали эмитентлари акциялари хам киритилади, агарда улар узоқ муддатли инвестиция сифатида олинса. Унда база бошқаруви пассив усулга асосланади, бу дегани унинг таркиби кам ҳолатларда (одатда йилига бир марта) қайта кўрилиб чиқилиши мумкин.

Таянч сўз ва иборалар

Корхона, инвестиция, молиявий инвестиция, қимматли қоғоз, инвестицион стратегия, корхона фонд портфели, диверсификация, самарадорлик, мониторинг, риск.

Ўз-ўзини текшириш учун саволлар

1. Молиявий инвестиция корхоналар учун қандай заруриятга эга?
2. Инвестицияларни молиялаштиришнинг муҳим манбалари нималардан иборат?
3. Диверсификация нима?

[30] Зайналов Ж.Р., Ходжаев Э.Н., Хусанов Б.Ш. ва бошқ. Молия бозори. Дарслик. – Т.: Иқтисод-молия, 2020. – 316 б.

4. Корхона фонд портфелининг диверсификацияси қандай жараёнларни ўз ичига олади?

5. Корхона фонд портфели самарадорлигини баҳолашдан асосий мақсад нима?

Топшириқлар

1. Корхона молиявий инвестицияларининг моҳияти ва шакллари ҳақида айтиб беринг.
2. Инвестицияларни молиялаштиришнинг муҳим манбалари келтиринг.
3. Инвестиция жараёни ҳақида айтиб беринг.
4. Корхона фонд портфели самарадорлигини диверсификациялаш орақали оширишни назарий мисоллар орқали ўрганиб чиқинг.
5. Корхона портфель даромадлилигининг базавий формуласи ёрдамида амалий мисоллар ишлаш.

XII БОБ. КОРХОНАЛАР ФАОЛИЯТИДА РАҚАМЛАШТИРИШ

12.1. Корхоналар фаолиятини рақамлаштиришнинг мазмуни ва моҳияти

12.2. Корхоналарда рақамли трансформациялашнинг ўзига хос хусусиятлари

12.3. Рақамли молиявий хизматлар. Кибермуҳитни глобаллаштириш шароитида рақамлаштириш риски

12.1. Корхоналар фаолиятини рақамлаштиришнинг мазмуни ва моҳияти

Жуда кўпчилик рақамли иқтисодиёт нима ва у мамлакат иқтисодиётига нима беради, деб ўйлаши мумкин. Рақамли иқтисодиёт деганда, фақатгина Блокчейн (blockchain) технологиясини ва улардан халқаро молия бозорларида фойдаланиш масалаларини ёки криптовалюталарни тушуниш керак эмас. Албатта, Блокчейн технологияси, криптовалюталар ҳам рақамли иқтисодиётнинг бир бўлаги. Лекин, рақамли иқтисодиёт (Digital Economy) деганда, рақамли коммуникациялар, IT ёрдамида олиб бориладиган иқтисодиёт тушунилади.

Бунда, яширин иқтисодиётга барҳам бериш воситаси сифатида ҳам қараш мумкин. Чунки, биринчидан, ҳамма амалга оширилган операциялар электрон рўйхатдан ўтилишига, иккинчидан, ҳамма нарса шаффоф бўлишига эришилади. Қолаверса, ишлаб чиқаришда янги IT қўлланиши оқибатида маҳсулот ва хизматларнинг таннархи пасаяди ва рақобатбардошлик ошади. Иқтисодиётимиз рақобатбардош бўлмас экан, бозор қонунлари тўлиқ амал қилмас экан, амалга оширилаётган иқтисодий ислоҳотларнинг натижаси ҳам сезиларли бўлмайди.

Саноат корхонаси мамлакатдаги исталган нуқтаси орқали амалга оширилган молиявий операциялар ҳақида блокчейнлардан фойдаланган ҳолда маълумот ола олади. Шу билан бирга, омбордаги тайёр маҳсулотлар ҳақидаги маълумотни билган ҳолда, қанча миқдордаги сотилган маҳсулотлар учун эгри солиқлар ҳақида маълумотларни топа олади. Маълумотларни ягона бир базага бирлаштирилиши корхоналарда молиявий муносабатларини

тезкорлик ва ҳаққонийлик билан амалга оширилишига замин яратади[31].

Жаҳон банкининг “Рақамли дивидентлар” номли тадқиқоти натижалари мамлакатлар иқтисодиётини ривожлантиришда рақамли иқтисодиётнинг нақадар долзарб ва муҳим масала эканлигини кўрсатади. Хусусан, интернет тезлигининг 10 фоизга ўсиши, мамлакат ЯИМни ўсишига олиб келади. Ривожланган давлатларда бу кўрсаткич, 1,21 фоизни ташкил этса, ривожланаётган давлатларда 1,38 фоизни ташкил этади. Демак, интернет тезлиги 2 баробарга ошадиган бўлса, ЯИМ ҳажми ҳам қарийб 15 фоизга ошишига эришиш мумкин[32].

Жаҳонда амалга оширилаётган глобаллашув шароитида ташқи миграция, халқаро савдо ва капиталлар ҳаракати, туризм, хорижий инвестициялар, IT ривожланиши мамлакатларнинг иқтисодий ўсиш суръатларига таъсир этади. Янги Ўзбекистонда амалга оширилаётган ислоҳотлар натижасида очиқлик, халқаро иқтисодий-сиёсий алоқаларнинг ривожланиши юртимизда саноат тармоқларини модернизация қилиш, техник ва технологик жиҳатдан қайта жиҳозлаш имкониятларини юзага келтирди. Бунга мамлакатимиз ташқи савдо ҳажмининг ўсишини мисол қилиб келтириш мумкин. “Электрон ҳукумат”, “электрон бошқарув”, “телекоммуникация”, “Интернет”, “Веб-сайт” каби юзлаб иборалар ҳаётимизнинг ажралмас бўлагига айланди. IT кундалик ҳаётимизнинг барча соҳаларини қамраб олмоқда.

Рақамли иқтисодиётда IT ёрдамида таннархни камайтиришга, натижада, оптималлашувга ва самарадорлик ошишига эришилади.

Рақамли иқтисодиётда замонавий илмий ёндашувлар ва инновациялар муҳим ва устувор аҳамиятга эга бўлади. Бунда илмий сиғимкорлик юқори бўлган тармоқлар ривожланади.

Рақамли иқтисодиёт ривожланган давлатларда ЯИМ ҳажми ҳам, ЯИМни аҳоли сон бошига улуши ҳам юқоридир. Шу жиҳатдан, давлатимиз раҳбарининг бу масалага давлат миқёсида қарашлари бир мақсадни кўзлайди, у ҳам бўлса, биринчидан, аҳолининг яшаш

[31] Zaynalov J. R., Ahrorov Z. O., Akhadov I. E. The Importance and Characteristics of Application of Blockchain Technologies in the Tax System //ECLSS Online 2020a. – 2020. – T. 297.

[32] Жумаев Н.Х. Рақамли иқтисодиётни ривожлантириш мамлакатга нима беради? 31-01-2020. //https://finance.uz/index.php/uz/fuz-menu-biznes-uz/6699-ra-amli-i-tisodijotni-rivozhlantirish-mamlakatga-nima-beradi.

даражасини юксалтириш, иккинчидан, аҳолининг реал даромадларини оширишдир.

Замонавий дунёнинг рақамлаштириш ва марказлаштириш тенденцияларига жавоб берадиган инфратузилмани яратиш солиқ тизимида блокчейн технологияларини жорий қилиш имконини яратади. У хўжалик субъектлари ва давлат органлари ўртасидаги ўзаро ҳаракатларни ва солиқ ҳисоботларини соддалаштириш салоҳиятига эга[33].

Экспертларнинг фикрича, 2020 йилдан бошлаб йирик банкларнинг қарийб 30% дан ортиғи ўзларининг иш фаолиятида Блокчайн технологиясидан фойдаланишни бошлаб юборишди.

Бунга сабаб қилиб, Блокчайн технологиясининг нисбатан эндигина яратилганига қарамасдан, унинг мавжуд бизнес жараёнлардаги инқилобий ўзгаришларни қамраб олгани молия бозорлари иштирокчилари орасида катта қизиқиш уйғотганини кўрсатиш мумкин.

Маълумки, бугунги кунда рақамли иқтисодиёт қиймат яратишда муҳим аҳамият касб этмоқда. Турли хил алгоритмлар, жараёнлар ва рақамли ахборотлар корпоратив бизнесни стратегик ривожланишида асосий ҳал қилувчи кучга эга бўлмоқда. Рақамли номолиявий омиллар банкларни рақобатбардошлигини белгилаб бермоқда, самарадорлигига таъсир кўрсатмоқда.

Рақамли технологияларни ривожланиши охир-оқибат номоддий активларни, яъни физик жиҳатдан мавжуд бўлмаган номонетар активларни ошишига олиб келмоқда. Масалан, 1975 йилда американинг йирик корпорацияларининг номоддий активлари 17%ни ташкил этган бўлса, 2019 йилга келиб, бу кўрсаткич 85%дан ошди. Аниқроқ тушунтирадиган бўлсак, бухгалтерия балансидаги моддий ва номоддий активлар ўз ўринларини алмаштиришди.

Рақамли иқтисодиёт – бу иқтисодий, ижтимоий ва маданий алоқаларни рақамли технологияларни қўллаш асосида амалга ошириш тизимидир. Баъзида у интернет иқтисодиёти, янги иқтисодиёт ёки веб-иқтисодиёт деган терминлар билан ҳам ифодаланади.

1995 йилда америкалик дастурчи Николас Негропонте “рақамли иқтисодиёт” терминини амалиётга киритди. Ҳозирда бу истилоҳни бутун дунёдаги сиёсатчилар, иқтисодчилар, журналистлар,

[33] Гурова В.А. Эффективность внедрения технологии blockchain в систему налогообложения //Проблемы информационной безопасности. – 2019. – С. 92-94.

тадбиркорлар – деярли барча қўлламоқда. 2016 йилда Бутунжаҳон банки дунёдаги рақамли иқтисодиётнинг аҳволи ҳақида илк марта маъруза эълон қилди (“Рақамли дивидендлар”).

Рақамли иқтисодиётнинг оддий иқтисодиётдан фарқи нимада?

Масалан, харидорга пойафзал керак. Уни бозорга тушиб ўзи бевосита танласа ва нақд пулга сотиб олса, бу анъанавий иқтисод. Телеграмдаги бирон савдо боти орқали ўзига маъқул товарни танлаб, товар эгасига пулни электрон тўлов тизими орқали тўлаш ва товарни етказиб бериш хизмати орқали олиш – рақамли иқтисодиёт дейилади. Бу масалани энг содда маиший мисол орқали тушунтиришдир. Аслида, ҳаммамиз аллақачон рақамли иқтисодиёт ичидамиз, унинг қулайликларидан фойдаланамиз. Масалан, ойликларимиз пластик карталарга тушади, электрон тўлов орқали коммунал хизматлар, телефон, интернет ва бошқа маҳсулот ва хизматларга тўлов қиламиз, электрон тарзда солиқ декларацияси топширамиз, картадан картага пул узатамиз, уйга таом буюртма қиламиз ва ҳоказо.

Рақамли иқтисодиёт – бу нолдан бошлаб яратилиши лозим бўлган қандайдир бошқача иқтисодиёт эмас. Бу янги технологиялар, платформалар ва бизнес моделлари яратиш ва уларни кундалик ҳаётга жорий этиш орқали мавжуд иқтисодиётни янгича тизимга кўчириш деганидир.

Белгилари:

- юқори даражада автоматлаштирилганлик;
- электрон ҳужжат алмашинуви;
- бухгалтерлик ва бошқарув тизимларининг электрон интеграциялашуви;
- маълумотлар электрон базалари;
- ЦРМ (мижозлар билан ўзаро муносабат тизими) мавжудлиги;
- корпоратив тармоқлар.

Қулайликлари:

1. Тўловлар учун харажатлар камаяди (масалан, банкка бориш учун йўлкира ва бошқа ресурслар тежалади).

2. Товарлар ва хизматлар ҳақида кўпроқ ва тезроқ маълумот олинади.

3. Рақамли дунёдаги товар ва хизматларнинг жаҳон бозорига чиқиш имкониятлари катта.

4. Фидбек (истеъмолчи фикри)ни тез олиш ҳисобига товар ва хизматлар жадал такомиллаштирилади.

5. Тезроқ, сифатлироқ, қулайроқ.

Юқорида келтирилган қулайликлар орқали молиявий муносабатларни бошқаришда самарали молиявий қарорлар қабул қилишни таъминлайди. Шунингдек, рискларни бартараф этиш ва камайтириш борасидаги қилинадиган ишлар қаторига таҳлилий қисмини олиб бориш зарур. Маълумотлар етарли бўлиши билан бир қаторда уни тўғри таҳлил қила олиш солиқларни тартибга солиш ва бошқаришда тўғри молиявий қарор қабул қилишни ўзида акс эттиради. Шунингдек, ўтган даврлардаги камчиликлар таҳлил қилиниб, рискларни бартараф этиш вариантлари ишлаб чиқилишига эътибор қаратиш лозим.

Таҳлилий маълумотлардан келиб чиқиб, хўжалик субъектлари ҳам ўз фаолиятлари доирасида блокчейнларни жорий этиш бўйича самарали бошқарув қарорларини қабул қилишда назоратни таъминлаш муҳимдир. Назоратни амалга ошириш солиқ сиёсатини амалга оширишнинг ажралмас қисмидир.

12.2. Корхоналарда рақамли трансформациялашнинг ўзига хос хусусиятлари

Корхонада рақамли активлар – бу молиявий ҳисоботларни тузишда ҳисобга олинадиган рақамли шаклдаги номоддий активлардир.

Жаҳоннинг машҳур МцКинсей экспертларининг баҳолаши бўйича, бугунги кунда жаҳон ЯИМнинг қарийб 10%и рақамли активларга тўғри келади, шу билан бирга, уларни ишлаб чиқиш суръати жаҳон иқтисодий ўсишининг 30%га тўғри келади. Рақамли активларни ривожланиши акселератор (тезлаштирувчи) ҳаракатига ўхшайди.

Рақамли активларни ривожланишида ижтимоий тармоқларни ўрни муҳимдир. Ижтимоий тармоқлар ўз навбатида рақамли бизнесни ривожланишига кенг имкониятлар яратиб беради.

Рақамли иқтисодиётнинг замонавий кўриниши сифатида мобиль тўлов тизимларини кўрсатиш мумкин. Бунда ҳаммамизга маълумки, мижозларнинг смартфонлари банкдаги ҳисобрақамларга боғланган бўлади, бу ўз навбатида мижозларга он-лине харидларни амалга ошириши ва фақатгина мобиль аппаратнинг экранига қўл теккизиш орқали дунёнинг исталган жойига пул маблағлари ўтказиши мумкин.

Тўлов тизимлари ва банк ахборот тизимлари рақамли активлардан кенг фойдаланишади. Рақамли активларнинг асосий компонентлари сифатида интеллектуал мулк объектлари ҳисобланади. Интеллектуал фаолият натижаларига эгалик ҳуқуқини фақатгина компания эга бўлади. Бундай активларга мисол қилиб, ихтиро патентига мутлақ ҳуқуқ, компьютер дастурларига мутлақ ҳуқуқ ва маълумотлар базасини келтириш мумкин.

Рақамли активларни ривожланишини рақамли тижоратнинг ривожланишисиз тасаввур қилиш қийин. Рақамли тижорат эса, содда ва ишончли рақамли тўлов тизимларини яратишни талаб этади. Биринчи он-лине тўлов тизимларига хизмат кўрсатишда аҳоли ўртасида кенг тарқалганлиги сабабли кредит ва дебет карталаридан фойдаланилган. Виза ва Мастеркард кредит карталари эмитентлари сотувчилардан ахборот алмашинувида юқори хавфсизлик чораларини кўриш шартларини талаб этишган.

Жаҳонда рўй бераётган сўнгги трендларни ўрганиш фойдадан ҳоли бўлмайди. Чунки, дунёда бухгалтерия балансидаги моддий ва номоддий активлар ўз ўринларини жадал алмаштириш даврида биз ҳам асосий эътиборни фақат маҳсулотлар экспортига қаратмасдан, балки ноу-хау, блокчейн технологиялар фаолиятини замонга ҳамоҳанг ўрганиб, шу билан бирга, рақамли иқтисодиётдан фойдаланишни янги босқичга олиб чиқишимиз мақсадга мувофиқ бўлади, деб ҳисоблаймиз.

Мамлакатимизда рақамли иқтисодиётни ривожлантиришни устувор вазифаси – Ўзбекистон иқтисодиётини юқори суръатларда ўсишини таъминлаш билан бирга, аҳоли онгини, илмини, қарашларини замон билан ҳамнафас қилиш, қолаверса, мамлакатимизни халқаро майдонда интеграциясини тезлаштириш ва натижада Ўзбекистонни демократик, иқтисодий жиҳатдан ривожланган давлатлар қаторига қўшишдан иборатдир.

Рақамли платформаларнинг ривожланиш соҳасидаги ёрқин мисоллардан бири сифатида “Алибаба” электрон савдо тизимига эга бўлган Хитой компаниясини келтириб ўтиш мумкин. Ундан фойдаланиш тажрибаси шуни кўрсатадики, маълумотлар тўплаш жараёнида иқтисодиётнинг турли секторларига экспансия учун ўта рақобатли устунликлар яратилади. “Алибаба” бу – оддийгина рақамли платформа эмас, балки платформалар экотизимидир.

Рақамли иқтисодиётни ривожлантириш бизга нима беради?

Рақамли иқтисодиёт инсонларнинг турмуш даражасини сезиларли даражада оширади, бу унинг асосий фойдасидир.

Рақамли иқтисодиёт коррупция ва “қора иқтисодиёт”нинг асосий кушандасидир. Чунки, рақамлар ҳамма нарсани муҳрлайди, хотирада сақлайди, керак пайтда маълумотларни тез тақдим этади. Бундай шароитда бирон маълумотни яшириш, яширин битимлар тузиш, у ёки бу фаолият ҳақида тўлиқ ахборот бермасликнинг иложи йўқ, компьютер ҳаммасини намоён қилиб қўяди. Маълумотлар кўплиги ва тизимлилиги ёлғон ва қинғир ишларга йўл бермайди, чунки тизимни алдаш имконсиз. Натижада “ифлос пулларни” ювиш, маблағларни ўғирлаш, самарасиз ва мақсадсиз сарфлаш, ошириб ё яшириб кўрсатиш имкони қолмайди. Бу эса иқтисодиётга легал маблағлар оқимини оширади, солиқлар ўз вақтида ва тўғри тўланади, бюджет тақсимоти очиқ бўлади, ижтимоий соҳага йўналтирилган маблағлар ўғирланмайди, мактаблар, касалхоналар, йўлларга ажратилган пуллар тўлиқ етиб боради ва ҳоказо.

Давлатнинг рақамли иқтисодиётни ривожлантириш йўлини танлаганлиги ахборот технологиялари соҳасида ва умуман, электрон ҳужжатлар айланмаси соҳасида янги йўналишлар очиб беради. “Рақамли технологиялар” томон бурилишга бутун жаҳон интернет тармоғи ва сифатли алоқанинг ривожланиши сабабчи бўлди.

Ўзбекистонда рақамли иқтисодиёт қай даражада ривожланган?

Таъкидлаш жоизки, бугунги кунда фойдаланувчилар озиқ-овқат маҳсулотларига буюртма бериш учун Телеграм ботларидан фаол фойдаланмоқдалар. Шунингдек, турли интернет дўконлар, электрон тўлов тизимлари ҳам фаол ривожланиб бормоқда. Демак, фуқароларимиз электрон битимларни амалга оширишга ишоняптилар. Фақат ҳозирги кунгача фойдаланувчилар катта харажатлар талаб қилмайдиган кичик битимларни амалга оширмоқдалар, ўртача харид ҳажмини оширишга эса унчалик тайёр эмаслар. Эндиги масала ўртача ва йирик иқтисодий битимлар ва молиявий операцияларни рақамли технологиялар орқали амалга оширишни ривожлантиришдан иборат.

12.3. Рақамли молиявий хизматлар. Кибермуҳитни глобаллаштириш шароитида рақамлаштириш риски

Маълумки, сўнгги йилларда мамлакатимизда тижорат корхонаси сифатида банк-молия сектори изчил ислоҳ қилиниб, қатор чора-тадбирлар амалга оширилди ва натижада илғор банк бизнесини юритиш ҳамда ушбу секторда рақобат муҳитини кучайтириш учун зарур рақамли молиявий хизматларни жорий этиш, уларни трансформациялаш бўйича ҳуқуқий шарт-шароитлар яратилди.

Бугунги кунда банклар томонидан кўрсатилаётган молиявий хизматларнинг оммабоплигини ошириш, банкларнинг ҳудудларга кириб боришини кенгайтириш ва барча аҳоли пунктларида бир хил турдаги хизматлар кўрсатилишини таъминлаш бўйича қўшимча чоралар кўрилиши лозим. Давлат раҳбари томонидан банк тизимини ислоҳ қилиш стратегиясини амалга ошириш ҳамда мамлакат тижорат банкларининг трансформация жараёнини жадаллаштириш бўйича йиғилиш ўтказилгани ҳам бежиз эмас. Қайд этиш жоизки, бугунги кунда жами банк активларининг 15 фоизи хусусий банкларга тегишли бўлиб, 85 фоизи давлатнинг бевосита ёки билвосита улуши бўлган банкларга тегишли. Пандемия шароитида жаҳон иқтисодиёти инқирозга юз тутган бир пайтда хорижий инвесторларни миллий иқтисодиётга жалб қилиш қийинлашиб бормоқда. Дунёнинг барча мамлакатларида инвестиция жалб қилишда тижорат банклари муҳим ўрин тутади. Хорижий инвесторлар сармоя киритиш учун халқаро тоифадаги банкларнинг кафолатини тақдим этишни сўрайди. Шу сабабли банк тизимида давлат улуши нуфузли хорижий банк холдингларига сотиш орқали камайтириш мақсадга мувофиқ бўлар эди. Бу йўл орқали иккита мақсадга эришилади. Биринчидан давлат улуши камайиши орқали хусусий банклар ўртасида рақобат ривожланиб, хизматлар сифати яхшиланади, кредит фоиз ставкалари тушади. Иккинчидан, давлат банкларининг ҳукумат кафолати остида олаётган қарзлари камайиб, умумий ташқи қарзга ижобий таъсир кўрсатади.

Банклардаги давлат улушини хусусийлаштириш уларнинг корпоратив бошқарув тизимини такомиллаштириш, банк хизматлари сифатини ошириш ва кўламини кенгайтириш, замонавий ахборот технологияларини жорий қилиш ҳамда кадрлар салоҳиятини ошириш орқали амалга оширилади. Бунда асосий

эътибор банк кузатув кенгашларига банк соҳасида халқаро тажрибага эга бўлган мустақил аъзоларни киритган ҳолда мижозларга кенг кўламли хизматларни (инвестицион банкинг, факторинг, лойиҳавий молиялаштириш) таклиф этиш, янги концепция ва технологияларни жорий қилиш (финтех, маркетплейс, рақамли банк) ва кадрлар малакасини ошириш ва уларни қайта тайёрлашга қаратилади. Банк тизимига замонавий сервис ечимлари асосида ахборот технологияларини, молиявий технологияларни кенг жорий этиш, ахборот хавфсизлигини лозим даражада таъминлаш, шунингдек, молиявий хизматлар кўрсатишда инсон омили таъсирини камайтириш уларнининг трансформация жараёнини жадаллаштиришни ўз фаолиятида қўллай бошлаган Туронбанк ҳам юқорида келтирилган вазифаларни тўлақонли бажаришга бел боғлаб трансформация жараёнларини бошлади.

Хусусан, жаҳон банки гуруҳига кирувчи Ҳалқаро молия корпорацияси (ИФЦ) билан ҳамкорликда банк фаолияти тўлиқ диагностикадан ўтказилди ва малакали консультантлар томонидан таҳлил қилинди. Унда корпоратив бошқарув, ҲР менежменти, кичик ва ўрта бизнесга хизмат кўрсатиш, ахборот технологиялари инфраструктурасини янгилаш, банк рискларини бошқариш ҳамда бизнес-жараёнлар билан боғлиқ бўлган бир қатор камчиликлар аниқланди. Энг аҳамиятлиси, ушбу жараёнларга Банк корпоратив бошқаруви, замонавий ахборот технологиялари ва инновацион хизмат турларини жорий қилиш бўйича халқаро экспертлар жалб этилди.

Трансформация жараёнларига кириб борар экан, Туронбанк хизматлар кўрсатиш қамровини ҳам сезиларли оширишга ҳаракат қилмоқда. Жумладан, аҳоли учун 54 та банк хизматлари офиси ва 88 та ўз-ўзига хизмат кўрсатиш маркази (24/7) ташкил этилди. Жорий йил охирига қадар қўшимча 46 та банк хизматлари офиси ҳамда 46 та ўз-ўзига хизмат кўрсатиш маркази (24/7) очилиши режалаштирилган. Шунингдек, Президентимиз таъбири билан айтганда, рақамли иқтисодиётга ўтиш баробарида банк истеъмолчиларга қулайликлар яратиш мақсадида рақамли ва масофавий банк хизматларининг янги турлари жорий қилишни жадаллаштирди. Электрон навбат, цалл марказ, жисмоний шахсларни биометрик бармоқ ва ФацэИД орқали идентификация қилиш, ҚР технологияси орқали тўловларни ўтказиш, “Оне тоуч” тизимида тўловларни смартфон орқали қабул қилиш ва 3Д сецуре

хизмати жорий қилинди ҳамда ДИГ ИД қурилмаси (Фацэ ИД технологияси орқали мижозни идентификация қилиш тизими) ва дастурий таъминоти ишга туширилди.

Янгиланган “MyTuron” иловаси орқали эса онлайн-конверсияни амалга ошириш, онлайн омонат очиш ва кредит олиш, Мастеркард эгалари учун картадан картага ўзаро пул ўтказиш ҳамда “Ҳумо” пластик карталарига смс хабарномани ёқиш хизматлари ҳам ишга тушди. Энг аҳамиятлиси, 2020 йил июнь ойидан бошлаб жисмоний шахсларга чакана кредитларни ажратиш бўйича “Андеррайтинг” тизими жорий қилинди ва 3,0 мингга яқин жисмоний шахсларга 53,6 млрд.сўм миқдорида кредитлар ажратилди. Бундан ташқари, бугунги кунда юридик шахсларга ҳам кредитларни “Андеррайтинг” тизими орқали ажратилиши юзасидан ишлар олиб борилмоқда ва йил охиригача бу механизм ҳам ишга туширилиши кўзда тутилган.

Маълумки, постиндустриал ёки информацион жамиятларда хизматлар сектори мамлакат ялпи ички маҳсулотининг 60 фоиздан ортиғини ташкил қилади. Бундай мамлакатларда дастурий таъминот ишлаб чиқарувчи тармоқларни молиялаштириш миқдори кейинги ўттиз йилда 130 мартадан кўпроқ ортди. Информацион инновацияларни таркиб топтириш учун дунё миқёсида фаолият кўрсатувчи глобал компаниялардан қуйидагиларини алоҳида эътироф этишимиз мумкин: YouTube, Facebook, Google, Wikipedia, Alibaba ва бошқалар. Ғоя жуда ҳам оддий – янги прогрессив ахборот технологиялари бизнес масалаларини ҳамда тижорат муаммоларини ҳал қилиб бериши, информацион тизимларнинг ҳар бир янги авлоди бир қанча янги инновацион хизматларнинг вужудга келишига ва янада ривожланишига сабаб бўлиши ғоянинг асосий вазифаси ҳисобланади. Янги технологияларнинг барча соҳаларга кириб келиши давлат бошқарувининг ва иқтисодиётнинг электрон кўринишга ўтишига олиб келмоқда. Натижада, янги давлат ва нодавлат электрон хизмат турлари пайдо бўлмоқда, янги бозорлар шаклланиб, анъанавий бизнес моделлар электрон шаклга трансформация қилинмоқда. Замонавий рақамли иқтисодиёт бир қанча атамалар билан номланган, шу жумладан, ээцономй, дигитал эцономй, интернет эцономй, нетворк эцономй ва виртуал эцономй. Агарда BCG (The Boston Consulting Group)га мурожаат қилсак, рақамли иқтисодиёт деганда, қуйидагини тушунишимиз мумкин: “Иқтисодий тизимнинг барча иштирокчилари - алоҳида инсонлар, фирма ва компаниялар ҳамда давлат томонидан онлайн ва

инновацион рақамли технологияларнинг кенг миқёсда ишлатилиши иқтисодиётни рақамлаштириш ёки рақамли электрон иқтисодиёт жараёнидир”[34].

Кўпчилик рақамли иқтисодиётдаги трансформацияларнинг, шу жумладан, давлат бошқарув жараёнидаги интерактив хизматлар, бизнес моделлар, янги бозорлар ҳосил бўлиши, янги турдаги хизмат турлари пайдо бўлишининг гувоҳи бўлмоқда. Рақамли иқтисодиётнинг характерли кўрсаткичлари сифатида янги ишлаб чиқариш усулларини (near to near production), оммавий ҳамкорликни, жамият аъзоларининг интеллектуал мулкка эгалик қилишини, истеъмол моделларининг ўзгаришини (sharing economy) ва очиқ меҳнат бозори ҳосил бўлишини келтириш мумкин. Аммо ҳозирги пайтда рақамли иқтисодиёт (интернетсавдо, интернет-ҳизматлар, контентлар, электрон тўлов ва бошқалар)нинг Ўзбекистон Республикаси ялпи ички маҳсулотидаги ҳиссаси 1 фоизга ҳам етмайди. Бироқ кўпчилик ҳорижий мамлакатларнинг ривожланиш тенденциялари шуни кўрсатмоқдаки, юқорида кўрсатилган бозорлар келажакда тезлик билан ривожланиб кетади. Бундан ташқари, тўртинчи саноат революцияси ва 4.0 индустрия технологиялари билан боғлиқ бўлган технологик ўзгаришлар, яъни оммавий роботлаштириш, қўшимча ва виртуал реаллик технологик платформалари ҳамда 3Д-принтерлар технологиялари ушбу жараённи янада тезлаштиради. “Ақлли корхоналар”, “ақлли ускуналар”, “ақлли технологиялар” ва “ақлли роботлар” каби тушунчаларининг жаҳон бўйлаб тарқалишини амалга оширган ҳолда, тўртинчи саноат инқилоби глобал даражада виртуал ва моддий тизимларнинг бир-бирига ўзаро таъсирини амалга оширади. Бу эса, ўз навбатида, маҳсулотларнинг тўлиқ мослашувчанлигига ҳамда янги операцион моделлар яратилишига олиб келади. Бундан келиб чиққан ҳолда 4.0 Индустрияни иқтисодиёт барча тармоқларининг рақамли трансформацияси деб ҳам тушуниш мумкин. Шунинг учун ҳам келажакда давлат ва корпоратив бошқарувда бу ҳолатларни ҳисобга олиш замон талаби бўлиб қолади. Рақамли иқтисодиёт ва 4.0 Индустриянинг давлат миқёсида жорий қилиниши йўналишларига мисол сифатида қуйидагиларни кўрсатишимиз мумкин: – профессионал хизматлар – on demand professional services – бухгалтер хизматлари, дизайнер хизматлари,

[34] Умаров О. С. Рақамли иқтисодиёт ва унинг ривожланиш тенденциялари.“ //Иқтисодиёт ва инновацион технологиялар” илмий электрон журнали. – 2018. – Т. 3.

маслаҳатчилар, таржимонлар ва бошқалар; – жамоавий молиялаштиш – collaborative finance – краудфундинг (crowdfunding), ўзаро кредитлаш (neer to neer lending); – уйда кўрсатиладиган хизматлар – on demand household services; – уй-жойдан биргаликда фойдаланиш - neer to neer accomodation; – транспортдан биргаликда фойдаланиш - neer to neer transportation. Рақамли иқтисодиётнинг яна бошқа кўринишлари – Биг Дата, сунъий интеллект, машина воситасида таълим бериш, Финтех, шаринг эцономй, виртуал реаллик, тўлдирилган реаллик, краудсорсинг, краудфундинг, блокчейн ва булутли технологиялар ҳам келажак иқтисодиётида ва давлат бошқарувида ҳал қилувчи аҳамият касб этишини ҳаётнинг ривожланиш тенденциялари яққол кўрсатиб турибди. Масалан, краудсорсинг ва краудфондинг технологиялари давлат ва нодавлат компанияларининг оёққа туриб олиши, ривожи ва рақобатбардошлилигини таъминлаш учун хизмат қилади. Агарда краудсорсинг жамоавий тафаккур бўлса, краудфундинг жамоавий молиявий маблағлар йиғиш механизми ҳисобланилади. Иш кўлами, фаолият тури ва катталигидан қатъи назар, турли хил лойиҳалар учун молиявий маблағлар йиғиш технологияси бўлган краудфондинг барча турдаги компаниялар учун катта аҳамиятга эга бўлган ноёб молиявий механизмдир. Энг оммабоп краудфундинг платформалар ҳисобланган Планета.ру ва Боомбастер 2012 йилда ташкил қилинган. Ҳозирги пайтда эса бундай платформаларнинг сони 30 дан ошиб кетган. Боомбастер томонидан 1,5 мингта лойиҳага 330 млн рубл. йиғилгани қайд этилган. Аммо таниқли хорижий краудфондинг платформа Кицкстартер томонидан 3 млрд. доллар маблағ йиғилиб, 126 мингта муваффақиятли лойиҳалар амалга оширилган.

Биз тақдим этаётган ушбу мақолада чуқур ўрганишимизга урғу бермоқчи бўлган ҳамда давлат бошқаруви учун муҳим аҳамиятга эга бўлган рақамли технологиялардан бири блокчейн технологияси бўлиб, у нафақат виртуал пуллар бўйича операцияларни амалга ошира олади, балки у янги турдаги давлат хизматлари архитектураси ҳам бўла олади. Рақамли иқтисодиётнинг келажакда ривожланишида ушбу прогрессив технологиянинг дунё миқёсида янада оммалашуви муқаррар жараёндир. Булутли технологиялар ҳам келажак давлат молиявий бошқаруви учун алоҳида аҳамиятга молик бўлиб, виртуал иқтисодиёт учун янгидан-янги ва кутилмаган имкониятлар яратмоқда. Маълумотларни булутли услубиятда

сақлаш ва он-лайн технологияларидан фойдаланиш маълумотлар хавфсизлигини таъминлаш ҳамда операцион ҳаражатларни кескин қисқартиришга шарт-шароитлар яратмоқда. Жумладан, ҳозирги кунда Амазон булутида 10 мингта серверни ижарага олиш соатига таҳминан 90 долларга тушмоқда. Бу эса ушбу турдаги хизматлар нархининг янада пасайишини башорат қилишга ва республикамизда ҳам бундай технологиялардан кенг миқёсда фойдаланиш имконини беради ҳамда бу технологиялардан кичик ва ўрта бизнесда ҳам бемалол фойдаланиш мумкин. Виртуал реаллик (virtual reality, VR) ва қўшимча виртуал реаллик (augmented reality, AR) технологияларининг ривожланиши ҳам келажак трендларидан бири бўлиб, уларнинг давлат бошқаруви ҳамда ишлаб чиқаришга бўлган таъсири борган сари салмоқли бўлиб бормоқда. Бундай технологиялар ишчи ва хизматчиларга машина ва механизмларнинг ички тузилишини кўриш ҳамда улар фаолиятини кузатиш имконини беради. Масалан, “Gigi capital” компаниясининг баҳолашича, AR бозорининг ҳажми 2016 йилда 1 млрд. доллар бўлган бўлса, 2020 йилга келиб 90 млрд.га етиши мумкин. Голдман Сацкс нинг прогнозларига кўра эса, виртуал реаллик дастурий таъминотининг сотув ҳажми 2025 йилга келиб 9 млрд. долларга етар экан. 7 Рақамли иқтисодиёт давлат молиявий бошқаруви соҳасида ҳам бир қанча ажойиб имкониятлар яратадики, уларсиз замонавий иқтисодиётнинг барча янги усул ва услубиятларини қўллаш, рақобатли бозорда муваффақиятга эришиш ва замонавий молиявий бошқарув усулларидан самарали фойдаланиш мумкин бўлмай қолади.

Трансформация жараёнларига кириб борар экан, Туронбанк хизматлар кўрсатиш қамровини ҳам сезиларли оширишга ҳаракат қилмоқда. Жумладан, аҳоли учун 54 та банк хизматлари офиси ва 88 та ўз-ўзига хизмат кўрсатиш маркази (24/7) ташкил этилди. Жорий йил охирига қадар қўшимча 46 та банк хизматлари офиси ҳамда 46 та ўз-ўзига хизмат кўрсатиш маркази (24/7) очилиши режалаштирилган. Шунингдек, Президентимиз таъбири билан айтганда, рақамли иқтисодиётга ўтиш баробарида банк истеъмолчиларга қулайликлар яратиш мақсадида рақамли ва масофавий банк хизматларининг янги турлари жорий қилишни жадаллаштирди. Электрон навбат, цалл марказ, жисмоний шахсларни биометрик бармоқ ва ФацэИД орқали идентификация қилиш, QR технологияси орқали тўловларни ўтказиш, “Оне тоуч” тизимида тўловларни смартфон орқали қабул қилиш ва 3Д сецуре

хизмати жорий қилинди ҳамда ДИГ ИД қурилмаси (Face ID технологияси орқали мижозни идентификация қилиш тизими) ва дастурий таъминоти ишга туширилди.

Янгиланган “МйТурон” иловаси орқали эса онлайн-конверсияни амалга ошириш, онлайн омонат очиш ва кредит олиш, Мастерцард эгалари учун картадан картага ўзаро пул ўтказиш ҳамда “Ҳумо” пластик карталарига смс хабарномани ёқиш хизматлари ҳам ишга тушди. Энг аҳамиятлиси, 2020 йил июнь ойидан бошлаб жисмоний шахсларга чакана кредитларни ажратиш бўйича “Андеррайтинг” тизими жорий қилинди ва 3,0 мингга яқин жисмоний шахсларга 53,6 млрд.сўм миқдорида кредитлар ажратилди. Бундан ташқари, бугунги кунда юридик шахсларга ҳам кредитларни “Андеррайтинг” тизими орқали ажратилиши юзасидан ишлар олиб борилмоқда ва йил охиригача бу механизм ҳам ишга туширилиши кўзда тутилган. Қолаверса, айни вақтда бизнес жараёнларнинг бошқарув тизимини яратиш борасида замонавий илғор технологияларга асосланган Буюк Британиянинг Цолвир Софтwаре Солутионс компанияси билан амалий ишлар олиб борилмоқда. Яқин кунларда эса “Узцард” билан ҳамкорликда Россиянинг “Мир” кобейджинг карталарини эмиссия қилиш ҳам режалаштирилган. Бу ҳали ҳаммаси эмас, мижозларни жалб қилиш, уларга хизмат кўрсатиш ҳамда банк маҳсулотларини етказиш жараёнларини ўз ичига қамраб олган CPM ҳамда ҳисоботларни автоматик равишда шакллантириш Дата Басе тизимлари ҳам фаолитга татбиқ этилиши кутилмоқда.

Хулоса қилиб айтиш мумкинки, замонавий банк тизимини шакллантириш, банкларнинг инвестициявий жозибадорлигини ошириш ва банк хизматларининг янги стандартларини жорий этиш, банк тизимида комплекс ўзгартиришларни амалга оширишда қўл келади. Қолаверса, мамлакатимиз иқтисодиётини ривожлантириш, тадбиркорликни қўллаб-қувватлаш ва халқаро рейтингларда Ўзбекистон банк тизимининг мавқеини оширишда ҳам муҳим аҳамият касб этади.

Таянч сўз ва иборалар

Рақамлаштириш, рақамли трансформация, рақамли иқтисодиёт, молиявий хизматлар, кибэр муҳит, глобаллашув, риск, Блокчейн, рақамли активлар, тўлов тизими.

Ўз-ўзини текшириш учун саволлар

1. Корхоналар фаолиятини рақамлаштиришнинг асосий мақсади нималардан иборат?
2. Корхоналар фаолиятини рақамлаштириш қандай афзаллик ва камчиликларга эга?
3. Рақамли иқтисодиётнинг оддий иқтисодиётдан фарқи нимада?
4. Рақамли иқтисодиётнинг қандай бэлгилари мавжуд?
5. Мамлакатимизда рақамли иқтисодиётни ривожлантириш борасида қандай амалий ишлар олиб оширилмоқда?

Топшириқлар

1. Корхоналар фаолиятини рақамлаштиришнинг мазмуни ва моҳияти ҳақида айтиб беринг.
2. Жаҳон банкининг “Рақамли дивидентлар” номли тадқиқотини ўрганиб чиқинг ҳамда ўз фикризни билдиринг.
3. Рақамли иқтисодиётнинг оддий иқтисодиётдан фарқини мисоллар келтириш орқали тушунтириб беринг.
4. Рақамли иқтисодиёт ривожланишининг инсон турмуш даражасига таъсирини ўрганиб чиқинг.
5. Ўзбэкистон Республикаси банкларининг ўз фаолиятини рақамлаштириш борасида келгусидаги режалари билан танишиб чиқинг.

ГЛОССАРИЙ

Актив – бу хўжалик субъекти томонидан назорат қилинувчи, аввалги даврларда қандайдир ходиса ёки жараён натижасида пайдо бўлган ва булардан келажакда хўжалик юритувчи субъект томонидан иқтисодий манфаат олишни кўзлайдиган ресурслар тушунилади.

Акционерлик жамияти – Устав жамғармаси муайян миқдордаги акцияларга бўлинган ҳамда жамиятнинг акциядорлар олдидаги мажбуриятлари аниқ белгиланган хўжалик юритувчи субект.

Акция – бу акциядорлик жамиятининг устав фондига муайян ҳисса қўшганлигидан гувоҳлик берувчи, унинг эгасига фойданинг бир қисмини олиш ва одатда ушбу жамиятни бошқаришда иштирок этиш ҳуқуқини берувчи қимматли қоғоз.

Аналитик (иқтисодий) услуб - ишлаб чиқариш ҳажмини юқори даражадаги ассортимент товарлар ишлаб чиқарувчи ва қайта ишлаб чиқарувчи корхоналар фаолиятидан тушум режалаштириладиган услуб. Иқтисодий ёки аналитик услуб билан тушум ёки фойдани ҳисоблаш кўп ҳажмдаги товар маҳсулотни ишлаб чиқараётган корхоналар фаолияти учун тааллукли бўлиб, бу усул билан тушум ёки фойданинг афзаллиги шу ишлаб чиқараётган товар маҳсулот турлари бўйича йил давомида таъсир этувчи барча омиллар бўйича қўшимча тушум ёки фойда олиш имкониятини беради.

Баҳо сиёсати – корхонанинг қисқа ва узоқ муддатли барча мақсад ва манфаатларини ўзида ифода этадиган, бозор табиатига мос келадиган, унинг яшовчанлиги ва рақобатбардошлигини таъминлайдиган, самарали фаолиятни йўлга қўйишга етадиган фойда олишга эриштирадиган имкон қадар ички ва ташқи бозорни эгаллайдиган оптимал баҳо миқдорини белгилаши.

Бизнес-режа – батафсил тузилган лойиҳа режаси, мақсадларни, келгусидаги фаолиятни, материал харажатларни, янги лойиҳанинг молиявий жиҳатларини ёки компаниянинг келгусидаги ривожланиш йўналишларини акс эттирувчи ҳужжат.

Бюджетлаштириш – корхонанинг маълум даврга мўлжалланган молиявий-хўжалик фаолиятини режалаштириш (башоратлаш).

Давр харажатлари – бевосита ишлаб чиқариш жараёни билан

боғлиқ бўлмаган харажатлар ва сарфлар тушунилади: бошқарув харажатлари, маҳсулотни сотиш харажатлари ва умумхўжалик аҳамиятига эга бўлган бошқа харажатлар.

Диверсификация – ишлаб чиқаришнинг самарадорлигини ошириш, маҳсулот ва хизматларни сотиш бозорларини кенгайтириш мақсадида тармоқ ва корхоналар фаолият соҳаларини кенгайтириш, маҳсулот ва хизматлар ассортиментларини кўпайтириш.

Дивидент – бу акцияларга киритилган молиявий инвестициялар учун ҳисобланган даромад.

Зарарлар – бу асосий фаолият ва барча бошқа операциялар, ҳодисалар, шароитлар натижасида хусусий капиталнинг камайиши бўлиб, харажатлар ёки хусусий капиталнинг тақсимланиши натижасидаги камайиш бундан мустаснодир.

Инвестиция жараёни – бу инвесторларни қачон қанча миқдорда қимматли қоғозларни сотиб олишига йўналтирилган фаолиятдир.

Инвестиция лойиҳаси – бу маълум ижтимоий-иқтисодий мақсадларга йўналтирилган, техник – иқтисодий, бизнес-бошқарув, маркетинг ва ишлаб чиқариш режалари каби аспектлар асосланган, турли молиявий манбалар маблағлари иштироки назарда тутилган комплекс хужжатлар йиғиндиси ҳисобланади.

Инвестициялар – юридик жиҳатдан мустақил бўлган корхоналарга узоқ муддат (бир йилдан кам бўлмаган) давомида қўшимча фойда олиш, таъсир этиш доирасини сотиб олиш мақсадларида ёки шу соҳада ўз фаолиятини ташкил қилгандан кўра уни шундай қўйиш (сарф этиш) афзалроқ бўлганлиги учун капитални жойлаштириш.

Корхона молиявий механизми – бошқарувчи тизим ва корхона хўжалик фаолиятини оператив режалаштириш ва рағбатлантириш элементлари йиғиндиси, муайян аниқ харажатни амалга ошириш мақсадида молиявий маблағларни ҳаракатга келтириш билан боғлиқ молиявий муносабатни самарали бошқариш, корхонани молиявий муносабатларини бошқаришни молиявий ричаг ва усуллар орқали ташкил этиш.

Корхоналар молияси - хўжалик юритувчи субъект ва давлат пул ресурслари фондини ташкил қилиш ва улардан такрор ишлаб чиқариш, рағбатлантириш ва жамиятнинг итимоий эҳтиёжларини кондириш мақсадларида фойдаланишдаги пул муносабатларининг йиғиндиси.

Корхоналар фойда солиғи - фойданинг бир қисмини мажбурий тўлов сифатида давлат бюджетига марказлаштирилишида юзага келадиган муносабатларда намоен бўладиган солиқ туридир. Шундай экан фойда солиғи деганда корхона, ташкилот ва бирлашмаларда яратилган қўшимча қийматнинг бир қисми фойдани қонун доирасида белгиланган чегараларда мажбурий тўлов сифатида давлат бюджети ихтиерига ўтказилиши билан боғлиқ пул муносабатлари тушинилади.

Масъулияти чекланган жамияти – масъулияти чекланган жамият деб бир ёки бир неча шахс томонидаи таъсис этилган, устав фонди (устав капитали) таъсис хужжатлари билан белгилаб қуйилган миқдорлардаги улушларга булинган жамият

Махсулот сотишдан тушган тушум – корхона томонидан ишлаб чиқарилган махсулот, кўрсатилган хизмат ва бажарилган иш учун олинган пул маблағлари суммасидир. Бу корхона харажатларини копловчи ва унинг дарамадини ташкил этувчи асосий манбадир.

Молия – давлатнинг ўз функция ва вазифаларини бажариши ҳамда кенгайтирилган такрор ишлаб чиқариш шартларини таъминлаш мақсадида марказлашган ва марказлашмаган пул фондларининг шакллантирилиши, тақсимланилиши ва фойдаланилиши билан боғлиқ иқтисодий муносабатлар мажмуидир.

Молия тизими – молиявий муносабатлар ва турли даражада уларга хизмат қилувчи молиявий муассасалар мажмуаси.

Молиявий бошқарув – субъектларнинг молиявий муносабатларни амалга ошириш, пул оқими – фондларини уюштириш, тақсимлаш ва самарали ишлатишга оид фаолиятни билдиради.

Молиявий инвестиция – акция, облигация ва бошқа турдаги қимматли қоғозларга инвесторлар томонидан куйиладиган барча турдаги бойликлар.

Молиявий муносабат – бу инвестициялаштириш кредитлаштириш, солиққа тортиш, молиявий ричаглар тизими, суғурталаш ва бошқалардир.

Молиявий режалаштириш – бу корхона ривожланишини таъминлаш учун унинг ҳамма даромадлари ва пул маблағлари ишлатилиш йўналишларини режалаштириш.

Молиявий ресурслар – бу ЯИМ ва миллий даромадни тақсимлаш ва қайта тақсимлаш натижасида хўжалик юритувчи

субъектлар ва давлатнинг қўлидаги у ёки бу вақтда бўлган пул даромадлари ва фондлари йиғиндисидир.

Молиявий рисклар – белгиланган мақсадларни амалга оширишнинг ноаниқлиги шароитида молиявий фаолиятдан кўзланган мақсад натижаларига йўналтирилган мулкдорлар ёки молиявий менежерлар томонидан қабул қилинган муқобил қарорларни танлашнинг иқтисодий зарар (молиявий йўқотиш)лар келтириш эҳтимоли.

Молиявий ричаг – бу молиявий кўрсаткичлар тизими бўлиб, бунинг ёрдамида бошқарувчи тизим корхонанинг хўжалик фаолиятига таъсир ўтказади. Булар: фойда, даромад, молиявий жазолар, баҳо, дивидендлар, иш хақи, солиқлар ва бошқалардир.

Молиявий усул – бу молиявий ҳисоб, молиявий таҳлил, молиявий режалаштириш, молиявий назоратдан иборатдир.

Молиявий фаолиятдан даромадлар – қимматли қоғозлар, валюта операциялари, кредит ва қарзларни беришдан олинган даромадлар тушунилади. Буларга роялти, дивидентлар ва фоизлар, ижобий курч фарқлари кўринишидаги даромадлар ва бошқалар киради.

Назорат – жамият иқтисодий ҳаётидаги объектив ҳодиса ва ҳар қандай давлат бошқарувининг муҳим бўғини бўлиб, у кўп минг раҳбар ва мутахассислар, меҳнат жамоалари, жамоат ва давлат ташкилотларининг субъектив ижод соҳасидир..

Оддий услуб - тушум ёки фойдани режалаштириш кам ассортимент товарлари ишлаб чиқарувчи корхоналар фаолиятида қўлланиладиган услуб. Бу услубнинг афзаллиги 1 бирлик ёки 10 бирлик учун товар маҳсулот учун тўғри келадиган тушум ёки фойдани ҳисоблаш имкониятини беради. Бу услубни камчилиги корхона фаолиятида ишлаб чиқарилаётган маҳсулот тури бўйича тушум ёки фойдани усиши ёки камайишига таъсир этувчи омиллар бўйича алоҳида тушум ёки фойда ва зарар олиш имкониятини асослаб бера олмайди.

Пассив – бу узоқ муддатли маблағлар манбаи бўлиб, улар ҳисобига хўжалик субъектининг активлари шакллантирилади. Улар ўз ва қарз капиталга ажратилади.

Рентабеллик – корхона фойдалилик даражасини характерлайдиган кўрсаткич. Одатда унинг бир неча турлари ҳисоб китоб қилинади. Бу бевосита мулкнинг шакли бўйича даромадларнинг юзага чиқиш ўрни ёки базаси бўйича, фойданинг

ўзгаришига таъсир этувчи бирликлар бўйича ёки мустақил бирликлар бўйича аниқланиши мумкин.

Смета – молиявий ресурсларнинг асоси бюджет маблағларидан ташкил килиниб, манбаси хам бюджет булади.

Солиқ – қонунда белгиланган тартибдаги ставка бўйича хўжалик юритувчи субъектлардан ва фуқаролардан давлат томонидан давлат ёки маҳаллий бюджетга олинадиган мажбурий тўлов.

Солиқ имтиёзи - солиқ тўловчи солиқ мажбуриятлари ҳажмининг тўлиқ ёки қисман қисқариши, тўлов муддатининг кечиктирилиши ёки орқага сурилиши.

Солиқ имтиёзи – солиқ тўловчи солиқ мажбуриятлари ҳажмининг тўлиқ ёки қисман қисқариши, тўлов муддатининг кечиктирилиши ёки орқага сурилиши.

Соф тушум – маҳсулот (иш, хизмат)ларни сотишдан олинган пул тушумидан қўшилган қиймат ва акциз солиги ҳамда экспорт бож пошлинасини чиқариш йўли билан аниқланади. Унга товарларнинг қайтарилиши, харидорлар учун берилган чегирмалар ва бошқалар киритилмайди.

Соф фойда – бу солиқ тўлангандан кейин корхона ихтиёрида қоладиган фойда. У солиқ тўлангунгача олинган фойдадан фойда (даромад) дан тўланадиган солиқни ва қонун ҳужжатларида назарда тутилган бошқа солиқлар ва тўловларни чиқариб ташлаган ҳолда аниқланади

Тақсимот – **б**ирламчи тақсимлаш (иш ҳақи фондини шакллантириш, фойдани шакллантириш ва бошқалар) ва қайта тақсимлаш (иш ҳақи фондини тақсимлаш, фойдани тақсимлаш, солиқлар).

Таннарх – корхонанинг маҳсулот тайёрлаш жараёнида сарфланган хом-ашё, материаллар, ишлаб чиқариш воситалари, тўланган иш ҳақи, шунингдек, маҳсулотни ишлаб чиқариш ва уни сотиш билан боғлиқ бўлган хизматлар учун тўлов ва харажатларнинг пул орқали ифодаланиши.

Устав капитали – бу одатда чиқарилган акцияларнинг номинал ёки эълон қилинган қийматига акционерлик капитал ҳисобрақамларида акс этилиши керак бўлган ва устав капиталини аниқлаш учун ишлатиладиган, қимматли қоғозларида кўрсатилган битта акциянинг номинал қийматидир.

Фавқулотда фойда – бу кўзда тутилмаган тасодифий тусга

эга бўлган ҳодиса ёки корхонанинг одатдаги фаолияти доирасидан четга чиқадиган тусдаги операциялар натижасида пайдо бўладиган ва олиниши кутилмаган фойда

Фойда – бу амалдаги молиявий тушумлар билан харажатлар ўртасидаги фарқ бўлиб, у корхонанинг асосий мақсади сифатида молиявий хўжалик фаолиятининг натижавийлик кўрсаткичи, хўжалик субъектига таъсир этадиган асосий ва асосий бўлмаган фаолият, ҳодисалар, шароитлар капиталининг кўпайиши бўлиб, хусусий капиталга тўланадиган бадаллар бундан мустасно.

Фойдани тақсимлаш – унинг истеъмол ва жамғаришга йуналтирилиши, жорий давр фойдасининг солиқлар тўлови, ишлаб чиқаришни ривожлантириш ва заҳиралашга ҳамда капитал эгалари ўртасидаги шартлар, келишувларга биноан тақсимланиши.

Харажат – маҳсулотларни ишлаб чиқариш, товар сотиш, иш бажариш ва хизмат кўрсатиш билан боғлиқ бўлган сарфларнинг пулдаги ифодаси.

Хўжалик субъектлари молияси – бу молиявий ресурсларни шакллантириш ва улардан мақсадли йўналишларда фойдаланиш билан боғлиқ пулли муносабатлар йиғиндиси.

Якка тартибдаги тадбиркорлик - юридик шахс ташкил этмаган ҳолда жисмоний шахс (якка тартибдаги тадбиркор) томонидан тадбиркорлик фаолиятининг амалга оширилиши.

Ялпи фойда - бу сотишдан олинган соф тушум билан сотилган маҳсулотнинг ишлаб чиқариш таннархи ўртасидаги тафовут.

ТЕСТЛАР

1.Маҳсулот таннархида ижтимоий заруратларга, солиқ ва йиғимларни тўлашга, махсус бюджетдан ташқари жамғармалар учун ажратмаларга йўналтириладиган манбани аниқланг?

A. *фойда

B. даромад (тушум)

C. хусусий капитал

D. устав капитали

2.Ўзбекистон қонунчилигига мувофиқ, барча корхоналар учун биринчи навбатда тўланадиган тўловларни аниқланг?

A. *иш ҳақи тўлаш, бюджетга тўловлар ва ижтимоий суғурта жамғармасига тўловлар

B. иш ҳақи тўлаш, амортизация харажатлари, суғурта ташкилотларига суғурта шартномасига оид муносабатлар бўйича суғурта бадалларини тўлаш

C. стипендия тўлаш, бюджетга тўловлар ва ижтимоий суғурта жамғармаси (нафака жамғармаси)га тўловлар

D. нафақа тўлаш, бюджетга тўловлар ва коммунал хизматлар учун харажатларни амалга ошириш

3.Маҳсулот истеъмолчилари билан муносабатларда корхона қандай фаолият олиб боради?

A. *мустақил

B. мажбурий молиявий

C. танлов орқали

D. қарор асосида

4.Корхонанинг юқори бошқарув тузилмалари билан молиявий ресурсларнинг ички тармоқ тақсимоти бўйича ўзаро алоқаси қандай йўналишда амалга оширилади?

A. *горизонтал ва вертикал

B. ўнг ва чап томон

C. тўғри ва тескари алоқа

D. оддий ва мураккаб алоқа

5.Молиявий менежментга берилган таърифни топинг?

A. *Ўз хусусий маблағлари ва жалб қилинган капитални энг самарали ишлатиш ва максимал фойда олиш мақсаддарда молиявий оқимларни бошқаришни ташкил этиш

B. Ўз хусусий маблағларини энг самарали ишлатиш ва максимал фойда олиш мақсадларда молиявий оқимларни бошқаришни ташкил этишга эришиш

C. Ўз хусусий маблағлари ва жалб қилинган капитални энг самарали ишлатиш ва максимал фойда олиш мақсаддарда молиявий тизимларни назорат қилиш

D. Ўз хусусий маблағлари ва жалб қилинган капиталдан минимал фойда олиш мақсаддарида молиявий оқимларни бошқаришни ташқи фойдаланувчилар томонидан амалга ошириш

6.Молиявий дирекциянинг бўлинмалари келтирилган жавобни топинг?

A. *молиявий бўлим, режа иқтисод бўлими, бухгалтерия

B. иқтисодий таҳлил бюроси, валюта бўлими, касаба уюшмаси

C. режа иқтисод бўлими, бухгалтерия, маркетинг, менежмент бўлими

D. валюта операциялари бўлими, режа бўлими, кадрлар бўлими

7.Корхонада капитал қуйилмаларни амалга ошириш, бошқа корхонанинг низом капиталига маблағлар қуйиш ёки ўз акцияларини чиқариш билан боғлиқ бўлган сиёсатини топинг?

A. *инвестиция сиёсати

B. маркетинг бозор сиёсати

C. бюджет-солиқ сиёсати

D. капитал қуйилмалар сиёсати

8.Молиявий менежерлар гуруҳини етакчи молиявий менежер бошқаради, бундай гуруҳлар бир нечта бўлса ким бошқаради?

A.*бош менежер

B. директор ва бухгалтер

C. директор

D. таъсисчи

9. Молиявий бошқарувнинг вазифалари келтирилган жавобни топинг?

A. *валютавий сиёсатни ишлаб чиқиш ва валютавий фаолиятни таъминлаш, молиявий режалаштириш, бизнесларнинг тузилишида иштирок этиш

B. молиявий харажатлардан суғурталанишни таъминлаш, гаров, кадр, лизинг ва бошқалар операцияларни ўтказиш

C. молиявий-хўжалик ва ташқи иқтисодий фаолиятни таҳлил қилиш, кадрлар ҳисобини юритиш

D. молиявий-хўжалик ва ташқи иқтисодий фаолиятни олиб бориш, молиявий захира юритиш, бухгалтерия баланси ва маркетинг ҳужжатларини тузиш

10. Хўжалик юритишнинг қайси шаклида молиявий хизматчининг бўлиши талаб этилади?

A. *ҳиссадорлик жамиятлари

B. кичик корхоналар

C. бюджет ташкилотлари

D. хусусий корхона

11.Акционерлик жамиятларини юқори бошқарув органи бу - ... . Нуқталар ўрнига керакли сўзни қуйинг?

A. *акционерларнинг умумий йиғилиши

B. акционерларнинг дивидендлари бўйича йиғилиши

C. акциядорлар йиғилиши

D. коллектив йиғилиши

12. Акционерлик жамиятлари қандай фондни ташкил этишлари мумкин?

A. *резерв фондини

B. жамғарма фондини

C. жамоа фондини

D. ҳеч қандай

13.Акционерлик жамиятларининг резерв фонди қандай ҳужжат орқали расмий кучга эга бўлади?

A. *устав

B. тақдимнома

C. фармоиш

D. буйруқ

14.Акционерлик жамиятлари уставига ким ўзгартириш киритиши мумкин?

A. *акционерларнинг умумий йиғилиши

B. акционерлардан баъзи бирлари ўз таклифини овозга қўйиш орқали

C. жамият раиси

D. жамиятнинг ҳиссадорлари

15.Акционерлик жамиятини устав капиталини ошириш ёки пасайиришни ким амалга оширади?

A. *акционерларнинг умумий йиғилиши

B. жамият раиси

C. жамиятнинг ҳиссадорлари

D.акционерлик жамиятининг филиал бошлиқлари

16.Акционерлик жамиятларининг зарарларини қандай фонд маблағлари ҳисобидан қопланади?

A. *резерв фонди ҳисобидан

B. капитал ҳисобидан

C. фойда ҳисобидан

D. маҳсус жамғарма фонди ҳисобидан

17.Корхонанинг пул фонди орқали қандай фаолият қўллаб-қувватланади?

A. *кенгайтирилган такрор ишлаб чиқариш

B. тижорат банкларидан олинган қарзларни қайтариш

C. корхона қарз муносабатлари

D. максимал фойда даражаси

18.Қуйидагилардан қайси бири корхонанинг инвестицион фаолиятига киради?

A. *ускунани сотиб олиш

B. иш ҳақи (даромад)ни тўлаш

C. хом ашё ва материалларни харид қилиш

D. кредит олиш

19.Қуйидагилардан қайси бири корхонанинг молиявий фаолиятига киради?

A. *кредит сўндирилиши

B. ходимдан хизмат сафаридан сўнг қолган пулларнинг кассага қайтарилиши

C. қўриқлаш хизматига ҳақ тўлаш

D. хом ашё ва материаллар хариди учун ҳақ тўлаш

20.Қуйидагилардан қайси бири корхонанинг операцион фаолиятига киради?

A. *товарни етказиб бериш учун олдиндан тўлов

B. дивидендларни акциядорларга тўлаш

C. кредит маблағларини олиш

D. ҳисоб-китоб счётидаги қолдиқлар бўйича фоизларни олиш

21.Маҳсулот ишлаб чиқариш ҳажми кўпайганда ўзгарувчан харажатларнинг доимий харажатларга нисбати қандай ўзгаради?

A. *у кўпаяди

B. камаяди

C. ўзгармайди

D. жавоб бериш учун маълумот етарли даражада эмас

22.Қайси ҳолларда доимий харажатлар ўзгаради?

A. *агар хона ижараси қиймати ошиб кеца

B. агар асосий хом ашё қиймати ошиб кеца

C. агар сотув ҳажми бирдан ошиб кетадиган бўлса

D. ҳеч қандай ҳолатда, доимий харажатлар ўз номи билан ўзгармайдиган харажатлар ҳисобланади

23.Активларнинг қайсилари «жорий» деб аталади?

A. *бир йилдан кам муддатда сотиладиганлари

B. бизнесда фойдаланиладиган ва фойда келтирадиган активлар

C. бир йилдан ортиқ муддатда сотиладиган активлар

D. жорий активлар мавжуд эмас

24.Қайси корхонада тушум камайиб кетишидан салбий оқибатлар юзага келиши хавфи юқорироқ?

A. *умумий харажатларда доимий харажатлар улуши юқори бўлган корхонада

B. умумий харажатларда ўзгарувчан харажатлар улуши юқори бўлган барча корхоналарда

C. доимий харажатлар суммаси нолга тенг бўлган корхонада

D. барча корхоналарда бир хил бўлади

25.Ўзгарувчан харажатлар нега шундай деб аталади?

A. *улар тушумга қараб ўзгаради

B. улар хом ашё, материаллар қийматига қараб ўзгаради

C. улар инфляция ва валюталар курси барқарор эмаслиги сабабли ўзгаради

D. улар тушум миқдорига боғлиқ эмас

26.Доимий харажатлар нега шундай деб аталади?

A. *улар тушумга қараб ўзгармайди

B. улар тушум миқдорига параллел бўлади

C. улар инфляция ва валюталар курси барқарор эмаслиги сабабли ўзгаради

D. улар хом ашё, материаллар қийматига қараб ўзгаради

27.Қайси ҳолатда маҳсулот бирлигига тўғри келадиган доимий харажатлар кўпаяди?

A. *агар давр мобайнида сотилган маҳсулот ҳажми камайиб кеца

B. агар сотилган маҳсулот миқдори барқарор, ўзгармас бўлса

C. агар давр мобайнида сотилган маҳсулот миқдори орца

D. маҳсулот бирлигига тўғри келадиган доимий харажатлар ҳар доим бир хил бўлади

28.Маҳсулот ишлаб чиқариш ҳажми кўпайганда қуйида санаб ўтилган харажатлардан қайси бири камаяди?

A. *маҳсулот бирлигига тўғри келадиган доимий харажатлар

B. ўзгарувчан харажатларнинг суммаси

C. доимий харажатларнинг суммаси

D. маҳсулот бирлигига тўғри келадиган ўзгарувчан харажатлар миқдори

29.“Фойдани тақсимлаш” дегани нима?

A. *Бу фойданинг қанча қисми бизнесда қолиши, қанча қисми бизнесдан дивидендлар шаклида чиқариб олиниши тўғрисида қарор қабул қилиниши

B. Бу таъсисчилар ўртасида уларнинг корхона устав фондидаги улушларига мутаносиб равишда фойдани тақсимлаш тўғрисида қарор қабул қилиниши

C. Бу таъсисчиларга уларнинг корхона устав фондидаги улушларига мутаносиб равишда фойдани тўлаш тўғрисида қарор қилиш

D. Бу таъсисчиларга уларнинг корхона устав фондидаги улушларига мутаносиб равишда фойдани қўшиш тўғрисида қарор қилиш

30.Корхона 2017 йил 31 декабрда ускуна сотиб олди. 2017 йилнинг соф фойдасига бу операция қандай таъсир кўрсатади?

A. *фойда ўзгармайди

B. фойда ускуна миқдори суммасига камаяди

C. жавоб бериш учун маълумот етарли даражада эмас

D. фойда қисман кўпаяди

31.Қуйида келтирилган асосий воситалар таърифларининг қайси бири тўғри?

A. *асосий воситалар бу тадбиркорликда 1 йилдан ортиқ фойдаланиладиган моддий активлар

B. асосий воситалар бу тадбиркорликда 1 йилдан кам муддатда фойдаланиладиган моддий активлар

C. асосий воситалар бу тадбиркорликда 1 йилдан ортиқ муддатда фойдаланиладиган номоддий активлар

D. асосий воситалар бу тадбиркорликда 1 йилдан кам муддатда фойдаланиладиган номоддий активлар

32. Қуйидаги жавобларнинг қайси бирида инвестицияларга мисол келтирилган?

A. *бино ва ускуналарга пул қўйиш

B. хом ашё ва материалларга пул қўйиш

C. суд чиқимларига харажатлар

D. ходимлар иш ҳақига пул қўйиш

33.Ҳар қандай молиявий муносабатнинг моддий асоси нима ҳисобланади?

A. *пул ва манфаат

B. фоиз ундириш

C. ҳукмронлик ўтказиш

D. моддий жиҳатдан нуфузини ошириш

34.Молиявий муносабатнинг юзага келиш асосий шартини қандай изоҳлайсиз?

A. *пул маблағларининг субъектлар ўртасидаги мақсадли ҳаракати

B. фойдани тақсимлашда пул муносабатларидан фойдаланиш

C. такрор ишлаб чиқаришда молиявий таъминот узлуксизлигига эришиш

D. молиявий барқарорликни ошириб бориш

35.Корхона молияси тушунчаси нимани англатади?

A. *корхонанинг пул маблағларини шакллантириш ва фойдаланиш билан боғлиқ бўлган пул муносабатлари йиғиндиси

B. давлат ва корхоналар ўртасида кузатиладиган молиявий муносабатларни

C. акциядор ва компания ўртасидаги муносабатларни

D. корхоналар фаолиятини бошлаш ва назорат қилиш билан боғлиқ жараёнларни

36. 2014 йилда ташкил этилган фирманинг учта таъсисчиси бор. Улардан биттаси устав капиталига нотурар жой киритди, қолган иккитаси пул киритишган. 2018 йилда нотурар жойни киритган таъсисчи фирмадан чиқмоқда ва нотурар жойни қайтариб олмоқчи. Қайси ҳолларда фирма нотурар жойни чиқаётган таъсисчига қайтаришга мажбур?

A. *агар қарорни учта таъсисчи биргаликда қабул қилишган бўлса

B. ҳар қандай ҳолатда мажбур бўлади

C. агар бу чиқаётган таъсисчининг қатъий талаби бўлса

D. ҳеч қандай ҳолатларда мажбур эмас

37.Бизнес юритишнинг ташкилий-ҳуқуқий шаклларидан қайси бирининг таваккалчилик даражаси энг юқори?

A. *хусусий корхона, чунки унда хамма нарса хусусий бўлади ва у давлат томонидан қўллаб-қувватланмайди

B. масъулияти чекланган жамият – чунки банкротликка учраган тақдирда таъсисчиларга унинг барча қарзларини қоплашларига тўғри келади

C. хусусий корхона, чунки унинг таъсисчиси корхона қарзлари бўйича ўзининг барча мол-мулки билан жавоб беради

D. масъулияти чекланган жамият – чунки у давлат томонидан қўллаб-қувватланмайди

38.Ким таъсисчи томонидан юридик шахснинг устав капиталига киритилган автомобилнинг мулкдори ҳисобланади?

A. *юридик шахс, чунки таъсисчи уни устав фондига бадал сифатида киритади

B. таъсисчи ва юридик шахс автомобилнинг биргаликдаги мулкдоридир

C. таъсисчи, чунки автомобиль уники ва унда зарур ҳужжатлар бор

D. таъсисчи ва юридик шахс автомобилнинг қиймати бўйича киритган улуши доирасида мулкдордир

39.Масъулияти чекланган жамият афзаллиги нимада?

A. *унинг муассисларининг масъулияти жамиятга киритилган капитал билан чекланган

B. директор бош бухгалтерсиз ишлай олади

C. кичик бизнес субъекти сифатида банкдан имтиёзли кредит олиши мумкин

D. жамиятда камида 50 киши фаолият юритиши мумкин

40.Хусусий корхонанинг афзаллиги нимада?

A. *унинг таъсисчиси бизнесдан дивиденд сифатида чиқариб олинадиган фойдадан солиқ тўламайди

B. унинг таъсисчилари сони 50 тагача бўлиши мумкин, улар таъсис шартномасини имзолашади

C. унинг директори таъсисчи билан келишган ҳолда ўзига иш ҳақини исталган миқдорда белгилаши мумкин

D. исталган фаолият билан шуғуллана олмайди

41.Юридик шахс банкдан кредит олди. Кредит учун ким жавобгар ҳисобланади?

A. *юридик шахснинг ўзи

B. таъсисчи ва юридик шахс биргаликдаги жавобгар

C. юридик шахснинг таъсисчилари жавобгар

D. таъсисчи бўлган жисмоний шахслар

42.Якка тартибдаги тадбиркор умумий овқатланиш билан шуғулланишга ҳақлими?

A. *ҳақли эмас, бу тақиқланган

B. кичик ҳажмларда бўлса ҳақли бўлади

C. агар лицензия олса, ҳақли бўлади

D. маблағи етарли бўлса, бўлиши мумкин

43.Тушумга берилган қуйидаги таърифлардан қайси бири тўғри?

A. *тушум – харидорга берилган товарлар қиймати

B. тушум – харидорлардан келиб тушадиган пул маблағлари

C. тушум – сотилган ва пули келиб тушган товарлар ҳажми

D. тушум = фойда

44.Қайси ҳолатда харидор аванс билан тўлаган пуллар тушум ҳисобланади?

A. *ҳеч бир ҳолатда аванс тушум ҳисобланмайди

B. агар харидор товар қийматини шартнома бўйича тўласа

C. агар харидор товарни олиб кеца

D. аванс ҳар қандай ҳолатда ҳам тушум ҳисобаланади

45.Қуйидагилардан қайси бири корхонанинг инвестицион фаолиятига киради?

A. *ускунани сотиб олиш

B. кредит олиш

C. иш ҳақини тўлаб бериш

D. хом ашё ва материалларни харид қилиш

46.Қуйидагилардан қайси бири корхонанинг молиявий фаолиятига киради?

A. *кредит сўндирилиши

B. ходимдан хизмат сафаридан қолган пулларнинг кассага қайтарилиши

C. қўриқлаш хизматига ҳақ тўлаб бериш

D. хом ашё, материаллар хариди учун ҳақ тўлаш

47.Қуйидагилардан қайси бири корхонанинг операцион фаолиятига киради?

A. *товарни етказиб бериш учун олдиндан тўлов

B. дивидендларни акциядорларга тўлаш

C. банкдан кредит олиш

D. ҳисоб-китоб счётидаги қолдиқлар бўйича фоизларни олиш

48.Масъулияти чекланган жамият иштирокчиларининг сони неча кишидан ошмаслиги лозим?

A. *50 кишидан

B. 100 кишидан

C. 10 кишидан

D. 120 кишидан

49.Кимлар масъулияти чекланган жамиятнинг иштирокчилари бўлиши мумкин?

A. *юридик ва жисмоний шахслар

B. фақат юридик шахслар

C. фақат жисмоний шахслар

D. фақат хорижий инвесторлар

50.Акционерлик жамиятида дивидендлар қайси манбадан тўланади?

A. *жамиятнинг тасарруфида қоладиган соф фойдасидан ва (ёки) ўтган йилларда шакллантирган захира фондидан тўланади

B. жамиятнинг тасарруфида қоладиган амортизация ажратмасидан ва (ёки) ўтган йилларнинг тақсимланмаган фойдасидан тўланади

C. жамиятнинг тасарруфида қоладиган соф фойдасидан ва (ёки) ўтган йилларнинг тақсимланмаган фойдасидан тўланади

D. фақат соф фойдасидан тўланади

51.Ўз мулкида, хўжалик юритишида ёки оператив бошқарувида алоҳида мол-мулкка эга бўлган ҳамда ўз мажбуриятлари юзасидан ушбу мол-мулк билан жавоб берадиган, ўз номидан мулкий ёки шахсий номулкий ҳуқуқларга эга бўла оладиган ва уларни амалга ошира оладиган, мажбуриятларни бажара оладиган, судда даъвогар ва жавобгар бўла оладиган ташкилот нима деб аталади?

A. *юридик шахс

B. акциядорлик жамияти иштирокчилари

C. масъулияти чекланган жамият

D. юқорида келтирилган хусусиятларга эга ташкилот ҳозирда бозор иқтисодиёти шароитида амал қилмайди

52.Ўз харажатларини ўзи қоплаш принципи нимани назарда тутади?

A. *корхонани ривожлантириш учун йўналтирилган маблағлар соф фойда ва амортизация ажратмалари ҳисобига қамраб олиниши

B. харажатларни минималлаштириш орқали фойдани максималлаштиришга эришиш

C. молиявий таъминотни самарали ташкил этишга эришиш

D. молиявий рискарни камайтириш мақсадида кам даромад билан чекланишни

53.Акциядорлари ўзларига тегишли акцияларни ўзга акциядорларнинг розилигисиз бошқа шахсларга бериши мумкин бўлган акциядорлик жамияти қандай акциядорлик жамияти ҳисобланади?

A. *очиқ обуна ўтказилган акциядорлик жамияти

B. ёпиқ турдаги акциядорлик жамияти

C. унитар жамият

D. акциядорлар ҳар доим ўз акцияларини бошқа шахсга ўтказиш учун бошқа акциядорлардан розилик олиш керак

54.Акциядорлик жамиятининг таъсис ҳужжатини биласизми?

A. *устав

B. жамият таъсис йиғилиши баённомаси

C. устав капитали

D. тадбиркорлик субъектларини рўйхатга олиш инспекцияси томонидан берилган гувоҳнома

55.Корхоналарда молиявий таъминот узлуксизлигини таъминлашнинг объектив зарурлигини қандай тушуниш мумкин?

A. *такрор ишлаб чиқариш жараёнининг давомийлигига хизмат қилади

B. молиялаштиришнинг ташқи манбаларига доимо эҳтиёж туғилади

C. харажатларнинг кечиктириш орқали ўз айланма маблағнинг корхона ихтиёрида бўлишига эришилади

D. доимо молиялаштиришнинг ички манбаларига мурожаат қилишга зарурат туғилади

56.Корхона ўз молиявий талабларини тўлиқ ёки зарурий даражада қоплай олиши қўшимча капитални жалб қилиш бўйича талабнинг камайиши ва маблағлар жалб қилиш билан боғлиқ рискларни пасайтириш ҳисобига нимага эришиш мумкин?

A. *иқтисодий ўсиш учун қулай имкониятлар ва сезиларли устунликка эга бўлади

B. хорижий капитални жалб қилиш имконига эга бўлади

C. солиқ имтиёзларидан фойдаланиш имконияти туғилади

D. капитал баҳосини аниқлаб, таннарх камайтирилади

57.Масъулияти чекланган жамият устав капитали қандай йўллар орқали оширилиши мумкин?

A. *жамиятнинг мол-мулки, таъсисчи ёки мулкдорларнинг қўшимча ҳиссалари ва жамиятга қабул қилинадиган учинчи шахсларнинг ҳиссалари ҳисобига

B. солиқ имтиёзлари ва давлат субсидиялари (кредитлари) ҳисобига

C. тақсимланмаган фойда, олинадиган дивидендлар ва дотациялар ҳисобига

D. хорижий капитал ва банк кредит ресурслари ҳисобига

58.Масъулияти чекланган жамият устав капитали бўйича белгиланган минимал талаб тўғри белгиланган жавобни кўрсатинг (2018 йилда)?

A. *жамиятни давлат рўйхатидан ўтказиш учун ҳужжатларни тақдим этиш санасидаги энг кам ойлик иш ҳақининг қирқ бараваридан кам бўлмаслиги лозим

B. таъсис йиғилиши ўтказилган санадаги энг кам ойлик иш ҳақининг қирқ бараваридан кам бўлмаслиги лозим

C. 400000 АҚШ доллари сўм эквивалентидан кам бўлмаслиги лозим

D. жамиятни давлат рўйхатидан ўтказиш учун ҳужжатларни тақдим этиш санасидаги энг кам ойлик иш ҳақининг эллик беш бараваридан кам бўлмаслиги лозим

59.Янги ташкил этилаётган акциядорлик жамияти устав капиталининг энг кам миқдори тўғри келтирилган жавобни белгиланг (2018 йилда)?

A. *жамиятни давлат рўйхатидан ўтказиш учун ҳужжатларни тақдим этиш санада камида 1600 млн. сўм

B. таъсис йиғилиши ўтказилган санадаги энг кам ойлик иш ҳақининг қирқ бараваридан кам бўлмаслиги лозим

C. 400000 АҚШ доллари сўм эквивалентидан кам бўлмаслиги лозим

D. жамиятни давлат рўйхатидан ўтказиш учун ҳужжатларни тақдим этиш санада ҳолатига камида 1684 млн. сўм

60.Акциядорлик жамияти ихтиёрида қолган фойдани тақсимлаш ваколати қайси органга бириктирилган?

A. *акциядорларнинг умумий йиғилиши

B. кузатув кенгаши

C. молиявий менежерлар

D. рақобат қўмитаси

61.Узоқ муддатли молиявий мажбуриятлар нима?

A. *корхоналарда амал қилувчи фойдаланиш муддати 1 йилдан ортиқ бўлган қарз капиталининг барча шакллари

B. корхоналарда амал қилувчи фойдаланиш муддати 2 ойдан ортиқ бўлган қарз капиталининг шакллари

C. бундай тушунча мавжуд эмас

D. корхоналарда амал қилувчи муддати 5 ойдан ортиқ бўлган қарзларнинг шакллари

62.Қисқа муддатли қарз капитали нима?

A. *фойдаланиш муддати 1 йилгача бўлган жалб қилинган қарз капиталининг барча шакллари

B. фойдаланиш муддати 3 йилгача бўлган жалб қилинган қарз капиталининг барча шакллари

C. қарз капитали қисқа муддатли характерга эга эмас

D. фойдаланиш муддати 5 йилгача бўлган жалб қилинган қарз капиталининг барча шакллари

63.Қарз маблағлари ҳисобига молиялаштириш принциплари қайси жавобда тўғри кўрсатилган?

A. *қайтаришлик, таъминланганлик, тўловлилик, муддатлилик

B. қайтаришлик, ишончлилик, қониқарлилик

C. очиқлик, махфийлик, адолатлилик

D. йиғилувчанлик, ундирувчанлик, мақсадлилик, махфийлик, ишончлилик

64.Кредит сўзининг маъноси нима?

A. *ишонаман

B. вақтинчалик ишонаман

C. қарз бериш

D. фойдаланишга бериш

62.Кредиторлар томонидан қарз олувчилардан талаб қилинадиган шартларга жавоб берувчи ва қарз муносабатлари асосида пул маблағларини олишга талабгор юридик ва жисмоний шахслар қандай номланади?

A. *кредитлаш субъектлари

B. кредитлаш объектлари, кредиторлар

C. кредиторлар

D. кредитлашни молиялаштириш манбалари

63.Қуйидагилардан қайси бири хусусий капитал таркибига кирмайди?

A. *ссуда капитали

B. устав (низом) капитали

C. резерв (захира) капитал

D. қўшимча шакллантирилган капитал

64.Корпорациянинг дивиденд тўлаши биринчи навбатда қайси акциялар бўйича тўланади?

A. *имтиёзли акциялар

B. оддий, юмшоқ акциялар
C. юмшоқ, қаттиқ акциялар
D. қаттиқ ҳаракатчан акциялар

65.ЎзРда янги ташкил этилаётган акциядорлик жамиятлари устав капиталининг минимал миқдорини кўрсатинг (2018 йил)?
A. *1 млрд. 600 млн. сўм
B. 400 000 АҚШ доллари
C. 1 млрд. 684 млн. сўм
D. 400 000 евро

66.ЎзРда акциядорлик жамиятлари устав капиталининг минимал миқдори бўйича талаб қачондан кучга киритилган?
A. *2017 йилдан
B. 2018 йилдан
C. 2019 йилдан
D. 2011 йилдан

67.ЎзРда акциялар қандай шаклда чиқарилади?
A. *электрон
B. қимматли қоғоз
C. электрон, қоғоз
D. сертификат, аттестат

68.Қандай пул фондлари марказлашмаган пул фондлари ҳисобланади?
A. *амортизация фонди
B. давлат бюджети ва маҳаллий бюджет
C. пенсия фонди ва йўл фонди
D. йўл фонди ва амортизация фонди

69.Корхона молиявий менежери қайси турдаги қарорларни қабул қилади?
A. *молиявий ва инвестицион қарорларини
B. молиялаштириш бўйича қарорлар, уларнинг ижросини
C. инвестицион қарорларни ва режаларни бажариш
D. қарор қабул қилмасада, уни ўрганади

70.Корхона ниманинг ячейкаси?

A. *иқтисодиёт

B. жамият, аҳоли

C. молиявий институтлар

D.тижорат банклар

71.Диверсификация нима?

A. *портфелни кўплаб инвестициялардан ташкил этиш орқали рискни пасайтиришга мўлжалланган стратегия

B. фирмага таъсир этадиган риск омиллари

C. иқтисодиёт бўйича ёйилган риск бўлиб, бутун бозорга таъсир этади

D. капиталга тасир қилувчи омилларни ўрганиш ва баҳолаш

72.Асосий капиталлар қуйидагилардан ташкил топади?

A. *асосий воситалар, тугалланмаган узок муддатли инвестициялар, узоқ муддатли-молиявий инвестициялар, номоддий активлар

B. муомала фондлари, ишлаб чиқариш фондлари

C. дебиторлик қарзлари ва пул маблағлари

D. муомала фондлари ва пул маблағлари

73.Маҳсулот ишлаб чиқариш хажмининг ўзгаришига қараб харажатлар?

A. *доимий ва ўзгарувчан харажатлар

B. ишлаб чиқариш, ноишлаб чиқариш харажатлари

C. тўғри, эгри ишлаб чиқариш харажатлари

D. маҳсулот таннархи ва давр харажатлари

74.Молиявий инвестиция бу?

A. *қимматли қоғозларга қилинган инвестиция

B. корхона ва ташкилотларга қилинган инвестиция

C. “ноухау”, инновацион мақсадларга қилинган инвестиция

D. асосий воситаларга имтиёзлар тақдим этиш орқали қилинган инвестиция

75.Реал инвестиция бу?

A. *техника технология ва асосий воситаларга қилинган инвестиция

B. жисмоний шахсларга қилинган инвестиция ва инновацияга қилинган инвестициялар

C. қимматли қоғозларга қилинган инвестиция, корпоратив корхоналарга қилинган инвестициялар

D. марказлашган инвестициялар

76.Ўзбекистон Республикаси номидан давлат қимматли қоғозларининг эмитенти қайси орган ҳисобланади?

A. *республика Молия вазирлиги

B. марказий банк, тижорат банклари

C. ғазначилик органи, суғурта компаниялари

D. Вазирлар Маҳкамаси

77.Фаолият юритиш мақсадига кўра хўжалик субектлари қандай турларга бўлинади?

A. *тижорат ва нотижорат асосида фаолият юритадиган

B. бюджетдан молиялаштириладиган ва ўз-ўзини молиялаштирадиган корхоналарга

C. очиқ турда ва ёпиқ турда фаолият юритадиган корпоратив корхоналар

D. АЖ ва МЧЖ

78.Молиявий активларнинг иқтисодий моҳиятини англатувчи энг муҳим хусусияти тўғри келтирилган жавобни белгиланг.

A. *уларнинг даромад келтириши

B. компанияни бошқариш ҳуқуқини бериши

C. қарор қабул қилишда вето (таъқиқ) қўйиш ҳуқуқини бериши

D. олди-сотди предмети эканлиги

79.Молиявий активларнинг муҳим ўзига хос хусусиятлари тўғри берилган жавобни белгиланг

A. *Ҳуқуқий тан олиниши, муомалада бўлиши, аниқ стандартларга эга бўлиши, ликвидлилиги, рисклилиги

B. Қонунчилик билан белгиланган мажбурий реквизитларга эгалиги, доимо эгасига фойда келтириши ва рисклилик даражаси юқорилиги

C. Эркин олди-сотди объекти сифатида бозорда амал қилиши ва давлат назоратида туриши

D. Кутиладиган даромад миқдорини ҳар доим ҳам аниқ белгилаш имконининг мавжуд эмаслиги ва олди-сотди объекти эканлиги

80.Қўйидаги келтирилган қандай субъектлар бюджетдан молиялаштирилади?

A. *ноишлаб чиқариш муассасалари

B. саноат корхоналари

C. жамоа харажатлари

D. савдо ва умумий овқатланиш корхона (ташкилот) лари

81.Давлат ишлаб чиқариш корхоналарида инвестицияни дастлабки ташкил этиш манбаи қандай маблағ бўлиб ҳисобланади?

A. *бюджет маблағлари ва бюджетдан ташқари махсус фондлар

B. бюджет маблағлари ва корхона (ташкилот) даромадларининг бир қисми

C. корхона даромадларидан махсус ажратмалар

D. бюджетдан ташқари махсус фондлар

82.Давлат томонидан иқтисодиётни бошқаришда бош инструмент сифатида нима хизмат қилади?

A. *корхона молияси

B. ишлаб чиқариш воситалари

C. таннарх

D. харажатлар

83.Корхонанинг самарали фаолият кўрсатишига тўсиқли муаммога нима киради?

A. *корхона фаолиятини самарасиз бошқариш

B. корхонада профессионал ишчи ва хизматчиларнинг фаолият кўрсатмаслиги

C. рағбатлантириш воситалари мавжудлиги

D. таннархнинг доимий ўсиши

84.Корхона молиясига қандай омилларнинг таъсри кучли бўлади?

A. *Ҳуқуқий-ташкилий, тармоқ хусусиятларидаги иқтисодий-техника хусусиятлар омили

B. Ҳуқуқий-ташкилий, инфляцион, ишлаб чиқариш, техник ва инновацион омиллар

C. Тармоқ хусусиятлари, инновацион омиллар

D. Инфляцион, ишлаб чиқариш ва бошқарув омиллари

85.Қўйидагиларнинг қайси бири корхона уставида кўрсатилади?

A. *корхона номи ва юридик манзил

B. корхона даромади

C. корхонани ҳар бир фаолият юксалиш ва ишлаб чиқариладиган маҳсулот ҳажми

D. мижозларнинг манзиллари

86.Нодавлат ишлаб чиқариш корхоналарида инвестицияни дастлабки ташкил этиш манбаи қандай маблағлар бўлиб ҳисобланади?

A. *акционерлик жамиятлари капитали

B. республика ва маҳаллий бюджет

C. корхона даромадлари

D. максадли ажратмалар

87.Корхона молиясини ривожлантиришни асосий йўналиши нимада намоён бўлади?

A. *инвестицион ва тадбиркорлик муҳитини яхшилашда

B. рақобат муҳитини барча корхоналарга нисбатан яратишда

C. маъмурий бошқариш усулларини тартиблаштиришда

D. ишлаб чиқаришни оқилона бошқаришда

88.Қўйидагиларнинг қайси бири тижорат корхоналарининг молиявий муносабаталарини ташкил этиш тамойили бўлиб ҳисобланади?

A. *мустақил фаолият кўрсатиш

B. фойдани тақсимлаш

C. даромадни тақсимлаш

D. даромад ва фойдани тақсимлаш

89.Қўйидагиларнинг қайси бири тижорат корхоналарининг молиявий муносабатларини ташкил этиш тамойили бўлиб ҳисобланади?

A. *ўз-ўзини молиялаштириш

B. фойдани тақсимлаш

C. даромадни тақсимлаш

D. даромад ёки фойдани тақсимлаш

90.Корхона молиявий заҳираларини ташкил этиш тамойилини амал қилиши нима билан боғлиқ?

A. *молиявий ресурсларни ва шунга ўхшаш фондларни ташкил этиш билан

B. молиявий ресурсларни тақсимлаш билан

C. молиявий ресурслардан фойдаланиш билан

D. молиявий ресурсларни тақсимлаш, қайта тақсимлаш ва самарали фойдаланишни таъминлаш билан

91.Акционерлик жамиятлари резерв фонди устав капиталининг неча фоизидан паст бўлмаслиги лозим?

A. *5% дан

B. 10% дан

C. 4% дан

D. 15% дан

92.Қўйидаги келтирилган жавобларнинг қайсилари корхона молиясининг функциялари бўлиб ҳисобланади?

A. *тақсимлаш ва назорат

B. тақсимлаш, аудит

C. ишлаб чиқариш ва тартиблаштирувчи

D. назорат, аудит

93.Қўйидагиларнинг қайси бири корхона молиявий муносабатларни мужассамлаштиради?

A. *корхонанинг бюджет ташкилотлари билан узвий муносабатлари

B. корхонанинг бюджетдан ташқари жамоа фондлари билан муносабатлари

C. корхонанинг нотижорат корхоналари билан алоқаси

D. корхонанинг ижтимоий ташкилотлар билан муносабати

94.Иқтисодий мазмунга кўра қандай харажат кўринишлари мумкин?

A. *моддий харажатлари, иш ҳақи харажатлари, ижтимоий эҳтиёжлар учун тўловлар, амортизация ва бошқа харажатлар

B. моддий харажатлари, иш ҳақи харажатлари, ижтимоий эҳтиёжлар билан боғлиқ харажатлар, рағбатлантириш харажатлари

C. ишлаб чиқариш, ноишлаб чиқариш харажатлари, иш ҳақи харажатлари

D. моддий ишлаб чиқариш харажатлари, иш ҳақи харажатлари ва истеъмол харажатлари

95.Маъмуриятни саклаш учун максимал ижозат этиладиган харажатни чегараланишини қайси молиявий режалаштириш элементига киритиш мумкин?

A. *иктисодий нормативлар

B. корхона молиявий кўрсаткичлар

C. назорат рақамлари орқали

D. бизнес режа бўлимлари

96.Тайёр махсулот захиралари қайси соҳадаги корхона (ташкилот)лар айланма маблағининг элементи бўлиб ҳисобланади?

A. *ишлаб чиқариш корхоналарини

B. муомала корхоналарини

C. овкатланиш корхоналарини

D. хизмат кўрсатиш соҳасидаги корхоналарни

97.Товар захиралари қайси соҳадаги корхоналар (ташкилот) ларнинг айланма маблағининг элементи бўлиб ҳисобланади?

A. *савдо ташкилот (корхона)ларини

B. фермер хўжаликларини

C. енгил саноат корхона (ташкилот)ларини

D. умумовқатланиш корхоналарини

98.Савдода муомала харажатларини молиялаштириш манбаси бўлиб нима ҳисобланади?

A. *ялпи даромад ҳисобланади

B. ялпи ички маҳсулот қиймати бўлиб ҳисобланади

C. соф фойда обороти ҳисобланади

D. фойда ҳисобланади

99.Корхонанинг ҳисобрақамидаги маблағлар қандай пул бирликларида мавжуд булади?

A. *миллий валюта-сўмда, чет эл валютасида

B. чет эл валютасида, АҚШ долларида

C. миллий валюта-сўмда

D. чет эл валютаси-АҚШ долларида, Россия рублида

100.Корхона балансида келтирилган маблағлар, кўрсаткичлар қайси пул бирлигида ифодаланади?

A. *сўмда

B. АҚШ долларида

C. Россия рублида

D. Евро валютасида

ФОЙДАЛАНИЛГАН АДАБИЁТЛАР

1. Ўзбекистон Республикаси Конституцияси. – Т.: Адолат, 1992.
2. Ўзбекистон Республикаси Солиқ кодекси. Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси, 31.12.2019 й., 02/19/СК/4256-сон; 11.03.2020 й., 03/20/607/0279-сон. 346-модда
3. Ўзбекистон Республикасининг 2014 йил 6 майдаги ЎРҚ-370-сонли “Акциядорлик жамиятлари ва акциядорларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш тўғрисида”ги (янги таҳрири) қонуни. https://lex.uz/docs/2382409
4. Ўзбекистон Республикасининг “Масъулияти чекланган ҳамда қўшимча масъулиятли жамиятлар тўғрисида”ги қонуни. 2001 йил 6 декабрь, 310-II-сон. https://lex.uz/acts/22525
5. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2019 йил 26 апрелдаги «Фонд биржасида акцияларни бирламчи ва иккиламчи оммавий жойлаштиришни ташкил этиш тўғрисида»ги 358-сонли қарори
6. Ўзбекистон Республикаси Президентининг “2022-2026 йилларга мўлжалланган янги Ўзбекистоннинг Тараққиёт стратегияси тўғрисида”ги 2022 йил 28 январдаги ПФ-60-сонли Фармони. www.lex.uz
7. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 1995 йил 5-февралдаги 54-сон қарори билан тасдиқланган “Маҳсулот (иш, хизмат)ларни ишлаб чиқариш ва сотиш харажатлари ҳамда охирги молиявий натижаларни шакллантириш тартиби тўғрисида”ги Низом. https://lex.uz/docs/264422
8. Dalamagas B. et al. Revising the Conventional Tax-Effort Principle //Scottish Journal of Political Economy. – 2019. – p. 22.
9. Hicks J. R. The theory of uncertainty and profit //Economica. – 1931. – №. 32. – С. 170-189.
10. Investors and Markets: Portfolio Choices, Asset Prices, and Investment Advice. By William F. Sharpe. Princeton University Press, Princeton, 2007
11. Jonathan Berk, Peter De Marzo. Corporate Finance: The Core. - USA: Pearson, 2014.
12. Markowitz H. M., Mean Variance Analysis in Portfolio Choice and Capital Markets. Basil. Blackwell. 1990
13. Needles Jr B. E., Anderson H. R., Caldwell J. C. The basic

principles of accounting //Publishing House Arc. – 2000.

14. Prasanna Chandra Financial Management // Theory and Practice. Tata McGraw Hill Education Private Limited, NEW DELHI. 2012. 1062 p.

15. Qurbonov R.B. Tijorat banklarining kapitallashuv darajasini oshirishda IPO (Initial Public Offering)ning o'rni. //Scientific Journal of "International Finance & Accounting" Issue 3, June 2022. – p. 3

16. Richard Brealey, Stewart Myers, Franklin Allen Principles of Corporate Finance, 10th editions McGraw-Hill/Irwin, 2010.

17. Toshmatov S.A., Abdullaev Z.A., Ahrorov Z.O. Influence of Corporate Income Tax to Loan Loss Provision: Evidence from Uzbekistan. Journal of Tax Reform. 2022; 8(3): 236–250. https://doi.org/10.15826/jtr.2022.8.3.119

18. Zaynalov J. R., Ahrorov Z. O., Akhadov I. E. The Importance and Characteristics of Application of Blockchain Technologies in the Tax System //ECLSS Online 2020a. – 2020. – Т. 297.

19. Алиева С.С. Совершенствование формирования и распределения прибыли предприятий в условиях модернизации экономики (на примере предприятий Самаркандской области). Автореферат диссертации на соискание ученой степени к.э.н. – Т.: БФА, 2011. – с. 9-10.

20. Аликулов И.С., Сатторов Д.С. Инвестициянинг мазмун-моҳияти ва тавсифланиши. //"Иқтисодиёт ва инновацион технологиялар" илмий электрон журнали. № 5, июль, 2012 йил. – 1-б.

21. Ахроров З.О. Корхоналар фаолиятини ривожлантиришда фойдани солиққа тортиш механизмини такомиллаштириш. //"Халқаро молия ва ҳисоб" илмий журнали. № 1, февраль, 2022 йил. 3-б.

22. Ахроров З.О. Корхоналарда молиявий режалаштиришни ташкил этиш. // Iqtisodiyot, moliya va innovatsiyalar журнали (IMIJ). 2022 йил. 2-сон. 3-б.

23. Бельчина Е.М. Финансы организации. Учебное пособие. – Минск: БГАТУ, 2018. – 304 с.

24. Бутиков И.Л. Қимматли қоғозлар бозори. Дарслик. – Т.: Консаудитинформ, 2001. – 472 б.

25. Гурова В.А. Эффективность внедрения технологии blockchain в систему налогообложения //Проблемы информационной безопасности. – 2019. – С. 92-94.

26. Жумаев Н.Х. Рақамли иқтисодиётни ривожлантириш мамлакатга нима беради? 31-01-2020. //https://finance.uz/index.php/uz/fuz-menu-biznes-uz/6699-ra-amli-i-tisodijotni-rivozhlantirish-mamlakatga-nima-beradi.
27. Зайналов Ж.Р., Алиева С.С., Ахроров З.О. ва бошқ. Молия: Корхоналар молияси. Дарслик. – Т.: Иқтисод-молия, 2018. – 268 б.
28. Зайналов Ж.Р., Алиева С.С., Ахроров З.О., Расулов З.Ж. ва бошқ. Солиқлар ва солиққа тортиш. Дарслик. – Т.: Иқтисод-молия, 2021. – 364 б.
29. Зайналов Ж.Р., Ходжаев Э.Н., Хусанов Б.Ш. ва бошқ. Молия бозори. Дарслик. – Т.: Иқтисод-молия, 2020. – 316 б.
30. Зарипов Х.Б. Солиқларнинг корхоналар молиявий-хўжалик фаолиятига таъсирини баҳолаш йўллари. Иқтисодиёт фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD) дисс.автореф. – Т.: 2020. – 14-б.
31. Иванов Г.И. Инвестиции: сущность. Виды, механизмы функционирования. /Серия «Учебники, учебные пособия». – Ростов н/Д: Феникс, 2002. С.24-25.
32. Маликов Т., Олимжонов О. Молия. Дарслик. – Т.: Иқтисод-молия, 2019. – 920 б.
33. Нечаев А.С. Проблема инвестиционного налогового кредита в России и возможный вариант ее решения // Проблемы современной экономики. 2004. № 4. с. 112.
34. Раҳимов М. Иқтисодиёт субъектлари молиявий ҳолатининг таҳлили. Ўқув қўлланма. – Т.: Иқтисод-молия, 2013. – 392 б.
35. Саттаров Б.К. Корхона капитали қиймати ва унинг аҳамияти. //“Иқтисодиёт ва инновацион технологиялар” илмий электрон журнали. № 3, 2016 йил. – 2-б.
36. Семенкова Е.В. Операции с ценными бумагами. – М.: Перспектива, 1997. - с. 213-217
37. Умаров О.С. Рақамли иқтисодиёт ва унинг ривожланиш тенденциялари. // “Иқтисодиёт ва инновацион технологиялар” илмий электрон журнали. – 2018. – Т. 3.
38. Ҳайдаров Н. Солиқлар ва солиққа тортиш масалалари. – Т.: Akademiya, 2007. – 54 б.
39. Ҳошимов А.А. Ўзбекистонда интеграциялашган корпорацияларни бошқариш. – Т.: Фан, 2007
40. Элмирзаев С. Корпоратив молия. Дарслик. – Т.: Иқтисод-молия, 2019. – 364 б.
41. Интернет сайтлари:

- www.lex.uz – Ўзбекистон Республикаси қонунчилиги портали
- www.mf.uz – Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги расмий сайти
- www.soliq.uz – Ўзбекистон Республикаси Давлат солиқ қўмитаси расмий сайти
- www.interfinance.tfi.uz– “Халқаро молия ва ҳисоб” илмий электрон журнали сайти
- www.iqtisodiyot.tsue.uz – “Иқтисодиёт ва инновацион технологиялар” илмий электрон журнали сайти

МУНДАРИЖА

КИРИШ 3
I БОБ. КОРХОНАЛАР ВА ТАШКИЛОТЛАР МОЛИЯСИНИ ДАВЛАТ ТОМОНИДАН ТАРТИБГА СОЛИШ 6
1.1. Молия тизимининг шаклланишида корхоналар молиясининг моҳияти ва аҳамияти 6
1.2. Корхоналар молиясининг давлат томонидан тартибга солишнинг мақсади ва вазифалари 13
1.3. Пул-кредит, солиқ ва валюта ҳамда антимонопол тартибга солиш орқали корхоналар молиясига таъсир кўрсатиш 18
II БОБ. КОРХОНАЛАР МОЛИЯВИЙ МУНОСАБАТЛАРИНИНГ МАЗМУНИ ВА УЛАРНИ ТАШКИЛИЙ-ҲУҚУҚИЙ ШАКЛЛАРИ 24
2.1. Корхоналар молиявий муносабатларининг мазмуни ва уларни мустаҳкамлаш 24
2.2. Қонунчиликда кўзда тутилган корхоналарнинг асосий ташкилий-ҳуқуқий шаклларининг ўзига хос хусусиятлари 29
2.3. Акционерлик жамиятлари молияси 33
2.4. Маъсулияти чекланган жамиятлар молияси 38
2.5. Кичик ва хусусий корхоналар молияси 45
2.6. Корхоналарнинг бюджет, нобюджет фондлари, тижорат банклари ва бошқа муассасалар билан муносабатлари 48
2.7. Корхоналардаги молия хизматининг функция ва вазифалари 51
III БОБ. АКЦИЯДОРЛИК ЖАМИЯТЛАРИДА ДИВИДЕНД СИЁСАТИНИНГ НАЗАРИЙ АСОСЛАРИ 58
3.1. Дивиденднинг иқтисодий моҳияти ва корхоналар молиявий муносабатларидаги ўрни 58
3.2. Дивиденд сиёсати – корхона молиявий сиёсатининг таркибий қисми сифатида 60
3.3. Дивиденд тўлаш муддатлари. Дивиденд тўланишини таъқиқловчи ҳолатлар. Дивиденд типлари. Дивиденд тўлаш босқичлари 67
3.4. Дивиденд тўлаш шакллари: пул шаклидаги дивидендлар, автоматик реинвестициялаш, акциялар орқали тўлаш, акцияларни майдалаш. Дивидендларни солиққа тортиш 77
IV БОБ. КОРХОНАЛАРДА МАҲСУЛОТ ИШЛАБ ЧИҚАРИШ ВА СОТИШ ҲАРАЖАТЛАРИ, УЛАРНИ РЕЖАЛАШТИРИШ ВА МОЛИЯЛАШТИРИШ 79
4.1. Корхоналарда маҳсулот ишлаб чиқариш ва сотиш харажатлари моҳияти 79
4.2. Корхоналарнинг асосий фаолияти бўйича маҳсулот ишлаб чиқариш ва сотиш харажатлари сметасини тузиш тартиби 86

4.3. Корхоналарнинг асосий фаолияти бўйича махсулот ишлаб чиқариш ва сотиш билан боғлиқ бўлган харажатларини режалаштириш ва молиялаштириш 90
4.4. Корхоналарда маҳсулот таннархини шакллантириш жараёнларини бошқариш ва кўрсаткичларини таҳлил қилиш 92
V БОБ. КОРХОНАДА ПУЛ ТУШУМИ, УНИ РЕЖАЛАШТИРИШ ВА ТАҚСИМЛАШ 96
5.1. Иқтисодиётнинг эркинлашуви шароитида корхоналар фаолиятида нархлар тизими, унинг таркиби ва нархнинг шаклланишига таъсир этувчи омиллар ... 96
5.2. Корхонада маҳсулот сотишдан тушган тушумни режалаштириш. Оддий ва иқтисодий ёки аналитик услуб 100
5.3. Маҳсулот сотишдан тушган тушумни тақсимлаш тартиби 109
VI БОБ. КОРХОНАЛАР ФОЙДАСИ, УНИНГ ТАҚСИМЛАНИШИ ВА ИШЛАТИЛИШИ 112
6.1. Корхоналар фойдасининг мазмуни ва моҳияти 112
6.2. Иқтисодиётнинг эркинлашуви шароитида корхоналар фойдасининг аҳамияти. Корхона ялпи ва соф фойдасининг моҳияти ва аҳамияти 117
6.3. Фойданинг тақсимланиши ва ишлатилиш тартиби 123
6.4. Корхоналар фойдасини шаклланишига таъсир этувчи омиллар ва уларни максималлаштириш 126
6.5. Корхоналар фойдасини башоратлаш асослари 127
VII БОБ. КОРХОНАЛАРДА ПУЛ МАБЛАҒЛАРИНИНГ ВАҚТ БЎЙИЧА ҚИЙМАТИ КОНЦЕПЦИЯСИ 133
7.1. Корхоналарда пул маблағларининг вақт бўйича қиймати концепциясининг мазмуни 133
7.2. Келгусидаги пул оқимларининг жорий вақтдаги қиймати. Бозор иқтисодиёти шароитида молиявий операциялар ўтказиш жараёнида вақт омили 134
7.3. Фоиз ҳисоблашда дисконтлаш ва ўсиб бориш методларининг қўлланилиши 136
7.4. Ўсиб бориш тушунчаси мазмун-моҳияти ва қўлланиш хусусиятлари 139
7.5. Дисконтлаш тушунчаси мазмун-моҳияти ва қўлланиш хусусиятлари 139
7.6. Оддий фоизлар бўйича ўсиб бориш қийматининг ҳисобланиши. Оддий фоизлар бўйича дисконтлаш 140
7.7. Мураккаб фоизлар. Мураккаб фоизлар бўйича дисконтлаш 146
VIII БОБ. КОРХОНАЛАРНИНГ ЎЗ КАПИТАЛИНИ БОШҚАРИШ 151
8.1. Корхона ўз капиталининг таркибий тузилиши, моҳияти ва корхона молиясини бошқаришдаги аҳамияти 151

8.2. Корхона ўз капиталини шакллантириш сиёсатининг асосий вазифалари ва ҳозирги замон муаммолари 156
8.3. Корхона эмиссия сиёсатининг долзарб вазифалари ва ҳозирги замон муаммолари 158
IX БОБ. КОРХОНАЛАРДА ХОРИЖИЙ КАПИТАЛНИ ЖАЛБ ЭТИШ 164
9.1. Корпоратив корхоналарга хорижий банк кредитларини жалб этиш 164
9.2. Кредит ноталари 173
9.3. Еврооблигацияларни муомалага чиқариш 174
9.4. Акцияларни очиқ обуна тартибида халқаро фонд биржаларида жойлаштириш 176
X БОБ. КОРХОНАЛАРДА КАПИТАЛ ТАРКИБИ ВА БАҲОСИ..... 182
10.1. Капитал таркиби ва баҳоси тушунчаси 182
10.2. Молиялаштиришнинг қарз манбалари (кредит, облигациялар) баҳосини аниқлаш ва унга таъсир этувчи омиллар 186
10.3. Молиялаштиришнинг ўз манбалари (оддий ва имтиёзли акциялар) баҳосини аниқлаш 189
XI БОБ. КОРХОНА МОЛИЯВИЙ АКТИВЛАРИНИ БОШҚАРИШ 193
11.1. Корхона молиявий инвестицияларининг зарурлиги, моҳияти ва шакллари. Корхона қимматли қоғозлари портфеллари ва инвестицион стратегияларининг турлари 193
11.2. Корхона фонд портфелининг диверсификацияси 197
11.3. Корхона фонд портфели самарадорлигини баҳолаш 201
11.4. Қимматли қоғозлар портфели мониторингининг мазмуни 204
11.5. Акционерлик жамияти қимматли қоғозлари инвестицион жалб этувчанлигини баҳолаш 207
11.6. Портфел инвестициялар билан боғлиқ рисклар ва уларни бошқариш усуллари 209
XII БОБ. КОРХОНАЛАР ФАОЛИЯТИДА РАҚАМЛАШТИРИШ 217
12.1. Корхоналар фаолиятини рақамлаштиришнинг мазмуни ва моҳияти 217
12.2. Корхоналарда рақамли трансформациялашнинг ўзига хос хусусиятлари 221
12.3. Рақамли молиявий хизматлар. Кибермуҳитни глобаллаштириш шароитида рақамлаштириш риски 224
ГЛОССАРИЙ 232
ТЕСТЛАР 238
ФОЙДАЛАНИЛГАН АДАБИЁТЛАР 261

Ж.Р. Зайналов, Н.А. Ибрагимов, З.О. Ахроров

КОРХОНАЛАР МОЛИЯСИ

Ўқув қўлланма

Ўқув қўлланма СамИСИ Кенгашининг 2023 йил 28 апрелдаги 9 - сон мажлисида муҳокама қилинган, чоп этишга ва ўқув жараёнида фойдаланишга тавсия этган.

“STAP-SEL” MChJ. Nashriyot - matbaa bo‘limi,
Samarqand - 2023

ISBN: 978-9943-9457-7-7

Tasdiqnona № 033337 (27.07.2022)

Bosishga ruxsat etildi: 16.05. 2023 y.
© “STAP-SEL” MChJ. Nashriyot - matbaa bo‘limi,
Samarqand 2023 y.

25.05.2023 yilda chop etildi.
Qog‘oz bichimi A5, 60x84$^{1}/_{16}$, Ofset qog‘ozi.
“Times New Roman” garniturasi.
Nashr bosma tabog`i 16,75
Buyurtma № 0030A/23. Adadi 100 nusxa

Samarqand iqtisodiyot va servis institutining
matbaa bo`limida chop etildi.
LICENSE № 025316.
REESTR № X-119112.
Manzil: Samarqand shahar, Shoxrux ko`chasi 60-uy.